

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

фактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича
Республика ўқув-методика Маркази

**Ф.Р. ҚОДИРОВА
Р.М. ҚОДИРОВА**

**БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта-махсус таълим
муассасалари учун дарслик

Тошкент
«Истиқдол»
2006

Муаллифлар:

Ф.Р.Қодирова, Р.М.Қодирова – педагогика фанлари номзодлари, доцентлари. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети, Педагогика-психология факультети.

Тақризчилар:

Р.А.Мавлянова – Педагогика фанлари доктори, профессор.

Р.Расулов – Филология фанлари доктори, профессор.

Х.С.Алиходжаева – Тошкент ш., Яккасарой тумани, 100-сонли МТМ мудираси.

Мазкур дарсликда кичик ва мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш методикасининг назарий асослари баён қилинган. Бунда Россияда, хорижий давлатларда ва Ўзбекистон Республикасида нутқни ривожлантириш методикасининг фан сифатида таркиб топиши тарихига асосий эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим муассасида она тилини ўргатиш ҳар хил иш турларида: бадиий адабиёт уқиши, атроф-оламдаги ҳодисалар билан танишиш, саводхонликка ўргатиш ва бошқа барча машғулотлар пайтида ҳамда улардан бўш вақтда амалга оширилади Бироқ она тилини ўрганиш, нутқни ривожлантиришга бағишиланган машғулотлар бу борада муҳим ўрин эгаллайди.

Кичик ва мактабгача ёшдаги болаларга она тилига ўргатиш ҳамда уларнинг нутқини ривожлантириш машғулотларини тўғри ўюштириш учун педагог бу ишни амалга ошириш усуллари, воситалари ва йўлларини пухта эгаллаган бўлиши керак.

Ушбу дарсликда болаларга тил ўргатиш ва улар нутқини ривожлантириш тизимиға ялпи ёндашув қўлланилган бўлиб, бу нутқий ривожланишнинг турли жиҳатлари – фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини қамраб олади ва шу аснода бола нутқини ўстириш тизими очиб берилади.

МУАЛЛИФЛАРДАН

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий таркибий қисмларидан бири – шахсdir, у айни пайтда кадрлар тайёрлаш тизими, таълим хизматларининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчисининг бош субъекти ҳамда объекти ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири мустақил Ўзбекистондаги ўсиб келаётган ёш авлодларнинг тил маданияти ва мулоқот маданиятини тарбиялашдан иборат. Болалар шахсини шакллантиришнинг энг муҳим компоненти ҳисобланувчи ушбу иш она тили – давлат тили билан бир қаторда бошқа тиллар, айниқса жаҳон тилларига ҳам тенг даражада тааллуқлидир.

Бу жараёнда мактабгача таълим дастлабки бўғин ҳисобланади. Болаларнинг она тилида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳалқ маънавий бойлигини мерос қилиб олишлари, тарбияланувчиларнинг келгусида ўз замонасининг илмий ютуқларини ўзлаштира олишлари, уларнинг инсониятнинг илфор ахлоқий ва эстетик идеалларига қанчалик содиқ бўлиб вояга етишлари бевосита тарбиячига боғлиқлидир.

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар тарбиячисининг болаларга она тилини ўргата олиш қобилияти унинг юқори маҳоратини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Болага табиат ато этган барча ақлий қобилиятлар унда она тилини ўрганиб олиш, айниқса уни илк ёшларда ўрганиб олиш туфайли кўзга ташланади ва ривожланади.

Болага она тилини ўргатишни касб сифатида эгаллаш учун бўлажак тарбиячи методика назариясини яхши ўзлаштириши ва замонавий таълим технологияларини эгаллаши зарур.

Методика назариясини билиш – мактабгача даврдаги барча ёш босқичларида она тилини ўзлаштириш қонуниятларини тушуниш демакдир.

Замонавий таълим технологияларини, яни ўқитиш технологиясини эгаллаш эса – у ёки бу лидактик моделнинг ҳаракат дастурини билиш демакдир.

Бўлажак тарбиячи нима учун ушбу усул болаларга фойда келтираётганлигини, нима учун бола завқ-шавқ билан яхши

Ўқиётганлигини англаса у ёки бу таълим усулини ўзлаштириб олади. Бу саволларга айнан методика назарияси жавоб беради, у тарбиячининг амалий фаолияти натижаларини олдиндан кўра олиш имконини беради.

Бўлажак тарбиячи учун методика назариясини ўзлаштириб олиш асосий вазифа ҳисобланади, чунки унинг билими унинг қандай маълумотга эгалиги ҳақида тушунча беради ва факат зиёли одамгина танлаган мутахассислигига юқори амалий натижаларга эришиши мумкин. Болаларга она тилини ўргатишга доир амалий вазифаларни ҳал этишда зарур маълумотга эгалик ҳамда тажрибалик – бу ўсиб келётган авлодга малакали даражада таълим ва тарбия бериш учун тарбиячи эгаллаши шарт бўлган профессионал сифатлардир.

МУНДАРИЖА

I. Нутқни ривожлантириш методикаси предмети ва унинг назарий асослари	8
• Нутқни ривожлантириш методикаси – мактабгача ёшдаги болаларда нутқни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганувчи фандир	8
• Нутқни ривожлантириш методикасига оид олий ўқув юрти курсининг вазифалари	8
• Нутқни ривожлантириш методикасининг назарий асослари Олий ўқув юртида нутқни ривожлантириш методикаси курси вазифалари	14
• Нутқни ривожлантириш методикасининг назарий асослари	18
II. Нутқни ривожлантириш методикасининг фан сифатида шаклланиш тарихи	27
• Шарқ ва Farb мутафаккирлари таълим ва тарбия ҳақида	27
• XVIII-XIX асрларда ўзбек олимлари, педагоглари ёзувчилари ўсib келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш ҳақида ..	34
III. Нутқни ривожлантириш методикасининг фан сифатида шаклла- ниш тарихи (Россия ва Ўзбекистоннинг услубчи олимлари)	46
• К.Д.Ушинский – болаларга биринчи навбатда она тилини ўқитиш асосчиси	46
• Е.Н.Водовозова, унинг болалар нутқини ривожлантириш методикасига қўшган ҳиссаси	48
• Собиқ Совет даврида нутқ методикасининг ривожланиши	49
IV. Нутқни ривожлантириш методикасини шаклланиши	56
• Нутқни ривожлантиришда таълимнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида	56
• Чет элда, Россияда ва Ўзбекистон Республикасида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга доир тадқиқотлар- нинг асосий йўналишлари.....	64
V. Мактабгача таълим муассасаларида нутқни ривожлантиришга доир ишлар тизими	80
• Болалар нутқини ривожлантириш соҳасида мактабгача таълим муассасаси фаолиятининг мақсад ва вазифалари	80
• Нутқни ривожлантириш дастурининг илмий асослари.....	97

• Барча ёш босқичларида болалар нутқини ривожлантиришга оид ишлар мазмуни ва шарт-шароитлари	101
VII. Нутқни ривожлантиришга доир ишлар воситалари ва методлари	115
• Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш дастурини амалга ошириш воситалари	115
• Мактабгача таълим муассасасида болалар нутқини ривожлантириш методи ва усуллари	120
• Тарбиячи нутқи	123
VIII. Илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш.....	131
• Нутқнинг тайёргарлик босқичларини ўз вақтида аниқлашда эмоционал мулоқотнинг аҳамияти	131
• Нутқни тушунишни ривожлантиришнинг асосий методик усуллари	135
• Нутқача бўлган ривожланиш босқичлари: гугулаш, чучулаш; уларнинг нутқ билан алоқаси. Овозни англашни ривожлантириш методикаси (0-1 ёш)	136
VIII. Равон нутқни ривожлантириш методикаси	149
• Равон нутқ тушунчаси, уни ривожлантириш	149
• Болаларга диалогик нутқни ўргатиш	154
XI. Болаларга монологик нутқни ўргатиш	163
• Илк ёш босқичларида монологик нутқни ўргатиш ишининг мазмуни ва унинг вазифалари	163
• Қайта айтиб бериш методикаси	167
• Ҳикоя қилиб беришни ўргатиш. Ҳикоялар турлари ва уларни ўргатишнинг изчиллиги. Ҳикоя тўқишини ўргатиш	172
X. Луғатни шакллантириш методикаси	181
• Луғат ишлари моҳияти, мазмуни ва вазифалари	181
• Луғат ишининг метод ва усуллари	187
• Болаларда луғатни шакллантиришга доир машғулотлар турлари	191
XI. Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	203
• Мактабгача ёшдаги болаларда она тилининг грамматик курилишини ўзлаштиришнинг лингвистик ва психофизиологик асослари	203
• Грамматик қурилишни шакллантиришга доир ишлар мазмуни ва вазифалари	215

• Барча ёш босқичларида сўз ўзгартиришни шакллантириш методи ва усуллари.....	219
XII. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш	231
• Нутқнинг товуш маданияти тушунчаси.....	231
• Нутқнинг товуш маданиятига доир ишлар бўлимлари	234
• Ҳар бир ёш босқичида нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш	245
XIII. Болаларни бадиий адабиёт билан таништириш	265
• Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда болалар бадиий адабиётининг аҳамияти.....	265
• Илк ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш.....	267
• Мактабгача ёшдаги кичик болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш	274
• Мактабгача катта ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш	279
Адабиётлар	289

I-МАВЗУ

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Нутқни ривожлантириш методикаси – предмети.

Нутқни ривожлантириш методикасига оид олий ўқув юрти курсининг вазифалари.

Нутқни ривожлантириш методикасининг назарий асослари.

Нутқни ривожлантириш методикаси – мактабгача ёшдаги болаларда нутқни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Илк ёшдаги ва мактабгача ёшдаги болалар тарбиячисининг болаларга уларнинг ўз она тилини ўргата олиш қобилияти унинг касбий тайёргарлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Болага табиат ато қилган барча ақлий қобилияtlар она тилини ўзлаштириш, айниқса уни мактабгача ёшда ўрганиб олиш туфайли юзага чиқади ҳамда ривожланади.

Болаларнинг она тилида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ маънавий бойликларини қанчалик мерос қилиб олишлари, тарбияланувчиларнинг келгусида ўз даврининг илмий ютуқларини ўзлаштира олишлари, уларнинг инсониятнинг илғор шерий ва эстетик идеалларига содиқлиги, яъни мустақил Ўзбекистонда демократик жамиятнинг тўлақонли қурувчилари бўла олишлари тарбиячига боғлиқдир.

Болаларга она тилини ўргатиш учун бўлажак тарбиячи нутқни ривожлантириш методикаси назариясини чукур ўрганиши ва ушбу соҳанинг фанга маълум бўлган методларини ўзлаштириши, боланинг она тилини ўзлаштириш қонуниятларини тушуниб етиши лозим.

Она тилини ўқитиш методикаси педагогик фаннинг бир тармоги ҳисобланади. Унда мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш методикаси ҳамда бошланғич ва ўрта мактабда ўзбек (рус) тилини ўқитиш методикаси ажратилган. Уларнинг ҳар бири ўз мақсади, вазифалари ва мазмунига эга.

Нутқни ривожлантириш методикаси – мактабгача ёшдаги болаларда нутқни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Методиканинг асосий вазифаси – илмий-педагогик асосда нутқни ривожлантиришнинг энг самарали воситалари, методлари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда болаларда зарур нутқий кўникмаларни муваффақиятли равиша ривожлантиришлари учун болалар боғчалари тарбиячиларини улар билан қороллантиришдан иборатdir.

Нутқни ривожлантириш методикасининг асосий мазмуни – болаларда оғзаки нутқни, унинг атрофдагилар билан нутқий мулоқоти кўникмаларини шакллантиришdir. Нутқни ривожлантириш методикаси қўйидаги асосий саволларга жавоб топиш имконини беради: нимани ўқитиш (болаларда қандай нутқий кўникмани тарбиялаш), қандай ўқитиш (болалар нутқини шакллантиришда қандай шароитларда қайси метод ва усуллардан фойдаланиш лозим), нега айнан шундай ўқитиш зарур (нутқни ривожлантиришнинг таклиф этилаётган усуллари назария ва амалиётнинг қайси маълумотларига асосланмоқда).

Нутқни ривожлантириш методикаси назариясида болаларга она тилини ўргатишнинг объектив хусусиятлари акс эттирилган, нутқни ривожлантириши методикаси соҳасида Ўзбекистон Республикасида ва хорижда яратилган ва ҳозирда мавжуд бўлган барча ижобий натижалар умумлаштирилган.

Нутқни ривожлантириш методикаси назарияси методик амалиёт билан биргаликда ривожланмоқда. Айрим методик қоидаларнинг яшовчанлиги амалиётда текшириб кўрилмоқда, амалиётнинг ўзи фан олдига ҳали ўз ечимини топмаган муҳим масалаларни қўймоқда.

Методик назарияни билмайдиган тарбиячи фақат ўз фаразларидан келиб чиқиб ёки бошқаларнинг тажрибаларидан нусха кўчирган ҳолда болаларни кўр-кўrona тарбиялайди. У кўп нарсани назардан қочиради, чунки ранг-баранг методлар ва усулларни билмайди.

Нутқни ривожлантириш методикаси мактабгача таълимдаги бошқа хусусий методикалар билан узвий боғлиқ бўлади, чунки нутқ – бола шахсини тўла-тўқис ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Атрофдагилар нутқини тушуниш ва боланинг ўз фаол нутқи ҳар қандай педагогик жараёнда зарур. Нутқ боланинг бутун фаолиятида унга йўлдош бўлади.

Е.И.Тихееванинг кўrsatiшича: «Она тили, уни ҳеч қандай тўсиқсиз ва ҳар тамонлама ривожлантириш тарбиянинг

асосини ташкил этмоғи лозим». Нутқни ўз вақтида әгаллаш болада тұлақонли психика пайдо бўлиши ҳамда уни кейинчалик тұғри ривожлантиришнинг энг муҳим ва биринчи шартидир. Ўз вақтида дегани – демакки, бола туғилганидан кейинги дастлабки кунларда бошланадиган, тұлақонли дегани – тил материали бўйича етарли бўлган ва боланинг ҳар бир ёш босқичида ўз имкониятларини тұлық ишга солган ҳолда нутқни әгаллашга ундовчи машғулотлар демакдир.

Дастлабки ёш босқичларида бола нутқини ривожлантиришга эътибор бериш шунинг учун ҳам муҳимки, ушбу даврда бола мияси жадал суръатда ўсиб боради ва унинг вазифалари шаклланади. Физиологларга маълумки, марказий асаб тизими вазифаларини айнан уларнинг табиий шаклланиш даврида осонгина машқ қилдириш мумкин. Машқларсиз ушбу вазифаларнинг ривожланиши секинлашади ва ҳатто умуман тұхтаб ҳам қолиши мумкин.

«Нутқ учун ривожланишнинг бундай «ҳал қилувчи» даври бола ҳаётининг дастлабки уч йили ҳисобланади: бу муддатта келиб мия нутқий соҳаларининг анатомик ўсиб етилиши асосан ниҳоясига етади, бола она тилининг асосий грамматик шаклларини ўзлаштириб олади, катта сүз захираси шаклланади. Агарда дастлабки уч йилда кичкіндей нутқига етарлича эътибор берилмаган бўлса, бу ҳолда келгусида унинг ўрнини тұлдириш учун жуда кўп меҳнат қилишга тұғри келади»¹.

Нутқни ривожлантириш методикаси бошқа ҳар қандай педагогика фани сифатида ижтимоий фанлар сирасига киради. Тил ва фикрлаш ҳақидаги таълимотлар унинг методологик асоси ҳисобланади.

Худди тил каби инсоннинг биргаликдаги меҳнат фаолияти мобайннда пайдо бўладиган ва ривожланадиган фикрлаш уни ўраб турган борлиқ акси ҳисобланади. Тилнинг фикрлаш билан мустаҳкам узвий боғлиқлиги кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, фикр алмашиш ва биргаликда ҳаракат қилиш зарурати туфайли юз беради. Гарчи тил ва фикрлаш бир-бирисиз мавжуд бўлолмаса-да, улар айнан бир ҳодисага тааллуқли эмас.

¹ Кольцова М.М. Ребёнок учится говорить. М., 1973, 5-бет.

Фикрлаш – объектиб борлық акси, тил эса – фикрни ифодалаш, мустаҳкамлаш ва уни бошқа кишиларга етказиш усули ҳисобланади. Сүз ва түшүнчә диалектик жиҳатдан үзаро бир-бириға боғлиқдир.

Тил билан фикрлашнинг үзаро узвий боғлиқлиги ҳақидаги қоида болаларга она тилини ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш, тәълим ва тарбия ишларининг үзаро боғлиқ бўлиши ҳақидаги талабни асослаш учун ҳал құлувчи аҳамиятга эгадир.

Интеллект, яъни ташқи дунёни хотира, тасаввур, ҳаёл, фикрлаш шунингдек нутқ ёрдамида англаш қобилияти – бу инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи муҳим хусусиятлардир. Ва интеллект ҳам, нутқ ҳам инсонда илк болалик ёшида пайдо бўлади ҳамда у ўсмирларда ва ёшларда фақатгина уларнинг организми ривожланаётгани учун эмас, балки улар нутқни ҳам үзлаштириб олган тақдирдагина жадал такомиллашиб боради.

Агарда бола атрофидаги катталар уни бешикдан бошлаб түғри сўзлашга ўргатсалар, бу ҳолда бундай бола интеллектуал жиҳатдан нормал ривожланиди: унда тасаввур қилиш, сўнгра фикрлаш ва ҳаёл суриш қобилияти пайдо бўлади; ҳар бир ёш босқичда бу қобилият такомиллашиб боради. Бола интеллектининг ривожланиши билан бир вақтда унинг эмоционал-ирода соҳаси ҳам такомиллашиб боради.

Нутқни ривожлантириш методикаси ҳар қандай ривожланишнинг умумий шакллари, томонлари ва үзаро боғлиқлигини акс эттирадиган диалектика қонунлари ва тоифаларига таянади.

Тил – тарихий ва ўзгарувчан ҳодиса. Ҳар бир ҳалқ, миллат, элат ва одамлар қабиласи ўз тилига эгадир. Ҳар бир ҳалқнинг тилида мазкур жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёни, унинг турмуш шароити, ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, ижтимоий-мехнат фаолиятидаги янги кашфиётлар ва эришилган натижалари акс этган.

Ҳар бир тил ўзининг асосий қисмларига эга – бу луғат бойлиги (лексика), товуш тизими (фонетика) ва грамматик тузилиши (грамматика)дир.

Луғат бойлиги (лексика) гүё ўзида бизнинг атроф-олам ҳақида, бир одамнинг психик ҳаёти ҳақидаги турли хил билимларимизни сақлади. Сўздаги асосий нарса – унинг мазмуни ва семантик таркибидир. Лексика тилнинг қурилиш материали, унинг мазмун томони ҳисобланади. Тил қанчалик ривожланган бўлса, унинг луғат таркиби ҳам шунчалик бой

бўлади. Ҳар бир тилдаги қўп сонли сўзлар ичидан тилнинг асосий луғат жамғармасини ташкил қиласидиган асосий ўзак сўзларнинг муайян гуруҳини ажратиш мумкин. Тилнинг луғат жамғармаси – бу лексиканинг жуда барқарор, асрлардан буён яшаб келаётган қисми бўлиб, у барча ёки деярли барча янги сўзлар ва сўз бирикмаларининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

Товуш тизими лексика ва грамматика билан узвий боғлиқдир. Жаранглётган нутқ ёрдамида инсон бошқа кишилар билан мулоқотда бўлади ҳамда ўз фикрлари ва хистайғуларини ифода қиласиди. Бир тил фонетикаси одатда, бошқа тил фонетикасига ўхшашиб эмас, яъни жаранглётган нутқ гўё бир тилни бошқасидан узоқлаштиради. Бир тил доирасида талаффуз меъёрлари ягона бўлади (шевалар адабий тилдан катта бўлиб, улар ундан фарқ қиласидилар).

Тилнинг грамматик қурилиши гапда сўзлар ва сўз бирикмаларини ўзгартиришга оид қонунлар ҳамда қоидаларнинг умумийлиги ҳисобланади. Грамматика ёрдамида гапдаги сўзлар жойлаштирилади ва бир-бирлари билан қўшиладилар. Сўзлар фақат гаплар орқалигина мулоқот воситасига айланадилар. Гапдан ташқарида ҳар қандай сўз, хоҳ у она тилидаги, хоҳ чет тилидаги сўз бўлсин, муайян маънога эга бўлмайди. Шунинг учун тилни ўрганишда унинг грамматик тузилишини ўзлаштириш улкан аҳамият касб этади. Болаларга таълим беришда орфоэпия, грамматика ва лексиканинг замонавий меъёрларини ҳисобга олиш зарур.

Нутқни ривожлантириш методикаси психолингвистиканинг асосий қоидалари асосида қурилади. Унинг «тил инсон фаолиятининг барча соҳаларида мулоқот воситаси бўлиб хизмат қиласиди» деган асосий қоидаси нутқни ривожлантириш методикасида дастуриламал бўлиб ҳисобланади. Щу боис нутқни ривожлантириш методикаси тарбиячини мулоқот воситаси сифатида болалар нутқини ривожлантиришга оид билимлар ва қобилиятлар билан қуроллантиришга қаратилгандир.

Тилнинг асосини она тилининг лексикаси, товуш тизими ва грамматик тузилиши ташкил қиласиди. Мактабгача таълим муассасасининг нутқни ривожлантиришга доир дастури лингвистикада эришилган ютуқлар асосида ишлаб чиқилди ва у болалар луғатини бойитиш, она тилининг фонетик жиҳатларини, грамматик қурилишини ривожлантиришни кўзда тутади. Болаларнинг турли нутқий қобилиятларини

шакллантиришда уларга ўзларининг она тили бўлмиш ўзбек тили ўқитилади, яъни улар ўзбек лексикаси, ўзбек тилининг ўзига хос фонетикаси ва ўзбек тили грамматикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганадилар.

Болаларга она тилини ўқитишда профессионал маҳоратга эга бўлиш учун педагог нутқни ривожлантириш методикаси назариясини чукур ўрганиши, ушбу ривожланишнинг илмий усусларини ўзлаштириши ҳамда боланинг нутқини ўзлаштириш қонуниятларини билиши шарт.

ХУЛОСАЛАР:

- Нутқни ривожлантириш методикаси – мактабгача таълим муассасасидаги мактабгача ёшдаги болаларда нутқни шакллантиришга қаратилган педагогик фаолият қонуниятларини ўрганувчи педагогик фандир.
- Методиканинг асосий вазифаси – илмий-педагогик асосда нутқни ривожлантиришнинг энг самарали воситалари, методлари ва усусларини ишлаб чиқиши, улар билан мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини куроллантиришдан иборатdir.
- Методиканинг асосий мазмуни – болаларда оғзаки нутқни, атрофдагилар билан нутқий мулоқот қўникмаларини шакллантиришдан иборат.
- Нутқни ривожлантириш методикаси куйидаги саволларга жавоб беради: нимани ўргатиш лозим (болаларда қандай нутқий қобилиятларни тарбиялаш лозим), қандай ўқитиш зарур (болалар нутқини шакллантиришда қайси методлар ва усусларни кўллаш лозим, уларни қандай шароитларда кўллаш зарур), нега энди айнан шундай ўқитиш керак (таклиф этилаётган усуслар назария ва амалиётнинг қайси маълумотлари билан асосланмоқда).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- «Нутқни ривожлантириш назарияси ва методикаси» педагогик фани нимани ўрганади? Мазкур методиканинг асосий вазифасини айтиб беринг.
- Нутқни ривожлантириш методикаси қайси алоҳида методикалар билан алоқада бўлади? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар билан асослаб беринг.
- Нутқни ривожлантириш методикасининг услубий асосини айтинг. Ўз жавобингизни аниқ мисолларда асослаб беринг.

- Болада қайси психологияк сифатларни ривожлантириш нутққа ёрдам беради? Уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига ўзаро таъсирини айтиб беринг?
- Ўрганилаётган тилнинг асосий бўлимларини айтинг. Уларнинг мазмуни, вазифаси нималардан иборат?
- Нутқни ривожлантириш методикасининг асосий вазифасини илмий асослаб беринг.

Олий ўкув юртида нутқни ривожлантириш методикаси курси вазифалари

Нутқни ривожлантириш – боланинг якка тартибдаги психологик ривожланишида марказий ўрин тутадиган ижтимоий – тарихий тажрибани ўзлаштиришдаги ўта мураккаб қўп омилли жараёндир. Бу ижодий жараён, аммо у педагогик раҳбарликни талаб этувчи тасодифий жараён эмас. Болалар нутқини ривожлантиришга доир ишларни ўзида болаларга нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантирган, яхши назарий ҳамда амалий тажрибага эга бўлган мутахассис ташкил қилиши ва амалга ошириши лозим.

«Нутқни ривожлантириш назарияси ва методикаси» курсининг мақсади – битиurvчиларни мактабгача ёшдаги болаларда оғзаки нутқни шакллантиришга доир фаолиятга тайёрлаш ҳамда касбий таълимни иккинчи босқич – магистратурада давом этириш учун замин яратишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади:

- Турли ёш босқичларида бўлган мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш хусусиятларини кўра олиш ва тушуниш қобилиятини шакллантириш;
- Нафақат бола ёшини, балки унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда унинг нутқига таъсир қўрсатиш ва у билан ҳамкорлик қилишнинг энг самарали йўлини тўғри танлашни ўргатиш ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- Болалар нутқининг турли қирраларини ривожлантиришнинг аниқ методлари ва усулларига доир билимлар ҳамда уларни дидактик нутқий мулоқот вазиятларида қўллаш ўзлаштирилишини таъминлаш;
- Ўқув-методик қўлланмаларни танқидий таҳлил қилишга таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болалар нутқига таъсир

кўрсатиш борасида ўзининг оригинал усуслари ва йўлларини яратишга интилишни рагбатлантириши.

Курсни ўрганиш жараёнида талабалар болалар нутқини ривожлантириш методикасининг назарий асослари, болаларга она тилини ўқитишнинг психолингвистик, лингводидактик асослари каби тушунчаларни ўзлаштиришлари даркор:

- Замонавий ўзбек тилини (ўзбек, рус тили ва бошқ.), илк ва мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш хусусиятлари, она тилини ўқитишнинг психолингвистик, лингводидактик асосларини билиш асосида уларни амалиётда кўллаш методикаси асосларини ўзлаштириш;

- Ўқишида ва нутқда мантиқий ҳамда эмоционал-образли ифодалиликни ўрганиш қобилияти ва кўникмаларини эгаллаш; бадиий асарни таҳлил қила олиш ва уни ижро этишини билиш; болаларда лугат бойлигини ривожлантириш, талаффуз кўникмаларини, грамматик жиҳатдан тўғри нутқни шакллантириш мақсадида уларнинг нутқий фаолиятини йўлга кўйиш ҳамда болаларнинг бир-бирлари билан ҳамда бошқа шахслар билан мулоқотларини ташкил этиш кўникмаларини ўзлаштириши.

Нутқни ривожлантириш методикасини ўқитиш замонавий она тили (ўзбек, рус тиллари ва бошқ.) курсларига, адабиётшунослик асосларини ўзида жамлаган болалар адабиётига, умумий, болалар ва педагогик психологияга, умумий ва мактабгача ёшдаги болалар педагогикасига таянади.

Курсни ўқитиш сўнгти йиллардаги илмий тадқиқотлар якунлари, турли ўқув муассасаларида дарс бериши тажрибаларини умумлаштириш ва муаллифларнинг синон ишлари натижалари асосида ташкил этилади.

Курснинг мазмуни ва уни амалга оширишнинг етакчи фоялари сифатида қуидагилар чиқадилар:

- Боланинг қадр-қимматини ва унинг ўзига хослигини тушуниш, бола нутқини «яқин ривожланиш ҳудуди»га қараб ўстиришни кўзда тутган ҳолда ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш;

- Педагогик мулоқотнинг бола билан эмоционал алоқа ўрнатишга, у билан диалогик ҳамкорлик қилишга йўналтирилганлиги;

- Мактабгача ёшдаги болаларга нутқни маҳсус ўргатиш асосининг коммуникатив ёндашув ташкил этиши лозим бўлган

нүтқий фаолият тузилмаси доирасида амалга оширилаётган ижодий жараён сифатидаги аҳамиятини тан олиш.

Курсни ўзлаштириш учта компонент: мотивация, назарий ва амалий тайёргарлик умумийлиги сифатида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга доир ишларга касбий тайёргарлик шаклланишини таъминлади.

Нутқни ривожлантиришга оид ишларга касбий тайёргарлик шаклланганлиги мезони сифатила қўйидагилар чиқадилар:

- Нутқни ривожлантириш курсини ўрганиш ва болалар билан ишлашга масъулият билан ёндашиш;

- Болалар нутқини ривожлантириш механизми ва хусусиятлари, нутқий фаолиятнинг назарий асослари, якка тартибда нутқий ривожланишни диагностика қилиш тамойиллари ва методикаси, нутқнинг турли қирраларини ривожлантириш методлари ва воситаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги билимларнинг тўлиқлиги ва изчиллиги;

- Болаларнинг нутқий мулоқоти натижаларини мос равишда таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, бола нутқига педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул тизимини танлаш ва қўллашга қодирлик.

Мақсад ва вазифалар курсни қўйидаги тарзда тузган ҳолда амалга оширилади: биринчи тўрт жилдда методиканинг назарий асослари кўриб чиқилган, унинг илмий фан сифатидаги ўзига хослиги кўрсатилган, олий ўқув юрти курси вазифалари, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга оид ишларга касбий тайёргарлик тушунчаси моҳияти, нутқ, нутқий фаолият онтогенези ҳақидаги замонавий тасаввурлар, шунингдек ҳозирги босқичда методиканинг фан ва унинг долзарб муаммолари сифатидаги қисқача тарихи, мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини ривожлантиришга доир ишларнинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва шакли хусусиятлари очиб берилган. Мактабгача ёшдаги болалар билан мулоқот ўрнатишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш ҳамда болалар нутқини ривожлантириш учун улар билан мулоқотни тўғри ташкил этиш аҳамиятини асослашга алоҳида ўрин берилган.

Сўнгра методик мавзуларга ўтилади. Уларда болалар нутқининг тил элементларини турли ёиу босқичларида

ўзлаштириш сифатидаги ўзига хосликларини тавсифлашга жиддий эътибор берилган. Методик мавзулар ва уларнинг изчиллиги психологик жараён сифатида мулоқотни юзага келтирувчи нутқнинг (равон нутқ шаклида) болада яхлит бир ҳолат сифатида (лугат, грамматик қурилиш, товуш тизими) ривожланиши билан боғлиқдир. Илк ёшда кейинги босқичларда нутқни ривожлантириш учун пойдевор яратилади, шу сабабли илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш бошқа методик мавзулардан олдин кўриб чиқилади.

Нутқни шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлган бадиий адабиёт бола нутқини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Болаларнинг ушбу санъат турини қабул қилишидаги ўзига хосликлар, мактабгача таълим муассасасида китоб ёрдамида амалга ошириладиган ишлар мазмуни ва методикаси тегишли мавзууда очиб берилади.

Мактабгача таълим муассасасида болалар нутқини ривожлантиришга оид ишлар тизими доирасида саводхонликка ўргатиш масалалари мактабгача ёшдаги болалар томонидан нутқни тушунишнинг психологик жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлган ишларнинг ўзига хос мазмун ва методикага эгалиги боис дастурнинг алоҳида бўлимидан жой олган.

Курсни ўрганишда «Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўрганиш методикаси»га сезиларли ўрин берилган. Талабалар болалар нутқининг ривожланганлигини диагностика қилиш асослари билан танишадилар ва лаборатория-тадқиқот амалиётини бажариш жараёнида бундай иш кўнимасига эга бўладилар.

Сўнгти икки мавзу мактабгача таълим муассасаларида ва оиласда болалар нутқини ривожлантиришга оид ишларни ташкил қилиш ҳамда унга методик раҳбарлик қилиш масалаларига бағищланган.

Нутқни ривожлантириш методикаси курсини ўқитиш уни назарий, амалий, лаборатория машгулотлари, ўқув ва илмий-назарий конференциялар билан биргалиқда кўшиб олиб боришни кўзда тутади.

ХУЛОСАЛАР:

- Нутқни ривожлантириш – боланинг якка тартибдаги психологик жараёнида марказий ўринни эгалловчи ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштиришига доир мураккаб қўймийдир жараёндир.

922075

- Болалар нутқини ривожлантиришга доир ишларни ўзида болаларга нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантирган, яхши назарий ҳамда амалий тажрибага эга бўлган мутахассис ташкил қилиши ва амалга ошириши лозим.

- «Нутқни ривожлантириш назарияси ва методикаси» фанини ўрганиш жараёнида талабалар болалар нутқини ривожлантириш методикасининг назарий асослари, болаларга она тилини ўқитишнинг психолингвистик, лингводидактик асослари каби тушунчаларни ўзлаштиришлари даркор;

- Курсни ўзлаштириш учта компонент: мотивация, назарий ва амалий тайёрлик умумийлиги сифатида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга доир ишларга касбий тайёргарлик шаклланишини таъминлайди.

- Нутқни ривожлантириш методикаси курсини ўқитиш уни назарий, амалий, лаборатория машғулотлари, ўқув ва илмий-назарий конференциялар билан биргаликда қўшиб олиб боришини кўзда тутади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- «Нутқни ривожлантириш назарияси ва методикаси» курсининг мақсадини таърифлаб беринг.

- Курс номини айтинг.

- Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси бўйича бўлажак бакалавр Қандай тушунчалар, билимлар, қобилият ва қўникмаларни эгаллаши зарур?

- Бакалаврнинг болаларга она тилини ривожлантириш ишларига касбий жиҳатдан тайёрлигини белгиловчи компонентлар ва мезонларни айтиб беринг.

Нутқни ривожлантириш методикасининг назарий асослари

Тил ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, биз унга ўз-үзидан бўлиши шарт бўлган нарса сифатида қараймиз. Тилнинг ўзи нима, биз унда қандай сўзлаяпмиз, биз қандай қилиб сўзлашни ўрганишимиз ҳақила эса унчалик кўп ўйлаб ҳам ўтирумаймиз. Ҳаммага яхши маълумки, тилни ўрганувчи маҳсус фан мавжуд бўлиб, унинг номи – лингвистикадир.

Ушбу фан жадал ривожланаётгани ва шак-шубҳасиз бу борада сезиларли ютуқларга эришганига қарамасдан ҳозирги пайтда шу равшанки, биз инсоний хусусиятларнинг энг «инсонийси» бўлган ва усиз инсоннинг жамият аъзоси сифатида мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган тил ҳақида жуда кам билар эканмиз.

Савол туғилади: ҳозирда инсоният олдида зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар турган бир пайтда тилни тадқиқ қилиш шунчалик зарурми? Тил сир-асрорларини ўрганиш учун куч-файрат ва маблағ сарфлаш ўринлими? Кўпинча лингвистика – иккинчи даражали фандир ва ҳозир инсоният учун бошқа фанларни, яъни физика, кимё, астрономия, тиббиёт каби фанларни ривожлантириш муҳимроқдир, деган фикрларни эшитиш мумкин.

Гарчи биз бошқа фанларни ривожлантиришнинг муҳимлиги ҳақида сўз бошлаган эканмиз, тил табиий фанлар ривожига бирон-бир таъсир кўрсата оладими, деган саволга жавоб берайлик. Ҳозирда тил ва назария замонавий фанларга оид методологик муаммоларнинг марказидан жой олган, чунки «умумлаштирилган билимлар тизимидан иборат бўлган ва билимни уюштирувчи бошлангич босқич сифатида чиқадиган назария тилда шаклланади, бу эса билиш жараёнида тилга алоҳида ўрин беради ва шу билан тил ҳақидаги фан олдида янги илмий уфқларни очади, уни ўзининг гуманитар моҳияти ҳақида орзу-хаёлларга берилган ҳолда доимо тинч-осуда ва жимгина ўтирадиган бурчагидан чиқишига мажбур қиласди»¹.

Илмий баён қилиш тили мазкур фан даражаларининг мезонларидан бирига айланади. Таниқли физик В. Гейзенберг шундай қайд этган эди: «Физик учун оддий тилда баён қилиш имконияти тегишли соҳада қанчалик тушуна олиш босқичига эришилганлиги мезонларидан бири ҳисобланади»².

Илмий-техник тараққиётнинг жиҳатларидан бири фанни оммалаштириш, кенг аҳоли қатламларини илмий ютуқлар билан таништиришдан иборатdir. Ушбу ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан илмий маълумотларнинг қандай баён қилиниши, уларнинг ушбу тил ифодасида кишиларга қанчалик тушунарли бўлишига боғлиқ бўлади. Ва биз бу ўринда тил муаммоларига дуч келамиз.

¹ Звегинцев А.В. Язык и лингвистическая теория. М., 1973, 3-бет.

² Гейзенберг В. Физика и философия. М., 1963, 141-бет.

Табиий фанларнинг инсоният тараққиётида, бизнинг кундалик ҳаётимизда эгаллаган улкан ўрнини ҳеч бир камситмаган ҳолда шуни унугмаслик лозимки, барibir табиатнинг энг қизиқ, мураккаб ва ҳозирча ўрганилмаган ҳодисаси – бу инсоннинг ўзидир. Шунинг учун сўнгги пайтда инсонни ўрганувчи фанларга, энг аввало психологияяга катта аҳамият берилмоқда.

«Лингвистика» сўзи кўпинча «грамматика» сўзи билан, тилни ўрганиш эса – суффикслар, кўшимчалар, турлар қоидалари ва ҳоказоларни ўрганиш билан бир хил маънода қабул қилинади.

Албатта, бу ундай эмас. Замонавий лингвистика ҳаддан ташқари кўп қиррали фан бўлиб, унинг айrim бўлимлари психология билан қўшилиб кетади. Лингвистлар ҳозирда тилга нисбатан бошқача қарашларни ривожлантирум оқдалар: эндилиқда тилга нафақат қотиб қолган кўп сонли сўзлар ва уларни кўллаш қоидалари сифатида, нафақат ўтиб бораётган вақт мобайнида тарихан ривожланиб келаётган тизим сифатида, балки инсоннинг алоҳида бир фаолияти сифатида қаралмоқда.

Биз «тил» сўзини қўллаганимизда икки нарсани – тил ва нутқни назарда тутамиз. Бу фарқлашларни лингвистика фанига биринчи бўлиб швейцариялик олим Фердинанд де Соссюр киритди ва у тилни нутққа қарши қўйди, бу лингвистика фанининг кейинги ривожи учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди, чунки «биз тил ва нутқни ажратиш орқали ижтимоиятни индивидуалликдан ажратамиз»¹. Бошқача қилиб айтганда, бу алоҳида бир одам томонидан алоҳида ҳолатда амалга ошириш билан бирон-бир тилда сўзлаётган барча одамлар томонидан биргаликда амалга ошириш ўртасидаги фарқлашдир.

Биз учун бу фарқлашлар жуда муҳимдир, чунки биз тил ҳақида ҳам (бola нутқи тилдан ташқаридаги тизим билан белгиланган) ва нутқ ҳақида ҳам (бola нутқий фаолиятни, яъни тил тизимининг мавжуд бўлиш қоидалари ва усуслари) сўз юритамиз. Ўтган давр мобайнида бошқача тушунчалар тизимини жорий этишга бир неча бор ҳаракат қилинган. Булардан бири совет даврининг таниқли тилшуноси Л.В.Щербага тегишилдири. У нутқий ўюшишни (индивиднинг

¹ Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. М., 1933. 38-бет.

психофизиологик уюшуви), тил тизимини («барчалар асосида» чиқариладиган қоидаларни умумлаштириш) назарияда («муайян даврда у ёки бу ижтимоий гуруҳ ҳётида рўй берган сўзлаш ва тушуниш ҳодисалари»¹) ҳамда тил материалини (нутқий фаолиятни) ажратди. Сўнгги ҳолатни Л.В.Щерба «сўзлаш ва тушуниш ҳодисаларининг умумийлиги» деб атайди. Л.В.Щербанинг ушбу уч аъзоли тизими совет даври лингвисти А.А.Леонтьев томонидан такомиллаштирилган.

А.А.Леонтьев «тилга қобилият»ни – тил тизимининг ушбу тилда сўзлаётган инсон онгида акс этишини, «тил жараёни»ни, яъни тилга қобилиятни амалга ошириш воситаси бўлган нутқнинг ўзини, ва «тил стандарти»ни – тилни индивиддан ташқарида мавжуд бўладиган тизим сифатида ажратган².

Шундай қилиб, у томонидан тил ва нутқни фарқлашдан ташқари одам онгида мавжуд бўлган ҳамда унга тилдан фойдаланиш, сўзлаш ва айтилган сўзларни тушуниш (тилга қобилият) имконини берувчи бир нарсани ҳам ажратиб кўрсатган. Бу – нутқий фаолиятни таъминлаш механизмиdir.

Одатда нутқий фаолият тўртга ажратилади: ўқиш, ёзиш, тинглаш, сўзлаш. Улар ўзаро жуфт ҳолатда боғланади ва тил тизимини амалга оширишнинг икки шакли – оғзаки ва ёзма шакли орқали белгиланади.

Тилдан фойдаланиш инсоннинг психологик фаолияти билан мос равишда уйғуналашади. Тил унинг фаолиятига «қўшимча» эмас.

Тил энг бевосита тарзда фикрлаш билан боғлиқdir. Аслида тилнинг ўзи фикрлаш қуролидир. Фикрлаш жараёни доимо тилда кузатиб борилади, аммо унинг натижаси тил шаклига ўтказилиши ва шу туфайли келгуси авлодларга етиб бориши мумкин.

Тил ақлий фаолиятни режалаштириш имконини беради. Режалаштириш жараёнида тилнинг яна бир муҳим вазифаси – инсоннинг хулқ-авторини бошқариш вазифаси пайдо бўлади. Тил инсониятнинг ўтмиши мобайнидаги бутун тажрибасини тўплаш ва бир жойга жамлаш, инсонни ушбу тажриба натижасида ишлаб чиқилган меъёрларга бўйсундиришга ёрдам

¹ Щерба Л.В. О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкоznании. Языковая система и речевая деятельность. Л., 364.

² Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. М., 1965.

беради. Биз ўз ўтмишимизда, бугунги күнимизда күрган, ва ҳаттоқи келгусида кўришимиз мумкин бўлган нарсаларнинг барчаси бизга тил орқали келади. Инсоннинг хулқ-авторини бошқарадиган нарсаларнинг барчасига, жумладан дунёқарааш, ахлоқий ва эстетик идеаллар, маданий меъёрларга тил ва нутқий мулоқот орқали эришилади.

Инсон бутун ҳаёти мобайнида борлиқни англаш жараённида иштирок этади. Билишга бўлган эҳтиёж кўп жиҳатдан тил орқали қондирилади.

Бола атрофни ўраб турган борлиқни қабул қилиш ва англаш учун тарқоқ предметлардан фойдалана олмайди, у аҳамиятга молик жиҳатларни (кублар, машиналар ва ҳ.к.) ажратиб кўрсатган ҳолда обьектлар, тоифаларни бирлаштира бошлайди ва охир-оқибатда белгиларни умумлаштириш натижасида сўз билан ифодаланадиган тушунчалар пайдо бўлади. Бирон-бир тушунчанинг, хоҳ у майший булсин, хоҳ илмий бўлсин, унинг сўз қобигисиз яшави қийин. Шу туфайли биз ўз билимларимизни тилимизда қайд этишимиз, уларни бошқа одамларга етказишмиз ва тил орқали янги билимларга эга бўлишимиз мумкин. Америкалик олим Ч. Пирс шундай қайд этади, «тил шундай бир нарсаки, биз уни билиш орқали янада кўпроқ нарсаларни билиб оламиз». Шундай қилиб, тилнинг бошқа яна бир муҳим вазифаси кўзга ташланмоқда, яъни: тил инсоннинг билиш қурулидир.

Инсоннинг яна бир ўзига хос хусусияти, ўзига хос инсоний эҳтиёжи мавжуд, бу – бошқа одамлар билан мулоқотга эҳтиёжмандлик, «эмоционал мулоқотга эҳтиёжмандлик»дир (К.Обуховский). Айнан шу эҳтиёж туфайли дастлаб тил пайдо бўлган. Мулоқотга эҳтиёжмандлик доимо тилни эталлашга олиб келади. Боланинг сўзлашни ўрганишининг сабаби шуки, унга катталар билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этишга тўғри келади, бунинг учун эса боланинг унга нималар дейишаётганини тушуниши ва ўзи ҳам сўзлаши лозим. Бу ўринда «тилнинг уч сифати» (тажрибани жамлаш ва синтез қилиш – фикрга жамлаш – мулоқотни амалга ошириш) ҳақида сўз юритиш мумкин (В.А.Звегинцев). Тилни тадқиқ қилиш мустақил, умумилмий қизиқищдан ташқари қўпладаб долзарб амалий вазифаларни ҳал этишда улкан аҳамиятга эгадир. Ушбу вазифаларнинг айримлари бевосита тилнинг юқорида санаб ўтилган вазифаларидан келиб чиқади – тил ёрдамида инсоний тажрибани аниқроқ қайд этиш, тил ёрдамида ифода этилган

маданий меъёрлар инсоннинг хулқ-атворига янада кучлироқ ва мустаҳкамроқ тартибга солувчи таъсир кўрсатиши учун, кишиларнинг ўзаро мулоқоти (масалан, ижтимоий муносабатлар соҳасида) янада муваффакиятли амалга ошиши учун тилни тадқиқ қилиш зарур.

Бундан ташқари, ҳал этилиши тил муаммоларини тадқиқ қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа амалий вазифалар ҳам мавжуд. Психология, бошқарув назарияси, ижтимоий фанлар соҳасида иш олиб бораётган олимлар қатор лингвистик вазифаларга дуч келадилар. Хусусан, психологияк жараёнларни тадқиқ қилиш дастлабки нутқий жараёнларни ҳам тадқиқ қилишни кўзда тутади. Тушунчаларни ривожлантириш, ақлий ва амалий вазифаларни ҳал этиш қай тарзда давом этмоқда, бола ташқи муҳитга (моддий ва ижтимоий) муҳитта қандай мослашмоқда – бу саволларга жавоблар нафақат предметли ҳаракатларни, балки нутқининг ўзини ҳам ўрганишни кўзда тутади.

Мулоқот ва бошқарув – лингвистиканинг бошқа бир улкан соҳаси ҳисобланади. Тарғибот ва ташвиқот (у бевосита мулоқот тарзида ёки оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилишидан қатъий назар) моҳияттан инсоннинг психологик оламига таъсир кўрсатиши учун тилдан фойдаланиш шаклидир. Тил орқали таъсир кўрсатиш самарали бўлиши учун ушбу таъсирнинг механизмларини, ўзига хос нутқий механизмларни билиш зарур.

Соф лингвистик вазифалар масалан самолёт, космик кема ва ҳоказолар билан сўз орқали алоқа қилишни амалга ошираётган оператор фаолиятини оқилона ташкил этиши пайтида юзага келади.

Лингвистикани қўллашнинг яна бир соҳаси – тиббиётнинг миянинг яраланиши, жароҳат олиши ёки унга шикаст этиши натижасида нутқдаги бузилишларни ўрганувчи соҳа бўлмиш афазиологиядир. Бу нуқсонларни аниқлаш ва даволаш кўп жихатдан беморнинг нутқида айнан қандай ўзгаришлар юз берганига боғлиқ бўлади. Бу аномал нутқ учун маҳсус тил хусусиятларини шакллантириш зарурати пайдо бўлади, ўз-ўзидан ушбу ўринда врач-афазиолог лингвистнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлади.

Нутқдаги бузилишлар – инсон аҳволини баҳолашда тил параметрлари ёрдам бериши мумкин бўлган ягона ҳолат эмас. Айрим вазиятларда (психологияк зўриқиши, сиқилиш пайтида) яхши тайёргарликдан ўтган одамларда физиологик параметрлар

бўйича айрим нуқсонлар сезилмайди. Аммо уларнинг нутқи мутахассис бўлмаган одам тушуниши қийин бўлган даражада ўзгаради. Қўпинча фақат тил мезонларигина бундай ҳолат юз беришидан далолат бериши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, тил бевосита билиш жараёнлари билан боғлиқ ва бундан ташқари тилнинг ривожланиш даражаси умумий ақлий ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун бола нутқини маҳсус тадқиқ қилиш психологияк ривожланишдаги нуқсонларни ёки ривожланиш секинлашганини аниқлашда ёрдам бериши мумкин, ҳаттоқи бу усул бошқа текширув турлари бундай нуқсонларни аниқламаган тақдирда ҳам қўл келиши мумкин.

Лингвистика криминалистга ҳам катта ёрдам бериши мумкин. Масалан, жиноятчини унинг нутқининг бир парчаси (ёзма ёки оғзаки) бўйича топиш, кўрсатмаларининг ёлғонлигини фош қилиш (атайлаб ёлғон сўзлаганда инсон нутқи мутухассис бўлмаган одам сезмайдиган даражада ўзгаради) мумкин.

Ва ниҳоят, лингвистиканинг анъанавий амалий вазифаси – чет тилларга ўқитишидир. Тилни батафсил тавсифламасдан туриб ундаги нутқни ўрганиш мумкин эмас.

Замонавий лингвистика – бу нафақат мавжуд тилларни баён қилиш, балки тилга фаолият сифатида ёндашиш, сўзлаётган одамни ўрганиш ҳамдир.

«Тилда инсонни ва уни ўраб турган оламни билиш учун битмас-туганмас ҳамда ҳали қўл тегмаган имкониятлар мавжуд, бироқ унга тилни тавсифлаш орқали эмас, балки уни ўрганиш воситасида эришиш мумкин» (В.А.Звеницев).

Тилни фаолият сифатида тадқиқ қилиш билан тез ривожланиб бораётган фан – психолингвистика шуғулланмоқда, у ҳозирда муҳандислик, авиация ва космик психологиянинг ажralмас қисмига айланди, ундан турли нутқий нуқсонларни аниқлаш ва даволашда фойдаланилади, у болалар нутқидаги муаммоларни ўрганишда, суд психологияси ва криминалистика катта аҳамиятга эгадир.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш – бу мураккаб психологик жараён бўлиб, у фақат боланинг эшиктган нутқига тақлид қилишдан иборат эмас. Бу жараён болаларда умуман мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва биринчи навбатда, мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир.

Боланинг борлиқнинг янги томонларига йўналтирилганлиги: амалий фаолиятдан оламни, сўнгра

одамларни, уларнинг муносабатларини ўрганишга ўтиш янги мақсадларга хизмат қилувчи янги мuloқот воситалари заруратини келтириб чиқаради.

Бола лексикасини кенгайтириш, унинг ўз кечинмаларини янада кенг ва хилма-хил ифодалашни ўзлаштириши учун имконият яратади.

Нутқни замонавий ва тұлақонли ривожлантириш учун атрофдаги одамлар билан ўзаро ҳамкорлик боланинг мuloқотта бўлган эҳтиёжи таркибини бойитиши зарур. Болаларнинг нутқни эгаллаб олишларининг сабаблари уларнинг мuloқот фаолиятларининг асосини эҳтиёж-мотивация ташкил қилиши, унинг таркиби ўзгарганлигидадир.

Вербал босқичда болада суст нутқ шаклланади. Ушбу босқичга бўлган даврнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, унинг ичидаги навбатдаги босқич – фаол нутқ пайдо бўлиши босқичига ўтиш учун зарур бўлган шароит вужудга келади.

Боланинг фаол нутқни ўзлаштиришининг иккинчи босқичида учта асосий жиҳат ажralиб чиқади: эмоционал муносабатлар; биргаликда фаолият (ҳамкорлик) давомидаги муносабатлар; товушли муносабатлар.

Боланинг катталар билан мuloқот қилишининг кўриб чиқилаётган ҳар бир жиҳати унинг олдига катталар томонидан қўйилаётган ва сўздан жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш учун шартли равишда қабул қилинган восита сифатида фойдаланишни талаб қилишдан иборат бўлган коммуникатив вазифани қабул қилишига ёрдам беради. Бундан ташқари, коммуникатив омилнинг кўриб чиқилаётган ҳар бир жиҳати у ёки бу даражада ва ўз ҳолица болаларнинг коммуникатив вазифани ҳал этишларига, яъни нутқдан фойдаланишларига ёрдам беради.

Нутқни ривожлантиришнинг учинчи босқичида – унинг материяси (лексика ва грамматика) боланинг мuloқот вазифасини ўзгартирган ҳолда катталар билан мuloқотта бўлган эҳтиёжига ва унинг таркибига узвий боғлиқ бўлади. Бу бола нутқнинг янги, янада мураккаб ва кенг қамровли жиҳатларини ўзлаштиришига олиб келади.

Боланинг психологияк шаклланишида нутқнинг ҳал қилувчи ўринни эгаллаши унинг турли босқичларда ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг аҳамиятини янада оширади. Нутқ ривожини ҳаракатлантирувчи кучлар ҳақидаги масала улар шиддат билан ва түсатдан амалга оширилиши туфайли ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Болалар нутқини

ривожлантиришни рағбатлантирувчи ёки уни секинлаштирувчи кучларни аниқлаш ушбу жараёнда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда педагогик саъй-ҳаракатларни уюштириш қалитидир.

ХУЛОСАЛАР:

- Тил ҳаётимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- Илмий баён қилиш тили муайян фан даражаси мезонларидан биридир.
 - Тил фикрлаш билан боғлиқ ва у унинг куроли ҳисобланади.
 - Тил ақлий фаолиятни режалаштириш имкониятини яратади; бу жараёнда тилнинг муҳим вазифаси – инсоннинг хулқ-авторини бошқариш вазифаси пайдо бўлади.
 - Тил кишиларнинг мулоқотга муҳтоҷлиги туфайли пайдо бўлган.
 - Лингвистик билимларни қўллаш соҳалари жуда кенг: психология, психолингвистика, тиббиёт, муҳандислик, авиация, космик, суд психологияси ва ҳ.к.
 - Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириши – бу мураккаб психологик жараён бўлиб, у фақат боланинг эшитган нутқига тақлид қилишидан иборат эмас, балки бу болаларда мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Тилнинг табиий фанлар тараққиётига таъсирини аниқланг.
- «Тил» ва «нутқ» тушунчалари ўртасидаги фарқни айтиб беринг.
- Тил қайси психологик жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар орқали асослаб беринг.
- Лингвистиканинг бошқа фанлар билан алоқасини аниқ мисолларда тавсифлаб беринг.
- Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқни ўзлаштириш босқичларини аниқ мисоллар ёрдамида тавсифлаб беринг.
- Бола нутқини ҳаракатлантирувчи кучлар нималардан иборат?

II-МАВЗУ

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИННИҢ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

(Шарқ ва Farb мутафаккирлари)

Шарқ ва Farb мутафаккирлари таълим ва тарбия ҳақида.

XVIII—XIX асрларда яшаган ўзбек олимлари, педагоглари ва ёзувчилари ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш ҳақида.

Таълим ва тарбия муаммоси жуда қадимдан бери мавжуд. У ўрта асрлардаги шарқ ва Farb мутафаккирларининг асарларида кўриб чиқилган. Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Жалолиддин Девоний, Алишер Навоий ва бошқалар феодал зулм ва мутаасиб руҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига қарамасдан жаҳон фани, маданияти, маорифига бекиёс ҳисса кўшдилар.

Ўтган даврларда меҳнаткашларнинг ўз муносабатларини унинг ёшларга тарбиявий таъсирини янада кучайтириш мақсадида йўлга қўйиш борасидаги тажрибаларини нафақат халқ педагогикасининг қатор шакллари, усулларини қайта тиклаш учун, балки шахсни шакллантиришни бошқарувчи объектив умумий ижтимоий қонунлар, халқ турмуш тарзини тушуниш учун ҳам ўрганиш лозим.

Ўрта асрлар Шарқининг қомусий мутафаккири Абу Наср ал-Форобий (873–950) инсонни ҳар томонлама такомиллаштириш, уларни умумий баҳт-саодатга етаклаш йўллари ва усулларини ўзининг ижтимоий-сиёсий таълимоти марказига қўяди, бу эса унинг дунёқараашларнинг умумисоний асосга эгалигидан далолат беради.

Айнан шундай мақсадлар Форобийнинг шахсни тарбиялаш ва таълим бериш, уни такомиллаштириш ҳамда унинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги фаол ролига нисбатан дунёқараашларнинг бош мазмунини ташкил этади.

Унинг фикрига кўра, таълим ва тарбия оилада, ўқитувчи ёрдамида мактабда ва яхшиликка асосланган жамиятда унинг раҳбари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Форобий фикрига күра, таълим – бу нафақат ақлий ривожланиш, балки умуман маънавий ривожланиш, шу жумладан ахлоқан ривожланиш пойдеворидир. Таълим ва тарбия ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, улар шахсни маънан камолотга етказувчи турли йўллар ҳисобланади.

Форобий ижтимоий тарбияни тартибга солиш, уни бошқариш масалаларига алоҳида эътибор берган. У меҳнат фаолияти тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади, деган хulosага келади.

Абу Райхон Беруний (971-1050 йилга яқин) қомусий олим сифатида тарихга кирган. У фанни диндан ажратиш зарур деб ҳисоблаган, акс ҳолда унинг фикрига кўра, илмий билимлар ҳақиқий бўла олмайди. Олимнинг динга бўлган танқидий муносабати кўп жиҳатдан унинг тарбия ва таълимга бўлган муносабатларини ҳам белгилаб берди.

Беруний ўз асарларида таълимнинг узлуксиз, кўргазмали, аниқ мақсадга йўналтирилиши лозимлигини ва унинг муайян тизим асосида ўтказилиши зарурлигини таъкидлаган.

Беруний шахс тарбия жараёнида шакланади, деб ҳисоблаган. Бунда у меҳнатта алоҳида ўрин берган.

Берунийнинг қарашлари чекланган тусга эга эди, зеро у ҳам ўша даврдаги бошқа кўплаб олимлар сингари фан ва билим жамият тараққиётида мутлақ аҳамиятга эга, деб билган. Бироқ, фан, билим, меҳнатнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларнинг ўзи тўғри эди. Билим олишнинг ўзини Беруний куч, вақт ва сабр-тоқат талаб қиласидиган меҳнат, деб ҳисоблаган.

Ибн Сино (980-1037) педагогика масалаларига ижодий ёндошган. У бола табиатини нафақат табиб, балки етук педагог сифатида ҳам чуқур билишини намоён қиласидиган. Олимнинг болаларга таълим ва тарбия бериш ҳақидаги қўплаб фикрлари ўзининг чуқурлиги, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилганлиги ва тарбиядек мураккаб муаммони тўғри талқин қилиши билан кишини лол қолдиради.

Ибн Сино тақлиф қиласидиган тарбия ва таълим мазмуни ақлий тарбия, жисмоний соғломлаштириш, эстетик тарбия, ахлоқий тарбия ва ҳунар ўргатишларни ўз ичига олади. Ибн Сино бола тарбиясининг бутун машаққати ва мураккабликларини жуда чуқур тушунган. «Тиббиёт қонунлари»нинг «Тарбия ҳақида» номли бўлимида қўйилган

масалалар аниқ ҳал этилади, бола характерини тарбиялаш ҳақидаги қимматли фикрлар билдирилади.

Иbn Синонинг илмий-педагогик ижодиётида оилавий тарбияга алоҳида эътибор қаратилади ва бунда бош рол оила бошлиғи – яъни отага берилади. Иbn Сино нима учун болани онаси эмас, балки тарбиячи тарбиялаши лозимлигини тушунириб беради. Унинг фикрларига қараганда, боланинг онаси ўз фарзанди тарбиясида кўпроқ ҳиссиятларга берилади ва бола тарбиясида тўғри йўлни танлай олмайди. Иbn Сино тарбиячи олдига аниқ вазифаларни кўяди: у ўз шогирдини қачон жазолаши ёки рафбатлантириши мумкинлигини яхши билмоғи лозим.

Иbn Сино бола шахсини ҳурмат қилиш, боланинг табиий ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг қизиқишларини ўрганишга чақиради. У ёшга қараб даврларга булиб чиқишига ҳаракат қилган. Ўсмирлик даврини у бешта даврга бўлган: чақалоқлик (бола туғилганидан бошлаб йўлга юриб кетгунича бўлган давр); болалик даври (йўлга юргандан сўнг); организм чиниққани ва қозик тишилари чиққанидан кейинги давр; ўсмирлик ва жинсий етилиш даври; ўсмирлик даври (ўсиш тўхтагунгача бўлган давр).

Иbn Сино бола тарбиясининг барча мураккабликлари ва қийинчиликларини тушунган. У жисмоний жазонинг меъёридан ортиб кетишига қарши чиққан. Унинг фикрига кўра, рисоладагидек тарбияни муваффақиятли амалга ошириш учун болаларга инсоний муносабатда бўлиш даркор. Тарбиячининг ўзи бола шахсини ҳурмат қилиши, уни севиши ва бола билан яхши муносабатда бўлиши лозим.

Иbn Сино тарбия омилиниң аҳамиятини чукур англаған ва ижобий омил аҳамиятини жуда қадрлаган, уни тарбиянинг асосий воситаларидан бири деб билган.

Юсуф Ҳос Ҳожиб (1019-1020 йилларга яқин) ўрта асрнинг бошқа кўплаб олимлари сингари мусулмон Шарқи ҳалқларининг маданий ривожига сезиларли ҳисса қўшган. Унинг «Тақводорлар туҳфалари» девони (XII аср) инсонни ахлоқан тарбиялаш муаммолари кўриб чиқилган дастлабки дидактик асарларидан бири ҳисобланади. Шоирнинг сўзлашишдаги босиқлик ва одоб қоидалари ҳақида билдириган фикрлари бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган: «Матъифатли кишининг сўзларини тингла. Тарбия қоидаларида асосий нарса – бу тил, унга эҳтиёт бўлмоқ

лозим. Яхши сўзли киши ҳурматга, тили заҳар кишилар эса нафратланишга лойиқдир. Кишининг устидан кулма ва унинг жаҳлини чиқарма: ўқ етказган заҳмат битади, сўз билан етказилган заҳмат эса ҳеч қачон битмайди».

Бироқ ўз тасаввурида шоир кишиларда олий ахлоқ сифатларини тарбиялаш орқали умумий фаровонликка эришиш мумкин, дея ҳисоблагани ҳолда ўша даврда ҳукмрон бўлган дунёқарашлардан юқори кўтарилилмайди. Ўзбекистонда XVI асрдан кейинги асосий педагогик фикр йўналишлари ва уларнинг хусусиятларини тушуниш учун ўз замондошлари ўртасида жуда машҳур бўлган қомусий олим Жалолиддин Давоний (1427-1502) асарлари билан танишиш зарур.

Гарчи Давоний Эрон худудида яшаган ва ижод қилган бўлса ҳам унинг «Ахлоқи Жалоли» номли асари Октябрь инқилобига қадар Самарқанд ва Бухородаги мадрасаларда ўкув қўлланмаси сифатида фойдаланилган ҳамда ўрта Осиёдаги кўплаб илғор мутафаккирларнинг (Юсуф Қорабогий, Абу Тоҳир Самарқандий, Абдулла Авлоний) педагогик ва ахлоқий қарашларини шакллантиришда катта роль ўйнаган. Ушбу фундаментал асарида Давоний ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонда XVI асрдан кейинги асосий педагогик фикр йўналишлари тарбия ва таълим жараёнида ижобий сифатларга эга бўлиш лозимлиги ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Давоний асарларида тарбия, таълим методикасида мактаб ва ўқитувчининг тутган ўрни ҳақида ижобий фикрлар жуда кўп. Унинг асарларини таҳлил қилиш шуни қўрсатадики, Давоний ўз даврининг илғор мутафаккири бўлган ҳамда унинг таълим ва тарбия ҳақидаги кўплаб ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Айниқса Алишер Навоий Ўзбекистон ҳалқи қалбидан чуқур жой олган. Унинг асарлари беш юз йилдан буён кўплаб авлодларни ҳаяжонга солиб келади. Инсонпарварлик, муҳаббат ғоялари, инсоннинг олий мақсадларини кўйлаш Навоий меросида асосий ўрин тутади.

Навоийнинг педагогик қарашлари ўта инсонийлиги билан ажralиб туради. У бола шахсини шакллантириш ва тарбиялаш масалаларига жуда катта аҳамият берган, Навоий фарзандни оиласа қувонч ва баҳт келтирувчи шамчироқ, деб билган.

Навоий болага унинг ёшига қараб энг кичик ёшдан тұғри тарбия бериш зарур, фанларни үрганишни иложи борича барвақт бошлаш лозим, дея таъкидлаган.

Буюк славян педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) Фарбнинг буюк олимларидан бири ҳисобланади. Унинг педагогик тизими ўсиб келаётган авлодни инсонийлик, тинчликсеварлик, тенглик ва биродарлик руҳида тарбиялашғоялари билан йүғрилган.

Ян Амос Коменскийнинг педагогик мероси улкан ва күп қырралидир. Олимнинг чоп этилган фалсафий ва педагогик асарлари унинг тарихий аҳамиятини белгилаб берди. «Оналар мактаби»да қайд этилган болани дастлаб оилада тарбиялаш ва ривожлантириш ғоялари бутунги кунда ҳам ўз долзарбигини йүқотмаган. Ҳажми кичик, бироқ мазмуни жуда чуқур бўлган мазкур асарни унда қўйилган муаммоларнинг долзарбилиги ва аҳамиятлилиги, уларни амалга ошириш учун таклиф қилинаётган йўллар ва воситаларнинг соддалиги ҳамда ишонччилиги, ниҳоят оила, аёллар, болалар ва уларни тарбиялашга бўлган муносабатнинг инсоний йўналишга эгалиги бўйича мумтоз асарлар сирасига киритиш мумкин. «Инсон зотини ҳимоялаш энг аввало бешикдан бошланиши лозим». Бундан ортиқ содла ва доно фикр бўлмайди. Уддабурон олимлар қайси бир ижтимоий тарбия тизимини қашф қиласинлар, барибир болалар ҳаёт кечирадиган, улар жисмонан ва маънан ривожланадиган муҳит сифатида оила энг самарали тарбия тизими ҳисобланади.

Қаторлашган ғоялар тизимига эга бўлган «Оналар мактаби»ни бирламчи оилавий тарбия бўйича биринчи асар деб ҳисоблаш мумкин.

«Оналар мактаби»нинг бош ғояси – оиладаги бирламчи тарбиянинг бола учун қувончли бўлиши, унинг келажагини баҳтли, ота-оналар учун ёқимли ва умидбахш, жамият учун фойдали қилишдан иборатdir.

Коменский табиий иқтидорни энг ilk ёшдан бошлаб ҳар томонлама ривожлантириш ғоясидан қелиб чиқсан ҳолда оналар мактаби олдига қийин вазифаларни, яни: болаларга билиш (билимга эҳтиёжмандликни тарбиялаш, билимга чанқоқлик)ни, ҳаракат қилиш (мехнаткаш бўлиш, ўзини бошқара олиш ва яхши амаллар қилиш)ни ва гапириш (нутқ ва фикрлашни ривожлантириш)ни ўргатиш вазифаларини қўяди. Шу муносабат билан у

ақлий, жисмоний ва маңнавиј тарбиялаш, нутқ ва фикрлашни ривожлантириш бүйіч аниқ маслағатлар беради.

«Оналар мактаби»даги алоҳида бир боб «қандай қилиб болаларга нутқни машқ қилдириш» лозимлигига бағищланган. Коменский «ақп» ва «нутқ»ни ривожлантириш учун бир хил ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблаган. У «ақп» ва «нутқ»қа органик бирикма сифатида қараган. Ва бу тасодиғий әмас, зеро бола нутқ туфайли үз фикрларини ифодалайды ва атрофдаги одамлар билан мулоқотта киришади, нутқни әгаллаш орқали у атрофни үраб турған оламни англайди. Болада нутқ ва фикрлаш ривожланади.

У сенсор ривожлантириш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берган, чунки усиз ақп ва нутқни мұваффақиятли ривожлантириб бўлмайди. Ва буюк педагогнинг мазкур қоидага риоя қилишни «дидактиканинг олтин қоидаси» деб атагани ҳам бежиз әмас.

Нутққа таалтуқли бўлган бошқа бир ғояни Коменский она тилини ўқитиш, она тилида ўргатишни талаб қилиш шаклида ифодалаган. Мактабгача ёшда она тилини ўргатиш, Коменский хulosасига кўра, – бу энг аввало бола ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб нутқни ривожлантириш, бўғинлар ва сўзларни аниқ талаффуз қилиш, гапларни синтактик жиҳатдан тўғри тузиш, нарсаларнинг номини тўғри айтиш ва мос фикр билдиришдан иборат. Ушбу мақсадда Коменский ота-оналарга болалар билан мулоқот қилишда нарсалар номларини ва сўзларни бузмасдан тўғри айтиш, болаларга талаффузи қийин бўлган ва нисбатан узун сўзларни айтишни машқ қилдириш ва бунинг учун ўйин услубидан фойдаланишни маслағат беради. Коменскийнинг хизмати шундан иборатки, у педагоглар ичидаги биринчилардан бўлиб бола нутқини ривожлантиришда, унинг она тилини бутун гўзаллиги ва миллий хусусиятлари билан биргаликда ўзлаштириб олишида шеърият, эргаклар, мақоллар ва маталлар, тез айтишларнинг тутган ўрнига биринчи бўлиб эътиборни қаратди. Гапиришни бошлиётган болаларнинг катталар нутқини тушунишлари учун улар сўзловчининг юзини ва унинг қўл ҳаракатларини кўришлари, унинг саволларини тушунишлари ва тўғри жавоб берилларни даркор, деб ёзган эди Коменский. Она табассуми ва бола томонга чўзилган қўллар, имлаш, каллани қимирлатиб қўйиш, қайгули юз ва бармоқ билан дўқ уриш – буларнинг барчаси сўзловчининг кайфиятини ифодалайди, буни бола қабул қилиб олади ва у айтилган фикрни тушунишга ёрдам беради. Бу риторик

ҳаракатлар мuloқотда жуда асқотади, нутқни ва фикрлашни ривожлантиради.

Ян Амос Коменскийнинг «Оналар мактаби» асари Фарбда ва Россияда оилавий тарбиянинг кейинги ривожига сезиларли таъсир қўрсатди. Песталоцци ва Фребель, К.Д.Ушинский ва Е.Н.Водовозова бирламчи оилавий тарбияга шахсни шакллантириш тизимидағи ўта зарур босқич сифатида қараганлар. Буларсиз ўсиб келаётган авлодни муваффақиятли тарбиялаш борасидаги барча ҳаракатларимиз зое кетади.

ХУЛОСАЛАР:

- Шарқ мутафаккирларининг асарларида тарбияга, шу жумладан оилавий тарбияга катта эътибор берилган.
- Уларнинг барча асарларида ўсиб келаётган авлодни маънавий камол топтириш, идеал жамият талаблари ва вазифаларига жавоб бера оладиган, юқори афзалликларга эга бўлган шахсни шакллантириш масаласи асосий ўрин тутади.
- Кенг қамровли шахсни шакллантириш фақат таълим ва тарбия орқалигина амалга оширилиши мумкин.
- Тарбиянинг барча мураккаблиги ва қийинчиликларини тушунган ҳолда Шарқ олимлари таълим ва тарбия мазмунини белгилаб беришга интилганлар (Ибн Сино).
- Тарбия – ота-оналарнинг қандай мавқега эгалигидан қатъий назар уларнинг асосий вазифасидир.
- Олимларнинг бола шахсини ҳурмат қилиш, унинг қизиқишлиарини ўрганиш, табиий қобилиятини ҳисобга олиш ҳақидаги фикрлари (Ибн Сино, Ж.Давоний, Алишер Навоий) жуда қимматлидир.
- Я.А. Коменскийнинг «Оналар мактаби» асари бирламчи оилавий тарбияга оид яхлит тизимли биринчи асар ҳисобланади.
 - «Оналар мактаби»нинг бош foяси – оиладаги бирламчи тарбиянинг бола учун қувончли бўлиши, унинг келажагини баҳти, ота-оналар учун ёқимли ва умидбаҳш, жамият учун фойдали қилишдан иборатdir.
 - Коменский фикрига кўра, шахсни шакллантириши «ҳақиқий тарбиянинг пойдевори» бўлган илк ёшдан бошлаш осон.

- Табиий иқтидорни (мия, юрак, күл, тил) ривожлантириш оналар мактаби томонидан боланинг илк ёшларидан бошлаб ўтказилиши лозим.
- Сенсор ва ақлий тарбия масаласини биринчи бўлиб Я.А.Коменский ўртага ташлади.
- Коменский ўтмишдаги педагоглар ичida биринчилардан бўлиб нутқни ривожлантириш, она тилининг бутун гўзалигини ва унинг миллий хусусиятларини ўзлаштириб олишда халқ оғзаки ижодиётининг тутган ўрнига эътибор қаратди.
- Я.А.Коменскийнинг «Оналар мактаби» асари Фарбда ва Россияда оиласвий тарбиянинг кейинги ривожига таъсир кўрсатди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Ўрта асрлар Шарқи мутафаккирларнинг асосий таълим ва тарбия йўналишларини тавсифлаб беринг.
- Ибн Сино тарбиячилар олдига қандай талаблар қўйган?
- Юсуф Хос Ҳожибининг «Тақвадорлар туҳфалари» девонини тавсифлаб беринг.
- А.Навоийнинг педагогик қарашлари аҳамияти нималардан иборат?
- Я.А.Коменскийнинг «Дидактиканинг олтин қонуни»ни аниқ мисолларда тушунтириб беринг.

XVIII-XIX асрларда яшаган ўзбек олимлари, педагоглари ва ёзувлчилари ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия берниш ҳақида

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий (1809-1874) – шоир, кўплаб машҳур тарихий ва бадиий асарлар муаллифи, таржимон.

Огаҳий ижодий меросининг мазмунини маърифат, таълим, маънавий ривожланиш ва тарбия ғоялари ташкил этади. Огаҳийнинг алоҳида хизматлари шундан иборатки, саводсизлик ва диний мутаасиблик ҳукм сурган бир пайтда, у илм-фан ва маърифатни изчили ҳимоя қилиб чиқди. Шоир юксак маънавий кўтарилиши, билим олишга бўлган интилишлардан иборат ҳаётнигина муносиб ҳаёт деб ҳисобларди.

Огаҳийнинг педагогик қараашлари унинг адабий-бадиий, адабиётшунослик ва тарихий мавзулардаги асарларида ўз аксини тоғган. Айниқса у томнидан XI-асрнинг адабий ёдгорлиги ҳисобланадиган «Қобуснома» номли асарининг форсчадан ўзбек тилига таржима қилиниши Ўзбекистонда педагогика фанини ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб кўшилди.

Бердақ (Бердимурод Қарғабоев – 1827-1900) маърифатчи шоир, қорақалпоқ адабиётининг асосчиси ҳисобланади. Бердақ ижодининг асосини тенглик, маърифат, инсонпарварлик, адолат ва ватанпарварлик ғоялари каби демократик қараашлар ташкил этади. Бироқ шоир ўша даврнинг бошқа кўплаб маърифатчилари сингари халқни озод қилишда билимнинг тутган аҳамиятини ҳаддан ташқари ошириб юборган. Бердақ ўз асарларида тарбияга нисбатан ўз муносабатларини инсонни тарбиялашни бошлашдан олдин уни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарур, деган тасаввурдан келиб чиққан ҳолда баён қилди. Унинг фикрича, тарбия, жисмонан ва руҳан ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим. Бердақ саёз мазмунли дарслкларни танқид остига олган, бутун халқни ёппасига саводли қилиш ғоясини олдинга сурган. У билим олиш, илм-фанни ривожлантириш жамиятнинг ҳам маънавий, ҳам моддий ривожланишига ёрдам беради, деб ҳисобланган.

Шунингдек, Бердақ ёшларни тарбиялашга катта эътибор берган. Ақлий ва ахлоқий тарбияни ўзаро бир-бирига боғлиқ, деб ҳисоблаган шоир фақат ақлан ривожланган одамларгина олий ахлоқ эгалари бўлиши мумкин, деган фикрни олдинга сурган. У қачонки одамлар маънавий жиҳатдан ўзини такомиллаштиришга, меҳнатга, инсонийликка, дўстликка, бирликка ва Ватанга хизмат қилишга интилсаларгина инсонлар баҳтили жамиятга етишадилар, деб қаттиқ ишонган.

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий (1853-1921) – маърифатчи шоир бўлиб, ўз шеърларида ижтимоий адолатсизликни танқид қилган, ҳукмрон синфларни қоралаган. Завқий ҳам ўша даврдаги бошқа кўплаб маърифатчи демократлар – Фурқат, Муқимий каби халқни қолоқликдан чиқаришда маърифат, саводхонлик асосий ўрин тутади, деб ҳисоблаган.

Маърифат ва мактаблар кенг аҳоли қатламларига ҳам стиб бориши керак, деган фикр улар қараашларининг асосини ташкил этди.

Капитализмнинг кириб келиши билан жамиятда айрим илфор ўзгаришлар рўй берганлигини тушуниб етганлиги Завқий қарашларининг муҳим жиҳати эди. У техник тараққиётнинг ижобий аҳамиятга эгалигини тан олган ва Туркистоннинг Россияга кўшиб олиниши кўпроқ ижобий оқибатларни келтириб чиқаради, деб ҳисоблаган.

Саидаҳмад Сиддиқий (1864-1927) Европа, Осиё мамлакатлари бўйлаб кўп саёҳат қўлган, Россияга ҳам ташриф буюрган. У Самарқандга қайтгач (1903), рус маданияти, фани ва техникасини зўр бериб тарғиб қила бошлади. У юқоридагиларни ўз ҳалқи ичida тарқатиш учун биринчи навбатда рус тилини ўрганишни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Сиддиқий икки тилда: ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган. У ўзининг кўплаб асарлари ҳамда маърузаларида динга ва диний таълимга қарши чиқсан, айни пайтда Улубек, Дониш, Фурқат, Муқимий каби мутафаккирлар бошлаб берган дунёвий таълим бериш фояларини қизғин қўллаб-қувватлаган.

Сиддиқий фаолиятини тадқиқ қилиш жараённида Ўзбекистонда педагогика тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб эгадиган янги фактларни аниқлашга муваффақ бўлинди. Чунончи, маълум бўлишича, у нафақат Самарқанд шаҳрида, балки вилоятнинг кўплаб туман ва қишлоқларида ҳам янги мактаблар очган ҳамда уларда маҳаллий миллат вакиллари, яъни ўзбек ва тожиклар фарзандлари билан бир қаторда рус болаларини ҳам ўқитган экан.

Сиддиқий ўз асарларида рус адабиёти муаммоларига кўп эътибор берган, у Л.Н.Толстой, И.А.Крылов, Н.В.Гоголь, М.Ю.Лермонтов, А.С.Пушкиннинг асарларини яхши билган, жумладан Гоголнинг «Шинель» асарини ўзбек тилига ўтирган. У доимо рус адабиётини ўрганишга ва шу билан ўз ҳалқи маданиятини бойитишига чақирган.

Сиддиқий 1921 йилдан бошлаб то умрининг охиригача педагогик фаолият олиб борган. Унга «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилган.

Анбар отин (1870-1915) – ўзбек шоираси ва маърифатчисидир. У қизларга шеър ёзиш қонун-қоидаларини, одоб-ахлоқни ўргатган.

Анбар отин ижодида маърифатчилик мавзуси фуқаролик, ватанпарварлик ва ҳалқлар дўстлиги фоялари билан қоришиб

кетган. Шоира маърифатни шахсни озод қилиш йўлидаги бир машъала деб ҳисоблаган.

Халқقا маърифат зиёсини тарқатиш ташвишида юрган Анбар отин Фурқатга шеърий мактуб ёзди, унда шоира унинг янги мактаб очиш ҳақидаги талабини қўллаб-кувватлашни сўрайди. Зеро, у мавжуд бошланғич мактаблар ва мадрасалар аҳоли саводсизлиги муаммосини ҳал қила олмаслигини яхши тушунарди.

Абдуқодир Шокирий (1875-1943) таниқли педагог бўлиб, у Самарқандда янги усуладаги илк мактабга асос солган ва Ўзбекистонда таълим ривожига улкан ҳисса қўшган шахсdir.

Шокирий янги мактаб учун мумтоз адабиётнинг энг яхши намуналарини ўзида жамлаган, дарсликлар ёзди. У биринчи бўлиб ўзбек ва тожик қизлари учун бир хил таълим беришни талаб қилиб чиқди, шунингдек у биринчи бўлиб ўз мактабида ўғил ва қиз болаларнинг биргалиқда ўқишини ташкил этди. Бу Шўро инқилобигача бўлган Туркистон мактаб ва таълим тарихидаги жасорат эди.

Шокирийнинг ўз ҳалқини маърифатли қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари унинг таълимда биринчи бўлиб илгор усувларни қўллагани билан чекланиб қолмайди. У ўзбек маданияти ва ҳалқ таълимининг қатор арбобларини тарбиялаб, вояга етказган.

Абдулла Авлоний (1878-1934) – жамоат ва сиёsat арбоби, шоир ҳамда педагог бўлиб, у 1908 йилда камбагалларнинг фарзандлари учун мактаб очади. Унинг ўзи шу мактабда янги таълим усувларини қўллаган ҳолда она тилидан дарс беради.

Авлонийнинг ҳалқ таълими соҳасидаги фаолияти унинг ёзувчи ва шоир, иқтидорли ёшлар театрининг гарбиячиси ҳамда саҳналаштирувчи режиссёри сифатидаги фаолияти билан узвий боғлиқдир.

1916 йилда Россияда ва Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари авж ола бошлайди. А.Авлоний бунда ҳаракат раҳбарларидан бири сифатида фаол иштирок этади. 1917 йилнинг ёзидан бошлаб Авлоний «Турон» газетасини чиқара бошлайди. Ушбу газета саҳифаларида Авлонийнинг ҳалқ мактабини ташкил этиш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва дарсликлар чоп этиш масалаларига бағишлиланган кўплаб мақолалари босилади. Айниқса, у ўзбек қизларига таълимтарбия бериш ва улар учун маҳсус мактаблар ташкил этиш муаммосига алоҳида эътибор беради. Ушбу йилларда Авлоний

«Адабиёт» (I-IV-китоблар), «Туркий гулистон», «Мактаб гулистони» каби китобларини ёзади ва чоп этади.

А. Авлоний дунёқарашининг шаклланишида илфор рус адабиёти ва маданияти муҳим роль ўйнайди. У А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Горькийнинг ижодий меросларига катта хурмат билан муносабатда бўлган ва К.Д.Ушинскийнинг педагогик меросини юқори баҳолаган.

У муайян муддат мобайнида Туркистон Компартияси Марказий Қўмитасининг матбуот бўлимини бошқарган, сўнгра халқ таълими бўлимлари ишини бошқаришга ўтиб, кўплаб янги мактаблар қурилишига раҳбарлик қиласди, ўқитувчиларни саводсизликни бартараф этиш ишларига жалб қиласди.

Авлоний педагогика билим юрти, Ўзбекистон Ўлка маърифат институти, Тошкент ҳарбий билим юрти, Ўрта Осиё давлат университетида ишлаган кезлари ҳам маърифат тарқатиш ишига бутун куч файратини сарфлади.

Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий – 1889-1929) – шоир, ёзувчи, актёр, бастакор, жамоат арбоби ва педагог бўлиб, у 1911-1915 йилларда Кўқон, Марғилон шаҳарларида камбағаллар ва етимлар учун мактаблар очган. 1-синф учун «Енгил адабиёт», 2-синф учун «Ўқиш китоби» ва «Қироат китоби» номли дарсликлар ёзган. Бу дарсликлар қўлёзма ҳолича қолиб кетган. Чунки бу пайтда босмахоналарга раҳбарлик қилганлар уни босишига рухсат бермаганлар.

Ҳамзанинг маърифатпарварлик фаолияти маҳаллий бойлар ва мутаассиблар томонидан кескин қораланди. 1912 йилда унинг мактаби ёпиб қўйилади, Ҳамзанинг ўзи эса ватанни тарк этишига мажбур бўлади. 1913 йилда у Афғонистонда, Ҳиндистонда, Туркия ва Арабистонда бўлди, шунингдек Россиянинг жанубий туманларига борди.

1914 йилда у Кўқонга қайтиб келди ҳамда маҳаллий тўралар, бойлар ва руҳонийларнинг қаршиликларига қарамасдан яна етимлар учун бепул мактаб («Дорил айтот») очди. Орадан кўп ўтмай ушбу мактабни ҳам ёпиб қўйишади.

1914 йилнинг охирида Ҳамза яна Кўқондан Марғилонга қочишига мажбур бўлади ва 1915 йилда у ерда мактаб очиб, катта педагогик ва маърифатпарварлик фаолиятини давом эттиради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг педагогика фани ва амалиётини ривожлантиришдаги улкан хизматини қайд этган ҳолда шуни айтиш лозимки, у кўпроқ ёд олишга асосланган

Эски мактабга қарши курашиш билан бир қаторда таълимнинг янги тузилмасини таклиф қилди. Хусусан у мактабларда она тили, табиатшунослик, математика, жүғрофия, рус тили ва мусиқа каби дунёвий фанларни ўқитиш тоғасини олға сурди. Ҳамза савод ўргатишнинг товушли методини биринчи тарқатувчиларидан ҳисобланади.

Ҳамзанинг педагогик қарашлари ёшларни ақдий, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг муҳимлиги ҳақидаги тоғасини олға сурди. Айниқса, у тарбия ва таълим ишида ўқитувчига, унинг билим даражасига ҳамда ахлоқий қиёфасига алоҳида эътибор берган.

Садриддин Айний (1878-1954) филология фанлари доктори, профессор, Тожикистон фанлар академиясининг биринчи президенти, таниқли ёзувчи, жамоат арбоби ва Ўрта Осиё тарихи билимдони бўлиб, у минтақа халқлари маданиятининг йирик вакили ҳисобланади.

С.Айний дунёқарашларининг шакланишига биринчи рус революцияси ва Ўрта Осиёда миллий озодлик ҳаракатлари катта таъсир кўрсатди. Ушбу даврда Айний меҳнаткаш халқ оғир аҳволда қолганлигининг сабаби унинг саводсизлигига деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам у янги мактаблар очишга зўр бериб ҳаракат қилган.

Октябрь инқолобидан сўнг С.Айний халқ таълими масалалари билан фаол шуғуллана бошлайди. У дарслклар тузади, бошланғич ва ўрта мактаблар учун ўзбек ва тожик тилларида қатор дарслклар тайёрлашда иштирок этади.

С.Айнийнинг ижтимоий ва педагогик қарашларига М.Горький катта таъсир кўрсатган.

С.Айнийнинг асарлари ичидаги «Аҳмад – руҳлар афсунгари», «Эски мактаб» каби асарлари алоҳида ўрин тутади, мазкур китобларда педагогика тарихи ва назариясининг муҳим масалалари ўз аксини топган.

Исматулло Раҳматуллаев (1883-1961) XX аср бошларида жамоат арбоблари ва педагоглари ичидаги кўзга кўринган маърифатпарварлардан биридир. У тарбияга оид ўз қарашларида А. Шокирийнинг издоши ҳисобланади. И.Раҳматуллаев 1905 йилдан бошлаб ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади ва айни пайтда рус-тузем мактабига ҳам қатнади.

И.Раҳматуллаев илк дарслклар, алифболарни тузиша иштирок этади Айниқса унинг 1915 йилда босилиб чиқсан

«Раҳбар мактаби» номли дарслиги бугунги кунгача араб тилини ўргатишдаги энг яхши қўлланмалардан бири ҳисобланади.

Раҳматуллаев рус педагоглари К.Д.Ушинский ва Л.Н.Толстойнинг илфор педагогик foяларининг фаол тарғиботчиси бўлган. Айниқса унинг моҳир педагог, Ўзбекистон учун миллий зиёлилар тайёрлаш ташкилотчиси, услугубчиси ва фаол иштирокчиси сифатидаги хизматлари беқиёсdir.

П.И.Иванов (1891-1968) совет давридаги таникли психология бўлиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг психология кафедрасига раҳбарлик қилган. Кенг камровли билимлар эгаси бўлган олим Платон Иванович Иванов Ўзбекистонда психология фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У психология тарихи, умумий ёш ва педагогик психология, меҳнат таълимининг психологик асослари ҳақида 75дан ортиқ асар ёзган. Унинг илмий тадқиқотлари фикрлаш ва мантиқ психологияси муаммоларига бағишлилангандир. Шунингдек, у қатор дарсликлар ҳам яратган.

1925 йилда П.И.Иванов биринчи рус мутахассислари қаторида Ўзбекистонга ишга таклиф этилган. Ўша пайтда республика педагогик кадрларга жуда муҳтоҷ эди. У ўз фаoliyatini маҳаллий кадрларни тайёрлашдан бошлади ва бу билан Ўзбекистонда психология фанининг пойдеворига асос солди.

Олим яратган дарсликлар ичida «Таълимнинг психологик асослари» номли китобни (1960 йилда рус тилида ва 1961 йилда ўзбек тилида чоп этилган) алоҳида қайд этиш зарур. Бу педагогик психология соҳасидаги биринчи ўкув қўлланмаси эди.

П.И.Иванов Ўзбекистонда илмий фаoliyatdan ташқари катта жамоатчилик ишлари билан ҳам шуғулланган. У Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати, Республика «Тинчликни ҳимоя қилиш» жамғармаси аъзоси бўлган.

Тошмуҳаммад Ниёзович Қориев (1897-1970) олим ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги бўлиб, у ҳали ёшлигига ёқ Фарғонада биринчи ўзбек совет мактабини ташкил қилган. 1920 йилда Қўқондаги ушбу мактаб негизида вилоят педагогика техникуми очилган ва ўша йиллари мазкур билим юрти педагогик кадрлар тайёрлаш ўчигига айланди.

Т.Н.Қориев 1930 йилда Ўрта Осиё Давлат Университетининг физика-математика факультетини тутатгач, Тошкент Давлат университетининг ректори вазифасига тайинланади. Ушбу даврдан бошлаб унинг катта педагогик ва илмий фаолияти бошланади.

1931 йилда у ўзбеклардан биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлади, 1939 йилда эса физика-математика фанлари доктори бўлади.

Ўзбекистонда фан ва маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши Қори-Ниёзий номи билан узвий боғлиқдир. У 300 дан ортиқ асарларни, шу жумладан кенг илмий жамоатчилик томонидан тан олинган «Улуғбекнинг астрономик мактаби» номли асарни ёзган.

Қори-Ниёзийнинг илмий тадқиқодлари халқаро миқёсда ҳам тан олинган, жумладан 1954 йилда у Халқаро Астрономия жамиятининг аъзоси, 1968 йилда эса Фанлар тарихи бўйича XII Халқаро Конгресснинг Бош Ассамблеяси аъзоси этиб сайланган. Бундан ташқари, А.К.Боровков билан ҳамкорликда биринчи ўзбек-рус лугатини тузган. Мазкур лугат кейинги лугатлар учун асос бўлиб хизмат қилди ва ўзбек алифбосидан кирилл ёзувига ўтишда жуда иш берди.

Халқ таълими муаммоларига бағишлиланган ишлар Т.Н.Қори-Ниёзийнинг ижодий меросида алоҳида ўрин тутади.

Faafur Fулом (1903-1966) совет давридаги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва халқ шоиридир. У 1918 йилда ўқитувчилар тайёрлаш курсини тутатиб, бошлангич мактабда ишлай бошлади. Шу даврдан бошлаб у биринчи ўзбек мактаб-интернатларини очишда фаол иштирок этди, сўнгра ўзи уларда мудир ва тарбиячи вазифаларида ишлади.

1943 йилдан бошлаб то умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академиясининг А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Faafur Fулом халқ таълими тизимидағи ишини журналистик фаолияти билақ қўшиб олиб борди. Урушдан олдинги йилларда у 500 дан ортиқ шеър, поэма, ҳикоялар, очерклар ва фельетонлар ёзган.

Улуғ Ватан уруши F.Фулом ижодида алоҳида ўрин тутади («Сен етим эмассан», «Софинч», «Мен сени кутаман, ўғлим»). F.Фулом қатор рус ва чет эл ёзувчиларининг (М.Ю.Лермонтов, А.С.Пушкин, М.Горький, В.В.Маяковский; И.Бехер,

В.Шекспир, П.Бомарше, А.Гидош, Л.Хьюз, Лопа де Вега ва бошқ) асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

F.Ууломнинг шоир сифатидаги фаолияти Ўзбекистонда халқ таълимини ташкил этиши ва уни ривожлантиришига қаратилган кенг жамоатчилик фаолияти билан узвий боғлиғдир.

Шоирнинг саводсизликка қарши курашдаги ҳиссаси ҳам сезиларлидир. 1923 йилда унинг ташаббуси билан Дегрезли даҳасидаги (Тошкент) катталар учун саводхонлик курслари очилади. F.Уулом педагог сифатида кўп қиррали шахс бўлган. Жумладан, мактабда унга адабиёт, жўғрофия, жамиятшунослик, мусиқа фанларидан ва рақсдан дарс беришга тўғри келган.

Faфур Ууломнинг педагогик фаолияти ҳам худди унинг адабий ижоди каби ёшларга чукур билим бериш, уларни ахлоқли ва дидли қилиб тарбиялаш, шунингдек педагогика фани назарияси ва амалиётини ривожлантиришга қаратилган.

Шоир асарларининг педагогик хусусиятларидан бири шуки, у болаларнинг ички дунёсини, уларнинг кайфиятини, кечинмаларини ва шахсий интилишларини ҳис қила олган. У яратган қаҳрамонлар образлари ҳаётдан олинган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Faфур Уулом асарлари нафақат юқори савияли бадиий проза намунаси ҳисобланади, балки улар тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

F.Уулом болаларни оиласда тарбиялаш масаласига катта аҳамият берган. У боланинг қандай вояга етиши, унинг жамиятда қанчалик муносаб ўрин эгаллаши бевосита отоналарга боғлиқ деб ҳисобларди. Оилавий тарбияда у отоналарга асрлар синовидан ўтган халқ педагогикасини кўллашни тавсия қилган.

Ойбек (Мусо Тошмуҳаммедов – 1905-1968) совет давридағи ўзбек адабиётига асос солган ёзувчилар қаторига киради.

Ойбекнинг бадиий ва публицистик асарларида унинг педагогик ғоялари ва қарашлари яққол ифодаланган. Ойбек ёзувчи сифатидаги ўз вазифасини халққа, Ватанга хизмат қилишдан иборат деб билган, сўзни тарбиянинг курдатли ва ишончли воситаси деб ҳисоблаган.

Болада зиё ва маънавият уруфини экмай туриб, уни ҳақиқий фуқаро қилиб вояга етказиш мумкин эмас, деган фикр Ойбек ижодининг муҳим жиҳатларидан бири эди. Шунинг учун у

ёшларни билим олишга, халқнинг бой тарихий тажрибасини, бутун инсониятнинг маънавий бойликларини ўзлаштиришга чақирган. У ёш авлодни тарбиялашда меҳнатнинг тутган ўрнига катта аҳамият берган, фақатгина меҳнат ёрдамида ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни вояга етказиш мумкин, деб ҳисоблаган. Бу ёзувчининг асосий педагогик фикри эди.

Ҳамид Олимжон (1899-1944) – совет давридаги адабиётнинг йирик вакилларидан биридир. 1923 йилда у Жиззахдаги нотулиқ ўрта мактабни тутатган, сўнgra Самарқанддаги педагогика билим юргида ўқиди, уни тутатганидан сўнг Самарқанд педагогика академиясининг ижтимоий-иктисодий факультетига ўқишига кирган.

Академиядаги таълимни ниҳоясига етказганидан сўнг Ҳ.Олимжон «Ёш ленинчи» газетасида, «Курилиш» журналларида, сўнgra маданий қурилиш илмий-текшириш институтида ишлади. Кейинроқ «Совет адабиёти» журналида масъул котиб вазифасини бажарди, Ўзбекистон Илмий қўмитаси ҳузуридаги Тил ва адабиёт институтида бўлим мудири, Ўзбекистон Ўқув-педагогика нашриётида бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади.

Ҳамид Олимжон совет давридаги ўзбек адабиёти ривожига ва Ўзбекистонда педагогика фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. У мактабларда, пионерлар саройларида, болаларнинг техник станцияларида, республикадаги олий ўқув юртларида тез-тез бўлиб турар, болалар билан суҳбатлар ўтказар ва уларга ўз шеърларидан ўқиб берарди.

Ҳамид Олимжон ўз асарларида инсониятнинг юқори идеалларига содиқ қолган ҳолда ҳаётни ҳаққоний акс эттирган. Бу асарлар ёш авлодни бадиий-эстетик тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Унинг кўплаб асарлари 20-асрнинг ниҳоясидан бошлаб то бугунги кунгача Ўзбекистондаги мактаблар, ўрта-маҳсус билим юртлари ва педагогика олий ўқув юртларининг ўқув режаларига киритиб келинмоқда.

ХУЛОСАЛАР:

— XVIII-XIX асрларда яшаган ўзбек олимлари, педагоглари ва ёзувчилари жамият фаровонлигини ошириш воситаси сифатида маърифатпарварлик, билим олиш ва фанларни ривожлантиришга катта аҳамият берганлар.

Ўзбек маърифатчи демократлари (Завқий, Фурқат, Муқимий) халқнинг қолоқлигини бартараф этишда маърифатнинг ўрни бекиёс деб билганлар. Капитализмнинг кириб келиши билан жамиятда юз берган айрим прогрессив ўзгаришларни англаш, Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши туфайли юз берган техникавий ривожланишни тан олиш улар дунёқарашларининг муҳим таркибий қисми эди.

— Ушбу даврдаги ўзбек олимлари, ёзувчилари рус мумтоз адабиёти, маданияти билан танишадилар, рус тилини ўрганадилар ва унинг Ўрта Осиёдаги фаол тарбиботчиларига айланадилар.

— Уларнинг ташаббусига кўра (С.Сиддиқий, А.Шокирий, А.Авлоний) янги усулдаги мактаблар очилади, уларда дунёвий фанлар ўқитилади; айниқса ўзбек қизларини ўқитишга алоҳида эътибор берилади.

— Улар томонидан мактаблар учун янги дарсликлар яратилади.

— Улар миллий илмий ва педагогик кадрларни, зиёлиларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшганлар.

— 30-йилларда республикада психология фанига асос солинди, унинг асосчиси Ўзбекистонга таклиф қилинган биринчи рус психолог мугахассиси П.И.Иванов эди.

— 1931 йилда Қори-Ниёзий ўзбеклар ичida биринчи бўлиб профессор узвонига, 1939 йилда эса — физика-математика фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

— Ўзбек ёзувчиларининг бутун адабий ижоди ва педагогик фаoliyati ёшларга чуқур билим бериш, уларни ахлоқли ва дидли қилиб тарбиялаш, педагогика фани назарияси ва амалиётини ривожлантиришга қаратилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

— Абу Наср ал Форобийнинг тарбия ва таълимга оид қарашларининг бош мазмунини тавсифланг.

— Абу Райхон Берунийнинг тарбия ва таълимга оид илмий қарашларининг илғорлиги ва чекланганлиги нималарда ифодаланади?

— Ибн Сино илмий педагогик ижодиётини, яъни унинг чуқурлиги, инсонийлиги ва тарбиядек мураккаб муаммонинг тўғри талқин килинганлигини асосслаб беринг.

— Юсуф Хос Ҳожибининг “Одиллар туҳфаси” поэмаси дидактик асоси нималарда ифодаланади?

- Д. Девонийнинг тарбия ва таълимга оид ижобий фояларини тавсифлаб беринг.
- А.Навоий педагогик меросининг бош хусусияти нималарда ифодаланади?
- Я.А.Коменскийнинг “Олтин қоида”сини асослаб беринг.
- Оғаҳийнинг маърифат соҳасидаги алоҳида хизматларини тавсифлаб беринг.
- Бердақ ижодидаги демократик фикрлар нималарда ифодаланади?
- Фурқат, Муқимий, Завқий дунёқарашларидаги асосий нарса нима?
- С.Сиддиқийнинг педагогик фаолиятини тавсифлаб беринг.
- Анбар отиннинг маърифатпарварлик фаолияти нималарда ифодаланади?
- А.Авлонийнинг педагогик фаолиятини тавсифлаб беринг.
- Ҳ.Ҳ.Ниёзий педагогик қарашларининг янгилиги нимада?
- С.Айнийнинг педагогика назарияси ва тарихи масалалари ёритилган асарларини тавсифлаб беринг.
- И.Раҳматуллаевнинг педагог сифатидаги хизматларини асослаб беринг.
- П.И.Иванов ва унинг Ўзбекистон Республикасида психология фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси.
- Т.Н.Қори-Ниёзийнинг илмий-педагогик фаолиятини тавсифлаб беринг.
- Faфур Ғуломнинг саводсизликка қарши курашдаги роли.
- Ойбекнинг бош педагогик фояси нималарда кўринади?
- Ҳ.Олимжон ҳамда унинг Ўзбекистонда ўзбек адабиёти ва педагогика фани ривожига қўшган ҳиссаси.

III-МАВЗУ

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

К.Д.Ушинский – болаларга биринчи навбатда она тилини ўқитиши асосчиси.

Е.Н.Водовозова, унинг болалар нутқини ривожлантириш методикасига кўшган ҳиссаси.

Собиқ совет даврида нутқ методикасининг ривожланиши.

**К.Д.Ушинский – болаларга биринчи навбатда
она тилини ўқитиши асосчиси**

Рус педагоги К.Д.Ушинский (1824-1870) рус буржуа-демократик педагогикаси, хусусан, мактабгача педагогиканинг асосчиси ҳисобланади. У болаларни мактабгача тарбиялаш назарияси ва амалиёти масалаларини бошланғич таълим муаммоси билан боғлаган.

Ушинский педагогика тизимининг асосий етакчи фояси халқона тарбия фояси ҳисобланади, бунда ҳар бир халқнинг у яшайдиган ва меҳнат қиласидиган тарихий, табиий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган ўзига хослигини тушунади.

Ушинский она тили – халқоналиникнинг энг яхши ифодасини тан олган ҳамда таълим ва тарбия ишида она тили асосий ўринни эгаллаши лозим, деб ҳисоблаган.

Она тилининг бола психологияк күчларини ҳар томонлама ривожлантириш, тил моҳияти ва унинг вужудга келишининг бош манбай эканлиги ҳақиқидаги таълимот К.Д.Ушинский педагогик таълимотида марказий ўринлардан бирини эгаллайди ҳамда унинг методик тизимини тушуниш учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

К.Д.Ушинский она тилини бирламчи ўқитишининг учта асосий мақсадларини шакллантирган:

I. Сўз имкониятларини ривожлантириш;

II. Болага фикрни ифодалаш учун она тилининг энг яхши шаклларидан фойдаланишни ўргатиш, болаларни “она тилининг бойликларини эгаллаш”га жалб қилиш.

III. Тил қонунларини, унинг грамматикасини ўрганиш.

Она тилини бирламчи ўқитишининг барча уч мақсадига кетма-кет эмас, балки бир вақтнинг ўзида эришилади.

1861 йилда Ушинскийнинг “Она тили” номли асари чоп этилди. Мазкур асар Константин Дмитриевичнинг болаларга бирламчи савод ўргатиш ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ педагогик ғоялари ҳамда эстетик тамойилларининг ўзига хос якунлари ва амалий ифодаси бўлди. Ўқиш китобининг бутун мазмуни муайян тизим бўйича берилган. “Она тили” китоби нафақат билимлар қомуси, балки бадиий энциклопедия ҳам ҳисобланади.

Унинг биринчи қисмидан 19 та эртак, 30 та топишмоқ, 123 та мақол ва матал, 13 та тез айтиш, 14 та қўшиқ, 14 та турли шоирлар шеърлари ҳамда Ушинскийнинг ўзи ёзган 43 та ҳикояси жой олган.

Ушинский биринчи бор китобларида болаларни ўз замондошлиари – Тютчев, Некрасов, Огарев, Тургенев асарлари, шунингдек Карамзин, Лермонтов, Крылов асарлари билан таништириди.

Китобни тузиш тартиби қуидагicha: у боланинг табиат, кишилар ва жамият ҳақидаги билимларини кенгайтиргани ва чуқурлаштиргани ҳолда уни таниш нарсадан нотаниш нарсалар томон бошлаб боради.

Ушинский 6 ёшгача бўлган болалар нутқини тавсифлар экан, унинг айрим ҳусусиятларини, масалан: товушнинг тушунарсизлиги, лугат бойлигининг етарли эмаслигини, ўзаро боғлиқликнинг йўқлигини алоҳида таъкидлаган. У болалар билан машғулот ўтказишнинг турли шаклларини таклиф қилган:

- болалар ҳаётидан ҳикоялар;
- болага нарсаларнинг ҳусусиятларини кўришда, 6 ёшга келиб эса нарсалар жуфтлигини бир-бирига таққослаш, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқларни топишда ёрдам берувчи машқлар;
- суратлар асосида ҳикоя қилиш, бу болаларга саволларга жавоб бериш, сўнгра эса равон, тушунарли ва эркин ҳикоя қилиб беришни ўргатади;
- болаларни ўқиш ва ёзишга тайёрловчи амалий машқлар.

К.Д.Ушинскийнинг тил ва унинг болани руҳан шаклланишида тутган ўрни ҳақидаги таълимоти нутқни ривожлантириш методикасини мустақил фан сифатида ажратиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

1. Тил ҳақида, унинг вужудга келиши ҳақидаги таълимот – методиканинг назарий асослари ишлаб чиқилди; унинг ҳар бир одамнинг ривожланишида тутган ўрни кўрсатиб берилди, бу эса болаларни ривожлантириш ва тарбиялашда она тилининг етакчи ўрин тутишини асослаш имконини берди.

2. Болалар нутқини ривожлантириш иши мактаб таълимига қадар бошланадиган иш сифатида алоҳида бўлимга ажратилган.

3. Болалар нутқини ривожлантиришга боланинг узок давом этадиган она тили, унинг мазмуни ва шаклларини ўзлаштириш жараёни сифатида қаралган. Ушбу мураккаб жараён устоз томонидан тўғри ва фаол раҳбарлик қилишни талаб қиласди.

4. Она тилини ўқитиш жараёнига раҳбарлик қилишнинг асосий қоидалари: она тилини бирламчи ўқитишнинг мақсадлари; уларни амалга ошириш мазмуни ва шакли; нутқни ривожлантиришда кўргазмавийликнинг аҳамияти ишлаб чиқилган ва асослаб берилган.

5. Бола нутқини унинг фикрлаши, маънавий ва эстетик ҳис-туйғулари билан биргаликда ривожлантиришни таъминловчи иш усуллари кўрсатиб берилган.

Е.Н.Водовозова, унинг болалар нутқини ривожлантириш методикасига қўшган ҳиссаси

Елизавета Николаевна Водовозова (1844-1923) К.Д.Ушинскийнинг шогирди ва издоши бўлиб, у мактабгача тарбия масалаларини назарий ишлаб чиқишига сезиларли ҳисса қўшган. Айни пайтда Е.Н.Водовозова таниқли болалар ёзувчиси бўлиб, ўз даврида Россия табиати ҳамда ғарбий Ёвропа давлатлари халқлари ҳаётидан ҳикоя қўлувчи ажойиб очерклар ва ҳикоялар ёзган.

1871 йилда унинг мактабгача педагогикага оид асосий асари – “Болаларда онг пайдо бўлган пайтдан бошлаб то 8 ёшгача уларни ақлан ривожлантириш” номли китоби чоп этилди. Водовозова тарбиянинг бош мақсади – “Инсонни – инсонийлик фояларини ўзида жо қилган булажак ижтимоий арбоб ва ўз ватани фуқаросини тарбиялашдан иборат”, деб ҳисоблаган.

Водовозова мактабгача ёшдаги болаларни оилада ва жамиятда тарбиялаш тизимининг асосига халқоналикини

киритди. У болаларни илк ёшидан бошлаб тарбиялаш тизими халқ нутқи, халқ күшикәлари, топишмоқлари, эртаклари ва ўйинларидан фойдаланиш асосига қурилиши лозим, деб ҳисоблаган. Бу тизим болаларда халқига, ватанига муҳаббат түйгүларини тарбиялашни таъминлаши лозим.

Е.Н.Водовозованинг улкан хизматлари шундаки, у болаларда она тилини ривожлантириш дастурини ва болаларни тарбиялашда рус фольклоридан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқди. Водовозова ҳам худди К.Д.Ушинский каби эртакларни, айниқса халқ эртакларини ҳимоя қилиб чиққан. Е.Н.Водовозованинг фикрига кўра эртак болаларнинг бой кузатишлари ва билимларига таянади, у болалар хаёлини ривожлантиради, болалар нутқининг бойишига кўмаклашади, уларга халқ ибораларини, нутқ оборотларини оддий ва жонли образларни ёд сақлаб қолишга ёрдам беради, маънавий жиҳатдан тарбиялашда кўмаклашади.

Водовозованинг “Ақлий ривожланиш” номли асарида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун имкон доирасидаги ва фойдали бўлган халқ эртаклари туркуми баён қилинган.

Собиқ совет даврида нутқ методикасини ривожлантириш

Нутқни ривожлантириш методикаси совет даврига келиб мустақил фан сифатида шаклланди. Ушбу даврнинг дастлабки йилларидаёт (1918) нафақат Россияда, балки болалар миллий тилда ўқитиладиган барча миллий худудларда ҳам оммавий равищда болалар боғчаларини ташкил қилиш бошланди. Умумий мактабгача таълим назарияси вужудга келди. Болалар нутқини ривожлантиришининг мазмуни ва унинг энг самарали йўлларини аниқлаш вазифаси пайдо бўлди.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш методикасини фан сифатида шакллантиришга Е.И.Тихеева, Е.А.Флерина, О.И.Соловьева, А.Н.Гвоздев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Елизавета Ивановна Тихеева (1866-1944) истеъоддли педагог ва йирик жамоат арбоби. Е.И.Тихеева “энг яхши маънодаги инсонни” тарбиялашта ёрдам бериши ва энг илк ёшдан бошлаб то кексаликка қадар инсонни ҳар томондама

ривожлантиришни таъминлайдиган педагогик назарияни яратиши устида ишлаган.

Е.И.Тихеева ўз педагогик фаолиятининг дастлабки йилларида ёқ болаларни тарбиялашда она тилининг муҳим аҳамиятга эгалигига эътиборини қаратган.

К.Д.Ушинский таълимоти асосида ҳали инқилобгача бўлган даврда ёқ ишлаб чиқилган оиласда, Мактабгача таълим муассасасида, мактабда болаларга она тилини ўқитиш жараёнида уларнинг нутқини ўстириш методикаси Е.И.Тихееванинг педагогик назариясида марказий ўрин эгаллади.

1913 йилда Е.И.Тихееванинг “Она тили ва уни ривожлантириш йўллари” номли асари босилиб чиқди. Тихеева нутқни ривожлантириш аҳамияти, йўллари ва воситаларига оид муҳим масалаларни, тил маданиятини умумий ривожлантириш, болаларда ўз ҳалқига, ватанига муҳаббатни тарбиялаш билан боғлиқликда ҳал этган. Е.И.Тихеева тилни ўргатиши илк болалик чоғидан бошлаш зарур, деб ҳисоблаган, чунки тўғри нутқ кўнникмаси бошқа кўнникмалар сингари оиласда ортирилади. Е.И.Тихееванинг фикрича, Мактабгача таълим муассасаси болаларнинг барча қобилиятларини ривожлантирган ҳолда нутқни эгаллашнинг жуда аҳамиятли ва муҳим қобилиятига эътиборни қаратиши даркор: “чунки нутқни мунтазам ўргатиш, нутқ ва тилни методик ривожлантириш Мактабгача таълим муассасасидаги бутун тарбия ишларининг асосини ташкил қўймоғи лозим”¹.

Мактабгача таълим муассасасининг Е.И.Тихеева томонидан олға сурилган асосий вазифаси – болаларнинг барча қобилиятларини, шу жумладан нутқни эгаллаш қобилиятини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Айни пайтда нутқни ўстириш мактабгача таълим муассасасидаги бутун тарбия ишларининг асосини ташкил қўймоғи зарур.

Йккинчи вазифа – болалар нутқининг шакли, унинг кичкинтой атрофдагилардан ўзлаштириб оладиган тузилмаси устида ишлашдан иборат.

Учинчи вазифа – болалар нутқини ривожлантириш вазифасини тарбиячилар зиммасига юклаган ҳолда педагог, Е.И.Тихеева фикрига кўра, болалар нутқини

¹ Е.И.Тихеева. «Развитие речи детей» М., 1981.

ривожлантиришнинг энг янги методларини ўзлаштириши, нафақат методик усулларни билиши, балки уларни болалар билан мулоқот чоғида қўллай олиши ҳам даркор.

Е.И.Тихеева ўз методикасида болалар нутқини ривожлантиришга оид ишлар мазмунини ҳамда нутқнинг ривожланиши, оғзаки нутқ ривожланиши рўй берадиган фаолият турларини аниқлади.

Машғулотлар жараёнида ушбу фаолият турларини йўлга қўйишда Тихеева асосий эътиборни луғатни бойитиш ва равон нутқни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини кўрсатади. У кўргазмавийлик ва кузатишни бола нутқини ривожлантириш асоси деб ҳисоблади. Е.И.Тихеева томонидан экскурсияларни ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган, экскурсияларни бундай ташкил қилиш унинг фикрича, болаларни бевосита табиатга ошно қиласди, жонли борлиқни уларнинг табиий муносабатлари билан биргаликда таништиради.

Е.И.Тихеева нутқни ривожлантириш машғулотларига нисбатан қўядиган асосий талаблари қаторида болалар қизиқишилари ва тажрибалари, уларни жонли ўтказиш, ҳаракатланиш ва синаб кўриш имкониятлари билан алоқасини олға сурди.

Ўз даврининг илмий ютуқлари доирасида Е.И.Тихеева қўйидагиларни ишлаб чиқсан:

- болаларни мактабда таълим олишга тайёрловчи ўюнтирилган дастурий машғулотларни ўтказиш методикаси;
- мактабгача ёшдаги болалар нутқини, фикрлашини ривожлантириш ва уларга она тилини ўқитиш методикаси;
- оригинал дидактик материал тизими ва ундан Мактабгача таълим муассасасида фойдаланиш методикаси.

Синчиклаб ишлаб чиқилган нутқни ривожлантириш методикаси мактабгача тарбия назарияси ва амалиётига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, у бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1937 йилда Е.И.Тихееванинг “Мактабгача ёшдаги бола нутқини ривожлантириш” номли китоби босилиб чиқди, мазкур асар Мактабгача таълим муассасасида болаларга она тилини ўқитишга доир ишларни ташкил қилиш жараёнида улкан аҳамиятга эга бўлди.

1939 йилда эса Герцен номидаги педагогика институтининг мактабгача тарбия бўлими учун “Мактабгача ёшдаги бола нутқини ривожлантириш” курси дастури чоп этилди.

“Мактабгача ёшдаги бола нутқини ривожлантириш” китобида (1967, 1981) баён этилган амалий тавсиялар болалар боғчаларида ҳозирги кунгача қўлланиб келинмоқда.

Евгения Александровна Флерина (1889-1952) мактабгача тарбия соҳасидаги биринчи педагогика фанлари доктори бўлиб, у нутқни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишига катта ҳисса қўшган.

Е.А.Флерина умумий эстетик тарбиянинг таркибий қисми сифатида бадиий ўқиш муаммолари билан шугулланган.

Болалар билан ишлаш ва педагоглик борасидаги ўз тажрибаларини Е.А.Флерина “Мактабгача тарбия муассасаларида жонли сўз” номли мактабгача тарбия йўналишидаги билим юртлари ва институтлар учун биринчи ўкув қўлланмасида акс эттирган (1933). Ушбу қўлланманинг асосий бўлимлари оғзаки нутқ, суҳбат, бадиий ўқиш ва болаларга ҳикоя қилиб бериш ҳамда болаларнинг ўзлари ҳикоя қилиб беришларига бағишиланган. Айниқса Е.А.Флеринанинг бадиий асарга санъат асари сифатда катта эътибор бергани, бадиий матнни болага етказишининг турли усулларини, жумладан ўқилган асар бўйича суҳбат ўтказиш усулини ишлаб чиққанлиги жуда қимматлидир.

1948 йилда мактабгача тарбия масаласи бўйича Бутунrossия конференцияси ўтказилди, у сўнгги йиллардаги илмий-тадқиқот ишларига якун ясади ва бу борада янги вазифаларни белгилаб берди. Илмий ва амалий ходимларнинг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда аста-секинлик билан олиб борган ишлари натижасида Мактабгача таълим муассасасида она тилини ўқитиш тизими шаклланди. Тарбиячилар учун она тилига доир қўлланмалар, Мактабгача таълим муассасасидаги энг яхши иш тажрибалари ҳақида мақолалар тўпламлари мунтазам равишда чоп этила бошлианди. 1956 йили мактабгача тарбия йўналишидаги педагогика билим юртлари учун биринчи марта “Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш ва она тилини ўқитиш” номли ўкув қўлланмаси дунё юзини кўрди. Мазкур қўлланма муаллифи О.И.Соловьевэ эди.

50-60 йилларда нутқни ривожлантирил методикасида янги бўлим – грамматик тўғри нутқни шакллантиришга катта эътибор берила бошланди.

Ушбу масалани ёритишга профессор А.Н.Гвоздев улкан ҳисса қўшди, у ўзининг “Болалар нутқини ўрганиш масалалари” номли китобида (1961) болаларнинг илк ёшдан бошлаб грамматик тузилишни ўзлаштириб олишларининг қонуниятларини очиб берган.

50-60 йилларнинг мактабгача таълим дидактикасида таълимга тарбияловчи жараён сифатида қаралган. Тарбиячилар эътибори нутқий машғулотлар методикаси ва мазмунига қаратилган, аммо болалар фаолиятининг бошқа турларида нутқни ривожлантириш ишига жуда кам эътибор берилган.

1960 йилда жаҳонда биринчи марта собиқ Совет Иттифоқининг Педагогика фанлари академияси ҳузурида мактабгача тарбия бўйича Илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Унда нутқни ривожлантириш лабораторияси иш бошлади ва у илк болалик ёшидан бошлаган ҳолда турли ёш босқичларида нутқни ривожлантиришдаги ворислик масалаларини ўрганишга киришиди. Мазкур тадқиқот материалларидан 1962, 1969 йилги дастурларда фойдаланилган.

60-70 йилларда болалар нутқини ривожлантириш масалалари фаол ўрганила бошланди. Мактабгача тарбия бўйича Илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги нутқни ривожлантириш лабораторияси турли босқичларида нутқни ўргатишининг илмий ва методик асосларини ўрганади (Ф.А.Сохин, О.С.Ушакова, Е.И.Струнина ва бошқ.) Бундан ташқари, мулоқот қилишни ўргатиш (А.В.Запорожец, А.А.Леонтьев, М.И.Лисина, А.К.Маркова, А.Г.Рузская, В.В.Петрова, М.Г.Елагина ва бошқ.); тил ва нутққа нисбатан таҳлилий муносабатни шакллантириш (Л.И.Айдарова, Л.Е.Журова, С.Н.Карпова, Д.Б.Эльконин ва бошқ.); нутқий фаолиятни унинг барча таркибий компонентлари билан биргаликда ривожлантириш (А.М.Богуш, А.А.Леонтьев ва бошқ.) масалалари ишлаб чиқилди.

Она тилини ўқитишни ташкил этишнинг янгича мазмун ва шаклларини излаш 80-йилларнинг охирида авж олди, чунки бу даврга келиб болалар боғчаларида педагогик жараённи ташкил этишнинг энг аввало тарбиячининг болалар билан расмий, субъект-объект тусидаги муносабатларида кўринадиган уқув-интизомий модели кескин танқид остига олинди.

ХУЛОСАЛАР:

- К.Д.Ушинскийнинг тил ва унинг маънавий шаклланишда тутган ўрни ҳақидаги таълимоти нутқни ривожлантириш методикасини мустақил фанга ажратиш учун қурайлик яратди.
- К.Д.Ушинскийнинг шогирди ва издоши бўлмиш Е.Н.Водовозова болаларда она тилини ривожлантириш дастурини ва болаларни тарбиялашда рус фольклоридан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқди. Водовозова ҳам худди К.Д.Ушинский каби эртакларни, айниқса ҳалқ эртакларини ҳимоя қилиб чиқсан.
- Нутқни ривожлантириш методикаси совет даврида мустақил фанга айланди(1918).
- Е.И.Тихеева нутқни ривожлантиришга доир ишлар, болаларни мактабда таълим олишга тайёрлаш бўйича машғулотлар ўтказиш методикаси; мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва уларга она тилини ўқитиш методикаси; дидактик материаллар тизими ва улардан фойдаланиш методикаси мазмунини белгилаб берди.
- Е.А.Флёрина – мактабгача тарбия соҳасидаги биринчи педагогика фанлари доктори бўлиб, у биринчи марта мактабгача тарбия йўналишидаги билим юртлари ва институтлар учун ўқув қўлланмасини яратган. (“Мактабгача тарбия муассасаларида жонли сўз”, 1933).
- 50-йилларда илмий ва амалий ходимларнинг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда аста-секинлик билан олиб борган фаолияти натижасида болалар боғчасида она тилини ўқитиш тизими шаклланди: тарбиячилар учун мунтазам равишида она тили бўйича қўлланмалар, энг илгор иш тажрибалари ҳақидаги мақолалар тўпламлари чоп этила бошланди.
- 1956 йили мактабгача тарбия йўналишидаги педагогика билим юртлари учун биринчи марта О.И. Соловьеванинг “Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш ва она тилини ўқитиш” номли ўқув қўлланмаси чоп этилди.
- Грамматик жиҳатдан тўғри нутқни шакллантириш методикаси ривожига А.Н.Гвоздев улкан ҳисса қўшди, у болаларнинг илк ёшдан бошлаб грамматик тузилишни ўзлаштириб олишларининг қонуниятларини очиб берган.

• 1960 йилда жаҳонда биринчи марта собиқ Совет Иттифоқининг Педагогика фанлар академияси хузурида мактабгача тарбия бўйича Илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Унда нутқни ривожлантириш лабораторияси иш бошлади ва у илк болалик ёшидан бошлаган ҳолда турли ёш босқичларида нутқни ривожлантиришдаги ворислик масалаларини ўрганишга киришди.

• 80 йилларнинг охирида болалар боғчаларида педагогик жараённи ташкил этишнинг ўқув-интизомий модели кескин танқид остига олинди, бунинг оқибатида она тилини ўқитишни ташкил этишнинг янгича мазмун ва шаклларини излаш ишлари авж олди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- К.Д.Ушинскийнинг болаларга дастлаб она тилини ўқитиш таълимоти асосчиси сифатидаги фаолиятини таърифланг.
- Е.Н.Водовозованинг мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашдаги халқоналиқ ғояларини асослаб беринг.
- Е.И.Тихеева нутқни ривожлантириш методикаси соҳасида қандай илмий ютуқларга эришган?
- Е.А.Флерина ва унинг мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишига қўшган ҳиссаси.
- Мактабгача таълим муассасасида педагогик жараённи ташкил этишнинг ўқув-интизомий модели танқид қилинишининг сабабларини асослаб беринг.

IV-МАВЗУ

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРИХИ

Нутқни ривожлантиришда таълимнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида.

Чет элда, Россияда ва Ўзбекистон Республикасида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга доир тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

Нутқни ривожлантиришда таълимнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида

Нутқни ривожлантириш муаммосига ёндашув педагоглар, психологлар ва методистларнинг (Л.С.Выготский, Л.А.Венгер, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, А.В.Запорожец, Н.Н.Поддьяков, А.П.Усова, Е.А.Флерина ва бошқ.) фундаментал тадқиқотларида асослаб берилган базавий умумпсихологик позициялар билан белгиланади. Ушбу тадқиқотларда ўқитиш ва ривожлантиришга бир хил қаралмайди, лекин айни пайтда ўқитишнинг болаларга «яқин ривожланиш худуди»ни яратувчи борлиқда йўл топа олиш воситалари ва усусларини ишлаб чиқишида ёрдам берувчи етакчи аҳамиятга эгалиги таъкидланади (Л.С.Выготский).

Нутқقا ўргатиш муаммоси доимо мактабгача дидактиканинг етакчи муаммолари қаторида турган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Боланинг она тилини ўзлаштиришида ўқитишнинг тутган аҳамияти бир неча бор Шарқ (Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқ.) ва Фарб (Я.А.Коменский ва бошқ.) мутафаккирлари, шунингдек К.Д.Ушинский, Е.И.Тихеева, А.П.Усова, Л.А.Пеньевскаялар томонидан қайд этилган.

Ибн Сино болалар билан бақирмасдан хотиржамлик билан ва унинг шахсига тегмаган ҳолда суҳбатлашиш, суҳбатни ҳикоялар ва афсоналардан бошлаш зарурлигини уқтирган.

А.Навоий сўз, нутқ ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини образлар орқали юқори бадиий шаклда ифодалаган.

Я.А.Коменский табиий қобилиятни ҳар томонлама ривожлантириш ғоясидан келиб чиққан ҳолда илк ёшдан

бошлаб болаларга билишни, ҳаракат қилишни, сұзлашни үргатиши каби вазифаларни қўйган. У «ақл ва нутқ»ни ривожлантириш ҳақида бир хил қайгуриш даркор, деб ҳисоблаган. Чунки, бола нутқ туфайли ўз фикрларини ифодалайди ва атрофдаги кишилар билан мулоқотта киришади, нутқни эгаллаб олиш орқали у атроф-оламни англайди, бошқа болалар билан мулоқот қилиш натижасыда эса болада нутқ ва фикрлаш ривожланади.

К.Д.Ушинский дастлабки таълимда она тилини ўқитиши «бош, марказий предметни ташкил этиши» ҳақидаги тезисни олға сурган. Унинг фикрига кўра, «болакай ушбу анчайин улкан меросни узоқ вақт мобайннида, балки ҳеч қачон ўзлаштира олмаслиги – уни ҳақиқатдан ҳам ўзининг маънавий бойлиги қилиб ололмаслиги мумкин».

Е.И.Тихеева К.Д.Ушинскийнинг издошлари ичида биринчи бўлиб мактабгача ёшга нисбатан «тилини ўқитиши» атамасини қўллаган. Унинг фикрига кўра, болалар боғчасида тарбиялаш ишлари тизимининг асосини биринчи ёшдан бошлаб она тилини мунтазам үргатиб бориш ташкил қўлмоғи лозим, бу ўқувни у Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаган.

Она тилини ўқитиши муамносини ҳал этишга Е.А.Флерина ҳам улкан ҳисса кўшган. У катталарнинг болаларга нисбатан педагогик таъсирини тавсифлаш учун «ўқитиши» атамасини кенг маънода қўллаган. Таълимни бундай маънода тушунишдан келиб чиққан ҳолда у унинг учта шаклини ажратиб кўрсатган: боланинг кундалик ҳаётида, унинг хилма-хил фаолияти давомида ўқитиши; болалар хоҳишига кўра ўюнтирилган гуруҳ машғулотлари: «у ёки бу ўқув тарбия вазифалари бутун гуруҳ олдига қўйиладиган» мажбурий машғулотлар.

Е.А.Флерина «мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиши муаммосини тор дараҷада ҳал этиш»нинг хавфлилиги ҳақида огоҳлантирган, мактабгача ёшдаги болани ўқитишнинг ўзига хослигини таъкидлаган: «Болалар бевосита ҳаёт билан мулоқотта киришиш йўли билан, тенгдошлари ва катталар мисолида ҳамда машғулотлар ва маҳсус машғулотларда тарбиячининг кўрсатиб ўтиши орқали ўқиб-ўрганадилар». У ўзининг тарбия тизимида санъатга ва ундан ҳар хил фаолият турларида, шу жумладан бадиий-нутқий фаолиятда бола имкониятларини ривожлантириш учун фойдаланишга асосий ўринни берган.

А.П.Усова Мактабгача таълим муассасасида ўқитишнинг умумий назариясини ишлаб чиққани ҳолда она тилини ўқитишга алоҳида ўрин берган. Унинг фикрича, таълим жараёнининг ўзи тўғри нутқий ривожланиш кафолати бўлиб хизмат қилади, чунки «болаларнинг нутқий ривожланишига шундай сифатларни киритадики, улар одатда, оддий шароитларда заиф ривожланадилар». Таълим нутқий ривожланиши қонуниятлари тўғри ҳисобга олинган тақдирда у барча болалар нутқининг мақбул даражада ривожлантирилишини таъминлади, деб ҳисоблади А.П.Усова. У болаларнинг мустақил равишида эгаллаб олишлари қийин бўлган ҳикоя қилиб бериш қобилиятини шакллантиришга алоҳида аҳамият берган. А.П.Усова она тили бўйича дастурни ўзлаштириш учун барча болалар билан машғулот ўтказиш лозим, деб ҳисоблаган. Айни пайтда у машғулот ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш учун ҳам кўп ишларни амалга оширган.

Мактабгача таълим муассасасида она тилини ўқитиш ишларининг тузилмаси Л.А.Пеньевская томонидан ишлаб чиқилган. У қуидагиларни ўз ичига олган: болаларнинг она тилидаги луғатни ва унинг грамматик тузилишини ўзлаштиришлари; оғзаки адабий нутқни шакллантириш ва тилнинг товуш тизимини ўзлаштириш; ҳикоя қилишни ўргатиш. Гарчи, Л.А.Пеньевский фикрига кўра, «белгиланган тил мазмуни узил-кесил ҳал қилувчи бўлмаса-да, «мактабгача тарбия натижасида болалар она тили бўлмиш тилда тўғри, соғ ва ифодали сўзлашни билишлари, бой луғат заҳирасига эга бўлишлари, равон ва изчил ҳикоядан қабул қилиб олганларини айтиб бера олишлари шарт».

Кейинги йилларда мактабгача ёшдаги болаларга она тилидаги нутқни ўргатиш муаммосига доир тадқиқотлар иш таркибини аниқлаштириш ва таълим методикасини такомиллаштириш йўлларини қидириш нуқтаи-назаридан олиб борилди. Тадқиқотчиларнинг асосий эътибори нутқий машғулотлар мазмуни ва методикасига қаратилди, бу астасекин Е.А.Флерина огоҳлантирган «нутқни ўргатиш» тушунчасининг торайишига, амалиётда эса – нутқний ривожлантиришга доир маҳсус машғулотлар аҳамиятининг ошишига олиб келди.

60-70-йилларда болалар нутқини ривожлантириш масалаларини ўрганиш ишлари фаоллашли. РСФСР

Педагогика фанлари академиясининг Мактабгача тарбия бўйича Илмий-тадқиқот институти хузурида нутқни ривожлантириш лабораторияси ташкил этилди. Унинг жамоаси турли ёш босқичларида нутқни ўргатишнинг илмий ва методик асосларини ўрганди (Ф.А.Сохин, О.С.Ушакова ва бошқ.)

Бундан ташқари, мулоқотдаги муаммолар туфайли мулоқот қилишни ўргатиш (А.В.Запорожец, А.А.Леонтьев, М.И.Лисина, А.К.Маркова, А.Г.Русская ва бошқ.); тил ва нутққа нисбатан таҳлилий муносабатни шакллантириш (Л.И.Айдарова, Л.Е.Журова, С.Н.Карпова, Д.Б.Эльконин ва бошқ.); нутқий фаолиятни унинг барча таркибий компонентлари билан биргаликда ривожлантириш (А.М.Богуш, А.А.Леонтьев, А.И.Полозов, В.И.Яшина ва бошқ.) масалалари фаол ишлаб чиқилди.

Ушбу ишлар натижасида она тилини ўқитишга доир ишлар таркибидан болаларнинг тил борлигининг элементлари ҳақидаги билим ва тасаввурлари, мактабгача ёшдаги болаларни лингвистик ривожлантиришни таъминловчи тил умумлаштирумлари ажралиб чиқди, болалар билан таълим ишларини олиб бориш дастурлари ва методикалари яратилди, уларда асосий эътибор аниқ билимлар, қобилият ва кўнникмаларга эмас, балки ақлий ва бадиий қобилиятларни ривожлантиришга қаратиласди («Мактабгача таълим муассасасида таълим ва тарбиянинг намунавий дастури», «Камалак», «Ривожланиш» ва бошқ.)

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мактабгача ёшдаги болаларга нутқни ўргатишнинг зарурлиги педагогика фанида аллақачон исботланган бўлиб, у шубҳага ўрин қолдирмайди. Ҳозирги пайтда болаларнинг юқори даражада ақлий ва нутқий ривожланишини, уларнинг тил қобилияtlари шаклланишини таъминлаш имконини берувчи болалар ўқувини ташкил этишнинг мақбул шаклини қидириш ишлари олиб борилмоқда. Назарий ва амалий тадқиқотларда бундай таълимнинг мазмуни ва шакллари ҳақидаги масалалар ҳал этилади. Илмий мактаблар, илфор амалий тажрибаларниңг муқобил (вариантли) дастурлари айнан ушбу жиҳатлари бўйича фарқланадилар.

Она тилини ўқитишни ташкил этишнинг янгича мазмун ва шаклларини излаш 80-йилларнинг охирида авж олди, чунки бу даврга келиб болалар боғчаларида педагогик жараённи ташкил этишнинг энг аввало тарбиячининг болалар билан

расмий, субъект-объект тусидаги муносабатларида кўринадиган ўқув-интизомий модели кескин танқил остига олинган эди. Бу муносабатлар фронтал машғулотлар мазмуни ва шаклида жуда сезилларлидир. Танқид тартибида айтиб ўтилган ўша далилларни таҳлил қилиш натижасида машғулотларни мактабгача таълим муассасасида ўқитишнинг асосий шакли сифатида салбий баҳолашнинг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- машғулотлардаги ўқитиш жараёнида тарбиячининг дикқат-эътибори болаларнинг бошқа фаолият турларига зарар етказган ҳолда фақат шунга жамланади;
- тартибга асосланган ўргатувчи машғулотларга зўр бериб, тарбиячининг болалар билан муносабати расмийлашувига олиб келади;
- болаларга қатъий дастурий ҳужжатлар асосида берилган катта ҳажмдаги аниқ билимлар таклиф этилади;
- мутлақ кўпчилик ҳолатларда машғулотлар номигагина ўtkазилади, бу эса барча болаларнинг фаоллигини таъминлаш имконини бермайди;
- машғулотларда, одатда беихтиёрий хулқ-авторнинг етарли даражада шаклланмаганинги туфайли мактабгача ёшдаги болалар учун унчалик имкон даражасида бўлмаган ташкил этишининг мактаб шаклидан фойдаланилади;
- юқоридаги сабаблар туфайли, шунингдек аксиалаюқа ва ривожлантирувчи долзарб вазифаларнинг мавжуд эмаслиги боис машғулотлар самарадорлигининг пастлиги.

Она тилини ўқитишда мактабгача таълим тизимининг ушбу камчиликлари куйидагиларда намоён бўлди:

- машғулотларда она тилини ўқитиш кўпинча тил воситаларини йигиши, тил бирликларини ўзлаштиришдан иборат бўлиб, у коммуникатив фаолият вазифаларини ҳал этишга йўналтирилмаган.
- Нутқнинг агарда, болалар нутқини мuloқot фаолияти доирасида кўриб чиқиладиган бўлса вуждуга келадиган мотивацияси мавжуд эмас; нутқни ўқитиш шартлари кўпинча табиий мuloқot шартларидан фарқланади: сұхбатдош йўқ (фақат саволлар, кўрсатмалар берадиган, баҳоловчи хуносалар билдирадиган педагогнинг ўзи бор, холос), машғулотларни ташкил этиш мuloқot шартларига (стол атрофида бир-бирига жуда яқин ўтириш) мос келмайди ва ҳ.к.

- Фойдаланилган методларда репродуктив нутқ (катталар нутқига тақлид қилиш) етакчи ўрин эгаллади;
- Машғулотларда болаларнинг нутқий фаолияти тарбиячи томондан қаттиқ тартибга солинади, бу эса болалар нутқий фаолиятини сусайтиради ва ҳатто уларни буткул йўқقا чиқаради.

Нутқни ўргатиш жараёнида ушбу салбий хусусиятлар педагоглар ва психологлар томонидан мавжуд амалиёт натижасида аниқланган бўлиб, у адолатли деб тан олинган.

Шу билан бирга, фронтал нутқий машғулотлар – анча тежамли ўқув шакли бўлиб, у дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган; у юқорида кўрсатиб ўтилган салбий жиҳатларни бартараф этишда самарали бўлиши мумкин: агарда у ўйин, коммуникатив ва билиш мотивацияси асосида қурилган бўлса, ҳукмронлик шароитида, болаларни ўюштириш усуллари ўзгарилилганида (масалан, стол атрофида доира шаклида ўтириш, гиламда ўтириш, гурӯҳ бўйича ҳаракатланиш ва бошк.), болаларнинг билишга интилган нутқий фаоллигини жадаллаштириш методларидан фойдаланилганида субъект – тарбиячилар билан болалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг субъектив усулларидир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, салбий ҳолатлар нутқни ривожлантириш методикасининг назарий асосларини ва педагогик раҳбарлик қилишнинг аниқ усулларини билувчи педагог маҳорати билан ҳамда тарбиячилар билан ҳамкорликда энг кам даражага туширилиши мумкин.

Адабиётларда юқорида кўрсатилган кўпчилик салбий хусусиятлардан холи бўлган ва ижобий фаолият олиб бораётган педагоглар томонидан муваффақиятли равишда амалиётда қўлланилаётган машғулотлар вариантлари ишлаб чиқилган. Чунончи, мактабгача тарбия бўйича Илмий-тадқиқот институтининг болалар нутқини ривожлантириш лабораторияси илмий ходимлари томонидан ишлаб чиқилган машғулотлар асосини нутқий ривожлантиришнинг турли вазифаларини ҳал этишга нисбатан комплекс ёндашув ташкил этади. Ушбу машғулотларда болаларга таклиф этилаётган топшириқлар мазмуни ва уларнинг кетма-кетлиги бола учун равон фикр тузишга ўтишни табиий ҳолга айлантириб қўяди. Бироқ нутқий машғулотлар самарадорлигини оширувчи омилларни энг кўп даражада ҳисобга олган тақдирда ҳам мазкур ўқув шакли тарбиячилар билан болалар ўртасидаги

ўзаро нутқий мuloқotларни ривожлантириш вазифаларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Ҳатто педагог машғулотларда болалар билан ўта демократик шаклда мuloқat қилганида ҳам катталарнинг «салобати босиб» туради (ва бу дидактик вазифаларнинг етакчилиги нуқтаи-назаридан ўринлидир). Болаларнинг хулқ-атвори тартибга солинади, ва бунда катталағ мuloқot ташаббускори сифатида чиқади. Шунинг учун нутқни ва нутқий мuloқotни ривожлантириш борасидаги вазифаларни ҳал этиш шаклларини қидириш давом этмоқда. Бу ўринда Л.И.Айдарова томонидан ишлаб чиқилган «ривожлантирувчи диалоглар», А.Г.Арушанова томонидан таклиф этилган «мuloқot дарслари» қизиқарлидир.

Мактабгача ёшдаги болаларга она тилини ўқитиш масалаларига нисбатан турли ёндашувларни таҳлил қилиш шуни күрсатдик, нутқни ўргатишининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилиш қуйидаги назарий қоидаларни тан олишдан келиб чиқадиган умумий бошланғич позицияга эга:

- таълим мактабгача ёшлаги болалар нутқини ривожлантиришда, айниқса ҳозирги кундаги номақбул нутқий мұхит шароитида ҳал құлувчи ақамиятга эга;
- нутқни ўргатиши – ижодий жараён бўлиб, у нутқни ривожлантиришининг ёш қонуниятлари ҳамда боланинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган «..дан ..гача» каби қатъий чекловларни қабул қилмайди;
- нутқни ўргатиши асосини коммуникатив ёндашув ташкил қилмоғи лозим, хусусан: тилни ўзлаштириш нутқий мuloқot фаолиятига қўшилиши зарур, таълим шарти табиий мuloқot шароитларига яқинлаштирилиши даркор;
- ўқитиш чоғида катталарнинг бола билан ўзаро муносабати хусусияти ушбу бола учун етакчи бўлган мuloқot шакли билан белгиланиши лозим;
- тил устидаги ишларни нутқ фаолиятининг барча компонентларини, яъни: ундов-мотивация, мўлжал-тадқиқот, ижро компонентларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмаси доирасида амалга ошириш даркор;
- нутқни ўқитиш болаларнинг тилни ўзлаштириш борасидаги мустақил фаолиятига асосланиши ва бола фаолиятининг бошқа турлари билан боғланган бўлиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларни нутқа ўргатиш муаммосини тадқиқ қилиш ишлари айнан юқоридаги методик қоидалардан келиб чиқсан ҳолда давом эттирилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва уларга она тилини ўргатиш соҳасидаги психолого-педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш қўйидаги хуносаларга келиш имконини беради:

- нутқни ривожлантириш – бу боланинг индивидуал ривожланишида марказий ўринни эгалловчи ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштиришига оид ўта мураккаб ва кўп омилли жараёндир.

- Бу стихияли жараён эмас, балки педагогик раҳбарликни таклиф қилувчи ижодий жараёндир.

- Боланинг нутқий ривожланиш жараёнини бошқарувчи педагог ушбу жараён қонуниятлари, механизмлари ва унинг турли ёш босқичларидағи хусусиятларини билиши, нутқий ривожланишнинг индивидуал хусусиятларини кўра билиш ва боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг нутқига педагогик таъсир кўрсатишнинг энг самарали йўлларини танлаши шарт.

«Бола нутқини ривожлантириш» ҳодисасининг ўзини ва уни бошқариш жараёнини таҳлил қилиш мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш соҳасида ишлаш учун педагоглар маҳсус тайёргарликдан ўтишлари зарур, деган хуносани келтириб чиқаради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришида таълимнинг тутган ўрни ва аҳамиятини тавсифланг.

- Ўрта асрлардаги таниқли Шарқ мутафаккирлари ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш масаласига қандай аҳамият берган?

- Табиий иқтидорни ҳар томонлама ривожлантириш борасида Я.А.Коменский томонидан қўйилган вазифаларни айтиб беринг.

- Е.А.Флерина, А.П.Усова, Л.Н. Пеньевская томонидан нутқни ривожлантириш методикаси масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг методик асосини тавсифланг.

• Мактабгача тарбия бўйича Илмий-тадқиқот институти хузуридаги нутқни ривожлантириш лабораторияси ҳамда унинг мактабгача ёшдаги болаларга она тилини ўқитиш ва улар нутқини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришда тутган ўрнини айтиб беринг.

• Нутқقا ўргатиш ва уни ривожлантириш соҳасидаги психологияк тадқиқотларни таҳлил қилинг.

• Болаларга она тилини ўқитишга доир машғулотларнинг салбий жиҳатларини тавсифланг.

• Мактабгача ёшдаги болаларга она тилини ўқитиш масалалари бўйича умумий назарий ва амалий позицияларни тавсифланг.

Чет элда, Россияда ва Ўзбекистон Республикасида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга доир тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

Нутқقا оид замонавий тадқиқотлар тизимли ёндашувга эга, бу “у яхлит бир тизим сифатида мавжуд бўлган қўплаб ташқи ва ички муносабатлар” (Б.Ф.Ломов) ҳодисасини ўрганишида намоён бўлади. Нутқ-тил тизими қўплаб алоқаларга киришади, жумладан, маънони сўзга айлантирадиган ҳамда инсон онги ва ҳис-ҳаяжонлари билан узвий боғлиқ бўлган семантик ахборот аппарати, психофизиологик ҳодисаси (яни, мия вазифаси, товушлар чиқарувчи ҳамда уларни қабул қилувчи ва табақалаштирувчи қурилма), мулоқот ва ижтимоий алоқа воситачилари уларнинг асосийлари ҳисобланадилар.

Даставвал “нутқ” тушунчасига мурожаат қиласиз. Нутқа нисбатан илмий тадқиқот обьекти сифатидаги умумий ёндашувларни таҳлил қилиш психик ривожланишнинг барча жиҳатларини тушуниш учун ўрганилиши фавқулодда муҳим бўлган ушбу ҳодисанинг ўта мураккаблиги ва кўп қирралилиги ҳақида холоса чиқариш имконини беради. “Нутқ ўзига хос фаолият сифатида бошқа фаолият турлари билан бир қаторда турмайди, у психологик ривожланиш жараёнида марказий ўринни эгаллайди...” (А.Н.Леонтьев).

Нутқ тарихан шаклланган ва тил орқали ифодаланадиган мулоқот шакли, яхлит фаолият кўринишида ва нонутқий фаолиятга қўшилган нутқий ҳаракат сифатида чиқиши мумкин бўлган нутқий фаолият (Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, А.А.Леонтьев, И.А.Зимняя) сифатида кўриб чиқилади, нутқ –

тилдан фойдаланиш жараёни, тил воситасида мuloқот қилиш жараёни, психик акс эттириш жараёни (С.Л.Рубинштейн), мuloқот жараёнида тил воситасида фикрлар, ҳиссиётлар, ифодаларни ифодалаш жараёнидир (Л.С.Рубинштейн, В.А.Арметов); нутқ – тилдан якка тартибда фойдаланиш ҳодисасидир (Ф.Де Соссюр).

Тилни турли нұқтаи назардан тавсифловчи мазкур ёндашувларни таққослаш орқали нутқнинг илмий үрганиш объекти сифатидаги умумий хусусиятларини ажратиш мүмкін.

• Нутқ – бу тилни ишга солиш жараёнидир. (И.А.Зимняя, В.М.Солнцев). Субъектнинг нутқий фаолияти ички восита ва уни амалга ошириш усуллари сифатида тил ва нутқни ўз ичига олади.

• Нутқ – бу психик ҳодиса, кишиларнинг шахслараро ўзаро муайян ҳамкорлиги шароитида ривожланадиган, индивидуал хусусиятларга эга бўлган шахс мулкидир. У тилдан фарқли равишда ижтмоий-тарихий шароитларда ривожланадиган халқ ижтимоий мулки ҳодисасидир.

Методик адабиётларда “нутқ”, “нутқий фаолият” атамалари кўпинча синоним сифатида, шунингдек “нутқий мuloқот” тушунчасига teng бўлган атама сифатида кўлланилади.

“Тил”, “нутқий фаолият”, “нутқий мuloқот” тушунчаларини бир-бирига таққослаш тил ва нутқ ўқитилиши туфайли алоҳида аҳамият касб этади. Чет тили (И.А.Зимняя, А.А.Леонтьев) ва она тили (А.М.Богуш, М.Р.Львов, А.К.Маркова, Ф.А.Сохин) бўйича мутахассислар фикрига кўра, үрганиш обьекти сифатида “нутқий фаолият” тил воситасида ифодаланган, инсоннинг мuloқот жараёнида коммуникатив билишга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган фикрларини (ҳис-туйгуларини) узатиш ва қабул қилишнинг фаол, аниқ мақсадга йўналтирилган ва предметли (мазмунли) жараёнидир.

Олимларнинг тилни (чет тилини) үргатишда биринчи ўринда тил воситаларини тўплаш, тил бирликларини ўзлаштириш эмас, балки тилни коммуникатив фаолиятда қўллаб туриши зарурлиги ҳақидаги фикрлари бир жойдан чиқади. Акс ҳолда нутқнинг табиий коммуникативлиги пасаяди, у “зўрма-зўраки” бўлиб қолади.

Мактабгача ёшдаги болаларда нутқий фаолликни нутқий фаолият назарияси асосида шакллантириш масалалари мактабгача таълим амалиётининг назарияси учун ва айни пайтда амалиёти учун ҳам ўта долзарб ва аҳамиятлиdir.

Адабиётлар таҳлили нутқий фаолиятнинг мотивацион компоненти эҳтиёжларини шакллантириш масалалари кўпроқ даражада ёритилганини кўрсатмоқда. Назарий ва методик ишларда нутқий фаолиятни бойитиш болалар нутқини ривожлантиришга доир ишлар самарадорлигини ошириши ишончли тарзда исботланган (В.В.Гербова, Э.П.Короткова, М.Р.Лъвов, А.К.Маркова, Ф.А.Сохин ва бошк.).

Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьевнинг ишлари методологик аҳамиятга эга, зеро уларда нутқ психик ривожланиш жараённада марказий ўринни эгаллаши, унинг фикрлаш билан ички боғлиқлиги, сўз инсон нутқининг бирлиги сифатида умумлаштириш маңба эканлиги, унинг ёрдамида ва тил воситасида инсоннинг тушуниш тизимининг шаклланниши ва мавжуд бўлиши (реал борлиқни умумлаштирган ҳолда акс эттириш) ҳақидаги қоида шакллантирилган.

Лингвистика, психофизиологияга доир ишлар, замонавий тадқиқотларда нутқ семантикаси масаласининг биринчи ўринга кўйилиши (Т.Н.Ушакова, А.М.Шахнорович), ушбу муаммолар бўйича синов ишланмаларига қизиқиш ортиб бораётганлиги ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Нутқий фаолият механизmlарини ўрганувчи психофизиологик тадқиқотлар фаннинг қизиқарли ва истиқболли йўналиши ҳисобланади. Биринчи бўлиб ушбу муаммони Н.И.Жинкин кўтариб чиққан. Унинг қайд этишича, “нутқ механизми – бу жонли, мослашувчан ва доимо такомиллашиб борадиган механизмдир”.

Нутқий фаолият механизmlарини таҳлил қилишда олимлар бир томондан, Н.И.Жинкин концепциясига, иккинчи томондан, механизmlарни нутқий фаолият босқичлари билан таққослаган ҳолда инсоннинг нутқий хулқ-авторига нисбатан фаолият нуқтаи-назаридан ёндашишга оид асосий қоидаларга асосланадилар.

Мотивацияни ҳаракатга келтириш, яъни фаолиятнинг биринчи босқичини амалга ошириш сўзлашнинг бошланғич механизми ҳисобланади. И.А.Зимняянинг фикрича, ушбу механизмга қуйидагилар киради:

- эҳтиёжни қўшиш;

- эҳтиёжнинг сўзлаш предмети – сўзловчининг фикри билан учрашиши;
- ушбу эҳтиёжнинг эмоционал кечинмалари, яъни қизиқиши;
- ирода билан бошқариш;
- қизиқиши қўллаб-кувватлаш;

Сўнги ўн йилликда лингвистлар, психологлар томонидан “тил қобилияти” муаммоси қизғин муҳокама қилинмоқда, бунда тил қобилияти деганда “тил тизимини ўзлаштиришида қўнишка ва малакаларни тезлик билан шакллантиришга ёрдам берадиган индивидуал хусусиятлар” тушунилади (Ф.Де Соссюр, Л.В.Шерба, Ж.Грин, М.К. Кабардов, В.И.Маркова ва бошқ.).

Нутқни психолого-педагогик тадқиқ қилишнинг истиқболли вазифаси сифатида инсон нутқий қобилиятининг концептуал моделини қуриш психолого-педагогик ҳодиса сифатида кўриб чиқилади (Т.Н.Ушакова). Моделда қўйидаги ҳодисалар ўз изоҳини топиши лозим: нутқ ёрдамида мулоҳоза қилинган фикрни узатиш (яъни, нутқий семантика муаммоси), бунда грамматик қоидалардан фойдаланиш (яъни, тилни ишга тушириш), акустик канални ишга тушириш, мулоқот ва ижтимоий алоқа сифатида нутқни қўллаш, ушбу барча операцияларни мия ҳаракатлари билан мувофиқлаштирган ҳолда баён қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Нутқни тушуниш борасида юқорида баён қилинган фикрлар ва тавсифлардан келиб чиққан ҳолда “нутқни ривожлантириш” тушунчасига мурожаат қиласиз. “Нутқни ривожлантириш – бу оддийдан мураккабга, қўйидан юқорига ўтишдан иборат бўлган ўзгариш; миқдорий ўзгаришларнинг аста-секин йиғилиши сифат ўзгаришларининг юз беришига олиб келадиган жараёндир”.

Нутқ онтогенези ҳақидаги тасаввурлар таҳлили ўта муҳимдир. Нутқ онтогенези XIX асрлардан бошлабоқ олимларни қизиқтира бошлаган (В.А.Александров, И.И.Срезневский, И.А.Сикорский, К.Д.Ушинский).

К.Д.Ушинский, болаларни она тилида ўқитиши заруратини асослагани ва болаларга она тилини бирламчи ўқитиши методикасини ишлаб чиққани ҳолда, болалар томонидан тил ўзлаштирилишининг тил ва фикрлаш муносабатларини чуқур фалсафий таҳлил қилиш, ўз-ўзини

ривожлантириш ва таълимга асосланган хусусиятлари ҳамда қонуниятлари борасида фикр билдирган.

Ота-оналарнинг кундалик ёзувлари узоқ вақт мобайнида нутқий онтогенез ҳақидаги маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилди. Бу асарларда жуда кўп қизиқарли фактлар бўлиб, улардан олимлар кейинчалик боланинг нутқий ривожланишини таҳлил қилишда фойдаланганлар (рус тилшунослари В.А.Богородицкий, А.А.Потебня, Л.В.Щерба ва бошқ.).

Айниқса А.Н.Гвоздевнинг «Болалар нутқини ўрганиш масалалари» номли асари жуда муҳим аҳамиятга эгадир, унда муаллиф кўп сонли фактларни таҳлил қилган ҳамда боланинг рус тилининг фонетик тизими ва грамматик курилишини ўзлаштириш қонуниятларини кўрсатиб берган.

Чет эл фанида нутқ онтогенези борасидаги тадқиқотларни бир нечта назарий йўналишларга ажратиш мумкин.

20 – йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларида Ж.Пиаже ўзига кўплаб издошлилар топган интеллектнинг назарияси тилни ўзлаштириш учун зарур бўлган мантиқий операциялар туфма бўлмай, ривожланиш жараёнида аста-секин шаклланади, деган хуносага келди.

ХХ асрнинг 50-йилларида бихевиоризм ва необихевиоризм доирасида имитацион ёндашув ажralиб чиқди. П.Скиннер концепциясига кўра, нутқий кўнималарни шакллантириш рефлексларнинг оперант («операция» сўзидан) шартлари вужудга келиши қонуниятларига мувофиқ ҳолда рўй беради. Ушбу ёндашувда тилни ўзлаштириш товушлар, тайёр иборалар туркумини такрорлаш, боланинг катталар талаффузига тақлид қилишидан иборат бўлади, бола тилидаги ҳар бир янгилик эса – ушбу тайёр сўзлар, ибораларга ўхшаб ҳаракатга унрайди. Имитацион давр боланинг тушуниши ва унинг янги, илгари ўзига таниш бўлмаган нутқий тузилмаларни тузиши ҳодисасини тушунтириш имконини бермайди (В.А.Звегинцев).

60-йилларнинг бошларида грамматикани вужудга келтирувчи трансформацион назарияга асосланган болаларнинг таклиф яратиши назарияси кенг тарқалди. Мазкур назариянинг асосчилари лингвист Н.Хомский ва психолог Ж.Миллер эди. Улар, умумий грамматик тамойиллар ҳақидаги тасаввурларнинг айрим тизимлари сифатида кўриб

чиқиладиган тил қобилиятыни туғма, деб ҳисоблаганлар. Тилни әгаллаш учун лингвистикагача бұлған билимлар ҳам, кattалар билан мuloқot ҳам керак әмас: ягона чеклов бу – хотира ҳажми ва диққат-эътибор даражасига доир чекловлардир. Бoшқaча қилиб aйтганда, ушбу назарияга биноан, бола тилни ўзлаштириши унинг атрофдагилар томонидан әмас, балки боланинг ички механизми билан йўналтирилади. Тилни әгаллаш борасида Н.Хомский томонидан таклиф этилган концептуал схема табиий тилнинг энг муҳим хусусиятларини акс эттиrmайдиган абстракт моделлигича қолади. Нутқ онтогенезини тадқиқ қилиш рус олимлари томонидан асосан Л.С.Выготскийнинг маданий-тарихий назарияси ва А.Н.Леонтьевнинг фаолият назариясига таянган ҳолда ўтказилган. Натижада шундай қaрапшлар тизими шаклландики, унга кўра нутқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши атрофдаги одамлар билан мuloқot жараёнида рўй беради. Бунда бола кattаларнинг нутқ намуналарини суст равишда қабул қилиб олмасдан, нутқни умуминсоний тажрибанинг бир қисми сифатида фаол ўзлаштиради.

Л.С.Выготский ва А.Н.Леонтьевларнинг қoидаларига таянган ҳолда 70-йилларда А.А.Леонтьев нутқий фаолиятнинг шаклланishi концепциясини ишлаб чиқди.

А.А.Леонтьев фикрига кўра, бола нутқини ривожлантириш – бу энг аввало мuloқot усулларини ривожлантиришdir, чунки усиз тил қобилиятынни шакллантириб бўlmайди. Ўз навбатида тил қобилиятынни шакллантириш бир томондан, асаб-психологик механизмларининг пишиб етилиши билан, иккинчи томондан эса – ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқdir.

Мазкур концепция доирасида рус психолингвистикасида нутқ онтогенезининг турли қирраларини тадқиқ қилиш ишлари олиб борилмоқда (Е.И.Исенина, Н.И.Лепская, С.Н.Цейтлин, А.М.ШахноровиЧ, Н.М.Юрьев ва бошқ.)

М.И.Лисинанинг коммуникатив фаолият сифатида мuloқot генезиси ҳақидаги концепцияси нутқий ривожланиш муаммоси туфайли аҳамиятга моликдир. Ушбу концепция доирасида бажарилған тадқиқотлар (В.В.Ветрова, М.Г.Елагина, А.Г.Рузская, Е.А.Смирнова ва бошқ.) шуни кўrsatдики, мuloқot – ҳал қилувчи шарт бўлиб, у сўзнинг пайдо бўлиши, болаларда нутқ пайдо бўлиш муддати ва унинг ривожланиш суръатларини белгилаб беради. Шунинг учун мuloқotнинг

нүткүй воситалари генезисида болаларнинг атрофдагилар билан мулоқот қилиш борасида ортирган тажрибаси ҳал қилювчи аҳамиятга эгадир. Онтогенезда нутқ дастлаб мулоқот воситаси сифатида, кейинроқ эса – фикрлаш, ўз хулқатворини бошқариш воситаси сифатида ривожланади.

Нутқий ривожланиш муаммоси юзасидан ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш нутқ онтогенези ҳақидаги замонавий тасаввурларни тавсифловчи асосий қоидаларни шакллантириш имконини беради.

Нуткий ривожланишга тил қобилиятларини – тил элементлари ва улар билан операциялар ўтказиш қоидаларини ўз ичига олувчи ҳаракатчан, функционал тизимларни шакллантириш сифатида қаралади. Бу тил умумлаштирмалари негизида яратиладиган индивидуал тил тизимиdir. Турли ёш босқичларida турли тил воситаларини, яъни: нутқ товушлари, лексик-грамматик материаллар ва бошқаларни ўзлаштиришда болалар нутқида индивидуал фарқлар кузатилади. Шунингдек, болалар нутқи шаклланишининг асосий босқичларida ҳам индивидуал фарқлар кузатилади.

Болалар тили нафақат катталар тилининг дастлабки босқичи, балки ўз хусусий қонунларига бўйсунадиган тўла мустақил тузилмалар ҳамдир.

Бола нутқи – болага оид бўлган ўзига хос маданиятнинг қимматли овозидир. Нутқни ривожлантириш нафақат болани атроф-олам билан таништириш томони, балки умумий психик ривожланиши устуни ҳисобланади. Бола нутқининг ривожланиши умуман шахсни ва шу билан бирга барча психик жараёнларни шакллантириш билан боғлиқдир. «..Тилни эгалаш жараёни – бу фақат ва шунчаки билимлар, маҳорат ҳамда кўнкиммаларни бериш жараёни эмас. Бу энг аввало тарбиядир. Қалбни тарбиялаш, ақлни тарбиялаш, фикрлар тузишини шакллантириш, инсон психологик қиёфасининг энг нозик қирраларига чидам билан ишлов беришдир» (К.Д.Ушинский).

Бола нутқий ривожданишининг, бир томондан, ташқи таъсиrlар билан белгиланиши, иккинчи томондан эса унинг тўсатдан юз бериши, «ўз-ўзидан ҳаракатга келиши» билан тавсифланишини тушуниш нутқ онтогенези ҳақидаги замонавий тасаввурларга хос ҳолатдир. Нутқни ривожлантиришнинг ана шу қонуниятлари ва механизmlарини тушуниб етиш уларни батафсил кўриб чиқиши талаб қиласди.

Мулоқот ва батафсиллик жараёнида тилни эгаллаш бола ихтиёрида бўлган тил воситалари билан уларга нисбатан нутқий мулоқот шарти фаолияти томонидан қўйиладиган талаблар ўртасидаги ҳамда бола эҳтиёжи, атроф-оламни ўзлаштириш билан уни англаш борасида эришилган натижалар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш орқали рўй беради (Е.И.Тихеева, Е.А.Флерина, Ф.А.Сохин ва бошқ.).

Айрим қатор тадқиқотлар ва айрим методик қўлланмаларда (А.П.Еремеева, Л.П.Федоренко, Г.А.Фомичева) нутқни ривожлантиришга нисбатан бутунлай тақлидга асосланган, боланинг тилни ички сезги ёрдамида беихтиёр ўзлаштириб олиш жараёни сифатида қараш каби илгари кенг тарқалган нуқтаи-назар сақланиб қолган. Ваҳоланки, бу қарашлар ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ Вильгельм фон Гумбольдт томонидан рад этилган: «Болаларнинг тилни ўзлаштиришлари – бу уларни сўзлар билан таништириш, хотираға муҳраш ва уларни тақлидан такрорлаш эмас, балки йиллар ўтиши билан машқлар натижасида тил қобилиягининг ўсишидир».

Гумбольдт, И.А.Бодуэн де Куртен, Л.В.Щербанинг нутқни мустақил равишда ривожлантириш ҳақидаги фоялари Ф.А.Сохин томонидан болаларга она тилини ўқитиши методикасини асослаш учун фойдаланилган ва бойитилган. Ф.А.Сохин ҳамда унинг шогирдлари туфайли нутқни мустақил равишда ривожлантириш муаммоси мактабгача педагогика ва болалар психологиясида чуқур назарий асосга эга бўлди.

«Тилни эгаллаш фақатгина катталар нутқи намуналарини тақлид қилиш асосида айтиш ва тил меъёрларини ички сезги асосида (беихтиёр) ўзлаштиришдан иборат эмас, у энг аввало тил умумлаштирмаларини ривожлантириш ва тил ҳодисаларини оддий англаш билан тавсифланади. Бу ривожланиш маҳсус таълимдан ташқарида ҳам рўй беради» (Ф.А.Сохин).

Қайд этиш лозимки, олимлар фикрига кўра, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари нафақат нутқда, балки мутлақо болалар фаолияти бўлмиш ўйинлар ва болалар қизиқувчанлиги жараёнида ҳам ёрқин намоён бўлади (Н.Н.Подъяков) ҳамда у катталар ролини инкор этмайди: катталар болаларнинг фаоллигига жавоб беради, болага эътиборини қаратгани ҳолда уни фаолиятга, мулоқотга чорлайди.

Ф.А.Сохиннинг асл қашфиётчилиги ва унинг хизматлари шундаки, у тил мuloқоти табиятини нутқни ривожлантиришнинг ижодий хусусияти билан боғлашга мудаффақ бўлди. Содда қилиб айтганда, боланинг умумлаштирмалар сифатида тил бирликларини ўзлаштириши унинг нутқини ижодий нутқа айлантиради (К.И.Чуковский).

Сўнгги йилларда нутқ ривожланишидаги айрим босқичларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, ҳар бир инсон бутун умри мобайнида тил бойликларини эгаллагани ҳолда ўз нутқини такомиллаштириб боради. Ҳар бир ёш босқичи унинг нутқий ривожланишига бирон-бир янгилик олиб киради. Нутқни эгаллашдаги энг муҳим босқич мактабгача ёшга тўғри келади.

Замонавий олимлар нутққача бўлган босқичнинг муҳим аҳамият касб этишини яхши англайдилар ва уни синчиклаб таҳдил қилмоқдалар (М.Г.Елагина, И.М.Кононова, Г.М.Лямина, Л.Г.Рузская ва бошқ.).

Вербал босқичгача бўлган даврни (ёки тайёргарлик босқичини) психологоик таҳдил қилиш тадқиқотчиларни нутқнинг муҳим омиллари айнан ушбу даврда шаклланади, деган хуносага олиб келмоқда. Зоро, мазкур даврда мuloқотга эҳтиёж шаклланади, атрофдаги катталар билан эмоционал алоқа ўрнатилади, овоз муносабатлари, нутқ-ҳаракат аппарати, фонематик тинглаш қобилияти, катталар нутқини фаол қабул қилиш ва тушуниш ривожланади. Ушбу омилларнинг шаклланиши – ривожланишнинг нутқ босқичига ўз вақтида ўтишнинг муҳим шартидир.

Сўнгги йилларда олинган фактлар боланинг ўз вақтида ва тўғри ташкил этилган катталар билан бевосита-эмоционал мuloқотининг боланинг катталар нутқини қандай тушуна бошлашини, унинг қачон фаол сўзлай бошлашини ва келгусида унинг нутқи қандай суръатда ривожланишини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигидан далолат бермоқда.

Илк болалиқ даври чегаралари билан туташ бўлган нутқнинг шаклланиш босқичи турли соҳа олимларини, жумладан: психологлар, педагоглар, лингвистларни энг аввало бу нутқ ривожидаги ўзига хос алоҳида даврлиги билан қизиқтириб келади. Бунинг ўзига хослиги шундаки, у нутқни ривожлантириш учун сентизив ҳисобланади; мазкур даврда нутқ мuloқот воситаси сифатида пайдо бўлади ва

такомиллашади; унинг ривожланиши шундай тез суръатларда амалга ошадики, кейин у келгусидаги барча онтогенез мобайнида бошқа кузатилмайди. К.Д.Ушинский шундай қайд этган эди: «бола... икки-уч ёшида шунчалик енгил ва тез ўзлаштириб оладики, кейин йигирма йил кунт билан ўқиганида ҳам унинг ярмини ҳам ўзлаштира олмайди».

Илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш масалалари кўп йиллар мобайнида ишлаб чиқилган. Ушбу давр тадқиқотчиларни нутқ ривожланишининг нафақат муайян даврда, балки боланинг келгуси ривожида ҳам катта роль ўйнайдиган томонлари билан ўзига жалб қиласди. Нисбатан катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришдаги нуқсонлар ва кечикишларни келтириб чиқарувчи сабабларнинг кўпчиллиги кўпинча ilk босқичларда бола нутқи шаклланишининг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ бўлади. Ушбу жиҳатга Е.И.Тихеева ҳам эътиборни қаратган. Илк ёшлардаги болалар нутқини ўрганиш ишига Е.И.Тихеева, Н.М. Шелованов, Ф.И.Фрадкина, Н.М.Аксарина, Г.М.Лямина, В.А.Петрова каби таникли олимлар, амалиётчи педагоглар ва методистлар сезиларли ҳисса кўшдилар.

Боланинг фаол нутқقا ўтиш пайтида унинг нутқини ривожлантиришга оид кўп сенли тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, ушбу асосий қоидаларни баён қиласмиз.

Илк ёшда нутқни ривожлантириш икки йўналиш бўйича олиб борилади: бола нутқини такомиллаштириш ва унинг ўз фаол нутқини шакллантириш. Илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш чоғида нутқнинг талаффуз жиҳатларини шакллантириш муддати ва суръатларидаги индивидуал фарқлар жуда сезиларли бўлади, одатда фаол нутқ 2-2,5 ёшларга келиб пайдо бўлади. Боланинг ўз яқинлари бўлган катталар билан мулоқотга эҳтиёжи нутқни ўз вақтида ва тўғри ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади. Коммуникатив функция нутқнинг бирламчи вазифасидир.

Ушбу даврда нутқ болани ижтимоий тажриба билан таништириш, унинг фаолиятини катталар томонидан бошқаришнинг энг муҳим воситасига айланади, нутқ таъсири остида барча психик жараёнлар қайта қурилади. Боланинг катталар билан амалий ҳамкорлигига оид вазиятларда фаол нутқдан фойдаланиши нутқ шаклланишининг учинчи босқичига – уни мулоқот воситаси сифатида такомиллаштириш даврига ўтишнинг асосий мезонларидан

бири ҳисобланади. Нутқ онтогенезига оид кўп сонли тадқиқотлар айнан шу босқичга бағишланган.

Мактабгача даврдаги болалик лингвистларни шуниси билан жалб қиласди, бунда ўрганилаётган предмет (бода нутқи) лингвистик жиҳатдан кўп қиррали ва қизиқарлидир. Лингвист олимлар фикрига кўра, бола нутқига оид ҳар бир факт камида икки йўналиш бўйича кўриб чиқилиши мумкин ва шарт: 1) «Катталар тили» томон боришдаги вақтинча нутқ сифатида (агарда сўз инновация ҳақида бораётган бўлса); 2) Боланинг автоном тил тизими элементи сифатида, унинг ичидаги бола муайян функционал вазифага эга бўлади.

Болалар нутқини ривожлантиришнинг методик масалаларини ишончли тарзда психолингвистик асослаш замонавий педагогик тадқиқотларга хос жиҳатлар ҳисобланади. Рус педагогика фанининг энг яхши анъаналари руҳида бажарилган ушбу тадқиқотлар катта фактик материалларга эга бўлиб, бола нутқининг объектив қонуниятларини аниқлайди. Ф.А.Соҳин ва О.С.Ушаковларнинг таснифидан фойдаланган ҳолда болалар нутқини психолигик-педагогик тадқиқ қилишни учта йўналишга ажратиш мумкин: тузилмавий (тил тизимининг турли тузилмавий даражаларини: фонетик, лексик, грамматик даражаларини шакллантириш), функционал (коммуникатив фаолиятда тилни эгаллаш кўникмаларини шакллантириш); когнитив (тил ва нутқ ҳодисаларини оддий англашни шакллантириш).

Ўзбекистон Республикасида нутқни тадқиқ қилиш 50-йиллардан бошлаб амалга оширила бошланди. А.В.Никольская миллий болалар боғчаларида маҳаллий миллат фарзандларига рус тилини ўқитиш зарурлиги ҳақидаги масалани биринчи бўлиб кўтариб чиқди.

Тошкент шаҳридаги мактабгача тарбия муассасаларида (№67, 70) ўтказилган тадқиқот синовлари (1958-1960) асосида у томонидан мактабгача катта ёшдаги ўзбек болаларига русча сўзлашишни ўргатиш методикаси мазмуни ва унинг асосий вазифалари ишлаб чиқилди. 1961 йилда А.В.Никольскаянинг «Ўзбек болалар боғчаларида русча нутқни ўқитиш» номли методик кўлланмаси, 1967 йилда эса мактабгача тарбия билим юртлари учун «Ўзбекистон миллий болалар боғчаларида русча сўзлашув нутқини ўқитиш методикаси» номли ўкув кўлланмаси чоп этилди.

Юқорида кўрсатилган ўкув-методик кўлланмаларининг чоп этилиши ўзбекистон Республикасининг миллий

мактабгача тарбия муассасалари учун кадрлар тайёрлашда ҳамда мактабгача катта ёшдаги болаларга русча сўзлашув нутқини ўргатишни ташкил этиш ва уни амалга оширишда катта амалий ёрдам кўрсатди.

Ушбу қўлланмаларда нутқни ривожлантиришга нисбатан бутунлай тақлидга, боланинг тилни ички сезги асосида ўзлаштириб олишига асосланган жараёни сифатида қараш каби илгари кенг тарқалган нуқтаи-назар сақланиб қолган.

70-йилларда А.В.Никольская ининг илмий раҳбарлиги остида Э.М.Разбаева томонидан «Ўқилган асарлар бўйича ўтказилган сұхбатлар асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда катталар меҳнатини ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш», С.А.Фозиева томонидан (Э.М.Разбаеванинг илмий раҳбарлиги остида) «Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти (халқ эртаклари ва ўйинлари)дан фойдаланиш асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда атрофдагиларга нисбатан адолатли муносабатни шакллантириш» номли тадқиқотлар ўтказилди.

Мазкур тадқиқотларда нутқа мактабгача ёшдаги болаларда катталар меҳнатини ҳурмат қилиш ва атрофдагиларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялаш воситаси сифатида қаралган.

90-йилларда А.Н.Никольская ининг шогирдлари – Ф.Р.Қодирова, Р.М.Қодирова томонидан мактабгача катта ёшдаги болаларга рус тилини ўргатишда ўйинлардан фойдаланиш ҳамда мактабгача катта ёшдаги болаларга рус тилини ўргатиш жараёнида уларда байналминаллик ва ватанпарварлик туйгуларини шакллантириш масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Г.Жумашеванинг тадқиқоти (1996) эса икки тиллилек шароитида саҳналаштирилган театр ёрдамида мактабгача ёшдаги болаларда қорақалпоқ тилида мулоқот қилиш маданиятигининг асосларини шакллантиришга йўналтирилган.

90-йилларнинг охиридан бошлаб А.С.Выготский, А.А.Леонтьев, Ф.А.Сохин, А.М.Шахнорович, Е.И.Негневицкая ва бошқа олимлар томонидан яратилган қоидаларга таянган ҳолда Ф.Р. Қодирова ва Р.М. Қодирова она тилида ва шу билан бирга чет тилларидаги нутқ онтогенези қирраларини тадқиқ қилиб бормоқдалар.

Хусусан Р.М. Қодирова раҳбарлигига Д.Бобоева томонидан мактабгача катта ёшдаги болаларни атроф-олам билан таништириш жараёнида уларда нутқни ривожлантириш,

Н.Нурмуҳаммедова томонидан икки тиљилик шароитида билинг ва болаларда равон нутқни ривожлантириш масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар бола нутқини ривожлантиришга умумий психологик ривожланиш устунининг тил қобилиятини шакллантириши ўзлаштириб олишни талаб қиласиган мулоқот воситаларини ривожлантириш жараёни сифатида қараладиган концепция доирасида ўтказилди.

ХУЛОСАЛАР:

Чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида турли илмий мактаблар ҳамда йўналишлар томонидан ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш мактабгача ёшдаги болалар нутқининг турли жиҳатларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг илмий адабиётларда ўрганилганлик даражасини аниқлаш имконини беради.

• В.И.Логинова, Ю.С.Ляховская, В.В.Гербова, Е.М. Струнина ва бошқаларнинг тадқиқотлари болаларнинг она тили лексикасини ўзлаштириб олишларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масаласига бағишлиланган.

Болаларнинг луғатни ўзлаштириб олишларининг икки жиҳати аниқланган: луғатни атроф-оламни билиш билан биргаликда ривожлантириш ва тил бирлиги сифатида сўзларни ўзлаштириш; предметли алоқалар мантиғи бўйича ҳам ва айни пайтда тил мантиғи бўйича ҳам сўз устида ишлаш зарурлиги исботланган.

• Болалар нутқининг грамматик тузилиши соҳасидаги тадқиқотлар болаларда нутқининг морфологик ва синтактик жиҳатларини шакллантириш (Ф.А.Соҳин, А.В.Захарова, О.И.Соловьева, В.И.Ященко ва бошқ.), шунингдек она тилининг сўз ясаш тизимини ўзлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини (А.Г.Тамбовцева, Д.А.Костандян) аниқлаб берди.

Ҳозирги кунга келиб болалар нутқининг грамматик тузилишини такомиллаштиришга доир педагогик амалиётда нафақат одатдаги грамматик хатоликларни ўрганиш ва уларни тузатишга, балки биринчи навбатда, грамматик умумлаштирилмаларни шакллантиришга эътибор қаратилиши зарур.

• Болаларнинг тилнинг товуш тизимини ўзлаштиришлари тадқиқотчи педагоглар ва амалиётчиларнинг ўрганиш

объектига айланди (Г.М.Лямина, Е.И.Радина, А.М.Максаков, М.Г.Генинг, Н.А.Герман ва бошқ.).

Нутқнинг хусусиятларини, унинг фонетик, шунингдек ритмик-мусиқий жиҳатларини ривожлантириш (Максаков ва бошқ.), мактабгача ёшдаги болаларга товушларни тўғри талаффуз қилишни ўргатишга доир ишлар тизимини асослаш психологлар, педагоглар ва логопедларнинг (В.И.Рождественская, М.Ф.Фомичева, Г.А.Чиркина ва бошқ.) биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида амалга оширилди. Логопедиянинг болаларда нутққа оид нуқсонларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар туркумини ўрганаётган профилактик йўналиши кенг тарқалган. Ўзбекистонда ушбу йўналишда Л.Р.Мўминова, М.Аюпова ва бошқалар иш олиб бормоқдалар. Товушни ва сўзни тўғри талаффуз қилиш билан болаларнинг ўз нутқи ҳамда бошқалар нутқининг фонетик хусусиятларини англаб етишлари ўртасидаги боғлиқлик, шунингдек нафақат нутқнинг талаффуз жиҳатига, балки умумий нутқий ривожланишнинг фонематик тинглаш қобилиятига боғлиқлиги аниқланган.

Болалар нутқини ривожлантириш борасида қўсатиб ўтилган ёндашувлар мактабгача ёшдаги болаларнинг тилни бир тизим сифатида ўзлаштиришларига (товуш жиҳати, лугат таркиби ва грамматик тузилишининг биргалиги) тааллуқлидир.

Боланинг тил тизимини эгаллаш борасидаги барча ютуқларини равон нутқ ўз ичига олади, равон нутққа мазмунли, кенг ва мулоқотни таъминловчи фикр билдириш сифатида қаралади. У мазмунлилиги, мантиқийлиги ва изчиллиги билан ажralиб туради (А.М.Леушина, С.Л.Рубинштейн, Ф.А.Сохин, Д.Б.Эльконин ва бошқ.).

Нутқни ривожлантириш назарияси ва методикасида равон нутқни ривожлантириш мактабгача ёшдаги болаларни нутқий тарбиялаш борасидаги марказий вазифа эканлиги тан олинган.

Равон нутқ боланинг тил бойлигини қанчалик эгаллаб олганлитининг кўрсаткичи ҳисобланади, боланинг ақлан, эстетик, эмоционал ривожланиш даражасини кўрсатади (Г.А.Ладыженская, Н.Н.Поддъяков, Ф.А.Сохин, О.С.Ушакова ва бошқ.).

Е.И.Тихеева, Е.А.Флерина, А.М.Леушина, Е.И.Пеньевская, Е.И.Радина ва бошқалар мактабгача ёшдаги болалар равон нутқининг дастлабки тадқиқотчилари сирасига кирадилар. Ушбу олимларнинг асарлари болаларнинг сўзлашув

нұтқи ва ҳикоя қилишни әгаллашларининг ўзига хос хусусиятларини, диалогик ва монологик нұтқларнинг ўзаро бөглиқтігіні чуқур түшуниш асосиға қурилған равон нұтқни ўргатиши тизимининг пойдеворини яратди. Мазкур олимлар томонидан болалар ҳикоялари таснифлаб чиқылған. Ушбу таснифлаш асосини фикр билдириш манбаси, яғни: нарсалар тавсифлаш, адабий матнларни айтіб беріш, шахсий ва жамаавий тажриба ҳақида ҳикоя қилиш, ижодий ҳикоя қилиш ва бошқалар ташкил этади.

Монологик нұтқни ривожлантириш назарияси ва методикасими янада ривожлантириш болаларнинг равон нұтқни ҳамда монологик фикр билдиришнинг түрли тоифаларини ўзлаштириб олишларининг ўзига хос жиҳатларини чуқур тадқиқ қилиш билан тавсифланади (Н.Ф.Виноградова, В.В.Гербова, О.С.Ушакова ва бошқ.). Изохловчи нұтқнинг ўзига хослыклари (Н.Н.Поддъяков, Н.И.Кузина), мұлоҳаза тоифасидаги фикр билдириш (А.В.Запорожец, Р.И.Никольская, В.И.Яшина) хусусияти ўрганилади ва улар асосида болаларга түрли тоифадаги монологларни ўргатиши методикаси яратилади.

Ф.А.Сохин, О.С.Ушакова ва уларнинг шогирлары томонидан равон нұтқни шакллантиришнинг түрли соҳалари бүйіча бажарылған тадқиқттар равон нұтқнинг шүнчаки мантиқиyllиги, изчиллігидан ташқари янада аниқроқ баҳолаш мезонларини қидириб топишни асосий вазифалардан бири қилиб күяди. Равонликнинг асосий күрсаткічларидан бири сифатида сұзлар, гаплар ва фикрлар қыслары ўртасидаги ўзаро алоқа воситаларидан фойдаланылған ҳолда матнни таркибан түғри тузиш маҳоратини шакллантириш қабул қилинган.

Т.И.Гризикнинг тадқиқтлари равон нұтқнинг нұтқий күникмаларини шакллантиришга бағищланған. Ушбу масалаларни немис педагоги Гертруд-Мари Брумме ҳам ўрганади.

Ўзбекистон Республикасыда ҳамда Қорақалпоғистонда ўтказилаёттан тадқиқттар (Ф.Р.Қодирова, Р.М.Қодирова, Г.Жумашева, Д.Бобоева, Н.Нурмуҳаммедова ва бошқ.) мактаббача катта ёшдаги болаларға она (ўзбек) тилини ва айни пайтда иккинчи тилге ўргатишининг энг самарали воситалари ва методларини топишни асосий вазифалардан бири сифатида қўйганлар.

• Нұтқий ривожланиш масалалари бүйіча фаннинг түрли соҳаларida бажарылған тадқиқттар таҳлили қўйидаги

тенденцияни аниқлаш имконини берди: барча тадқиқотчилар бола нутқини ва унинг ривожланиш жараёнини алоҳида ажратиб қўйилган ҳолатда эмас, балки катталарнинг болага педагогик таъсири билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқадилар. Мазкур ёндашув жуда ўринлидир, зоро рус, чет эл ва мамлакатимиз фанидаги замонавий тадқиқотлар «нутқни ўзлаштириш ва ижтимоий ҳамкорлик қилиш – ўзаро бир-бирига боғлиқ жараёнлар, нутқни ривожлантириш – тұсатдан бошланадиган жараён эмас, балки у ижодий жараёндир», деган тезисларга асосланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Замонавий нутқ тадқиқотларига нисбатан тизимли ёндашув нимани англатади?
- Болаларга она тилини ўқитиш, уларнинг нутқини ривожлантириш масалалари бўйича психологлар ва педагогларнинг фикрлари нималарда бир-бирига мос тушади?
- Илмий-методик адабиётларда нутқни ривожлантиришнинг қайси масалалари кўпроқ ёритилган?
- Нутқий фаолият механизmlари ва уларнинг болаларга она тилини ўқитишга таъсирини ўрганувчи психофизиологик тадқиқотларни тавсифланг.
 - «Нутқни ривожлантириш» тушунчасини илмий асослаб беринг.
 - А.Н.Гвоздевнинг «Болалар нутқини ўрганиш масалалари» асарининг нутқ методикаси учун аҳамиятини айтиб беринг.
 - 20-60-йиллардаги чет эл фанида онтогенезни ўрганиш бўйича ўтказилган асосий тадқиқотларни (Ж.Пиаже, П.Скиннер, Н.Хомский, Ж.Миллер) асослаб беринг.
 - Россиядаги нутқ онтогенезига оид тадқиқотларни (Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, А.А.Леонтьев ва бошқ.) тавсифланг.
 - Ф.А.Сохиннинг мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш соҳасидаги янгиликлари ва хизматлари нималардан иборат?
 - Ўзбекистон Республикасида боланинг она тилидаги нутқини ривожлантириш ва уни иккинчи тилга ўргатиш методикаси масалалари бўйича ўтказилаётган тадқиқотларни тавсифлаб беринг.

V-МАВЗУ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ИШЛЛАР ТИЗИМИ

Болалар нутқини ривожлантириш соҳасида мактабгача таълим муассасасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсад ва вазифалари.

Нутқни ривожлантириш дастурининг илмий асоси.

Барча ёпи босқичларида болалар нутқини ривожлантиришга доир педагогик ишлар мазмуни ва шартшароитлари.

Болалар нутқини ривожлантириш соҳасида мактабгача таълим муассасасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсад ва вазифалари

Болани ҳар томонлама ривожлантириш унинг инсоният тажрибаси, унинг билимлари, қобилиятлари ва маданиятининг сақловчиси бўлган катталар билан мулоқоти туфайли инсониятнинг кўп асрлик тажрибасини ўзлаштириш асосидагина амалга оширилади. Бу тажрибани фақат инсоний мулоқотнинг энг муҳим воситаси – тил орқалигина бериш мумкин.

Болаларга она тилини ўргатиш ва уларнинг нутқини ривожлантиришга доир ишлар мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбия ишлари ичida алоҳида ўрин тутади. Ушбу ишнинг мақсади қуйидагилардан иборат: болаларга нутқий мулоқотнинг муҳим шакли – оғзаки нутқни адабий тил меъёrlарига мувофиқ ҳолда эгаллашни, тўлиқ кўринишда эса тушуниш ва фаол нутққа киришишни ўргатиш. Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш борасидаги вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

- Нутқнинг товуди маданиятини тарбиялаш;
- Луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш;
- Нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш;
- Оғзаки (диалогик) нутқни ўргатиш;
- Равон нутқни ривожлантириш;
- Бадиий сўзга қизиқишни тарбиялаш;
- Савод ўрганишга тайёрлаш.

Нутқ ва мuloқot масалаларини, мактабгача даврдаги болаликнинг барча ёш босқичларида ушбу йўналишдаги педагогик ишлардан кўзда тутилган вазифаларни батафсил кўриб чиқамиз.

Гўдаклик ёши: 0-1

Бола ҳаёти катталар ҳаёти ва фаолиятига уйғунлашган бўлади. Айни пайтда болада унга таъсир ўтказиш учун бирон-бир ўзига хос инсоний воситага мавжуд бўлмайди. Бу мазкур ривожланишнинг асосий генетик вазифаси – кичкинтойларда катта одам билан мuloқotга киришиш қобилияти ва воситаларини шакллантиришдан иборатdir. Эмоционал-эркин мuloқot – ушбу ёшдаги етакчи фаолият тури ҳисобланади.

Боланинг бошқалардан ажралиб қолиши, катталар билан эмоционал мuloқotларнинг етишмаслиги бола ҳаётининг дастлабки ойларидан бошлаб унинг етарли даражада ривожланмаслигига олиб келиши мумкин.

Боланинг катталар билан мuloқotининг дастлабки белгилари «жонланиш комплекси», яъни боланинг катталарга нисбатан эмоционал-ижобий муносабати кўринишида пайдо бўлади. 2-2,5 ойдан бошлаб кичкинтой мuloқotга киришини фаол талаб қила бошлайди.

Мuloқotнинг биринчи шакли – эмоционал-эркин (вазият-шахс) шаклдир. Бу бошқа одамга бўлган қизиқиш, унга нисбатан эмоционал муносабат билан тавсифланади. Мuloқotнинг бундай шакли бола ҳаётининг биринчи ярим йиллигига хос ҳолатdir.

Мuloқotнинг янада ривожланган иккинчи шакли – яъни, эмоционал-воситали (вазиятли-амалий) шакли бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигига рўй беради. Бу мuloқot предметлар орқали воситали мuloқotга айлантирилади. Ушбу ёшда боланинг қизиқишилари атрофдаги оламга йўналтирилгандир. Унда янги таассуротларга эҳтиёж ёрқин пайдо бўлади. Бу ёшдаги ривожлантириш вазифалари куйидагилардан иборат:

- Болалар муассасаларида, оиласда болага famxўrlik кўрсатаётган катталарга нисбатан эмоционал боғлиқлик ва ишонч ҳиссини тарбиялаш.

- Унга нисбатан ижобий диққат-эътиборга бўлган эҳтиёжни қондириш.

- Кичкінтойнинг уни ўраб турған атроф-оламга ва унинг ўзига нисбатан қизиқиши ривожлантиришга күмаклашиш.

Илк ёш: 1-3

Илк ёшдаги ижтимоий ривожланиш вазияти ва унинг генетик вазифаси. Бола ҳәётининг биринчи йили охирiga келиб эришган натижалари янги ижтимоий ривожланиш вазиятини қуришни талаб қилади. Бу боланинг катта одам билан биргаликда фаолиятига оид вазиятдир. Ушбу биргаликдаги фаолият мазмуни – предметлардан фойдаланишининг жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган усуларини ўзлаштиришдан иборат (бала қошиқ билан овқатланишини, пиёладан ичишини, расм чизишни, стулчага ўтириш ва ҳоказоларни ўрганади).

Мулоқот жадал ривожланишда давом этади, зеро катталар билан бевосита мулоқотсиз предметли фаолият мүмкін эмас. Предметли фаолият билан боғлиқ мулоқот фақат эмоционаллыгыча қолмайди, у нутқий мулоқотга айланади. Шундай қилиб, илк ёшдаги бош вазифа нарсалардан фойдаланишининг инсоний усуларини ўзлаштириш ва нутқни ривожлантиришдан иборат бўлади.

Бола нарсалар билан ҳаракат қиласар экан, ҳәётининг иккинчи йилига келиб, уларнинг жисмоний (ҳажми, шакли, ранги) ва динамик хусусиятларини, масофавий муносабатларини (яқин, узок), бутун нарсанни қисмларга ажратиш ва қисмлардан бутун нарсанни йиғишини (пирамида, матрешка каби ўйинчоқларни қисмларга ажратади ва қайта йигади) ўзи учун кашф қилади. Бироқ, бола нарсалар билан қанчалик кўп ҳаракат қилмасин, у барибир уларни амалда қўллашнинг жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган усуларини (қошиқ билан овқат ейилади, бўтқа аралаштирилади; сочиққа қўллар, юз артилади; қалам билан расм чизилади ва ҳ.к.) мустақил равишда кашф қила олмайди. Нарсаларнинг вазифаси ва уларни амалда қўллаш усулларини болага катталар ўргатадилар.

Мулоқотга бўлган эҳтиёж, предметли ҳаракатларни ўзлаштириш боланинг ўз фаол нутқини ҳам талаб қилади. Нутқ асосида умумлаштиришлар, фикрлашнинг рамзий вазифаси, яъни реал нарсаларнинг ўрнини алмаштира олиш ҳамда ўрин босувчи нарсалар ва тил белгилари билан амаллар бажариш қобилиятлари ривожланади. Бироқ нутққача предметли

ҳаракатларни (айнан бир нарса билан турли ҳаракатларни ёки турли нарсалар билан айнан бир хил ҳаракатни бажариш), жуфтлик үйинлари («ку-ку», «шар юмалатиш» ва бошқ.) ривожлантириш ва умумлаштиришга оид узоқ йўлни босиб ўтишга тўғри келади.

Бола учун катта ёшли одам – битмас-туганмас ижобий эмоциялар, қизиқарли таассуротлар ва борган сайин сўз муҳим аҳамиятга эга бўлиб борадиган үйинлар манбаи ҳисобланади. Катталар билан мулоқотга киришиш, нарсалар ва үйинчоқларга эгалик қилишга интиларкан. бола ушбу мақсадларга эришиш учун сўздан фойдаланиш ҳакидаги чақириқقا жавоб беради, баъзида ўзи ташаббус кўрсатиб, фикр билдиради. Катта ёшли одам бола билан диалогга киришади, боланинг бир сўзли фикрларини грамматик жиҳатдан тўлиқ шакллантирилган иборага айлантириш орқали унинг «камчиликларини тузатади» (Темур дадасининг машинасини кўриб қолди: «Би-би, дада». Она: «Дадасининг машинаси. Кетдик, дадага борамиз»).

Бола тилни фаол ўзлаштиради: Сўз ортида турган тасаввур ягона ўхшашликдан («ляля» - катта ва кичик кўғирчоқ) кўпроқ ўхшатишларгача, кейинроқ эса нисбатан аниқ умумлаштирмаларгача («мол» сўзидан сигир, қўй, эчки ва от-эшакларни ифодалашда фойдаланишдан бошлаб кейинчалик «мол» сўзини фақат сигир ва бузоқчаларга нисбатан қўллашгача) ривожланади. Айни битта сўз ёрдамида кўп образли муносабатлар ифодаланади («нанна» сўзи бир вақтнинг ўзида «бу нон», «нон беринг», «нон тушиб кетди» каби маъноларни англиши мумкин ва ҳ.к.). Бола аста-секин бу муносабатларни грамматик жиҳатдан расмийлаштирилмаган икки сўзли. кейинроқ эса уч сўзли гаплар орқали ифодалашни ўрганади. Иккинчи йилнинг охирига келиб дастлабки грамматик шакллар пайдо бўлади. Боланинг сўз заҳираси ортади. 1 ёнда – 1 ёшу 6 ойда сўз заҳираси 30-40 та сўзни ташкил қиласи. Фикрлар асосан бир таркибли гаплардан иборат бўлади. Бунда ҳонутқий мулоқот воситалари (ифодали ҳаракат, бевосита намойиш қилиш, қўзларнинг тўқнашуви, мимикалар, имо-ишоралар ва бошқ.) ҳамон ҳукмрон бўлади. Бола майний вазиятлар маъносини ва уларда қўлланилаётган нутқ мазмунини тушуниб етади.

1 ёшу 6 ой – 2 ёшга келиб боланинг сўз заҳираси 200-300 тагача ўсади. Унинг фикрлари грамматик жиҳатдан

расмийлаштирилмаган икки-уч таркибли иборалардан иборат бўлади. Бола билан катта ёшли одам бевосита мулоқотга киришган вазиятда эса нутқий мулоқот етакчи мулоқот турига айланади.

Бола ҳаётининг учинчи йилига келиб нутқ ривожланиши қўпроқ кенг қамровли вазифалар доирасида, энг аввало катта ёшли яқин қариндошлари ва болалар билан муносабатга киришиш ҳамда улар билан биргаликда ҳаракат қилиш (нутқнинг коммуникатив вазифаси), атроф-оламни билиш (нутқнинг интеллектуал вазифаси) орқали давом этади. Бола нутқий мулоқотнинг асосий шаклини – диалогик нутқни ўзлаштиради. У ташабbus кўрсатиб фикр билдиришни, саволлар беришни, жавоб кутишни, ўзи ҳам саволларга жавоб беришни, атрофдагиларга илтимос ва таклифлар билан мурожаат қилишни ўрганади.

Бола ўз истак-ҳоҳишлари, ҳиссиётлари, фикрларини ифодалаш, кутилаётган натижаларга эришиш учун сўзлардан фойдаланади. Бироқ бола томонидан фойдаланилаётган сўзлар фонетик жиҳатдан анча номумкаммал бўлиб, у кенг қамровли маъноларни англатади. Сўз ва предметли ҳаракатларни қўллаш ва улар билан мос равиша ҳаракат қилиш орқали катта ёшли одам бола билан ўзаро бир-бирини тушунишни ва унинг тилини бойитишни йўлга қўяди.

Бола ташабbus кўрсатиш орқали мулоқот субъекти, тенг хукуқли ҳамкор сифатида чиқади. Ўзини тушунишларига интилиш, ўз ҳоҳиш-истакларининг бажарилишига эришиш болани тўғри сўзлашга мажбур қиласи. Ушбу ёшда тенгдошлари билан мулоқотга киришиш эмоционал алоқа ўрнатиш ва ўз шахсига эътиборни жалб қилишга ёрдам беради: болалар бир-бирлари билан ўйнаш жараёнида ўз ҳаракатларини нутқ билан шарҳлаб борадилар, аммо ҳозирча улар бир-бирига тўғридан-тўғри юзланиб, мурожаат қилмайдилар.

Бола ҳаётининг учинчи йилига келиб боланинг тил муҳитидаги фаол йўналтирувчи фаолияти бошланади. Бу кувончли кечинмалар таъсири остида вужудга келадиган товушлар билан турли ўйинларда («шовқинли қўшиқлар») ва оддий сўз ижодкорлигига («гольф-мольф», «ўйин-пўйин» ва бошқ.) кўринади.

Кулай шарт-шароитларда мулоқотнинг учинчи йилига келиб бола катталар билан мулоқотда кўргазмали-таассуротли вазиятта таянмаган ҳолда ўз тассуротларини кўриб нутқда

ифодалай бошлайди. Болалар ўзлари кўриб чиққан китоблари, тинглаган эртаклари ва ўзларининг илгариги тажрибалари ҳақида («Мустақиллик майдони»га, ҳайвонот боғига ўюштирилган саёҳат, Қорбобо совғалари ва бошқалар ҳақидаги хотиралар) фикр билдира бошлайдилар.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида нутқий ривожлантириш вазифалари: Нутқни тушуниш. Болага энг оддий, унинг ўзига таниш бўлган майший вазиятлар, жараёнлар ва ўйин вазиятларини очиб берувчи осон тушуниладиган сўзлар ва оддий иборалар заҳирасини кенгайтириш. Одамлар, хонадаги ва ундан ташқаридаги нарсалар, ҳайвонлар, ўсимликлар, уй-жойлар ва уларнинг вазифасини ифодаловчи сўзлар заҳирасини аста-секин кенгайтириб бориш.

- «Кўмакчилар» ва равишилар ёрдамида ифода қилинадиган вазиятларни тушуниши (иккинчи ярим йилликда), буюмлар сифати, уларнинг ҳажми ва рангини белгиловчи сўзларни тушуниши шакллантириш.

- Катталарнинг мазмунига кўра боғланган 2-3 та ҳаракатдан иборат бўлган топшириқларни диққат билан тинглаш, тушуниш ва бажаришни ўргатиш («Коптокни ол ва менга бер»)

Фаол нутқ. Барча режимли вазият жараёнларида ишонч билдирилган ҳис-ҳаяжонли мулоқотни йўлга қўйиш.

- Бола имкони бўлган ҳар қандай нутқий кўринишлар ва вокаллашувларнинг пайдо бўлишига кўмаклашиш.

- Имо-ишоралар ва юз ифодаси билан бир қаторда истак-хоҳишларни ифодалаш ва атрофдагилар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш учун зарур бўлган сўзлардан фойдаланишга; турли сабаблар билан катталар ва болаларга мурожаат килиш: савол беришга; кўрганларини бир-нечта сўзларда ҳикоя қилиб беришни ўрганишга (йил охирида) ундаш.

- Болаларнинг кишиларни уларнинг ёши ва жинсига мос ҳолда белгиловчи сўзлардан, хонадаги ва хонадон ташқаридаги буюмлардан, айрим ҳайвонлардан ва ўсимликлардан, атрофдаги кишилар ва ҳайвонлар ҳаракатларидан, нотирик ва тирик обьектлардан, айрим меҳнат ҳаракатларидан фойдаланишлари учун тегишли ҳолатни вужудга келтириш.

Бола ҳаётининг учинчи йилида нутқий ривожлантириш вазифалари

Нутқ функциялари ва шакллари. Боланинг имкон доирасидаги ва ундан ташқаридаги нутқ воситалари билан фаол мuloқотга киришиш, катталарнинг саволларига ва тақлифларига жавоб бериш, ўз истак-хоҳишларини, ҳиссиятларини, фикрларини ифода қилган ҳолда ташаббус кўрсатиб фикр билдиришга интилишини қўллаб-куватлаш; тенгдошлари ишларига қизиқишини, ўз таасуротларини улар билан ўртоқлашишни исташини, ўйин ҳаракатларини, рўй берадиган ҳодисага муносабатини нутқ билан ифодалашга қизиқишини рағбатлантириш; шахсий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда боланинг ўзига яқин мавзулар бўйича, ҳайвонлар ҳаёти, транспорт (шаҳар) ҳақида вазиятдан ташқари мuloқот қилишга ундаш.

Луғат. Болаларни буюмлар, уларнинг ҳаракати ва сифатини белгилаш учун сўзлардан фойдаланишга ундаш.

• Луғатни сўзлар билан – кишилар, ўсимликлар, озиқ-овқатлар, кийим-бошлар, мебеллар, уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари, ўйинчоқларнинг номлари билан, буюмлар қисмларининг номлари (кўйлак енги ва ёқаси; машина кузови ва гилдираклари) билан бойитиб бориши. Ўйинларда болаларга ҳаракатларнинг сўздаги ифодасини ўз ифода ҳаракатлари ва ўйинчоқлар ҳаракатлари билан таққослашни ўргатиш.

Нутқнинг грамматик қурилиши. Билдирилган фикрларни грамматик расмийлаштиришни, яъни сўзларни ўзгартириш (сони, келишиги ва вақтига қараб), уларни гапда келтириш, кичрайтирувчи-эркаловчи номларни, тугалланган ва тугалланмаган феълларни вужудга келтиришни ўзлаштиришга кўмаклашиш.

Нутқнинг товуш маданияти. Болаларга унлиларни ва оддий ундош товушларни тўғри талаффуз этишини машқ қилдириш.

• Товушга тақлид қилишга оид сўзлардаги товушлар билан мустақил ўйинларни ва ўйин ҳаракатларини турли хил товушлар билан кузатиб боришни қўллаб-куватлаш.

• Товуш тақлидига қараб персонажларни таниб олишини ўргатиш.

Мактабгача даврдаги кичик ёш (3 - 5 ёш)

Икки ёшдан беш ёшгача бўлган давр нутқий ривожланишдаги аҳамиятига кўра ўзига хосдир: ушбу даврда бола тилга, унинг товуш ва мазмун жиҳатларига юқори даражада берилувчан бўлади. Тилни бойитиш муомалада ва ўз фаолиятида вужудга келадиган янги вазифалар билан рағбатлантирилди ва ўз навбатида уларни янади ривожлантириш учун шароит яратади.

Ушбу ёшда нутқнинг асосий ирсий вазифаси – алоқа функцияси, ижтимоий алоқалар ва атрофдагиларга таъсиридан иборат. Ўйин фаолиятини ривожлантириш, предметли-манипулятив ва индивидуал сюжетли – акс эттириш ўйинларидан биргаликда – ролли, сюжетли-ролли ўйинга ўтиши муносабати билан мулоқотга янги эҳтиёж пайдо бўлади, бу эса нутқий фаолиятга кўшилишнинг янги усулларига – фикр билдиришга – бола фаолиятига оид вазият тузилмасига олиб келади. Фикр билдиришнинг янги вазифавий турлари: ўз ўйин фаолиятини шарҳловчи, шерик хулқини тартибга солувчи, яқин ҳаракатларни режалаштирувчи ва ролларни тақсимловчи турлари пайдо бўлади.

Болалар жилмайиш, кулги, ифодали ҳаракатлар, кўз уришишилар каби коммуникация воситаларидан фойдаланадилар. Бунда нутқ фаолияти одатда мувофиқлаштирилган бўлади. Болалар бир-бирининг олдида овоз чиқариб гапирадилар ва кўпинча қўшнисининг гапига эътибор бермайдилар. Тенгдошлар билан диалогни ривожлантириш, амалий ҳаракатларни келишиб олиш, шерик нутқига мос тарзда жавоб бериш ва кейин эса фикрларни келишиб олишда ифодаланади.

Мактабгача даврдаги кичик ёшда вазиятга асосланган нутқнинг (фақат муайян вазиятга нисбатан тушунарли бўлган) мутлақ ҳукмронлигидан нутқнинг вазиятли ва матндан келиб чиқувчи (кўргазмали вазиятдан алоҳида тарзда) воситаларини мос тарзда қўллашга ўтиш рўй беради.

Икки ёшга келиб фонематик тинглаш қобилияти янги кўринишда шаклланади. Мактабгача даврдаги кичик ёшда ўз товуш талаффузини эшитиш ва унга тузатиш кирита олиш, сўздаги умумий ва турлича товушларни ажрата олиш (англай олиш) қобилияти шаклланади. (3-4 та сўздан иборат бўлган қатордаги бир хил товушларни эшита олиш, берилган товушли

2-3та сұзни танлай олиш, сұзни берилған товушни таъкидләб күрсатған ҳолда таллаффуз қилиш, ажратиб күрсатылған товушни тинглаш). Беш ёшга келиб эса товуш талаффузини үзлаштириш асосан ниҳоясига етади. Талаффузда фақат айрим хатоликлар учрайди: «ш»ли сұзлар ҳар доим ҳам аник айтилмайды; «Р» Л билан ёки Ль билан, «Л» эса Ль билан алмаштирилади.

Луғат атроф-мухитда үз йүлини түри топиб олишнинг кенгайиши туфайли бойиб боради. Бола янги майший буюмлар, табиат объектлари, ижтимоий ҳәёт күринишлари билан танишади ва бир вақтнинг үзіда уларнинг номларини билиб олади. Луғат нутқнинг турли қисмлари номлари (от, феъл, сифат), умумлаштирувчи сұзлар (үйинчоқлар, ҳайвонлар, сабзавотлар, мебеллар ва ҳ.) ва антонимлар (қарама-қарши маңноли сұзлар) билан түлдирилади.

Бола күргазмали вазиятга қарамасдан сұзлардан фойдаланишни үрганади. Буюмлар ва ҳодисалар, уларнинг муносабати ва алоқалари түғрисида күп сонли саволлар беради. Феълларнинг фаоллашуви катта аҳамият касб этади. Феъллардан фойдаланиш нутққа суръат баҳш этади, баёний тусдаги қисқа матнларнинг туғилиши учун синтактик асос яратади.

Нутқнинг грамматик қаторини шакллантириш луғатни ривожлантириш билан узвий боғлиқдир. Бола ҳар бир янги сұзни үзлаштирап экан, уни түғри үзгартыришни, гапдаги бошқа сұзларга мослаштиришни, улар үртасида сұз ясовчи құşимчалар үрнатышни үрганади (қанд-қанддон). Оддий гап тузилмаси такомиллашади, турли тоифадаги мураккаб гаплар, бевосита ва билвосита нутқлар гаплар фаол құлланилади. Болаларни тилни тадқиқ қилишнинг үзига хос болалар усулидан (товушлар, қофиялар, сұз ижодкорлығи үйинлари) фойдаланған ҳолда үрганадилар. Сұз билан үзига хос тарзда синов үтказиш, товуш билан үйнаш, сұз шаклларини “ушлаб күриш” болалар томонидан ясалған, катталар луғатида мавжуд бўлмаган сұзлар ва шакллар сонининг кескин ошишига олиб келади. Бу қонуний жараён бутун нутқ ривожининг бориши учун ўта фойдалидир.

Нутқий ривожланишда индивидуал фарқлар доираси кенг. Илк ривожланиш босқичида болалар катталар билан мулоқотда ташаббускор бўлиб, кўп саволлар берадилар (нима учун, нега), таниш эртакларни жон деб айтиб берадилар,

үйинлар тұплами, суратлар бүйіча кичик ҳықоялар тұқыйдилар, билишга иштиёқманд эканликларини намойиш этадилар. қувноқ сүzlар ва қофиялар үлаб топадилар. Улар тенгдошлари билан бирғаликдаги үйинларда нутқни фаол құллайдилар.

Нисбатан суст болалар катталар билан мулоқотда ташаббус құрсатмайдилар, бироқ улар катталарнинг расмларни қүриш, янги үйинчоқлар билан үйнаш, уйдаги ана шундай үйинчоқлар тұғрисидеги саволларга жавоб беріш ҳақидаги таклифларига иштиёқ билан жавоб берадилар. Тенгдошлари билан бирғаликда үйинларни йўлга қўяр эканлар, бундай болалар кўпинча мулоқотнинг сўзсиз воситаларини қўллайдилар. Улар педагогни ундаш учун товушлар ва сўzlар билан үйнайдилар (муаммоли үйин вазиятларида).

Мактабгача кичик ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришига доир вазифалар.

Нутқ вазифаси ва шакли. Катталар билан күргазмали вазиятдан четга чиқадиган мавзулар бүйіча мулоқот қилишни йўлга қўйиш. Тенгдошлар билан жамоавий үйинларда үйинга киришиб кетиш учун шароитлар яратиш. Ўз нутқ фаоллиги пайдо бўлишини рағбатлантириш: мулоқотдаги шерикларга илтимос ва таклифлар билан мурожаат қилиш; үйин вазиятлари, ўрин босувчи буюмлар, ролларни белгилашда нутқдан фойдаланиш. Буюмлар хусусиятлари ва уларнинг қандай мақсадда ишлатилишига, турмушдаги сабабли алоқалар ва муносабатларга қизиқишини, қизиқтираётган масалага оид саволларни ва қисқа матн шакидаги (3-4 та гап) мулоҳаза ва фикрлашларни рағбатлантириш.

Луғат. Болаларни буюмларнинг янги номлари, уларнинг сифати, умумлаштирувчи номлари билан танишириш, қиёслашда қарама-қарши маъноли (антонимлар) сўzlардан фойдаланишга, күргазмали вазиятга таянмасдан луғатдан фойдаланишга ундаш.

Грамматик қурилиш. Янги сўzlарни грамматик жиҳатдан ўзгартиришга ва гапдаги сўzlар билан келиширишга ундаш. Сўzlар ва уларнинг шаклларини мустақил равища ҳосил қилиш, номлар ўртасидаги расмий-семантик алоқаларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос болаларча усули сифатида сўз ижодкорлигидан фойдаланиш. Нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги алоқаларга оид ўз тушунчаларини

мураккаблаштирилган гап тузилмаси (ёйилган оддий, боғланган қўшма [гап] ва эргашган қўшма [гап]) орқали акс эттириш.

Нутқнинг товуш маданияти. Фонематик қабул қилишни ривожлантириш (берилган у ёки бу товушни талаффузда ажратиш ва сўзда эшитиш қобилияти). Артикуляцияни, унлиларни ва оддий ундош товушларни аниқ талаффуз қилиш, шовқин билан чиқувчи ва сонор товушларни тўғри талаффуз этишини ўзлаштириш қобилиятини такомиллаштириш. Нутқнинг ифода жиҳатини, нутқ суръатини, овоз кучини, нутқий нафасни эркин тартибга солиш қобилиятини ривожлантириш.

Мактабгача даврдаги катта ёш (5-7 ёш)

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда эришилган асосий натижалар мулоқот соҳасидаги чуқур ўзгаришлар билан боғлиқдир. Тенгдошлар билан мулоқот қилиш биринчи ўринга ўтади. Бола ўз тенгдошини катталардан афзал кўра бошлайди. Ўйин жараёнидаги ўртоғига қаратилган нутқ катталар билан бўлган мулоқотга қараганда анча мазмунлироқ бўла бошлайди. Шерик билан диалог – мувофиқлаштирилган предметли ва нутқий фаолият тусига эга бўлади. Болалар энди қўшнилари эътиборини жалб қила оладилар, ўзлари ҳам унинг ишлари ва билдирган фикрлари билан қизиқадилар.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқининг вазифалари турличадир. Нутқдан атрофдагилар билан алоқа ўрнатишида, ўзига, ўз ишларига ва кечинмаларига диққатни жалб қилишда, бир-бирини ўзаро тушунишида, шерик хулқига, унинг фикри ва ҳиссиятларига таъсир кўрсатишида, ўз фаолиятини ташкил этишида, ўйиндаги ўз ўртоғининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда фойдаланилади. Нутқ атроф-муҳит ҳақидаги муҳим билим манбаи, табиат, нарсалар ва одамлар дунёси ҳақидаги тасаввурларни қайд этиш воситаси, билиш фаолияти воситаси бўлиб хизмат қиласи. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқи шунингдек, объектив алоқаларнинг ўзига хос соҳаси сифатида намоён бўлади, у буларни сўз, товуш, қофиялар ва фикрлар билан ўйнаб туриб англайди.

Ўзининг амалий, билиш ва шахсий эҳтиёжларини қондириш учун бола мавжуд барча воситалардан, вазиятдан

келиб чиқиб эркин билдирилган фикрлардан, нонутқий воситалардан (имо-ишоралар, юз ифодаси, ҳаракат) ва матнли нутқдан (фойдаланилган воситалар асосида тушунарлы бүлгән) фойдаланади. Нутқнинг барча турлари ва шакллари тил шахсининг тақрорланмас индивидуал қиёғасини яратган ҳолда ўзаро ҳамжиҳатлиқда мавжуд бўлади.

Диалогни ривожлантириш нафақат шунчаки нутқнинг муайян композицион шаклни ўзлаштириш, балки боланинг ижтимоий ва шахс жиҳатдан шаклланишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Диалогик муроқот нафақат алоқа (интеллектуал мазмун) ва ўз манфаатларига йўналишни, балки шерикнинг нутқтаи-назарини, унинг қизиқишлари, истаклари, кайфиятини ҳисобга олишни ҳам кўзда тутади. Болалар бундай тажрибани кооператив тусдаги фаолият (биргаликда ясаш, чизиш, жамоа ўйинларини ўйнаш) натижасида тўплайдилар. Тенгдошлари билан муроқот қилишда бола нутқи мазмундорликка (муроқот вазиятидан қатъий назар мазмун фақат тил воситаларидан фойдаланиш орқалигина тушунарли) эга бўлиши исботланган.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг диалогик муроқоти негизида нутқнинг янги шакли – монолог туғилади ва шаклланади. У боланинг ўз фикрлари, ҳис-туйғулари, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини ўртоқлашиш истаги оқибатида вужудга келади. Бунда нутқ қисқа ҳикоя шаклига эга бўлади. Ҳикояда албатта болани лол қолдирган ва уни ҳаяжонга солган бирон-бир қизиқ ҳодиса (табиат қўйнидаги қизиқарли учрашув, укасининг кулгили ҳаракатлари ва ҳ.к.) акс этади. Мактабгача ёшдаги болалар таниш эртакларни, мултъфимлар мазмунини айтиб беришни, эшитганларини сўзлаб беришни хуш кўрадилар.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг энг муҳим ютуғи – жарангләётган нутқقا қизиқишининг шиддат билан ривожланиши, тил фаолиятини энг оддий англашнинг шаклланишидир. Сўзга нисбатан лингвистик муносабат дабдурустдан товуш, қоғия, мазмун билан ўтказиладиган ўйинларда, сўз аҳамияти ҳақидаги саволларда, уларнинг жаранглорлиги ва мазмунида кўринади. Тил воқелигини англаш унинг барча – фонетик, лексик, грамматик томонларини қамраб олади. Сўзга нисбатан онгли муносабат лугатни такомиллаштиришга (антонимлар, синонимлар, кўп маъноли сўзларни тушуниш), нутқнинг товуш маданиятини

ривожлантиришга (товуш талаффузи, тинглаш қобилияти, интонация ифодавийлиги), нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантиришга (морфология, сўз ясаш, синтаксис), равон нутқни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Лугатни ривожлантиришда унинг сифат жиҳатидан такомиллаштирилиши олдинги ўринга чиқади. Бу антонимия (ўткир-ўтмас, аччиқ-чучук), синонимия (ўткир, учкир, чархланган), кўп маънолилик (ўткир пичоқ, аччиқ қалампир, ўткир тил) каби ҳодисаларни тушуниш ва улардан нутқда фаол фойдаланишга таалкуқлидир. Болалар табиат ҳодисалари, нарсалар, инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларини таққослашда турлича ва умумий хусусиятларни ажратишни ҳамда акси ва яқин маъноли сўзлар, қиёслашлар, аниқ феъллар, ўхшатишлар ёрдамида уларни нутққа олиб киришни ўрганадилар. Сўз ясашда синоним ёки антонимни танлаб олиш усууллари болаларни кўп маъноли сўзлар билан таништиради. Буюмлар функцияларини таққослаш асосида умумлаштирувчи номлар шаклланади (ҳайвонлар, идиш-товоқлар, транспорт ва х.).

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш шунингдек, тил воқелигини энг оддий тарзда англашни шакллантириш билан ўзаро боғлиқдир. Мактабгача катта ёшдаги болалар сўзлар, товушлар, қофиялар (помидор-коридор) фаол ўйнайдилар. Улар сўз жаранглашидаги умумий ва турлича товушларни белгилай оладилар, артикуляция ёки акустик жиҳатдан яқин товушларни (С-Ш, С-З, С-Съ) фарқлашга қодирлар, шеър, мақол ёки тез айтишдаги 4-5 та сўзда учраган товушларни белгилай оладилар. Болалар аралаш товушлардан иборат бўлган тез айтишларни аниқ талаффуз этишини машқ қилишни, уларни турли тезликла, турли овоз баландлигига ва турлича оҳангларда айтишни ёқтирадилар.

Мактабгача даврдаги катта ёшда нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғрилигини шакллантириш нутққа нисбатан танқидий муносабатнинг пайдо бўлганлиги ва ривожланганлиги, аниқ ва тўғри гапиришга интилиш билан боғлиқдир. Тўғриликка интилиш грамматиканинг барча соҳаларида, яъни – морфологияда (шаклнинг аниқ шаклланишида, кўп турдаги шаклтарни ўзлаштиришда), сўз ясашда (нон учун – нондон, туз учун – туздон), синтаксисда (оғзаки нутқ тузилмасини бартараф этиш: «ва» боғловчисини кўп марта қўллаш орқали гапни «чўзин» ҳамда бир гапда тўғридан-тўғри ва билвосита нутқни аралаштириб юбориш)

пайдо бўла бошлайди. Нутқнинг грамматик тўғрилигига интилиш бола ҳаётининг еттинчи йилида рўй беради. Беш ёшли бола ҳали ҳам иштиёқ билан грамматик шаклларни ўйнайди ва айнан сўз билан амалга оширилаётган ана шу синовгина нутқнинг грамматик тўғрилигини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Луғатни ривожлантириш, нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, грамматик тўғриликни шакллантириш, равон нутқ тузиш усулларини ўзлаштириш (боғловчилар, ўрин-хол, лексик тақрорлашлар, синонимлар ёрдамида гапларни боғлаш воситалари; тавсифлаш, баён қилиш тузилмаси) билан узвий боғлиқдир. Кўп турдаги вазифаларни бажариш муносабати билан диалогик нутқ негизида ривожлангани ҳолда нутқнинг барча жиҳатлари тилни англашни шакллантиришга тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда бўлади ҳамда бунинг учун боланинг катталар билан муайян шаклдаги мулоқот гурига муҳтож бўлади. Бу нафақат ташқи дунё ва бошқа одамни англашга, балки тилнинг ўзини, унинг тузилиши ва фаолият юритишини англашга ҳам йўналтирилгандир.

Нутқий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари киришувчанлик кўринишларида ҳамда айни пайтда тил ва равон нутқни эгаллаш суръатида ифодаланади. Кўпчилик болалар ўз ҳаракатларини шарҳлашни, атрофдагилар эътиборини ўзига жалб қилишни хуш кўрадилар. Бунда айrim болаларда нутқий мулоқот амалий фаолият билан зид келади ва бунинг натижасида бундай кўп гапирувчи болакай иш бажаришда гуруҳдаги бошқа болалардан ортда қола бошлайди. Унчалик киришимли бўлмаган болалар кам сўзлайдилар, лекин одатда улар амалий вазифаларни тез ва тўғри ҳал этадилар.

Равон нутқнинг пайдо бўлиш муддати ва маҳсулдорлиги ҳам фарқ қилиши мумкин. Илк турдаги нутқий ривожланишда маҳсус тайёргарликсиз ҳикоя қилиб бериш 4-5 ёшдан бошланади. Болалар сеҳрли эртакларни, бўлган воқеаларни бир-бирига сўзлаб берадилар, ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда ўзига хос ҳикоялар тўқийдилар. Агарда бола етти ёшида таниш анъанавий эртакни («Зумрад ва Қиммат» каби) мустақил ҳикоя қилиб бера олса, ўйинчоқлар, суратлар асосида кичик оғзаки иншо тўқий олса – бу ҳаммаси меъеридалигидан далолатдир.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни нутқий ривожлантиришга доир вазифалар. Нутқнинг вазифаси ва шакли. Боланинг ўз тенгдошлари шахсига ва фаолиятига қизиқишини қўллаб-кувватлаш, биргаликдаги ўйинлар ва машғулотларда уларнинг диалогик нутқни йўлга қўйишларига кўмаклашиш.

- Турли мулоқот воситалари, яъни – сўз, юз ифодаси (мимика), пантомимадан муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ҳолда фойдаланишини ўргатиш.
- Болаларнинг ўз ташаббусига кўра ёки катталарнинг таклифига кўра ҳикоя қилиб беришга қизиқишини қўллаб-кувватлаш, эртаклар, суратлар ва ўз шахсий тажрибасига оид таассуротларнинг сўздаги мазмунини қисқа ҳикоя, мулоҳаза, тавсифлар ёрдамида ифодалашни ўргатиш.
- Дабдурустдан туғилган сўз ижодкорлигига, товушлар ва қоғиялар билан ўтказиладиган ўйинларда, сўзлар билан амалга ошириладиган синовларда, уларнинг жарангдорлиги ва аҳамияти, сўзлар мазмунини талқин қилишда қўзга ташланадиган сўзларга қизиқишини қўллаб-кувватлаш. Тил воқелигини энг оддий англашни ривожлантириш, болаларни «товуш», «сўз», «гап» атамалари билан танишириши.

Лугат. Сўзнинг мазмун жиҳатлари ҳақидаги тасаввурларни такомиллаштириш, болалар нутқларини антонимлар, синонимлар, кўп маъноли сўзлар, умумлаштирувчи номлар билан бойитиш, образли сўзлар, қиёслашлар, ўхшатишлар, аниқ феълларни фаоллаштириши.

Нутқнинг грамматик қурилиши. Сўз ўзгартиришдаги қийин ҳолатларни (қўпликдаги отнинг бош ва қаратқич келишиги, ўзгармайдиган отлар, буйруқ майллари, феъллар шакллари, тугалланган ва тугалланмаган феъл шаклларини вужудга келтириш) ўзлаштиришга ёрдам бериш.

- Феъллар, отлар ва сифатдан сўз ясаш усуllibарини шакллантириш. Гап тузилмасини такомиллаштириш, турли хил тузилмадаги – оддий, қўшма гапларнинг, бировлар нутқининг фаол қўлланилишига ёрдамлашиш. Грамматик воситаларни ўрганиш жараёнида нутққа нисбатан танқидий муносабатни, тўғри гапиришга интилишни қўллаб-кувватлаш.

Нутқнинг товуш маданияти. Фонематик қабул қилишни, нутқнинг талаффуз ва ифода жиҳатларини ривожлантириш. Артикуляция ва акустика жиҳатидан яқин товушларни (қаттиқ

ва юмшоқ, жарангли ва жарангсиз, шувулловчи, сонор) эшитишда ажрата олиш ва уни түғри талаффуз этиш.

• Сұзлардаги, тез айтишлардаги, қисқа шеърлардаги товушларни түғри ифодалашни машқ қилдириш. Ифода, интонация суръати ва баландлигини бейхтиёр тартибга солишини ўргатиши.

Юқорида баён қилингандар асосида шундай хulosага келиш мүмкінкі, мактабгача бұлған босқычдаги кагта ёшга етиб инсон ҳәётининг эңг муҳим даврларидан бири – унинг биринчи «дорилфунуны» ниҳоясига етади. Аммо ҳақиқий дорулфунун талабасидан фарқы равища бола бирданига барча факультетларда таълим олади. У жонли ва жонсиз табиат сирларини ўрганади (албаттa, имкон даражасида), математикадан дастлабки сабоқ олади. Шунингдек, эңг оддий нотиқдик курсини ҳам ўтади, ўз фикрларини мантиқан ва ифодали баён қилишни ўрганади. Филология фанларини ўрганиш натижасида нафақат бадий адабиёт асарларини эмоционал қабул қилишни, унинг қаҳрамонларига қайтуышни, балки бадий ифодалилікка оид тил воситаларининг эңг оддий шаклларини ҳис қилиш ва тушуниш күнікмаларига ҳам эга бўлади. Бола кичик тилшуносга айланади, чунки у нафақат сұзларни түғри талаффуз қилиши ва гап тузишни, балки сұзлар қайси товушлардан ва гаплар қайси сұзлардан ташкил топишини англаб олишни ўрганади. Буларнинг барчаси мактабда муваффақиятли таълим олиш, бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун зарурдир.

ХУЛОСАЛАР

• Мактабгача таълим муассасаларида болаларни нутқий ривожлантириш соҳасидаги ишларнинг мақсади – болаларга нутқий мuloқotнинг муҳим шакли – оғзаки нутқни адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда әгалашни, тұлық күринишда эса тушуниш ва фаол нутққа киришишни ўрганишни ўргатишдан иборат.

• Бола нутқини ривожлантириш борасидаги вазифалар – бу нутқнинг товуш маданиятини гарбиялаш; луғатни бойитиши, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириши; нутқнинг грамматик түғрилигини такомиллаштириши; оғзаки (диалогик) нутққа ўргатиши; равон нутқни ривожлантириши; бадий сұзга қизиқиши тарбиялаш; савод ўрганишга тайёрлаш.

- Гўдаклик ёши (0-1) учун мулоқотнинг икки шакли хос: эмоционал-эркин (вазиятли-шахсли); эмоционал-воситали (вазиятли-амалий) шакли.
- Илк ёшда (1-3) боланинг нарсалардан фойдаланишинг инсоний усулларини ўзлаштириши ва нутқини ривожлантириш асосий вазифа ҳисобланади.
- Икки ёшга келиб боланинг луғат заҳираси 200-300 та сўзга етади.
- Бироқ бола томонидан фойдаланилаётган сўзлар фонетик жиҳатдан номукаммал бўлиб, у кенг қамровли маъноларни англатади.
- Мактабгача даврдаги кичик ёшда (3-5) вазиятга асосланган нутқининг мутлақ ҳукмронлигидан нутқининг вазиятли ва матндан келиб чиқувчи воситаларини мос тарзда кўллашга ўтиш рўй беради. Ўшбу ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда индивидуал фарқлар қамрови жуда кенг бўлади.
- Мактабгача катта ёшдаги (5-7) болаларда нутқий ривожланишдаги асосий натижалар мулоқот соҳасидаги чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Бунда тенгдошлар билан мулоқот қилиш олдинги ўринга ўтади.
- Диалогни ривожлантириш боланинг ижтимоий ривожланишида ва унинг шахс сифатида шаклланишидаги муҳим таркибий қисмлар ҳисобланади.
- Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг диалогик нутқи негизида нутқининг янги шакли – монолог юзага келади ва шаклланади.
- Мактабгача катта ёшдаги бола эришган энг муҳим ютуқлар – бу жаранглётган нутқа нисбатан қизғин қизиқиш, тил борлигини энг олдий тарзда англашни шакллантиришдан иборатdir.
- Луғатни ривожлантириш, нутқининг товуш маданиятини тарбиялаш, грамматик жиҳатдан тўғриликтини шакллантириш, равон нутқ тузилишини ўзлаштириш билан узвий боғлиқдир.
- Мактабгача даврдаги катта ёшда инсон ҳаётининг энг муҳим даврларидан бири, унинг биринчи «дорилфунуни» ниҳоясига етади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш борасида мактабгача таълим муассасасида амалга ошириладиган ишлар мақсадини тавсифлаб беринг.
- Гўдакнинг дастлабки мулоқот шакли хусусиятлари нималардан иборат?
- Эмционал-воситали мулоқот шакли нима ва у бола нутқини ривожлантиришда қандай аҳамиятга эга?
- Илк ёшдаги бола нутқини ривожлантиришнинг хусусиятлари нималардан иборат?
- Илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш борасидаги вазифаларни тавсифлаб беринг.
- Бола нутқини ривожлантириш учун 2 дан 5 ёшгача бўлган даврнинг ўзига хос мухим ўрин тутиши нималарда ифодаланади?
- Мактабгача кичик ёшдаги болалар (3-5) нутқини ривожлантириш борасидаги вазифаларни тавсифланг ва уларнинг ilk ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга доир вазифалардан нимаси билан фарқланишини аниқланг.
- Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш борасида эришилган натижалар нималарга боғлиқ? Нега шундай ўйлаётганингизни асослаб беринг.
- Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришдаги асосий вазифалар нималардан иборат?
- Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг тил борлигини англаб етишлари нималарда кўринади ва у боланинг она тилини ўзлаштиришига қандай таъсир кўрсатади?
- Болаларни нутқий ривожлантиришдаги индивидуал фарқлар нималарда ифодаланади?
- Мактабгача катта ёшдаги болаларни нутқий ривожлантиришга доир вазифаларни тавсифланг.

Нутқни ривожлантириш дастурининг илмий асоси

Мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини ривожлантириш ишлари тегишли дастур асосида амалга оширилади, мазкур дастурда атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси, тегишли луғат ҳажми ҳамда болаларнинг ҳар бир ёш босқичида ўзлаштиришлари лозим бўлган нутқий маҳорат ва қўнималари белгилаб қўйилган бўлиб, у муайян шахс

сифатларини тарбиялашни кўзда тутали (масалан, диалогик нутқни ривожлантиришда дастур киришимлилик, хушмуомалик, саломлилик, босиқлик каби сифатларни тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди).

Нутқни ривожлантириш дастури ҳам умуман олганда худди «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури каби илмий асосда қурилган. У бугун мазмуни билан мактабгача таълим назариясини амалга оширишга, яъни бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган.

Дастур асосини психология ва турдош фанларнинг боланинг оғзаки нутқни эгаллаб олганлиги ва унинг билиш фаолиятининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотларни ташкил этади. Бу эса турли ёш босқичларида болаларга нисбатан талабнинг ҳажми ва изчиллигини белгилайди.

Шунингдек, дастур боланинг ривожланишида фаолиятнинг етакчи аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги муҳим педагогик қоидани ҳисобга олган ҳолда тузилган, шунинг учун нутқни ривожлантириш дастури турли фаолият турлари (ўйинлар, машгулотлар, меҳнат ва бошқ.) билан таққосланган.

Нутқни ривожлантириш дастури асосий дидактик тамойиллар – ўқув материалининг изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги, унинг аниқлиги ва имконлилигини ҳисобга олган ҳолда тузилган; унда нутқий маҳоратни шакллантиришда жамлана олишлик – ҳар бир босқичда айнан бир бўлимни, унинг мазмунини аста-секин кенгайтириб ва чукурлаштириб бориш орқали ўтиш кўзга ташланади.

Дастурда барча вазифа ва талаблар қисқа баён қилинган.Faқат болаларнинг билим ва қобилиятларига қўйиладиган умумий талабларгина аниқ баён қилинган, холос. Тарбиячи дастурнинг ҳар бир умумий талабини аниқлаштиришни ўрганиши лозим.

Чунончи, дастур ўрта ва катта гуруҳларда болаларни ошпаз меҳнати билан таништиришни тавсия қиласди. Ушбу мавзу бўйича ўрта ва катта гуруҳлардаги луғат ишларини таққослашда шу нарса кўринадики, катта гуруҳда болаларнинг умумлаштирувчи тушунчаларни (ошхона идишлари, машиналар, маҳсулотлар), сифатларни (гўштли, сабзавотли, темир) қўллаш ҳажми ортади, нарсаларни тавсифлаш (кастрюлнинг таги, деворлари, икки тутқичи бор ва ҳ.к.), фазо ва вақтни белгилаш (ичида, икки томонидан, эрталаб барвақт, эртанги кунга) аниқлашиб боради.

Мактабгача таълим соҳаси ходимига дастурни якка тартибда ва айни пайтда жамоа бўлиб ўрганишга тўғри келади. Мактабгача таълим муассасаси мудираси ёки катта тарбиячи ҳар йили сентябрь ойида тарбиячиларнинг ўз ёш гуруҳлари учун дастурнинг тегишли талабларини ажратиб олишлари, уларни ўзларининг ёш гуруҳларига мўлжалланган дастурий талаблар билан кўргазмали таққослаш, уларни аралаш гуруҳлар дастури билан кўргазмали таққослаш учун нутқни ривожлантириш дастурини тарбиячилар иштирокида жамоавий муҳокама қилишни ўтказишлари лозим.

Дастурни ўрганишни нутқни ривожлантиришнинг асосий вазифаларини эслатиб ўтиш билан бошлаш мумкин. Сўнгра битта гурух мисолида ушбу асосий вазифаларнинг мазмуни қандайлигини ва у дастурнинг қайси бўлимларида учрашини кўрсатиш зарур. Юқорида қайд этилган жамоавий муҳокама сингари тарбиячига бошқа ёш гуруҳлари дастурларининг матнларини ўрганиб чиқиши таклиф этилади.

Навбатдаги машгулотда дастурий материални алоҳида вазифалар бўйича қиёсий таҳлил қилиш ўтказилади, материални ёш гуруҳларида изчил равишда мураккаблаштириб бориш қайд этилади.

Дастурларни таҳлил қилиш учун тахминий саволлар:

1. Турли ёш гуруҳларида нутқни ривожлантириш вазифалари, уларни таққослаш, ворислик ва мураккаблаштириб бориш ишларини йўлга кўйиши.

2. «Атроф-олам ва жамият ҳаёти ҳодисалари билан таништириш» ҳамда лугат ишларини олиб бориш дастури. Атроф-муҳит ҳақидаги таассуротлар доирасини кенгайтириш. Болалар лугатига бўлган талабларни мураккаблаштириш. Болаларнинг сифат, сон, умумлаштирувчи отларни ўзлаштириб олиш дастури, ранг, миқдор, шакл, фазо ва вақтни белгилаш учун сўзлар рўйхати.

3. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш дастури. Товушларни талаффуз қилиш, дикция, овоз сифати, нутқ ифодалилигига кўйиладиган талаблар. Катта гуруҳ ва мактабгача тайёрлов гуруҳ учун янги вазифа сифатида фонематик тинглаш қобилиятини тарбиялаш.

4. Оғзаки нутқни тарбиялаш дастури. Нутқий мулокот кўникумлари.

5. Ҳикоя қилишни ўргатиши дастури. Болалар ҳикоялари турларини ва уларнинг сифатини таққослаш.

6. Бадиий адабиёт билан таништириш дастури. Бадиий асарни тинглаш ва китоб билан ишлашни ўргатишини шакллантиришдаги малака, кўникма ва қобилиятлар рўйхати. Бадиий асарлар мазмунини мураккаблаштириш ва улар сонини ошириш.

ХУЛОСАЛАР

- Болалар нутқини ривожлантириш, нутқни ривожлантириш дастури асосида амалга оширилиши лозим.
- Даастур Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдда илмий асосда қурилган бўлиб, у шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган.
- Нутқни ривожлантириш дастурининг асосини психология, психолингвистика ва педагогика фанларининг маълумотлари ташкил этади.
- Нутқни ривожлантириш дастури асосий дидактик тамоиллар – ўқув материалининг изчилиги ва ўзаро боғлиқлиги, унинг аниқлиги ва имконлилигини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Мактабгача таълим муассасаларидаги нутқни ривожлантириш дастурининг илмий асоси нималарда ифодаланади?
- Нутқни ривожлантириш дастурининг асосини психология, психолингвистика ва педагогика фанларининг қайси маълумотлари ташкил этади.
- Даастурда боланинг ривожланишида фаолиятнинг муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақидаги педагогик қоида ўз аксини топганми? У нималарда ифодаланади?
- Барча ёш босқичларида: гўдаклик ёши (0-1), илк ёш (1-3), мактабгача даврдаги кичик ёш (3-5), мактабгача даврдаги катта ёшда (5-7) болани нутқий ривожлантириш вазифаларини тавсифлаб беринг.
- Ҳар бир ёш босқичидаги нутқий вазифаларга оид дастурий материалларни қиёсий таҳдил қилинг ва унинг мураккабликларини айтиб беринг.

Барча ёш босқичларида болалар нутқини ривожлантиришга доир педагогик ишлар мазмуни ва шарт-шароитлари Гүдаклик ёши (0-1)

Бола учун катта ёшли одам – қувонч манбаи бўлиб, у болада ҳимояланганлик туйғусини пайдо қиласди, болани билиш «тадқиқотчилик» фаолиятига йўналтиради, Катта одам бола билан кўп гаплашиши, буюмлар ва ходисаларнинг номини айтиб бериши, улар билан нималар қилиш мумкинлигини ҳикоя қилиб бериши, ўз нутқини ифодали сўзлаши, хиргойи қилиши, сўзларни қофияга келтириб сўзлаши лозим. Катта одам бола учун ёқимсиз бўлган кўпчиллик ҳолатлар ва воқеаларни бартараф этади. Шу туфайли бола катта одамнинг ишончли ғамхўрлиги билан куршаб олинганини ҳис этади.

Болага ўз ижобий («Тимур зўр бола, яхши овқатланиб олди») ва салбий («Ойи оғриб қолди») ҳис-ҳаяжонларини ошкора билдириш муҳимдир. Айни пайтда болага уни катталар севиши ва у тўғрисида ташвиш чекишларини билдириб қўйиш лозим. Турли вазиятларда боланинг ҳиссиётларига «овоз бериш» ва катталар бу мушкулотни у билан бирга баҳам кўришга тайёрлиги ҳақида айтиш муҳимдир («Алишер йиғлаяпти, унинг қоринчаси оғрияпти», «Гули хурсанд, у чўмилишни яхши қўради»).

Боланинг катталар билан муомала воситалари етарли даражада ҳар хил бўлиши мумкин. Бу энг аввало ўйин орқали мулоқотдир. У гўдакни жонлантиради, қувноқ кайфият баҳш этади. Бу кайфият катта одам томонидан бола уйғоқ бўлган ҳар қандай пайтда хосил қилиниши мумкин.

Катталар билан ҳазил-хузул, ижобий ҳиссиётларга тўла бўлган мулоқотда бола ўйинчоқлар билан ўйнашга киришади. Бу моҳиятан, боланинг ўз ташабуси билан вужудга келадиган биринчи ўйин шаклидир. Қўл ҳаракатлари унинг нутқини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун бола билан мулоқот қилишда кўпроқ ҳикоялар, иборалар, топишмоқлар, айтишувлардан фойдаланиш лозим. Бу товуш ва нутқ муҳитини бойитади, нутқни ўзлаштиришга ёрдам беради, талаффузни, шеърий сўз жарангдорлигини ҳис қилишни ривожлантиради.

Уч ойлиқдан бошлаб талаффуз жиҳатидан бой бүлган асарлардан фойдаланиш тавсия этилади.

3 ойлиқдан бошлаб 6 ойликкача овоз хиргойисига эга бүлган – халқ чолғу асбобларига тақлид қилинадиган («Такатум-так», «Дили-бом, дили-бом» ва бошқ.) асарлар фойдали. Улар боланинг овоз имкониятларини ривожлантиради. Болада чулдираш пайдо бўлиши билан (5-6 ой) чулдирашга оҳангдош бўлган, бир неча марта такрорланадиган ва овоз билан ифодаланадиган бўғинлардан иборат бўлган ҳис-ҳаяжонли қисқа иборалар ва айтишувлардан фойдаланган маъкул.

9 ойлиқдан бошлаб болага таниш бўлган, у «ўрганган» вазиятларга таянган ҳолда нутқий тақлид ва овоз ифодалигини ривожлантириш муҳимдир.

12 ойлиқдан бошлаб кичкитойда кичик фольклор жанри асарлари элементлари (бекинмачоқ ва ҳ.) асосида нутқий мулоқотга киришишга, жаранглаётган матнга мос равиша ҳаракатлар бажаришга ундаш лозим.

Болага қараш пайтидаги мулоқотни шундай уюштириш керакки, токи бола унинг фаоллик қўрсатишини сабр-тоқат билан кутиб турган катталар у билан нималар қилаётганини англай олсин. Катталар амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳар бир ҳаракат ҳақида болага айтиб беришлари лозим. («Ҳозир юриб кетамиз», Энди эса сайр қилгани чиқамиз», «Энди чўмиламиз»).

Биринчи йилнинг охирига келиб бола кўп тусдаги буюмлар ва ўйинчоқлар ичидан ўзига таниш бўлган муҳитда ўз йўлини ўзи топа олади. Атрофидаги барча катталарни яхши танийди. Гапирилаётган сўзларни буюмлар билан, предметли ҳаракатларнинг турли усуллари билан ҳамда ҳиссиётга бой ифодали муносабат ва дастлабки сўзлар («ада, опа», «бер, буви, ма, йўқ») ёрдамида мулоқотнинг ижтимоий усуллари билан боғлай олади. Буларнинг барчаси боланинг тўлақонли жисмоний ва психологик ривожланаётганидан далолат беради.

Илк ёш (1-3)

Бола ҳаётининг иккинчи йили. Бола билан нутқий мулоқотни йўлга қўйиш ва унинг лугатини бойитиш, ўз ҳаракатларини сўзлар билан биргаликда амалга ошириш, кичкитойни тарбиячи (катталар) топшириғига кўра айrim оддий топшириқларни (ўйинчоқларни, этикларни, пальтони келтириш; қизил ўйинчоқларни қўрсатиш) бажаришга ундаш,

буюмлар, кийим бошлар, идиш товоқлар, сабзавотлар ва меваларнинг номлари ва улар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳақидаги саволларга жавоб бериш учун барча режим вазиятлари ва майший вазиятлардан фойдаланиш лозим.

Боланинг мустақил предметли ва ўйин ҳаракатларидан буларни сўз билан қандай ифодалашни, мураккаб бўлмаган сюжетни қандай қилиб ривожлантиришни айтиб берган ҳолда (Самат отда учаяпти: но-но. Самат чарчади. У ухляяпти) нутқни ривожлантиришда фойдаланиш.

Болаларнинг эътиборини жалб қилувчи ҳамда ёрқин хис-ҳаяжонли ва нутқий муносабатларни, беихтиёр нутқий вазиятни юзага келтирувчи тирик обьектлар ва ҳаракатланаётган транспортларни кузатиши муҳим аҳамиятга эга. Катта одам кичкинтой ҳозирча фақат бир сўзли фикр билан ифодалай оладиган (би-бип. Машина келаяпти. гувиллаяпти. Машина қандай гувиллаиди? Би-бип.) ҳодисани кенг шарҳлагани ҳолда бола билан диалогни давом эттиради.

Болалар билан буюмларни, ўйинчоқларни, суратларни кўриб чиқишига доир ўйин-машгулотларни («Сеҳрли қалпоқча, Ким бу уйда яшайди? Машинада ким келди») уюштириш зарур. Уларда обьектлар ва ҳаракатлар сўз билан белгиланади, бир номдаги ҳаракатлар турли ўйинчоқлар ёрдамида бажарилади, турли вазиятларда ва кичик сюжетли саҳналарда биргина ўйинчоқнинг ўзи кўп турдаги вазифаларни бажаради, турли вазиятларга ва кичик сюжетларга қўшилади (Хайвонларни сайр қилдирамиз. Айиқча машинада кетаяпти, қуёнча ҳам машинада кетаяпти, кучукча ҳам машинада кетаяпти. Айиқча чарчади. У ухляяпти. Кучукча эса ухламаяпти. У вовуллаяпти: Вов! Вов! Кучукча қандай вовуллаяпти?). Персонажлар овозига тақлид қилиб болалар ҳам такрорлайдилар. Катта одам боланинг буюм ёки суратни қўлга киритишга доир табиий хоҳишидан фойдаланди, ҳамда уни ўз истакларини сўз шаклида баён қилишга ундайди, яъни болага саволлар беради, унинг ўйинчоқни сўрашини, унинг номини айтишини кутади.

Бола ҳаётининг учинчи йили. Катта одам нутқи саводли, мазмунли бўлиши лозим. Товушларни аниқ ифода этган ҳолда ва аниқ сўзларни қўллаган ҳолда шошмасдан сўзлаш лозим.

Ўйин ва машгулотларни ташкил қилиш учун ўйинчоқлар, реал буюмлар, муляжлар, стол театри қўғирчоқлари, фланелеграф, ясаладиган ўйинчоқлар, суратлар, безаш учун

кийимлар, декорация элементлари ва ҳоказолар талафутилди. Бу реквизит болаларга мавзуга мос ҳолда күтилмаган совға тариқасида тақдим этилади ва шу тариқа бейхицир үларнинг диққат-эътибори жалб қилинади (сөхрли қалпоқчанинг остида ким бор? Қулоғи узун, думи калта, ўзи эса оппоқ? Сабзини яхши кўради? Ким бу?).

Болаларга келтирилган буюмларни мустақил кўздан кечириб чиқиш имконини бериш, улар билан ўйнашга ҳаракат қилиш зарур. Ўйинчоқлар билан кичик саҳналарни ўюштириш жараёнида тарбиячи (ёки ота-оналардан бири) болаларнинг эътиборини саҳналаштиришга, сўзларни айтишга, овозларга тақлид қилишга, қаҳрамонлар (персонажлар) ҳаракатини тасвирлашга жалб қиласди.

Бола нутқи мазмуни ва таркибидаги асосий ўзгаришлар унинг ташаббус кўрсатиб фикр билдириш жараёнида рўй беради. Унинг нутқ ҳулқини тартибга солишга, интизомга риоя қилишга мажбурлашга ортиқча интилмаслик лозим. Гарчи бу тартибсизликка ўхшаб кўринса-да, яхшиси боланинг ўзи ўз хоҳишига кўра фикр билдиргани маъқул.

Уч ёшга келиб бола: тарбиячи ва тенгдошлари билан иштиёқ ила (ёки катталардан биронтаси: она, ота, бувилар билан) мулоқотга киришади; катталарнинг таклифларига, саволларига сўз ва ҳаракат билан жавоб беради; рўй берадиган ҳодисадан таассуротлари ҳақида ва ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб вазиятдан ташқарига чиқадиган мавзу бўйича ўзи ташаббус кўрсатиб мустақил фикр билдиради, ўйин ҳаракатларини сўз билан шарҳлайди; унлилар ва оддий ундош товушларни тўғри талаффуз этади; нутқ оддий, грамматик расмийлаштирилган иборалар шаклига эга.

Болаларнинг товуш талафузини ўзлаштириш суръати, луғат ҳажми ва аниқлиги, мураккаб синтаксисга эгалик даражаси ва муомалалиги ҳар бир болада турлича бўлади.

Мактабгача кичик ёшдаги давр (3 ёшдан бошлаб 5 ёшгача)

Мактабгача даврдаги кичик ёшли болаларни нутқий тарбиялаш учта ўзаро бир-бири билан боғлиқ соҳани ташкил этади. Булар: атрофни ўраб турган оламдаги ҳодисаларни (реал воқеликни) англаш ва сўз билан белгилаш; атрофдагилар билан алоқаларни ва нутқий муносабатларни йўлга қўйиш; тилни

(унинг овоз таркибини, лугатни, грамматик қурилишини) оддий англаш.

Бола кўп образли обеъктлар ва ҳодисалар билан, уларнинг хусусиятлари, ҳаракатлари, ҳолати, қурилиши ва уларни белгиловчи сўзлар билан; сабзавот ва мевалар, мебеллар, идиш-товоқлар, кийим-бошлар, буюмлар деталари ва қисмлари номлари билан (онам ошпаз бўлиб ишлайди, у тушлик тайёрлади, кирларни ювади, кийимларни дазмоллайди) ва аниқловчилар билан (онам яхши, меҳрибон, ақлли, чиройли, севимли ва ҳ.) танишади.

Бола сабаб – оқибатли алоқалар, вақтбай, муҳит, миқдорий ва бошқа алоқаларни англаш билан бир вақтнинг ўзида уларни грамматик шаклларда ва қурилмаларда (бирлик ва кўплик сон, от келишиги, феъл замонлари ва турлари, орттирма замонли мураккаб гаплар, мақсад ва ҳ.к.) ифодалаш усулларини ўзлаштиради.

Бола грамматик воситаларнинг кенг турини ўзлаштиради. Масалан, «Нима йўқ» номли дидактик ўйинида грамматик шакллардан фойдаланади: мўйқалам, ручка, қайчи ва ҳ.; «Саёҳатда» ўйинида ўзига тўрт оёқли дўстлар танлайди: сичқонча, курбақача, тулкича, киртика; қўғирчоқ учун нонушта уюштирас экан дастурхонга чойнакни, қанддонни ва туздонни қўяди ва ўйланиб қолади: қанд учун – қанддон, сухари учун – сухаридонми?

Болалар сабабли, вақтбай ва бошқа муносабатларни турли хил мураккаб гапларда ифодалашни ўрганадилар. Чунончи, «Бундай бўладими-бўлмайдими?» ўйинида улар нотўғриликни пайқаб қоладилар ва нима учун «»мушукча вовуллади» ёки «товуқлар миёвлади» деб бўлмаслигини тушунтириб берадилар, нутқда «чунки» боғловчиси билан биргаликда орттирма гаплардан фойдаланадилар. «Нима нима учун» ўйинида эса орттирма гапни «учун» боғловчиси билан бирга кўллаган ҳолда қайчи, мўйқалам, қошиқ нима учун кераклигини тушунтириб берадилар.

Бола тилдан фойдаланган ҳолда унинг хусусиятларини ўрганади, сўзлар ва грамматик шакллар орқали у билан синовлар ўтказади. Болалар акс маъноли сўзларнинг (антонимлар: катта-кичик, баланд-паст, тор-кенг) ўзаро боғлиқлигини, маъно жиҳатидан бир-бирига яқин сўзларни (синонимлар: кучук, кучукча, олапар), сўз ясовчи жуфтликдаги сўзларни ўзлаштирадилар. Кўп маъноли номлар билан

танишадилар (қизчанинг қули, құғирchoқнинг қули, үкувчининг қули, дазмолнинг ушлагичи, қутининг ушлагичи, кастрюлнинг қулоғи, боланинг оёғи, стулнинг оёғи, гулнинг оёғи, құшнинг оёғи).

Мактабгача даврдаги кичик ёшли бола учун катталар билан мuloқot ҳамон тилни, нұтқнинг шакл ва вазифаларини ривожлантиришнинг асосий манбаси сифатида чиқади. Боланинг тұлақонли ривожланиши учун уннинг үз тенгдошлари билан үйнаши ҳам муҳим ақамиятга эга. Бир-бирига яқын жойда үйнәр экан болалар үйинде тенгдошининг ҳам иштирок этаётганидан ва уннинг әзтиборини жалб қылганидан қувонадилар, ўзларининг үйинларини шархлайдилар. Натижада бирғаликдаги күнгилочар үйинлар пайдо бўлади, унда болалар ролларни, ўрин босувчи нарсаларни (бу таёқ от бўлади, мана бу учбурчак эса телефон бўлади), үйин ҳаракатларини сўз билан ифодалайдилар, бирғаликда ҳаракат қилиш, сюжетни ривожлантириш ҳақида келишиб оладилар, унчалик мураккаб бўлмаган сұхбатни олиб борадилар.

Мустақил үйинларда болаларнинг коммуникатив ижодкорлиги ривожланади. Болаларнинг катталар билан бирғаликда уюштирилган үйинлари – халқ үйинлари, сюжетли-ролли, театрлаштирилган, дидактик үйинлар муҳим вазифани бажаради.

Үюштирилган үйинлар кеңг умумривожлантирувчи мазмунга ва тор дидактик мазмунга (фонетик, лексик, грамматик) эга бўлиши мумкин. Кеңг умумривожлантирувчи үйинлар бир вақтнинг үзіда нутққа ялпи таъсир кўрсатади: болаларни нутқий ҳамжиҳатликка (диалогга) киришишга ундейди, сұхбатдошга, уннинг ташқи кўринишига, овозига, у тасвираётган персонажга әзтиборни жалб қиласди, нутқнинг товуш жиҳатига (товушга тақлид қилиш) ва уннинг лексик таркибига (образли-ифодали сўзлар) йўналтиради, сюжетни ривожлантириш, сўзни ва ифодали ҳаракатни таққослашни ўргатади. Халқ үйинлари, сюжетли-ролли үйинлар, эртаклар ва адабий асарлар бўйича турли хил үйинлар (ўйин-саҳнаплаштириш).

Сўзли дидактик үйинлар нутқий ривожланиш вазифаларни янада табақалаштирилган ҳолда ҳал этишга, яъни: феълларни, сифатларни, умумлаштирувчи номларни («Учади-учмайди», «Маъзасидан топ», «Еса бўладими-бўлмайдими?») фаоллаштиришга, сўз ясаш усувларини шакллантиришга

(«Тавсифи бўйича топ-чи», «Чой ичиш»), у ёки бу товушни тўғри талаффуз этишни машқ қилишга («Кимнинг овози», «Ажойиб халтacha») йўналтирилган.

Болаларнинг товушлар, қоғиялар, сўзлар билан мустақил ўйнаши, уюштирилган ўйин жараёнида бирданига рўй берадиган тил билан ўзига хос тарзда синов ўтказишлар алоҳида аҳамиятга эга. Фольклор ва муаллифлик асарларидағи тил ўйинлари улкан аҳамият касб этади.

Нутқий мулоқотнинг асосий шакли диалог ҳисобланади. Нутқунинг вазиятга асосланганлиги унга хос ва мосдир. Болалардан тўлиқ жавоб олмасликка интилмаслик даркор, бу мулоқот мантиғига зиддир. Қачонки бола кундалик турмушда ўзини қизиқтирган мавзу юзасидан ўз ташаббуси билан фикр билдирса – таркибан расмийлаштирилган ёйиқ гаплар ўз-ӯзидан юзага келади.

Беш ёшга келиб бола бевосита вазиятдан четга чиқадиган мавзулар бўйича катталар билан мулоқот қила олади; нутқ ёрдамида ўз тенгдошлари билан сюжет-ролли мустақил ўйинда ҳамкорликни йўлга қўйишига қодир; тилни ўрганишда фаол ва мустақил, бу товушлар, қоғиялар, сўз ижодкорлигига, буюмларнинг номлари ва уларнинг қандай мақсадларда ишлатилиши ҳақидаги саволларда кўринади; товушларни асосан тўғри талаффуз қиласи («Р»ни «Л» га алмаштириш ҳолатлари, «Ш» товушли сўзларни талаффуз қилишда айрим ноаниқликлар бўлиши мумкин).

Мактабгача катта ёшдаги давр (5 ёшдан 7 ёшгача)

Мактабгача катта ёшдаги даврда нутқий тарбиянинг мазмуни икки ўзаро боғлиқ соҳани ташкил этади. Булар: она тилини (фонетика, лексика, грамматика) ҳамда билиш фаолияти ва мулоқотда тилни қўллаш усулларини ўқитиши. Тилни эгаллаш атроф-муҳитдаги ҳодисалар ва кўп турдаги мулоқотлар ҳақидаги билимларнинг кенгайиш жараёнида юз беради. Лекин мактабгача ёшдаги болани ривожлантиришдаги марказий бўғин – тил ва нутқни англаш вазифаларини болага тушунарли шаклларда шакллантириш ҳисобланади. Тилни қўллаш соҳасида уч бўғин ажралиб чиқади: атрофдагилар билан ҳис-ҳаяжонли алоқаларни йўлга қўйиши; фикрни шакллантира олиш, ахборот – матн қура олиш қобилияти; шерик блан

нүтқий ҳамкорликни йўлга қўя олиш. Мактабгача катта ёшдаги даврда тенгдошлар билан мулоқот коммуникатив фаолият соҳаси сифатида олдинги ўринга чиқади. Бу фаолият соҳасида бола ўзининг мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиради, тилини билиш ва равон нутқни ривожлантириш борасидаги ўз ютуқлари билан ўртоқлашади ва шериклар билан ҳамкорлик қилишни ўрганади.

Мактабгача катта ёшдагилар катталар ва тенгдошлар билан мулоқот қилиш, уюштирилган сўзли ўйинлар ва машғулотлар нутқни ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланадилар.

Тенгдошлар билан диалогик мулоқотни йўлга қўйиш учун кооператив тусдаги фаолият муҳим аҳамият касб этади. Бундай фаолият аста-секин шаклланади. Дастреб болалар рўй берётган ҳодисаларни шарҳлаган ҳолда, яъни чизилган нарсаларни сўз билан ифодалагани, ўз ҳаётидаги бирон-бир воқеа тўғрисида сўзлаб бергани ҳолда бир-бирларига яқин жойда ҳаракат қиласидилар. Бу вазиятда нутқ тенгдошнинг иштироки билан ҳамда у билан гаплашиш, режалаштиришни бажариш ва ўз фаолиятини ташкил этиш, шунингдек ижтимоий алоқа ўрнатиш имконияти билан рағбатлантирилади.

Болалар ўртасидаги мулоқот асосан амалий тусга эга. Диалог кўпинча шундай шаклда бўладикин, унда бола шеригининг қисқа луқмаларига жавоб беради ёки рўй берётган ҳодисага нисбатан ўз муносабатини нонутқий воситалар ёрдамида ифодалайди. Кўпгина шундай халқ ўйинлари борки, уларда болалар бир-бирларига зътиборни қаратишни, дўстларни овозидан, кийимидан, юришидан таниб олишни, нутқий алоқа ўрнатишни ўрганиб оладилар.

Стол ўйинлари («лото», «домино») диалогик мулоқотни йўлга қўйишнинг ажойиб воситаларидир. Айнан жуфтликдаги ўйинларда болалар диалогик ҳамкорлик воситалари: навбатга риоя қилиш, бир-бирларини исмини айтиб яхши муомалада бўлиш, ўз нуқтаи-назарини далиллаган ҳолда ҳимоя қилиш, шерик билан гапларини мувофиқлаштириш усуllibарини ўрганиб оладилар. Барча турдаги нутқ вазифалари: берилган товушли сўзни танлаб олиш, артикуляция ва акустика жиҳатидан яқин товушларни ажратади, умудлаштирувчи номларига қараб таснифлаш, расмлар серияси («Товушни топ», «Нима йўқ», «Ушлаб кўриб топ», «Эслаб қол ва чиз») асосида

биргаликда ҳикоя қилиш юқоридаги үйинларнинг билиш асоси сифатида чиқишилари мумкин.

Дидактик үйинларда болалар изоҳловчи нутқни ҳам ўрганадилар. Бунинг учун катта одам дастлаб бир болага янги үйинни ўргатади, кейин эса бошқа болаларга шу үйинни үйнашни таклиф қиласди. Ўргатилган бола ўзига нотаниш бўлган болалар билан үйинни ўйла қўйиш учун үйин мазмуни ва қоидаларини тушунтириб беришга мажбур. Тарбиячи эса унга йўналтирувчи саволларни бериш орқали ёрдам беради.

Жамоавий сұхбатлар, гурунглар диалогни ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ҳар бир бола ўз фикрини айтиш имкониятига эга бўлиши ва уни эштишлари учун юқоридаги сұхбатларни болаларнинг кичик гуруҳларида уюштириш зарур. Шахсий тажрибадан келиб чиқувчи бирон-бир воқеа, турмушдаги қизиқ воқеалар, тасаввур этиладиган турли вазиятлар (бегоналарга эшикни очиш мумкинми ва нега? Ит ҳураётганида нима учун ундан қочиш керак ва ҳ.) бундай сұхбатларнинг мавзуи бўлиши мумкин.

Кооператив тусдаги асосий фаолият тури – сюжетли-ролли үйинлардир. Мактабгача даврдаги катта ёшда бу үйинлар хаёлпаратстик үйинларига айланади, чунки унда болалар саргузаштлар тўқийдилар ва уларни тасаввур этиш билан чекланадилар. Фаолият биргаликда ҳикоя қилиш тусини олади. Бу үйин ва нутқ ривожининг жуда юқори даражасидир. Болалар кўпинча йўналтирувчи саволлар берувчи, сюжетнинг давомини айтиб турувчи, навбат ташкил қилишга ёрдам берувчи катта одам иштирокига эҳтиёж сезадилар.

Анъанавий эртакдаги қаҳрамонларни, воқеа жойи, шароит, сеҳрли буюмларни алмаштирган ҳолда тўқиладиган сеҳрли эртак бундай хаёлот үйинлари мавзулари бўлиши мумкин. Үйин болалар қадамба-қадам тузадиган (лавҳаларнинг схематик тасвирини чизадилар) ва «овоз берадиган» сюжет ривожи асосида икки боланинг биргаликда ҳикоя тўқишига айланиб кетиши мумкин.

Биргалиқдаги хаёлот үйинлари болалар ҳикоя қилиш жараёнида биладиган усуслар орқали муваффақиятли давом этиши мумкин. Катта одам билан боланинг ҳамжиҳатликдаги сўз ижодкорлиги равон нутқни (ҳикоя қилишини) ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Катта одам йўналтирувчи ва аниқлаштирувчи саволлар бериш, ўзининг

қизиқаёттганлигини билдириш, ўйин вазиятларини ҳосил қилиш (ўйинчоқлар, расмлар тўплами, кўғирчоқ театри қаҳрамонлари ёрдамида) билан бола ташаббусини қўллаб-кувватлаши зарур. Педагогнинг ҳикоя мавзусини, воқеалар ривожини, воқеаларнинг эҳтимолий якунини, сўз шаклини айтиб бериши биргалиқдаги сўз ижодкорлиги учун катта аҳамиятга эгадир. Биргаликда ҳикоя қилиб бериш дастлаб диалог кўринишига эга бўлади, бунда катта одам савол беради, бола жавоб беради, катта одам гапни бошлайди, бола эса уни ниҳоясига етказади. Бундай диалогдан нутқ – монолог туғилади. Кейинчалик бола монологи асосида болаларнинг биргалиқдаги ижодкорлиги бошланади, у каттанинг бола билан диалоги шаклини такрорлайди. Биргаликда ҳикоя қилиш учун яхши асос расмлар туркуми билан ишлашда, ролларга бўлинниб ҳикоя қилиб беришда, ўйин-саҳналаштиришларда яратилиди.

Мактабгача катта ёш – боланинг нутқни ўрганишга қизғин киришиш, тил воқелигини энг оддий тарзда англаш давридир. Мактабгача ёшдаги боланинг тил соҳасидаги бой тажрибаси, аниқ, образли сўзда ифодаланган ёрқин таассуротлари, кечинмалари унинг тил ва нутқ соҳасидаги мустақил фаолиятининг муҳим шартидир.

Муаммоли нутқ ҳолатлари фонетик, лексик ва грамматик мазмундаги турли сўзли дидактик ўйинларда моделлаштирилади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаларида дидактик ўйинларни ташкил қилишни болаларда сўзга нисбатан лингвистик муносабатни ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Лексик мазмундаги ўйинлар ва машқлар нутқнинг мазмун жиҳатини ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Уларда турли буюмлар ва объектларни қиёслаш, уларнинг турли умумий хусусиятлари ва вазифаларини ажратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Реал нарсалар, объектлар (ўйинчоқлар, расмлар, кийимлар, мебеллар ва х.) ҳам ва тасаввур қилинадиган вазиятлар (кувноқ ва маъюс айиқча эртаги ва кечки об-ҳаво, қаҳрамоннинг воқеа бошидаги ва унинг якунидаги қайфияти) ҳам таққосланиши мумкин. Ҳикояни бошлашдан олдинги лугат машқлари болалар равон нутқининг аниқ ва образли сўзлар ҳамда иборалар билан бойитилишига ёрдам беради.

Дидактик ўйинлар, машқлар ва грамматик мазмундаги муаммоли вазиятлар – нутқнинг грамматик тұғрилигини ривожлантириш, болаларнинг грамматик шакллар соҳасидаги қиди्रув фаолигининг мұхим шартидир. Тұғри шаклни «ушлаб күриш» орқали бола сүз билан синов ұтказар экан, у нутқнинг жарангини тинглашни, сұzlарни беихтиёр алмаштиришни, грамматик үрин босувчиларини қўйиши, шакл ва сүз ясаш қоидаларини чиқариши үрганади.

Муаммоли нутқ вазиятларида («ёзма нутқ» вазияти, бунда бола ҳикояни айтиб туради, катта одам ёзиб олади; биргаликда ижод қилиш вазияти, бунда ҳикояни катта одам бошлайди, бола эса давом эттиради) болалар турли таркибдаги гапларни тузиш, нутққа тузатиш киритишини үрганадилар.

Турли тоифадаги сўзли ўйинлар, машқлар, муаммоли вазиятларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг аста-секин мураккаблашуви, муаммоли нутқ вазифаларини мунтазам равишда қўйиб бориш – тұлақонли нутқий ривожлантиришнинг мұхим шарти ҳисобланади. Болалар тили ва уларнинг равон нутқини ривожлантиришга доир доимий ишларнинг мақбул шакли маҳсус нутқ машгулотлари ҳисобланади, унда нутқни ривожлантиришга оид вазифалар ялпи тарзда ва ўзаро боғлиқликда ҳал этилади.

Тұғри тарбия ва органик камчиликларга йўл қўйилмаган тақдирда бола олти ёшга келиб она тилидаги барча товушларни тұғри талаффуз қилишини үрганиб олади.

Етти ёшга келиб бола оғзаки нутқни эгаллаб олади ҳамда яқинлари ва болалар билан эркін мuloқot қилади. Диалогда ташаббус кўрсатиб, мuloҳаза юритади, суҳбатдоши эътиборини ўзига жалб қилишини билади, унга сўз, ҳаракат ва сўzsиз усууллар билан жавоб беради; фикрларини нотулиқ ва тұлиқ олдий гаплар, қисқа матнлар шаклида ифодалайди; таниш эртаклар, мултъфильмлар, китoblар, суратлар мазмунини ҳикоя қилиб беришга, ҳикоя тұқиши қизиқиши билдиради; мuloҳаза юритишида нутқнинг турли қисмларидан, ўxшатишлардан, таққослашлардан, синонимлардан фойдаланади; нутққа танқидий муносабат билдира бошлайди, грамматик жиҳатдан тұғри сўзлашы интилади, шу туфайли сўз тұқиши барҳам топгади, грамматизмлар сони камаяди; она тилидаги барча товушларни тұғри талаффуз этади.

ХУЛОСАЛАР:

• Гўдаклик ёшида (0-1) боланинг катталар билан мuloқot шакллари турличи бўлиши мумкин, аммо бу энг аввало кичкитойнинг жонланишини, унинг кувноқ кайфиятини ифодалайдиган ўйин мuloқотидир.

• 3-ойдан бошлаб бола билан мuloқotда овоз «куйлари»ни (халқ чолғу асбобларига тақлид қилиш) ўз ичига олган, ахборот жиҳатидан бой бўлган асарлардан фойдаланиш зарур.

• 9 ойдан бошлаб болада нутқий тақлид ва овоз ифодалилиги ривожланади, 12 ойдан бошлаб кичкитойни кичик фольклор жанри асарлари элементлари асосида нутқий мuloқotга киришишга ундаш даркор.

• Болани парвариш қилишда катталар у билан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар ҳақида болага айтиб туришлари зарур.

• Илк ёшда (1-3) катталар бола билан нутқий мuloқotга киришиш ва унинг луғатини бойитиш учун барча маиший вазиятлардан фойдаланишлари лозим. Айни пайтда улар ўз ҳаракатларини сўзлаш билан бирга амалга оширишлари ва болани унчалик қийин бўлмаган топшириқларни бажаришга ундашлари зарур.

• Катталар нутқи саводли, мазмунли бўлиши лозим. Улар товушларни аниқ ифода этган ҳолда ва аниқ сўзларни кўллаган ҳолда шошмасдан сўзлашлари лозим.

• Бола нутқи мазмуни ва таркибидаги асосий ўзгаришлар унинг ташаббус кўрсатиб фикр билдириш жараёнида рўй беради. Шунинг учун унинг нутқий хулқини тартибга солишга интилмаслик лозим.

• Мактабгача кичик ёшдаги болаларни нутқий тарбиялаш учта ўзаро бир-бири билан боғлиқ соҳани ташкил этади. Булар: атрофни ўраб турган оламдаги ҳодисаларни (реал воқеликни) англаши ва сўз билан белгилаш; атрофдагилар билан алоқаларни ва нутқий муносабатларни йўлга қўйиши; тилни (унинг овоз таркибини, луғатни, грамматик қурилишини) оддий англаш.

• Катталар билан мuloқot — мактабгача кичик ёшдаги болалар тилини, уларнинг нутқ шакллари ва функцияларини ривожлантиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

• Бола нутқини ривожлантириш учун ўйинлар катта аҳамиятта эгадир (сюжетли-дидактик ўйинлар, эртаклар ва адабий асарлар асосидаги ўйинлар, ўйин саҳналаштириш, кенг қамровли умумий ривожлантириш мазмунига эга бўлган ҳамда болалар ўз тенгдошлари ва ўйиннинг бошқа иштирокчилари билан мулоқотга киришиш заруратига дучор қилинганд саҳналаштириш ўйинлари).

• Мактабгача кичик ёшдаги болаларнинг асосий мулоқот шакли – диалог ҳисобланади.

• Мактабгача катта ёшдаги даврда нутқий тарбиянинг мазмуни икки ўзаро боғлиқ соҳани ташкил этади. Булар: она тилини (фонетика, лексика, грамматика) ҳамда билиш фаолиятида ва мулоқотда тилни қўллаш усулларини ўқитишдан иборатdir.

• Мактабгача катта ёшдаги болаларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқот қилиш, сўзли ўйинлар ва машғулотлар нутқни ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланадилар.

• Болалар ўртасидаги мулоқот асосан амалий тусга эга.

• Дидактик ўйинларда болаларда изоҳловчи нутқ шаклланади.

• Мактабгача даврдаги катта ёш – боланинг нутқа нисбатан қизгин билиш муносабати ҳамда тил борлигини оддий англаш туйғусини пайдо қилиш давридир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

• Кичкинтой билан мулоқот турларини тавсифлаб беринг ва нима учун мулоқотнинг ўйин шакли асосий ҳисобланишини тушунтириинг.

• Бола ҳаётининг биринчи йили охирига келиб кичкинтойда қандай нутқий кўнникмалар шаклланиши лозим?

• Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг нутқини ривожлантириш учун қандай педагогик шарт-шароитлар яратиш зарур?

• Нима учун бола ҳаётининг учинчи йилида унинг нутқий хулқини тартибга солиш керак эмас?

• Мактабгача кичик ёшдаги болаларни нутқий тарбиялаш мазмунини ташкил қўлувчи учта ўзаро боғлиқ соҳани тавсифлаб беринг, болаларни нутқий тарбиялашнинг ҳар бир соҳаси бўйича аниқ мисоллар келтиринг.

- Катталар билан мuloқot — мактабгача кичик ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг асосий манбаси, деган фикрни қандай тушунасиз?
- Мактабгача катта ёшли болаларни нутқий тарбиялаш ишларининг мазмунини тавсифланг.
- 5-7 ёшли болалар нутқини самарали ривожлантириш учун мактабгача таълим муассасасида ва уйда қандай педагогик шароитлар яратиш зарур?
- Катталар нутқи болага қандай таъсир кўрсатади? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар билан тушунтириng.
- Мактабгача катта ёшдаги боланинг билишга интилиши нималарда кўринади?

VI-МАВЗУ

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ИШЛАР ВОСИТАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш дастурини амалга ошириш воситалари

Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш методлари ва усуллари

Тарбиячи нутқи

Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш дастурини амалга ошириш воситалари

Мактабгача таълим умуман олганда, узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр бўлган, соғлом ва тўлақонли шахс сифатида шаклланган болани тарбиялашни кўзда тутади.

Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлаш учун, унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш зарур.

Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири болаларнинг ўз халқининг адабий тилини ўзлаштириб олишлари натижасида уларнинг тўғри оғзаки нутқини шакллантиришдан иборатдир. Бу умумий вазифа қўйидаги маҳсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, лугатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, бадиий сўзга қизиқишни тарбиялаш, савод ўргатишга тайёрлаш.

Болалар нутқини ривожлантиришини «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида амалга ошириш зарур. Ушбу дастурда атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси ва лугат ҳажми, ҳар бир ёш босқичида болаларда шаклланиши лозим бўлган нутқий малака ва кўнимкалар белгиланган бўлиб, у шахснинг муайян сифатларини (киришимлилик, хушмуомалалик, саломлилик, босиқлик) тарбиялашни кўзда тутиши лозим.

Нутқни ривожлантириш дастури илмий асосланган бўлиб, у бутун мазмуни билан бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

Нутқни ривожлантириш дастури бола фаолиятининг ўқув, ўйин, меҳнат ва майший каби шаклларида амалга ошади.

Жамоат тарбияси шароитида таълим – бола нутқини шакллантиришнинг етакчи воситаси ҳисобланади.

Она тилини ўқитиш – болаларнинг билиш қобилиягини режали, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ривожлантириш, уларнинг атроф-олам ҳақидаги энг оддий билимларни ва тегишли луғатни ўзлаштириш, нутқий малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёнидир. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг асосий шакли – машғулотлардир.

Дидактик мақсадлар бўйича қўйидаги машғулотлар турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- янги материални маълум қилиш машғулоти;
- билимлар, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлашга оид машғулотлар;
- билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга оид машғулотлар;
- якуний машғулотлар ёки ҳисоб-текширув (назорат) машғулотлари.

Болаларга она тилини ўқитишга доир машғулотлар ҳар бир гуруҳда болаларнинг ёш имкониятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки билимлар мазмуни, уларнинг таркиби, метод ва усулларни танлаш, ҳафтасига ўтказиладиган машғулотлар сони, ҳар бир машғулотнинг давомийлиги шунга боғлиқ бўлади.

1 ёшдан 3 ёшгacha бўлган болалар нутқини ривожлантиришга доир машғулотларни дидактик ўйинлар, эрмак ўйинлар, саҳна кўринишлари шаклида ўтказиш тавсия қилинади. Улар нафақат кўнгилочар тусга, балки албатта таълим тусига эга бўлиши лозим.

3 ёшдан 5 ёшгacha бўлган болалар нутқини ривожлантириш эмоционал тусга эга бўлиши лозим. Бунда кургизмавийлик, ўйин усуллари ва дидактик ўйинларни кенг кўллаш зарур.

5 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар нутқини ривожлантиришга доир машғулотлар муайян вазифага эга – яъни, у болаларни мактабда ўқишга тайёрлашни кўзда тутади.

Машғулотларда педагог нутқий вазифалардан ташқари ўқув фаолиятини йўлга қўйиш қобилиятини шакллантириш (диққат-эътиборли бўлиш, педагог топширифини тинглаш,

тушунниш ва уни аниқ бажариш, болалар жамоаси олдида фикр юрита билиш, тенгдошининг жавобига баҳо бера олиш ва ҳ.к.) вазифасини ҳам бажаради.

Тўғри таълим берилган тақдирда етти ёшга келиб бола оғзаки нутқни эгаллайди ҳамда катта ёшли яқинлари ва тенгдошлари билан эркин мулоқотга кириша олади; диалогда ташаббус кўрсатиб фикр билдиради, сұхбатдоши ўзиборини ўзига жалб қилиш, унга сўз, ҳаракат ва сўзсиз усууллар билан жавоб бера олишни билади; фикрларини тўлиқ ва нотулиқ оддий гаплар, қисқа матнлар шаклида ифодалай олади;

— таниш эртакларни ҳикоя қилиб бериш, мультфильмлар, китоблар мазмунини айтиб бериш ҳамда бирон-бир воқеани тўқиб чиқаришга қизиқа бошлайди;

— фикр билдиришларда нутқнинг турли қисмларида ташбеҳлар, қиёслашлар ва синонимларни қўллайди;

— нутқа танқидий муносабат билдира бошлайди, грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади, шу туфайли сўз тўқиш барҳам топади, аграмманизмлар сони камаяди; она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этади.

Болалардаги кўплаб нутқий мулоқот ва қўникмалар машғулотлардан ташқарида шаклланади. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг катталар (педагоглар, тиббиёт ҳамширлари, тарбиячи ёрдамчиси ва бошқ.) билан мулоқоти ҳар хил фаолият турларида рўй беради.

Меҳнат жараёнида — хўжалик-маиший, қўл ва қишлоқ хўжалиги меҳнатида болаларнинг луғати бойийди, аниқлашади ва фаоллашади.

Ўйин фаолияти мобайнода педагог уларда мустақил нутқий фаолиятни шакллантиради. Болаларда луғат, машғулотларда олинган билим мустаҳкамланади ва фаоллашади. Ўйинларда педагогнинг иштирок этиши луғатнинг бойишига, нутқий мулоқот маданиятини тарбиялашга ёрдам беради.

Курилишга оид ўйинларни ташкил этиш жараёнида тарбиячи болалар учун қийин бўлган сўзларнинг (сифатни, миқдорни, ҳажмни ва нарсаларнинг фазода жойлашувини белгилаш ва бошқ.) катта гурухини аниқлаштиради, фаоллаштиради.

Матнли ҳаракатчан мусиқий ўйинлар, саҳналаштириш ўйинлари бола нутқининг ифодалилигини шакллантириш, тўғри суръат, нафас олиш, яхши дикцияни машқ қилишда

ёрдам беради. Күпгина ўйинлар жараёнида болалар бадий матнлар билан танишадилар, эсда сақлаб қоладилар ва уларни мустақил равишда қўллай бошлайдилар.

Дидактик ўйинлар ёрдамида болаларда атроф-олам ҳақидаги билимлар мустаҳкамланади, лугат мустаҳкамланади, аниқлаштирилади ва фаоллаштирилади. Дидактик ўйинлар нутқий малака ва кўникмаларни машқ қилишда (ибора тузиш, сўзни ўзгартириш, ҳикоя тўқиши ва ҳ.к.) қўлланилади.

Маиший фаолият боланинг катталар билан мулоқоти учун улкан имкониятлар яратади. Маишний фаолият нутқни ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилиши учун педагог уни бошқариши лозим. Тўғри ташкил этилган маишний фаолият жараёнида (овқатланиш, кийиниш, гимнастика, саёҳат ва ҳ.к.), яъни агар педагог, айниқса кичик гуруҳлар педагоги маишний буюмлар номларини, уларнинг қисмлари, сифати, хусусияти, қўлланиш мақсадини батафсил тушунтиурса, улар билан тегишли ҳаракатларни амалга оширса ва буни шарҳлаб берса, болаларга савол берса, уларга маишний лугатдан фойдаланишни ўргатса болаларнинг лугати бойийди. Агарда педагог ўз нутқида ташбех, қиёслаш, синонимлар, ҳалқ оғзаки ижоди (мақоллар, маталлар, саноқ шеърлар)дан кенг ва моҳирона фойдаланса, унинг нутқи босиқ ва ифодали бўлади.

Болалар бадий адабиёти болаларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг құдратли воситаси бўлиб хизмат қиласди, у болалар нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

Болалар китоблари шеърий образларда болага жамият ва табиат ҳаётини, инсоний ҳис-туйғулар ва муносабатлар дунёсини очиб беради ҳамда тушунтиради. Бадий сўз бола нутқини бойитади, уни образли, ифодали қиласди, жаранглаётган она нутқнинг гўзаллигини тушунишга ёрдам беради.

Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида бадий сўздан ташқари тасвирий санъат, байрамлар ва томошалардан фойдаланилади. Уларнинг қиммати шундаки, у ижобий ҳиссиётларни ҳосил қиласди, бу эса ўз навбатида тилни ўзлаштириш даражасига таъсир кўрсатади. Қувонч ҳисси, ҳаяжонланганлик, кўтариқнилиқ ҳолати, файриоддий нарсани кутиш болаларнинг қабул қилиш қобилиятини оширади, материални эслаб қолишни кучайтиради, болалар нутқининг ифодалилигига

таъсир кўрсатади. Суратлар, амалий санъат буюмларини томоша қилишда болалар кўп савол берадилар, олган таассуротларини атрофдагиларга айтишга ошиқадилар.

Болалар кун бўйи – машгулотларда, ўйинларда, хўжалик-маишӣ ва меҳнат фаолиятида ўз педагоглари билан мулоқотда бўладилар. Ўз-ўзидан мактабгача таълим муассасасида нутқий муҳитнинг ривожлантириш имкониятлари бутунлай педагог нутқининг сифатига боғлиқ бўлади.

Намунали нутқقا эга бўлиш – бу тарбиячининг касбий тайёргарлиги даражасидир. Шунинг учун ўз нутқини такомиллаштириш ҳақида қайфуриш – бўлажак педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчлариdir. У ўзида барча нутқ кўнилмаларини мукаммал шакллантириши ва уни келгусида болаларга бериши лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар, атрофдагиларга тақлид қиласланлари ҳолда нафақат тўғри талаффузни, сўзни қўллаш, иборалар тузиш сирларини, балки катталарда учрайдиган нутқ номукаммалликларини ҳам ўзларига қабул қилиб оладилар.

Тарбиячининг болалар билан ва болаларнинг бир-бирлари билан мазмунли мулоқоти, болалар ривожини рағбатлантирувчи қулай тил муҳити, тўғри методлардан фойдаланиш – мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантиришга оид ишлар муваффақиятининг гаровидир.

Мактабгача таълим муассасасида она тилидаги нутқни ривожлантиришнинг методик тамойиллари қўйидагилардир:

- ақлий ва нутқий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги тамойили;
- нутқни яхлит бир тузилма сифатида ривожлантириш тамойили;
- нутқий ривожланишнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили;
- болаларнинг фаол нутқий амалиётини таъминлаш тамойили;
- нутқни ривожлантиришга нисбатан муомалали ва амалий ёндашув тамойили;
- мулоқотнинг ижобий ва эмоционал муҳитини таъминлаш тамойили.

Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантириш методлари ва усуллари

Болаларга она тилини ўқитиш методикасида қуидаги методларни ажратиш мумкин:

Кўргазмали усуллар – кузатиш, унинг турлари: бинони кўздан кечириш, эккурсия, табиий буюмларни кўриб чиқиш. Педагог кузатишдан обьектни тўғридан-тўғри (гуллар очилиши, тошбақа ҳаракати ва бошқ.) ва воситали, агарда обьектни бевосита кузатишнинг имкони бўлмаса, (ёввойи ҳайвонлар, шаҳарлик болалар учун қишлоқ аҳолисининг меҳнати, қишлоқ аҳолиси учун шаҳар транспорти каби) кузатиш мумкин бўлган ҳолатларда – суратлар, фотосуратлар, кинофильмлар, диафильмлар ва видеофильмлар намойишида фойдаланади.

Кўргазмали нарсалар, ҳодисалар кўргазмали усуллардан фойдаланишда суҳбат, мулоҳаза мавзусини белгилайдиган манба бўлиб хизмат қиласди. Болаларнинг қабул қилиш ҳиссини сўзлаб бериш орқали йўналтираётган тарбиячи кўриб чиқилаётган нарса номини айтади ва уни тушунтириб беради.

Сўзли усуллар – катталар ва болаларнинг сўзлари ҳар қандай кўргазмали ва амалий метод таркибига киради. Бироқ болаларда сўзли-мантиқий фикрлашнинг ривожланиши, атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларнинг йиғилишига қараб нутқни ривожлантиришнинг сўзли усуллари мустақил метод тусини олади. Унга бадиий асарларни ўқиш, шеър ёд олиш, болаларнинг ҳикоялари, суҳбатлар ва тарбиячининг ҳикоялари киради.

Сўзли усуллар соф кўринишда мактабгача таълим муассасасида жуда кам қўлланилади, чунки мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятлари кўпроқ кўргазмалиликка таянишини талаб қиласди.

Шунинг учун деярли барча сўзли усулларда кўргазмали усуллардан (нарса, ўйинчиқни қисқа вақтда кўрсатиш, иллюстрацияларни кўздан кечириш) ёки болаларни дам олдириш мақсадида кўргазмали обьектни намойиш қилишдан фойдаланилади.

Амалий методларга машқлар, ўйин методлари киради ва улар болалар нутқини ривожлантиришда кенг қўлланилади. Уларнинг мақсади болаларга олинган билимларни амалий

фаолиятда қўллашни ўргатиш, нутқий малака ва кўникмаларни ўзлаштиришда уларга ёрдам беришдан иборатdir. Дидактик ўйинлардан нутқий ривожлантиришга оид барча вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади. Нутқий машқлар (машқ қилиш ва ижодий машқлар) ёрдамида эса ўз фикрларини аниқ ва тушунарли қилиб ифодалаш, мuloҳаза юритиш, исботлаш ҳамда сўзларни аниқ ва тушунарли қилиб талаффуз қилиш шаклланади.

Ҳар бир метод дидактик вазифаларни ҳал этиш – яъни, болаларга янги нарсаларни таништириш, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўзлаштирилган нарсаларни ижодий равишда қайта ишлаш учун хизмат қиладиган усуллар мажмуасидир.

Метод деб билимларни биридан иккинчисига бериш мақсадида педагог ва бола томонидан амалга оширилаётган ҳаракатга айтилади.

Ўқитиш усули – бу методнинг бир элементdir. Усулларни кўргазмавийлиги ва эмоционаллигига қараб сўзли, кўргазмали, ўйинли усулларга ажратиш мумкин.

Энг кўп тарқалган сўзли усуллардан бири – нутқий намунаидир. Нутқий намуна – бу тарбиячининг тўғри, илгаридан машқ қилинган нутқий фаолиятидир. Нутқий намунадан изоҳлаш, кўрсатмалар бериш билан биргаликда фойдаланилади. Намуна болаларга аниқ, тушунарли, баланд ва босиқ овозда намойиш қилинади.

Такрорлаш – эсда сақлаб қолиш мақсадида айнан битта нутқий элементдан (товуш, сўз, ибора) бир неча марта фойдаланиш. Такрорлаш тарбиячининг ўзи ёки бола (икки нафар бола) томонидан ҳамда болалар томонидан жўровоз бўлиб амалга оширилади.

Тушунтириш – тарбиячи томонидан нарса ёки ҳодиса моҳияти очиб берилади.

Кўрсатма бериш – болаларга қандай ҳаракат қилиш, қандай қилиб натижага эришиш мумкинлиги тушунтирилади. Кўрсатмалар ўргатувчи, ташкилий ва тартибга келтирувчи бўлади.

Сўзли машқлар – нутқий малака ва кўникмаларга эга бўлиш ҳамда уларни такомиллаштириш учун болаларнинг муайян нутқий ҳаракатларни кўп марта бажаришларидир.

Болалар нутқини баҳолаш – ўргатувчи усул бўлиб, унда боланинг жавоби ёки ҳикояси ҳақида асосланган мuloҳаза

билдирилади. Кўпинча баҳолар нутқнинг ижобий томонига тааллукли бўлади.

Савол – сўзли мурожаат бўлиб, у мавжуд билимларидан фойдаланиш ёки уни қайта ишлаш зарурати қаршисида турган болага вазифа қўйиш ва унинг жавобини кутишни талаб қилади. Саволлар мазмунига қараб таснифланадилар: фактларни тасдиқлашни талаб қилувчи репродуктв саволлар (Нима? Ким? Қандай? Қаерда? Қаерга? Қанча? Қачон? ва бошқ.), ақл билан бир хulosага келишни талаб қилувчи нисбатан мураккаб – қидирув саволлари (Нега? Нима учун? Нимаси билан ўхшаш? ва бошқ.). Саволлар тузилишига қараб тўғридан-тўғри, йўл кўрсатувчи ва жавобни айтиб турувчи саволларга бўлинади.

Кўргазмали усуllар – суратни, ўйинчоқни, ҳаракатни, саҳна ҳаракатларини (саҳналаштиришга оид ўйинларда) кўрсатиш, товушни йўлга қўйиш жараёнида артикуляция органлари ҳолатини кўрсатиб бериш. Кўргазмали усуllар сўзли усуllар ёрдамида – яъни нарсани кўрсатиш, унинг номини айтиш, тушунтириш орқали қўлланилади.

Ўйин усуllари – мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда турли ўйинчоқлардан фойдаланиш машқлар, ўйинларни янада жонли ва эмоционал қилади, бу эса болаларнинг диққат-эътибори ошишига олиб келади, айни пайтда барча нутқ жараёнлари фаоллашади. Ҳар бир машғулотда, айниқса унинг ниҳоясида, ҳазил саволлар бериш, лоффлардан, ўйин қаҳрамонларидан (айиқча, Билмасвой ва бошқ.) фойдаланиш, ўйин баҳоларини кўллаш (куръя йигиш, қарсаклар) мумкин. Шунингдек, мусобақа элементлари («Ким кўпроқ сўз айтади?», «Ким яхшироқ айта олади?»), машғулотлар жиҳозларининг чиройлилиги, янгилиги ҳам болаларнинг нутқий материалга нисбатан диққат-эътиборини оширади.

Ўргатувчилик вазифасига қараб ривожлантириш усуllарини бевосита ва бильосита усуllарга ажратиш мумкин.

Бевосита таълим усули – намуна, изоҳ, савол, бола жавобини баҳолаш, кўрсатма бериш ва бошқ.

Машғулот, ўкув вазифасининг мақсадига қараб бир машғулотда айнан битта усулнинг ўзи етакчи, бошқа бевосита усуllар эса – қўшимча усуllар бўлиши мумкин. Масалан, ҳикоя қилиб беришга оид машғулотда намуна етакчи усул

бўлади, бошқа усуллар – режа, саволлар эса – қўшимча усул бўлади.

Билвосита усулларга эслатиш, маслаҳат бериш, айтиб туриш, тузатиш киритиш, мулоҳаза билдириш, луқма ташлашлар киради.

Битта машғулотда бутун усуллар мажмуасидан фойдаланиш тавсия этилади, масалан: нарсаларни таққослашни, унинг номини айтиш (сўз намунаси), тушунтириш, бадиий сўз ва ҳоказолар билан биргаликда амалга ошириш тавсия этилади. Педагог машғулотларнинг умумий боришини олдиндан ўйлаб олиши, зарур таълим усулларини белгилаб олиши даркор. Керакли усулларнинг асосли ва оқилона танлаб олиниши кўп жиҳатдан ҳар бир машғулотнинг муваффақиятини белгилайди.

Тарбиячи нутқи

Катталар билан бевосита мулоқот қилиш бола нутқига катта таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги болалар атрофдагиларга тақлид қилганлари ҳолда нафақат тўғри талаффуз, сўзларни тўғри қўллаш, иборалар тузиш сирларини, балки катталарда (педагоглар, ота-оналар, оила аъзолари ва бошқ.), атрофдаги болаларда учраб турадиган нутқ номукаммалликларини ҳам ўзлаштириб олади. Болаларнинг нутқ маданияти педагогнинг (ва бошқа катталарнинг) нутқ маданиятига бевосита боғлиқ бўлади.

Доимо кичкинтойларнинг дикқат-эътибори марказида турадиган ва улар билан мулоқот қиласидан тарбиячининг нутқи болалар она тили, нутқ маданияти намуналарини оладиган асосий манба ҳисобланади, шунинг учун у нафақат тўғри сўзлаши, она тилининг барча товушларини аниқ ва тушунарли қилиб талаффуз этиши, балки у муайян баландликдаги овозда босиқлик билан сўзлаши, унинг нутқи интонацион жиҳатдан ифодали, грамматик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган, равон, тушуниш учун осон бўлиши ҳамда сўз билан белгилаш тўғри ва аниқ амалга оширилиши лозим.

Тарбиячининг ифодалилик воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқиган ҳикояси болаларда қизиқиш уйғотади, уларда қайғуриш, сўз кучини ҳис қилиш, унинг мазмунини анчагача ёдда сақлаб қолиш имконини беради; агарда айнан шу ҳикоя тез ва қуруқ оҳангда ҳис-ҳаяжонларсиз ўқиб берилса, у

фақатгина бадиий асарга нисбатан зерикиш ва бефарқликни шакллантиради.

Педагог ўз нутқига нисбатан танқидий муносабатда бўлиши ва унда камчилик борлигини сезса, уни дарҳол бартараф этишга интилмоги лозим.

Бироқ, ўз нутқининг камчилигини аниқлаш ҳар доим ҳам осон кечмайди, чунки мулоқот жараёнида сўзловчининг диққат-эътибори энг аввало нутқнинг шаклига эмас (қай тарзда айтиш), балки унинг мазмунига (нимани айтиш) қаратилган бўлади. Бундан ташқари, ўз нутқига нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлиш натижасида айрим камчиликлар тилга қаттиқ ўрнашиб қолиши ва кейинчалик сўзловчи уни сезмай қолиши мумкин. Масалан, нутқнинг шошқалоқлиги, тушунарсизлиги, бир оҳантдалиги (монотонлиги), овознинг кучлилиги, айрим товушлар, сўзларни ноаниқ талаффуз қилиш каби нуқсонлар сезилмасдан қолади.

Ўз нутқининг номукаммалликлари ҳақида билиш учун педагог ўртоқларининг мулоҳазаларига кулоқ тутиши даркор. Очиқ машғулотларни магнитофонга (видеокассетага) ёзиб олиш ва уни кейин муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунда тарбиячи нутқини товуш, лексик воситалардан фойдаланиш, грамматик жиҳатдан расмийлаштириш нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Айни пайтда шуни ҳисобга олиш лозимки, нутқни ёзиб олиш чоғида тарбиячининг ўзини-ўзи назорат қилиши эвазига нутқ сифати яхшиланади. Шунинг учун нутқда аниқланган камчиликларга тарбиячининг ўзи ва унинг ўртоқлари диққат-эътибор билан ёндошилари зарур.

Нутқда аниқланган камчилик (номукаммаллик) ларни (ёмон дикция, лексик-грамматик расмийлаштиришдаги хатоликлар ва ҳ.к.) тарбиячи маҳсус дафтарга қайд этади, сўнгра режа ишлаб чиқади ва уларнинг бартараф этишга доир ишларни ташкил қиласди.

Ўз тарбияланувчиларида ана шундай камчиликлар пайдо булишининг олдини олиш учун педагог ўз нутқига нисбатан қандай талабларни қўйиши зарур?

I. Нутқнинг товуш жиҳатига қўйиладиган талаблар

Аниқ ва тушунарли сўзлайдиган, иборалар, сўзлар ва ҳар бир товушни алоҳида-алоҳида аниқ талаффуз этаётган, яъни диксияга эга бўлган педагог ёрдамида болалар она тилидаги товушларни муваффақиятли равишда ўзлаштирадилар. Кўпинча педагогларнинг талаффузи бироз ноаниқ ва тушунарсиз бўлади, улар товушлар ва сўзларни оғизни етарли даражада очмасдан талаффуз қиласидилар, айрим товушлар ютиб юборилади, ундошлар тушунарсиз талаффуз этилади.

Педагог талаффузнинг адабий меъёларига риоя қилиши, ўз нутқида турли шевалар, маҳаллий сўзлашувлар таъсирини бартараф этиши, сўзларда ургуни тўғри қўйиши лозим.

Нутқда ҳиссиётлар, фикрларнинг энг нозик қирраларини ҳам ифодалаш мумкин. Бунга нафакат тегишли сўзлар ёрдамида, балки ифодалиликнинг интонацион воситалари, овоз кучи, суръати, мантиқий урфуси, пауза, ритм, тембр, оҳангдан тўғри фойдаланиш туфайли эришилди. Ушбу воситалардан фойдаланган ҳолда тарбиячи томонидан ўқиб берилган шеърлар, хикоялар болаларга уларнинг мазмунини яхши тушуниш, она тилининг қудрати ва гўзаллигини ҳис қилиш имконини беради.

Бир хил оҳангдаги нутқ кичик тингловчиларни толиқтириб қўяди, матн мазмунига бўлган қизиқишни пасайтиради. Болалар бундай нутқни тинглаш давомида тез толиқиб қоладилар, бошқа томонларга қарайдилар, чалғий бошлайдилар, кейинроқ эса умуман тингламай қўядилар.

Тарбиячининг нутқи эмоционал тўлиқ, интонацияларга бой, етарли даражада баланд ва тезлиги бир маромда бўлиши лозим. Болалар билан мулоқотда худди товушларни нотўғри талаффуз этиб бўлмаганидек, нутқнинг шошқалоқлигига ҳам йўл қўйилмайди. Агарда нутқ бироз оҳиста суръатда давом этса, у яхши қабул қилинади. Бундай суръат нутқнинг аниқлигини оширади ва аксинча, тезлаштирилган нутқ қабул қилишни қийинлаштиради. Болалар учун мўлжалланган эртаклар, хикоялар, шеърларни бадиий сўз усталари одатда, оғзаки нутқка қараганда бироз секин суръатда ўқишилар. Болаларга бироз секинлаштирилган нутқни қабул қилиш, унинг мазмунини кузатиш, матнни эслаб қолиш осон кечади.

Шу билан бирга эсда гутиш лозимки, бу қоида ҳамма нарсани ҳам қамраб олмайди. Бадиий асарларни ўқишида

нүтқни жадаллаштириш ёки секинлаштиришни ушбу чоғда мазмун тушунтирилаётгани билан оқлаш мүмкін, айни пайтда бу бадиий ифодалилық воситасига алланиши зарур.

Овоз – бу тарбиячининг касбий қуролидир, у мазкур қуролдан түғри фойдаланиши ва уни зўриқишдан асрashi лозим. Овоздан нотўғри фойдаланишни масалан, уни ҳаддан ташқари баландлатишда (гуруҳда, майдонда шовқин бўлганида) кўриш мүмкін.

Агарда мулоқот вазияти нутқ баландлигини анча кучайтиришни талаб қиласа – бу овозни бақириш даражасига етказиш керак, дегани эмас.

Овозни бироз кучайтиришда нутқ суръатини пасайтириш ва сўзларни янада аниқроқ талаффуз қилиш лозим. Агарда овоз паст ва заиф бўлса, уни баландлашгунча машқ қилдириш ва маҳсус машқлар билан мустаҳкамлаш зарур. Овознинг ёқимсизлигини (хириллаш, чийиллаш) ҳам бартараф этиш мүмкін.

II. Равон нутқ ва уни лексик-грамматик расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар

Болалар катталардан нафақат товушлар ва сўзларни түғри талаффуз қилишни, балки эртаклар, ҳикоялар мазмунини айтиб бериш, атроф-олам ҳақидаги ўз кузатишларини баён қилиш, ўз фикрларини изчил баён қилиш ва хулосалар чиқаришни ҳам ўрганадилар.

Болаларга нутқда у ёки бу мазмунни равон, қизиқарли ва имконли шаклда етказа олиш педагог нутқининг зарур сифатларидан бири ҳисобланади.

Тарбиячи ўз фикрларини изчил баён қилар экан, у ўз нутқини тушунарсиз сўзлар, мураккаб оборотлар, узоқ иборалар билан қийинлаштириб юбормаслиги лозим.

Болалар нутқни агарда у қисқа иборалардан иборат бўлсагина яхши қабул қиладилар. Чунки узун, бунинг устига грамматик жиҳатдан жуда мураккаб тузилган ибораларни қўллашда болаларга унинг қисмлари ўртасида алоқа боғлаш, унинг мазмунини мулоҳаза қилиш ва тушуниш қийин кечади.

Фақат оддий гапларни қўллаш билан чекланмаслик лозим. Айниқса, боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гапларни кенг қўллаш жуда муҳимдир.

Болаларга ҳикоя қилиб беришда (ўтказилган экспедиция, табиат ҳақида ва ҳ.к.) фақат асосий нарсани, яни барча иккинчи даражали ва аҳамиятсиз нарсаларни ташлаб юборган ҳолда фақат ушбу мавзуга алоқадор нарсаларни ажратиб олиш ва болаларга етказиш зарур. Кўп сўзлаш, ортиқча ибораларни кўллаш тарбиячининг нутқини оғир, тушуниш учун қийин қилиб кўяди.

Мураккаб оборотлар билан бойитилган ҳикояни тинглашда мактабгача ёшдаги болалар педагогнинг фикрини кузатиб боришлари, ҳикоя мазмунини ёдда сақлаб қолишлари қийин бўлади ва бундай ҳикоя фойда келтирмайди.

Педагог нутқининг имконлилиги ва тушунарлилигига энг аввало, сўзлардан тўғри ва аниқ фойдаланиш орқали эришилади. Она тилининг лексикенинг фикрини кузатиб боришлари, ҳикоя мазмунини ёдда сақлаб қолишлари қийин бўлади ва бундай ҳикоя фойда келтирмайди.

Болалар билан мулоқотда тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда она тилининг лексик бойлигини кенг кўллаши: тушуниш мумкин ва ўзлаштириш осон бўлган сўзларни танлаши ва улардан ўз нутқида фойдаланиши лозим.

Болалар билан сұхбат чоғида адабий тилга оид сўзларни кўллаш, кўпол сўзларга йўл кўймаслик, оддий сўзлашув тили ва шевалардан, шунингдек муомаладан чиққан сўзлардан қочиш лозим. Тарбиячининг лугати қанчалик бой ва турлигуман бўлса, унинг нутқи қанчалик ёрқин бўлса, болалар шунчалик кўп сўзларни ўзлаштириб олишлари мумкин.

Тарбиячининг лугатидаги камчиликлар сифатида сўзларни кичрайтирилган-эркалаш суффикслари билан кўллаш (Севараҳон, кўлчаларингни юв; Саматжон, пиёлачаларни йигишириб кўй ва ҳ.к.), нутқни ортиқча сўзлар билан тўлдириб юбориш (Хўш, айтиш мумкинки, чунки, демак), нисбатан катта болалар билан мулоқот қилишда уларга худди гўдакларга каби муомала қилиш (Вов-вов қани?) каби ҳодатларини келтириш мумкин.

Сўзлар ва сўзли ибораларни тўғри танлаш тарбиячи нутқининг аниқлиги, тушунарлилиги ва ифодалилигини таъминлайди.

Янги сўзлардан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Бир томондан, болаларнинг ёшини ҳисобга олиш ва улар тушуна оладиган сўзларни танлаш, иккинчи томондан —

доимий равищда янги сўзларни муомалага киритиш, мавжуд сўзлардан фойдаланишни кенгайтириш ва уларнинг маъносини тушунтириб бериш лозим.

Педагогнинг ҳикояси тўлиқ, чиройли, сўзлари аниқ танлаб олинган, грамматик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган ва ифодали бўлиши, унинг алоҳида қисмлари ўртасида мантиқий алоқа ўрнатилган бўлиши лозим. Ҳикоя қилишда нутқни ифодали, турли-туман, мазмунга бой қиласиган синонимлар, метафоралар, ташбехлардан, халқ оғзаки ижодиётидан (мақоллар, маталлар), фразеологик иборалардан кенгроқ ва моҳирона фойдаланиш лозим.

Бундан ташқари, тарбиячининг нутқи нафақат болаларга нисбатан, балки мактабгача таълим муассасасининг ҳодимларига нисбатан ҳам осуда, доимо босик, хушмуомала бўлиши шарт.

Шундай қилиб, болалар билан ишлаш орқали педагог қуидагиларга эътиборни қаратиши лозим:

- она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилиш, нутқдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш;
- аниқ, тушунарли нутққа, яъни яхши дикцияга эга бўлиш;
- ўз нутқида адабий талаффузлардан фойдаланиш, яъни орфоэпик қоидаларга ривоя қилиш;
- ифодалиликнинг интонацион воситаларидан билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда тўғри фойдаланишга интилиш;
- болалар билан мулоқотда бироз секинлаштирилган суръатда, овозни сал пасайтирган ҳолда нутқ сўзлаш;
- матнлар мазмунини сўзлар ва грамматик тузилмалардан фойдаланган ҳолда равон ҳамда имконли шаклда ҳикоя қилиш ва болаларга етказиш;
- болалар ва ҳодимлар билан суҳбатда овозни баландлатиш ва қўпол муомалага йўл қўймаслик.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси учун намунали нутққа эга бўлиш – бу унинг касбий тайёrlиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ўз нутқини такомиллаштириш ҳақида қайгуриш – бўлажак педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчидир. У ўзида кейинчалик болаларга берадиган нутқий кўникмаларни мукаммал ривожлантириши шарт.

ХУЛОСАЛАР:

- Мактабгача таълим умуман олганда, узлуксиз таълимнинг биринчи бўгини ҳисобланади. Мактабгача таълимнинг мақсади мактабда ўқиш учун тайёр бўлган, соғлом ва тўлақонли шахс сифатида шаклланган болани тарбиялашдан иборатdir.
- Болалар нутқини ривожлантириши атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси ва лугат ҳажми, ҳар бир ёш босқичида болаларда шаклланиши лозим бўлган нутқий малака ва кўнилмалар белгиланган, шахснинг муайян сифатларини (киришимлилик, хушмуомалалик, саломлилик, босиқлик) тарбиялаш кўзда тутилган тегишли дастур асосида амалга ошириш зарур.
- Нутқни ривожлантириш дастури бола фаолиятининг ўқув, ўйин, меҳнат ва майший каби шаклларида амалга ошади.
- Бола нутқини шакллантиришнинг етакчи воситаси таълим, асосий таълим шакли эса – машғулотлардир.
- Болаларга она тилини ўқитиш уларнинг ёш хусусиятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.
- Илк ёшдаги болалар (1-3) билан машғулотларни дидактик ўйинлар шаклида ўтказиш лозим. Мактабгача ёшдаги кичик болалар (3-5) билан машғулотлар эмоционал тусга эга бўлиши лозим, бу ерда кўргазмавийлик, ўйин усуслари, дидактик ўйинларнинг турли хилларидан фойдаланиш тавсия қилинади.
- Болалар бадиий адабиёти болаларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласди, у болалар нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.
- Шунингдек, тасвирий санъат, байрамлар, томошалар ҳам нутқни ривожлантириш воситаси ҳисобланади.
- Болаларга она тилини ўқитиш методларига кўргазмавийлик, сўзли ва амалий методлар киради.
- Ҳар бир метод – бу дидактик вазифаларни ҳал ётиш учун хизмат қиласиган усуслар мажмуасидир. Ўқитиш ролига қараб нутқни ривожлантириш усуслари бевосита ва билвосита усусларга бўлинади.
- Машғулотларда бутун усуслар мажмуасидан фойдаланиш тавсия қилинади.

- Тарбиячининг нутқи – бу болалар она тили ва маданий нутқ намуналарини ўзлаштириб оладиган асосий манба ҳисобланади.
- Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси учун намунали нутқга эга бўлиш – бу унинг касбий тайёрлик даражасидир.
- Нутқни такомиллаштириш ҳақида қайгуриш – ҳар бир педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчидир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Болаларга она тилини ўқитиш бўйича қандай машғулотлар тоифалари мавжуд? Ҳар бир машғулот тоифасини тавсифлаб беринг.
- Болаларга она тилини ўқитишни уларнинг ёш хусусиятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги талабни қандай тушунасиз?
- Ҳар бир ёш босқичида нутқни ривожлантиришга оид машғулотлар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб беринг.
- Қайси фаолият турларида болаларда нутқий малака ва кўнникмалар шаклланади? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асосланг.
- Болалар нутқини ривожлантиришнинг асосий воситаларини тавсифланг.
- Мактабгача таълим муассасасида ривожлантириш имкониятларига эга бўлган нутқий муҳит деганда нима назарда тутилади?
- Она тилини ривожлантиришнинг методик тамойилларини тавсифланг.
- Болаларга она тилини ўқитиш методлари ва усулларини тавсифлаб беринг.
- Тарбиячи нутқи болалар учун қандай аҳамиятга эга? Ўз жавобингизни асослаб беринг.
- Педагог ўз нутқидаги камчиликларни қандай қилиб аниқлаши мумкин?
- Педагог нутқига нисбатан қандай талаблар қўйилади?
- Нима учун нутқни такомиллаштириш ҳар бир педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчи ҳисобланади?

VII-МАВЗУ. ИЛК ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Нутқнинг тайёргарлик босқичларини ўз вақтида аниқлашда эмоционал мулоқотнинг аҳамияти

Нутқни тушунишни ривожлантиришнинг асосий методик усуллари

Нутққача бўлган ривожланиш босқичи: гугулаш, чучулаш; уларнинг нутқ билан алоқаси. Овоз муносабатларини ривожлантириш методикаси (0-1 ёш)

Фаол нутқни ривожлантириш. Лугатни ўзлаштириш босқичлари. Дастребки сўзларни талафуз қилишини ўргатиш методикаси

Нутқнинг тайёргарлик босқичларини ўз вақтида аниқлашда эмоционал мулоқотнинг аҳамияти

Ҳаётининг биринчи йилида бола тез ўсади. Жисмоний ўсиш билан бирга «атроф мұхитта мослашиш органды» (И.П.Павлов) вазифасини бажаришга тайёр бўлиш учун боланинг мияси ҳам ривожланиб боради. Мазкур тайёргарлик босқичма-босқич рўй беради: 0 ойдан 2,5-3 ойгача; 5-6 ойдан то 9-10 ой ва 1 йилгача.

Мулоқотнинг биринчи шакли – эмоционал-бевосита (вазият-шахс) шаклдир. Бу бошқа одамга бўлган қизиқиш, унга нисбатан эмоционал муносабат билан тавсифланади. Мулоқотнинг бундай шакли бола ҳаётининг биринчи ярим йиллигига хос ҳолатdir.

Мулоқотнинг янада ривожланган иккинчи шакли – яни, эмоционал-воситали (вазиятли-амалий) шакли бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигига рўй беради. Бу мулоқот предметлар орқали воситали мулоқотга айлантирилади. Ушбу ёнда боланинг қизиқишилари атрофдаги мұхитта йўналтирилгандир. Унда янги таассуротларга эҳтиёж ёрқин пайдо бўлади.

Катталар билан мулоқотда ҳазил-хузул ва бошқа ижобий ҳисларга тўлиқ бўлган бола ўйинчоқлар билан ўйнашга киришади. Бу моҳиятнан, боланинг ташаббусига кўра юзага келган биринчи ўйин шаклидир. Боланинг нарсалар ва ўйинчоқлар билан ҳаракатлари, қўлларнинг кичик ҳаракатлари унинг нутқини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бола билан мuloқотда мақоллар, маталлар, саноқ шеърлардан фойдаланиш зарур. Бу товуш ва нутқ мұхитини бойитади, нутқни ривожлантиришга ёрдам беради, интонацион тинглаш қобилиятини, шеърий сүз жаранглашига нисбатан сезгирикни ривожлантиради. Илк ёшдағи болалар билан ишилашда катталар нутқига алоқида талаблар күйилади, чунки уларнинг нутқи тақлид учун намуна бўлиб хизмат қиласди. Шу боис у ҳар томонлама намунали бўлиши, яъни: грамматик тўғри, интонацион ифодали, унчалик баланд эмас, тез ҳам эмас, оз сўзли ва аниқ бўлиши лозим.

Нутқнинг интонацион ифодалилиги мутлақ мұхим аҳамиятта эга, чунки кичкінгі энг аввало айнан нутқий оҳантарни тушуна бошлайди ва уларга муносабат билдиришга ҳаракат қиласди. Интонациянинг камлиги нутқни тушунишни ривожлантиришга ва уни фаоллаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

Туғилганидан бошлаб бир ёшгача бўлган болаларнинг нутқни тушунишларининг асосий методик усусларини кўриб чиқамиз.

Бола 6 ойлик бўлганидан сўнг унинг нутқини ўз вақтида ривожлантириш учун нафақат болада жонланишни вужудга келтириш ва фикрни бир жойга жамлашни машқ қилиш учун шунчаки сўзлашиш, балки унга дастлабки сўзларни тушунишни ўргатиш даркор.

6 ёшгача катталарнинг болалар билан мuloқот шакли эмоционал-бевосита (вазият-шахс) бўлади, 6 ойдан бошлаб эса мuloқотнинг нисбатан ривожланган шакли – эмоционал-бильвосита (вазиятли-амалий) мuloқот шаклига навбат келади. Катталар болаларга ўйинчоқлар билан ўйнашни ўргатади, ўз ҳаракатига тақлидни юзага келтиради, ўйинчоққа эътиборни жалб қиласди, яъни боланинг диққатини ўзидан ўйинчоқларга ва улар билан ҳаракатлар бажаришга йўналтиради. Ушбу жиҳат бола ривожида улкан аҳамиятга эга. Агарда кичкінгі билан мuloқот фақат эмоционал асосда амалга ошишда давом этаверса, кейинроқ унга бирон-бир нарсани ўргатиш қийин кечади. Катгалар билан мuloқот қилас экан, бола кулади, эркаланади, қандай қилиб бўлса ҳам ўзига диққат-эътиборни жалб қилишга ҳаракат қиласди, ва бу пайтда бола ўйинчоқларни ҳам, катталарнинг ўйинчоқлар билан амалга ошираётган ҳаракатларини ҳам кўрмайди, уларнинг сўзларига қулоқ тутмайди. Бундай ҳолатларда бола эмоционал мuloқотга киришади, бироқ у нарсалар ва улар билан ҳаракатлар

бажариш борасида катталар билан мулоқот қилишни билмайды. Болада нутқи тушунишни ривожлантириш учун эмоционал мулоқот камлик қиласы, мулоқот қилиш туисига эга бўлиши учун у катталар таклифига биноан ўйинчоқлар билан ҳаракатларни бажариши зарур.

Сўз аста-секин бола учун муайян ҳаракатга киришиш сигналига айланиши учун (у кўзлари билан излайди, номи айтилган нарсани кўрсатади, уни олиб келиб беради ва ҳ.к.) қандай шарт-шароитлар зарурлигини билиш лозим.

Дастлабки сўзлар – эмоционал ифодалилиги, таъсирилилиги, вазиятга сиддиги, коммуникатив йўналтирилганлиги билан фарқланади. Бундай нутқ вазиятга асосланган нутқ (автоном) деб аталади, чунки у фақат бола атрофидаги мавжуд муҳит билан таниш бўлган яқин кишиларгагина тушунарли бўлади. Сўзни дастлабки тушуниш муайян вазиятни қабул қилиш билан биргаликда рўй беради.

Дастлабки сўзлар муайян нарсаларга таалуқли бўлиб, умумлаштирувчи тусга эга эмас (соат фақат кроват тепасида осилгани). Сўз боланинг умумий хулқ қиёфасига уйғунлашиб кетади ва мимика, имо-пилора, назар ташлаш, ифодали ҳаракатлар билан бир сўзли фикрни ташкил қиласи («Хайр», «Бер», «Оль»).

Дастлабки сўзларнинг пайдо бўлиши боланинг ривожланишида ижтимоий вазият ўзгарганлигидан далолат беради. Энди у ўз истак-хошишлари ҳақида ўзи айтиши мумкин, катталар эса унинг хулқ-авторини сўзли кўрсатмалар ёрдамида йўналтириш имкониятига эга бўлади. Ҳаётининг биринчи йили давомида боланинг нарсаларга муносабати қуидагича бўлади: сочидан торгади, кулогига қўлини тиқади, нарсалар устидан ошиб ўгади ва ҳ.к. Бундай ғайратли ҳаракат – «Мен» образининг шакллана бошаланаётганидан далолатdir. Ушбу образни шакллантириш унинг «хоҳлайман», «хоҳламайман» каби дастлабки ҳоҳиш-истакларининг пайдо бўлиши, «мумкин», «мумкин эмас» каби муҳим тушунчаларни тушуна бошлаши билан боғлиқдир.

Боланинг ушбу ёшда ўзини англай бошлашини унга нисбатан катта ёшли одам муносабатларининг акс-садоси деб аташ мумкин. Ўзига нисбатан ижобий муносабат – шахснинг нормал ривожланишининг асосидир. Ўзига нисбатан салбий муносабат эса – боланинг илк ёшида бола билан катта ёшли

одам ўртасидаги эмоционал-ижобий муносабат етарли бўлмаганлигидан далолат беради.

Болага фақат органик эҳтиёжларини (овқатланиш, ухлаш, исиниш) қондириш камлик қиласди, у катталар билан мулоқот қилишга, инсоний меҳр-муҳаббатга муҳтоҷ. Ушбу ёшда мулоқот етишмовчилиги *госпитализация* деб номланган касалликни юзага келтиради. Энг хавфли ва заиф давр бу – 6 ойдан 12 ойгача бўлган даврдир. Бу даврда ҳар қандай шароитда ҳам болани онаси билан мулоқот қилишдан маҳрум қилмаслик лозим. Агарда бусиз ҳеч иложи бўлмаса, онасининг ўрнига бошқа одамни топиш даркор.

Ўзининг катта ёшли яқин кишиси билан мулоқот қилиши болага янги таассуротлар баҳш этади. Катталарнинг иштироки кичкинтойда у ҳали билиб улгурмаган атрофдаги олам олдидағи кўркувга барҳам беради. Бола билан мулоқот у билан ҳамкорлик асосида курилиши лозим. Бола билан катталар ўртасидаги мулоқотнинг барқарорлигини таъминлаш зарур, чунки шу туфайли боланинг эмоционал босиқлиги шаклланади, мулоқотнинг нутқий ва нонутқий шакллари шаклланади.

Болаларда (иккинчи ярим йилликда) вазиятлар, нарсалар ўртасида алоқа боғлашга ёрдам берувчи қидирув ҳаракатларини пайдо қилиш лозим (9 ойдан кейин – сурат ва сўз билан: «фалон нарса қаерда?»).

Нутқни тушунишни ривожлантириш мақсадида катта ёшли одам иложи борича бола учун қизиқарли бўлган ёрқин ва ҳаракатланувчи нарсалар номини, улар билан амалга ошириладиган ҳаракатлаоны, болалар ва атрофдаги катталар номларини кўпроқ айтиши зарур.

Боланинг катта ёшли одамга, унинг ҳаракатларига, сўзларига бўлган қизиқиши остида инсон ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб то умрининг охиригача шерик бўладиган нарса, яъни одамларга ва айни пайтда ҳайвонларга хос бўлган йўналтирувчи рефлекс ётибди.

Биз томон ёғилаётган ҳар қандай янгилик биз томонимиздан тегишли ҳаракатни келтириб чиқаради, биз бу янги нарсани яхшилаб тушуниб олиш учун пайдо бўлаётган образларга тикилиб қараймиз, пайдо бўлган товушларни дикқат билан тинглаймиз, агарда унинг ҳиди чиқса, дарҳол уни ҳидлашга, агарда у бизга яқин турган бўлса ушлаб кўришга ҳаракат қиласмиз.

Нутқни тушунишни ривожлайтиришнинг асосий методик усуллари

Сўзларни тушунишни ўргатишда болаларга нафақат улар қараб турган нарсаларнинг ва уларнинг ўзлари бажараётган ҳаракатларнинг номини айтиш, балки болаларга ушбу нарсаларни атайлаб кўрсатиш ва уларни қизиқтириш зарур. Бу усул «кўрсатиб, номини айтиш» усули деб аталади.

Кўпинча болани бирон-бир нарса номини тушунишга ундашда катта ёшли одам ундан сўрайди: «фалон нарса қаерда?», бироқ биз уни амалий иш билан мустаҳкамламасак, яъни «кўрсатиб номини айтмасак», бола нарса билан унинг номи ўртасидаги бизга зарур бўлган шартли алоқани ўрната олмайди, ўз-ўзидан у ушбу сўз маъносини тушунмайди. «Фалон нарса қаерда?» деган савол билан болада у тушуна оладиган сўзларни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин. Масалан, «соат» деганимизда бола кўзлари билан соатни излай бошласа, ундан соат қаердалигини тез-тез сўраб туриш лозим. Бироқ бу ўринда савол эмас, айнан соатни кўриб ва эшишиб қабул қилиш вақтларининг бир-бирига мос келиши бирламчи аҳамиятга эгадир.

Аммо катта ёшли одамнинг фақатгина ушбу усул моҳиятини тушуниши ҳали етарли эмас. Уни турли ҳаётий вазиятларда болага қизиқарли қилиб қўллашни ҳам ўрганиш зарур: бунда катта ёшли одамнинг нутқи бирмунча ўзига хос бўлади. Катта ёшли одам бола билан суҳбатлашар экан, у болани тушунишга ундаётган сўзни ҳадеб бир хил оҳангда қайтаравермасдан ибораларни ҳам айтиши лозим. Кўрсатилаётган нарса билан боғланиши лозим бўлган сўзни алоҳида оҳанг, сўздан олдин ва сўздан кейин қисқа, бироқ аҳамиятли бўлган паузалардан фойдаланиш, уни кўп марта талаффуз қилиш лозим. Ушбу усулдан («кўрсатиб, номини айтиш») фойдаланган ҳолда катта ёшли одам болага айрим ўйинчоқлар, шахсий гигиенага оид нарсалар, овқат ейиш билан боғлиқ буюмларнинг номларини тушунишни ўргатиши даркор. Болага кўрсатилаётган нарса қанчалик қизиқарли бўлса, у нарсалар билан шунчалик кенг ва кўп танишиши (кўл тегизиши, ушлаб кўриши, қўлга олиши, қимирлатиши, бирон нарсага уриб кўриши, агарда таом бўлса – таъмини кўриши) мумкин.

Гигиеник жараёнларда, кийиниш, овқатланиш, ўйнаш вақтида болага сўзларни тушунишни ўргатиш учун кўп имкониятлар пайдо бўлади.

Ҳаракатни англатувчи сўзларни («кўрсат», «тақиллат», «ташла», «қарсак чал» ва бошқ.) тушунишни ўргатишида бу сўзларни ушбу ҳаракат бола ёки катта ёшли одам томонидан амалга оширилаётган пайтда айтиш лозим. Зарур сўзни айтишда боланинг қўлидан ушлаб, тегишли ҳаракатни бажариб кўриш мумкин. Сўзни тушунишни мустаҳкамлаш учун кичкинтийга «кўрсат» деганда катта ёшли одам номини айтган нарсани бармоғи билан кўрсатишни ва «бер» деганда катта ёшли одам номини айтган нарсани олиб беришни ўргатиши зарур. Бу усулларни асосан болалар танийдиган ва номларини тушуна бошлаган нарсаларга нисбатан қўллаш мумкин. Айнан битта сўзда узоқ тўхталиб қолиб кетмаслик керак, балки унинг сонини аста-секин кенгайтириб бориш, айни пайтда илгари ўзлаштирилган сўзларни ҳам унумаслик лозим.

**Нутққача бўлган ривожланиш босқичи: гугулаш,
чучулаш; уларнинг нутқ билан алоқаси.
Овоз муносабатларини ривожлантириш
методикаси (0-1 ёш)**

«Кўрсатиб, номини айтиш» усули деб асосан, нутқни тушунишни ривожлантиришга йўналтирилган усулга айтилади. Б ойдан бошлаб болада овоз муносабатларини, овоз тақлидларини ва овоз ифодалилигини ривожлантириш зарур. Бола чучулаши учун унинг кайфияти яхши, қувончли бўлиши, кийимлари қуруқ ва иссиқ бўлиши, шунингдек хона озода бўлиб, у фақат ўзининг овозини эшитиши керак. Лекин шу вазиятларнинг ўзи камлик қиласи. Болани чучулашга ундаш ва бунда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

Агарда 5-6 ойгача болаларга ҳар қандай сўзларни айтиш мумкин бўлса, фақат бу болалар тинглаб, жонланишлари учун эмоционал майин оҳангда айтилса бўлгани, ҳаётининг иккинчи йилига қадам қўяётган болаларга нисбатан бундай деб бўлмайди.

5-6 ойдан кейин бола билан сўзлашишда улардан нафақат жонданиш, балки тақлидни юзага келтириш, учун иложи борича турли товушлар, бўғинларни кўпроқ айтиш керак. Дастлабки пайтларда бунинг учун боланинг ўзи қайси товушларни талаффуз қилаёттанини кузатиш, уларни илиб олиб, бола ҳузурида кўп марта такрорлаш лозим. Бундай «алоҳида» суҳбат «йўқлама» деб аталади. Бу чучулашни ривожлантириш учун самарали усулдир.

Болада чучулашнинг пайдо бўлишига ва ўз-ўзидан катта ёшли одам билан «йўқлама» қилиш зарурати юзага келишига ёрдам берадиган қувончли кайфият яратиш учун «Чапак-чапак», «Кувлашмачоқ» каби ўйинларидан бирини ўтказиш лозим. Унинг кайфияти кўтарилиши билан кичкингина катталар айтаётган товушлар ва бўғинларни такрорлашига эришиш мақсадида «йўқлама»га ўтиш лозим.

Болаларда тақлидни юзага келтириш учун болалар катта ёшли одам юзини кўриши зарур, шунда улар унинг юз ифодасига, лабларининг қимирилашига тақлид қилишга ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, товушлар ва бўғинларни бироз интонация билан куйлаш тарзида, айримларини эса аксинча қисқа («бум», «эх») айтиш даркор.

Болалар кўпинча уларни аниқ айта олмайдилар, фақат шу сўзни айтган одамнинг овоз интонацияси, юз ифодаси ва сўзлаётгандаги қўл ҳаракатларни такрорлагани ҳолда «а» товушини талаффуз қиласи.

Агарда маҳсус усуллар билан болада чучулашни юзага келтирмасдан, унга енгил товушлар ва сўзларга тақлид қилишни ўргатмасдан фақат «номини айтиб, кўрсатиши» билан чекланилса, бола кўп нарса тушунса ҳам анча пайтгача сўзламайди, чунки чучулаш ва катталарга тақлид қила олиш бола нутқини ўз вақтида ривожлантиришнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

«Йўқлама»ни ҳам худди «кўрсатиб, номини айтиш каби» фақат болалар ўйнаётган пайтда ўтказиш билан чекланмаслик керак. Болани парвариш қилиш, унга қарашиб пайтида ва бошқа ҳар қандай қулай шароитда болани чучулашга ундаш ва уни қўллаб-кувватлаш, чучулаш учун маҳсус шароит яратиш мақсадида хонада осудалик яратиш зарур.

Фаол нутқни ривожлантириш. Лугатни ўзлаштириш босқичлари. Биринчи сўзларни талаффуз қилишни ўргатиши методикаси

Ҳаётининг биринчи йили охирига келиб боланинг эришган натижалари ривожланишининг янги ижтимоий вазиятини қуришни талаб қиласи. Бу боланинг катта ёшли одам билан биргаликдаги фаолиятига оид вазиятдир. Ушбу биргаликдаги фаолиятнинг мазмуни – (нарсалардан) фойдаланишининг жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган

усулларини ўзлаштиради, бола қошиқ билан овқатланишни, қалам билан расм чизишни, стулчага ўтириш ва ҳоказоларни ўрганади. Мулоқот жадал ривожланишда давом этади, зеро катталар билан бевосита мулоқотсиз предметли фаолият мүмкин эмас. Предметли фаолият билан боғлиқ мулоқот фақат эмоционаллигича қолмайди, у нутқий мулоқотта айланади. Шундай қилиб илк ёшдаги бош вазифа нарсалардан фойдаланишнинг инсоний усулларини ўзлаштириш ва нутқни ривожлантиришдан иборат бўлади.

Бир ёшдан кейин бола сўз билан тегишли нарса, ҳодиса, сифат ўртасида тезроқ алоқа боғлашни ўрганади. У сўзлар комбинациясини, яъни ибораларни тушунади, бир ярим ёшга келиб эса бевосита унга қаратилмган нутқни ҳам тушуна бошлайди.

Иккинчи йилнинг иккинчи ярмида нутқнинг жадал ривожланиши туфайли болаларда психик функция (хотира, қабул қилиш ва бошқ.) ривожланиб кетади ва ўз хусусиятини ўзгартиради.

Мулоқотга бўлган эҳтиёж, предметли ҳаракатларни ўзлаштириш боланинг ўз фаол нутқини ҳам талаб қиласди. Нутқ асосида умумлаштиришлар, фикрлашнинг рамзий вазифаси, яъни реал нарсаларнинг ўрнини алмаштира олиш ҳамда ўрин босувчи нарсалар ва тил белгилари билан амаллар бажариш қобилиятлари ривожланади. Бироқ нутққача предметли ҳаракатларни (айнан бир нарса билан турли ҳаракатларни ёки турли нарсалар билан айнан бир хил ҳаракатни бажариш, жуфтлик ўйинларни («ку-ку», «шар юмалатиш» ва бошқ.) ривожлантириш ва умумлаштиришга оид узоқ йўлни босиб ўтишга тўғри келади.

Бола учун катта ёшли одам – битмас-туганмас ижобий эмоциялар, қизиқарли таассуротлар ва борган сайин сўз муҳим аҳамиятга эга бўлиб борадиган ўйинлар манбаи ҳисобланади. Катталар билан мулоқотга киришиш, нарсалар ва ўйинчоқларга эгалик қилишга интиларкан, бола ушбу мақсадларга эришиш учун сўздан фойдаланиш ҳақидаги чақириққа жавоб беради, баъзида ўзи ташабbus кўрсатиб, фикр билдиради.

Бола тилни фаол ўзлаштиради. Сўз ортида турган тасаввур ягона ўхшашликдан кенг ўхшатишларгача кейинроқ эса янада аниқ умумлаштирумаларгача ривожланади. Айнан битта сўз ёрдамида кўп образли муносабатлар ифодаланади.

Бола аста-секин бу муносабатларни грамматик жиҳатдан расмийлаштирилмаган икки сўзли, кейинроқ эса уч сўзли гаплар орқали ифодалашни ўрганади. Иккинчи йилнинг охирига келиб дастлабки грамматик шакллар пайдо бўлади. Боланинг сўз заҳираси ортади. 1 ёшдан – 1 ёшу 6 ойда сўз заҳираси 30-40 та сўзни ташкил қиласди. Фикрлар асосан бир таркибли гаплардан иборат бўлади. Бунда нонутқий мулоқот воситалари (ифодали ҳаракат, бевосита намойиш қилиш, кўзларнинг тўқнашуви, мимикалар, имо-ишоралар ва бошқ.) ҳамон ҳукмрон бўлади. Бола майший вазиятлар маъносини ва уларда қўлланилаётган нутқ мазмунини тушуниб етади.

1 ёшу 6 ой – 2 ёшга келиб боланинг сўз заҳираси 200-300 тагача ўсади. Унинг фикрлари грамматик жиҳатдан расмийлаштирилмаган икки-уч таркибли иборалардан иборат бўлади. Бола билан катта ёшли одам бевосита мулоқотга киришган вазиятда эса нутқий мулоқот етакчи мулоқот турига айланади.

Бола ҳаётининг учинчи йилига келиб нутқ ривожланиши қўпроқ кенг қамровли вазифалар доирасида, энг аввало катта ёшли яқин қариндошлари ва болалар билан муносабатга киришиш ҳамда улар билан биргаликда ҳаракат қилиш (нутқнинг коммуникатив вазифаси), атроф-оламни билиш (нутқнинг интеллектуал вазифаси) орқали давом этади. Бола нутқий мулоқотнинг асосий шаклини – диалогик нутқни ўзлаштиради. У ташаббус кўрсатиб фикр билдиришни, саволлар беришни, жавоб кутишни, ўзи ҳам саволларга жавоб беришни, атрофдагиларга илтимос ва таклифлар билан мурожаат қилишни ўрганади.

Бола ўз истак-хоҳишлари, ҳиссиётлари, фикрларини ифодалаш, кутилаётган натижаларга эришиш учун сўзлардан фойдаланади. Бироқ бола томонидан фойдаланилаётган сўзлар фонетик жиҳатдан анча номукаммал бўлиб, у кенг қамровли маъноларни англатади. Сўз ва предметли ҳаракатларни қўллаш ҳақида улар билан мос равишда ҳаракат қилиш орқали катта ёшли одам бола билан ўзаро бир-бирини тушунишни ва унинг тилини бойитишни йўлга қўяди.

Бола ташаббус кўрсатиш орқали мулоқот субъекти, тенг хукуқли ҳамкор сифатида чиқади. Ўзини тушунишларига интилиш, ўз хоҳиш-истакларининг бажарилишига эришиш болани тўғри сўзлашга мажбур қиласди. Ушбу ёшда тенгдошлари билан мулоқотга киришиш эмоционал алоқа

ўрнатиш ва ўз шахсига эътиборни жалб қилишга ёрдам беради: болалар бир-бирлари билан ўйнаш жараёнида ўз ҳаракатларини нутқ билан шарҳлаб борадилар, аммо ҳозирча улар бир-бирига тўғридан-тўғри юзланиб, мурожаат қилмайдилар.

Бола ҳаётининг учинчи йилига келиб унинг тил муҳитидаги фаол йўналтирувчи фаолияти бошланади. Бу қувончли кечинмалар таъсири остида вужудга келадиган товушлар билан турли ўйинларда («шовқинли қўшиқлар») ва оддий сўз ижодкорлигига («гольф-мольф», «ўйин-пўйин» ва бошқ.) кўринади.

Қулай шарт-шароитларда мулоқотнинг учинчи йилига келиб бола катталар билан мулоқотда кўргазмали-таассуротли вазиятга таянмаган ҳолда ўз тассуротларини нутқда ифодалай бошлайди. Болалар ўзлари кўриб чиқсан китоблари, тинглаган эртаклари ва ўзларининг илгариги тажрибалари ҳақида фикр билдира бошлайдилар.

Илк ёшдаги болаларга нутқни ўқитиш жараёнида педагогга (катталарга) қандай методик усулларни кўллаш тавсия этилади?

Ушбу саволга жавоб берар эканмиз, биз шуни қайд этишимиз лозимки, юқорида кўрсатиб ўтилган методик усуллар («кўрсатиб номини айтиш», «йўқлама») болалар ҳаётининг иккинчи йилида ҳам улар билан ишлашда фойдаланиши лозим, бироқ улар болаларнинг ёш хусусиятларига қараб ўзгартирилади. 1 ёшу 4-5 ойдан кейин кўп мартараб такрорлаш ва айни пайтда кўрсатиш, маҳсус машғулот сифатида «кўрсатиб, номини айтиш»ни амалга оширишнинг зарурати йўқ. Бу ёшга келиб бола катталарга тақлид қилишни анча тақомиллаштиради. У энди талаффуз учун имкони етадиган сўзлар, бўгинларни катталарнинг кетидан яхши тақрорлайди ва шунинг учун унга «айт», «такрорла» каби сўзларни тушунишни ўргатиш зарур. Бола уларни ўзлаштириб олиши учун ушбу сўзлар кетидан талаффуз қилиши учун имкони етадиган сўзларни бир неча марта тақрорлаши зарур, масалан, «копток» сўзини айт. Орадан бироз вақт ўтганидан кейин бола ундан нимани талаб қилишашётганини англайди ва катталарнинг кетидан тақрорлай бошлайди. Боланинг «айт», «такрорла» каби сўзларни тушуниши, катталар болага турли товушлар, бўгинлар, сўзларнинг талаффузини машқ қилдириш имконини беради.

«Йўқлама» ўтказишдаги каби бола катталарнинг кетидан иштиёқ билан, кувноқ ҳолда такрорлаши, бу машқни қизиқарли ўйин – одатга айлантириши жуда муҳимдир. Агарда болаларга буни атайлаб ўргатилмаса, катта ёшли одамнинг бирон-бир нарсани айтиш ҳақидағи талаби салбий муносабатни юзага келтиради ва бола жим тураверади.

Кўпинча катта ёшли одам бола илтимосини бажараётганида бошқа нарсалар ҳақида ҳам сўзлайверади, ёки унинг илтимосини жимгина бажаради. Бу катта методик хато ҳисобланади. Боланинг илтимосига шу тариқа муносабат билдириш орқали катталар уни нутққа ўргатиш учун қулай имкониятни қўлдан чиқарадилар. Болага унинг талаффуз қилиши учун осон бўлган ва илтимосни ифодаловчи сўзларни айтиб туриш ҳамда болада тақлид юз беришига эришиш учун уни бир неча марта такрорлаш зарур.

Иккинчи йилнинг бошида сўзга ҳаракатни қўшиш мумкин. Бола уни осон ўрганиб олади ва шу билан бир вақтда айтиб турилаётган сўзни талаффуз қиласи. Масалан, бола коптотки қресло остига думалатиб юборади ва катталарга юзланиб, бақиради. Катта ёшли одам: «Коптот йўқми?». «Йўқ... йўқ...» деб айт. Айни пайтда катта ёшли одам қўлларини салгина икки томонга ёяди. Бола бу ҳаракатни такрорлайди ва «йўқ» дейди. Ушбу усулни кўп марта такрорлаганидан сўнг бола шу каби ўхаш вазиятларда бақирмасдан ана шу ҳаракатлардан ва зарур сўзлардан фойдаланади. Ушбу усул «зарур сўзни айтиб туриш» деб аталади.

Бола нутқини ҳосил қилувчи янги усулларнинг пайдо бўлиши икки ёшли болалар билан амалий ишларда «йўқлама»нинг умуман кераги йўқлигини билдирадими? Йўқ, уни нутқий аппарат ривожи учун фойдали бўлган кувноқ ўйин сифатида қўллаш мумкин ва шарт, бироқ шу билан биргаликда иложи борича янги усуллардан кўпроқ фойдаланиш зарур. Агарда бола осон товушларни қийналмасдан катталар билан биргаликда айтиаётган бўлса, бу ҳолда биз уни «айт» ёки «такрорла» сўзларини маъносини тушунишга ундеймиз ва болага нутқни машқ қилдиришнинг янги, янада тежамли усулини қўлга киритамиз. Агарда бола ўз хоҳиш-истакларини имо-ишора ёки бақириқ орқали ифодалагани ҳолда катталарга мурожаат қилишни ўрганиб олган бўлса, бу ҳолда биз унга «бер», «ўтири», «кўйиб юбор», «мумкин», «керак эмас», «мумкин

эмас» каби янги сўзларни ўргатамиз. «Бер» сўзини қўллаган ҳолда сўрашни билиши бирон нарса талаб қилиб бақиришга йўл қўймайди, бола унинг ўрнига илтимосни қўллайди ва шунинг учун иложи борича болага уни барвақт қўллашни ўргатиш даркор. Болалар «мумкин» сўзини қўллашларининг алоҳида аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, катталар болалар билан қанчалик хушмуомала бўлгани сайин бола ҳам шунчалик хушмуомала бўлиб боради. Катта ёшли одам боланинг олдида ётган ўйинчоқни, гарчи у болага керак эмаслигини билса ҳам, сўрамасдан олмаслиги лозим, буни «мумкинми» деган сўз билан осонгина ҳал қилиш мумкин. Болаларга ҳам шуни ўргатиш лозим. Агарда болани огоҳлантирмасдан туриб унинг ўйинчогини олишса, унда салбий муносабат (кўз ёшлар, бақириқ) юзага келади. Агарда ундан «мумкинми?» деб рухсат сўрашса, у ўз ихтиёри билан сўралган нарсани беради. Биринчи навбатда болаларга зарур шароитларда айтиб туриш ва ўз хулқ-атвори билан ўрнак кўрсатиш орқали ҳаётий зарур сўзларни (раҳмат, беринг, мумкин, мумкин эмас, марҳамат ва бошқ.) ўргатиш зарур.

Катта ёшли одамнинг болага илтимос ёки топшириғи билан мурожати ҳам уни нутққа ундовчи «ҳаракатга йўлланма» усули ҳисобланади. Болаларга бир-бирига ҳамда катталарга мурожаат қилишни кўпроқ ўргатиш зарур. Лекин ҳамма топшириқ ҳам ушбу мақсадга хизмат қилмайди. Катта ёшли одам боладан бирон бир нарсани олиб келиб бериш, олиб бориб қўйиш, йиғишириб қўйишни сўраганида бола бу топшириқларни индамай бажаради. Бундай топшириқлар бола катталар нутқини тушунишни машқ қилаётган иккинчи йилнинг биринчи ярим йиллигига катта аҳамиятта эгадир. Бундан ташқари, ёшидан қатъий назр бу топшириқлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир, аммо улар боладан нутқий фаолликни талаб қилмайди. У сўзлай бошлаши учун катталарнинг мурожаати ҳар қандай илтимосдан иборат бўлмасдан у бирорвга бирон-бир нарсани айтиш, бирордан бирон-бир нарсани сўрашни кўзда тугиши лозим. Катта ёшли одам бундай топшириқ бериши учун кўпроқ баҳона топиши, айни пайтда уларни бола иштиёқ билан бажарадиган қилиб бериши лозим.

Бола ўйин билан банд бўлганида, бирон-бир нарсани дикқат билан кўриб чиқаётганида ёки бирор-бир одам билан сұхбатлашаётганида унга топшириқ бериб бўлмайди. Болалар

фаолиятидаги бундай жиҳатларга уларни эҳтиёtsиз ҳаракат туфайли тўхтатиб қўймасдан уларни узайтириш учун жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Агарда бола ундан нимани исташаётганини дарҳол тушумаса, унга айтиб туриш, баъзан эса ўша топшириқни у билан бирга бажариш лозим.

Бола нутқини ривожлантиришда катта силжиш берадиган усул уни саволларни тушунишга ва уларнинг энг оддийларига жавоб бера олишга тайёрлаш ҳисобланади. Катта ёшли одам савол беради, ва бола айтиб турилаётган сўзни такрорлаши учун дастлаб унга ўзи жавоб беради. Аввал бошда бир вазиятда айнан битта саволни бериш ва унга айнан битта жавоб қайтариш мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик саволларни турли шароитларда бериш орқали уларнинг хусусиятларини ўзgartириб бориш лозим.

Ўз вақтида ва яхши ривожланаётган бола икки ёшга келиб «қаёққа бораяпсан?» деган саволни тушунади ва кўп ҳолларда унга тўғри жавоб қайтаради. Бироқ бунинг учун ундан доимо сўраб туриш ва юқорида баён қилинган тизимга риоя қилган ҳолда жавоб қайтаришни ўргатиш даркор. Бундай йўл билан болага «Бу нима?», «Ким бу?», «У нима қилаяпти?» каби бошқа саволларга ҳам жавоб қайтаришни ўргатиш, ўз-ўзидан унда ҳар доим нутқ ҳосил қилиш ва уни мураккаблаштириш мумкин. Болалар бу саволларга фақат ўзларига таниш бўлган, номларини илгари суҳбатда қўллаган нарсалар ёки ҳаракатлар ҳақида кетаётган бўлсагина жавоб бера олишлари мумкин.

Бола бир сўз билан жавоб беришни ўрганганидан сўнг, агарда унга вақтида «сув бер», «нон бер» каби сўзлар айтиб турилса, у аста-секин 2-3 та сўздан иборат бўлган иборани ўзлаштириб олади. Ибора таркибига кирадиган сўзларни бола катталар ортидан такрорлаши учун улар болага илгаридан таниш бўлиши лозим.

Болага миқдорларни таништирас экан, катта ёшли одам катта-кичик, кўп-кам сўзларни ўргатади. Икки ўйинчоқни таққослагани ҳолда катта ёшли одам белги сўзларни овози билан аниқ ажратгани ҳолда қўйидаги сўзларни аниқ талаффуз қиласди: «Бу катта кубик, бу кичик кубик. Кичик кубикни столга қўй». Миқдорларни таққослашга оид машғулотни ўтказишида отлар номида кичрайтирувчи суффикслардан фойдаланган маъқул: машина-машинача, копток (катта), копточка (кичик), айиқ (катта), айиқча (кичик).

Ушбу ёшда болаларга рангларни ажратишни ва уларнинг номларини тегишли сўзлар билан айтишни ўргатиш муҳимдир. Аммо гапда аниқловчи сўзга эга бўлган сифатга оид сўзларни ўргатишдан олдин албатта йўл-йўлакай кузатувни амалга ошириш зарур: пайпоқлар оппоқ, кўйлак оппоқ, девор оппоқ, таглик оппоқ, қор оппоқ.

Бошқа ранглар билан ҳам ана шундай ишларни бажариш лозим. Шундан кейин болага сифатлардан фойдаланган ҳолда гап тузиш осон бўлади.

Дастлабки пайтларда бола сўзларни келиштиришда қийналади. Бироқ, машқ қилиш, ушбу иборани турли вариантларда қайтариши йўли билан у сифатларни от билан тўғри келиштиришни ўрганиб олади.

Сайр қилиш боланинг кузатувчанлгини, шунинг оқибатида фикрлашини ва нутқини ривожлантиришда анча ёрдам беради. Шунинг учун сайдарда бола билан албатта гаплашиш, унга у ёки бу нарсани ёхуд ҳодисани тушунтириш, шунингдек уни сухбатга чорлаш керак. Баъзан, шундай бўладики, нимани хоҳлаётганини айта оладиган бола катталарга илтимос билан мурожаат қилишда сўздан эмас балки имо-ишора ва қўл ҳаракатларидан фойдаланади. Бунда унга сўзни айтиши учун тегишли вазиятни яратиш зарур. Катта ёшли одам (педагог) ўзини тушунмаганга олиши ва болага бошқа нарсани узатиши билан уни зарур сўзни айтишга мажбур қиласди.

Болалар нутқи, айниқса иккинчи йилнинг охирида, катталарнинг саволларига жавоб бериб, уларга мурожаат қилаётгандаридан, бирон-бир нарсани сўз билан маълум қилаётгандаридан ёки ҳикоя қилаётгандаридан ўзи билан ўзи гаплашгандагига қараганда анча хилма-хил бўлади. Лекин ўйин пайтидаги бу сухбатдан ҳам нутқни машқ қилишдаги усуслардан бири сифатида фойдаланиши лозим. Болалар кўпроқ ўйинчоқлар (кўғирчоқ, ҳайвонлар) билан гаплашадилар: тахминан улар катта болалар билан ўйнагандаридан қўллайдиган сўзларни такрорлайдилар.

Барча болалар ҳам ўйин пайтида кўп гаплашадиларми? Йўқ, кўпинча индамай ўйнаётган болаларни кузатишга тўғри келади. Бу боланинг умумий ривожланиш даражасига ва унга ўйнашни ўргатишганига, қандай ўргатишганига, қандай ўйинчоқлар беришга боғлиқ бўлади.

Нутқ үз вақтида ривожланиши учун иккинчи йилда болалар үйинларида ҳайвонларни тасвиrlовчи үйинчоқ ва құғирchoқлар катта үрин әгаллаши лозим. Болаларга нафақат ана шундай үйинчоқларни бериш, балки улар билан үйнашни ҳам үргатиш зарур. Одатда тегишли үқитиш ишлари амалга оширилгандың болалар 1 йил – 1 йилу 3-4 ойдан кейин үйинчоқлар билан түрли ҳаракатларни бажарадилар: катталарини кичикларига жойлайдылар, очадылар, ёпидылар, юмалатадылар, үйинчоқларни бир-бирига уриб таққиллатадылар. Агарда улар үз ихтиёрига қўйилса құғирchoқлар ва ҳайвонлар билан худди ана шу тарзда үйнайдылар: уларни судрайдилар, қутига ташлайдылар, тахлайдылар, бир-бирига уриб таққиллатадылар.

Болаларга құғирchoқни қандай қилиб овқатлантириш, ухлатиши, полда юргазиши, ювинтириш, соchlарини тараф қўйишни үргатиши зарур, чунки уларнинг ўзларини қандай қилиб ювинтираётганликлари ва овқатлантираётганликларини кўриб, ана шу ҳаракатларни катталарнинг ёрдамисиз құғирchoқларга ҳам қўллай бошлайдылар, деб умид қилиб бўлмайди. Бу ёшда болалар асосан уларга кўрсатилган үйинчоқларга тақлид қиласылар. Құғирchoқ билан амалга ошириладиган, унчалик мураккаб бўлмаган үйин намуналарига тақлид қилиш боланинг ҳаётда кўрган нарсаларини үйинга олиб ўтиш қобилияти, яъни нисбатан мураккаб бўлган акс эттирувчи (сюжетли) үйинга ўтиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради. Биз учун ушбу ҳолатда болаларнинг құғирchoқлар ва ҳайвонлар билан үйнаш пайтида жуда кўп сўзлай бошлашлари мухимдир. Улар ўзлари үйнаётган үйинчоқлари номларини ва улар билан нималар қилаётганини айтадылар, ниҳоят болалар аста-секин нутқни әгаллаганликлари ҳолда үйинчоқларга мурожаат қилишни ва улар билан сўзлашишни бошлайдылар.

Катталарнинг құғирchoқ билан үйнаганда одатда оддий, кундалик ҳаётда тез-тез учраб турадиган сўзларни қўллашлари ҳам жуда мухимдир: «кўрсат», «овқатландинг», «ухла», «кий», «чўмиламиз» ва бошқ. Бу билан улар болаларга ушбу сўзлардан фойдаланиши ўргатадылар.

Шунингдек, таниш нарсалар тасвиrlанган суратлар ҳам нутқни ривожлантириш учун ажойиб материал сифатида хизмат қиласы. Биринчи йилнинг охирига келиб болаларни айрим сўзларни тушунишга тайёрлашда хонадаги нарсалар ва

ўйинчоқлар билан бир қаторда суратларда тасвириланган одамлар, ҳайвонлар, болалар, кундалик фойдаланишдаги буюмлар, табиат ҳодисалари номини айтиш зарур. Суратларни томоша қилишни доимо «Бу нима?», «Нима қилаяпти?» каби саволлар билан қўшиб олиб бориш, яъни болани сўзлашга ундаш лозим.

Суратни қўрар экан, бола катта ёшли одам илтимосига кўра тасвириланган нарсани кўрсатади ва унинг номини айтади. Суратлардан мустақил кўриб чиқишида фойдаланиш ҳам мумкин. Дастрраб бола катта ёшли одамнинг сурат ҳақидаги изоҳларини тинглайди, сўнгра ҳамсуҳбати қизиқтириб қўйганидан сўнг ўзи ҳам сўзлай бошлади. Кўп мартараб тақрорлашлардан кейин эса суратлар ўз-ўзидан болага суратни катталар билан бирга томоша қилишда улардан эшигтан сўзларни, товушларни айтишни бошлаш учун сигнал бўлиб хизмат қиласди. Агарда болага катталар билан биргаликда сурат томоша қилиш ўз вақтида ўргатилмаса, у кейинчалик ҳам бунга қизиқмасдан, лоқайд бўлиб қолади, уларни индамасдан саралайди ҳамда суратларни кўриб чиқиши ва улар ҳақида фикр билдириш ўрнига улардан ўйинчоқ сифатида фойдаланади.

Илк ёшдаги болалар учун суратлардан ташқари китоблардан ҳам фойдаланиш зарур. Одатда болалар суратларга қараганда китобларни иштиёқ билан томоша қиласидар. Ушбу ёшда болаларга китобни ўқиб бериш эмас, балки унинг мазмунини айтиб бериш лозим, аммо баъзи-баъзида уларга китоб ўқилишини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг китоб ўқишига тақлид қилишлари ҳам нутқининг ривожланишига хизмат қиласди.

Бола нутқни мустақил равишда эгаллай олмайди. Фақат ота-оналар ва мактабгача таълим муассасаларининг педагоглари томонидан боланинг нутқий фаолияти ташкил этилишига доимий диққат-эътиборни қаратиш туфайлигина унинг нутқини ривожлантиришда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Санаб ўтилган барча усуллардан моҳирона фойдаланиш болалар нутқини ўз вақтида ривожлантиришга ёрдам беради.

Юқорида баён қилинганлар асосида шундай хулосага келиш мумкин: илк ёшда болалар нутқини ривожлантириш – мураккаб психологик жараёндир.

ХУЛОСАЛАР:

- Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг нутқий ривожида улкан силжишлар рўй беради. Бу жадал бораётган умумий ривожланиш ва она тилининг турли қирраларини ўзлаштириб олиш билан белгиланади.
 - Биринчи йилда овоз муносабатлари, тақлид ва тушуниш ривожланади, дастлабки сўзлар ўзлаштирилади;
 - Иккинчи йилда — тушуниш, тақлид қилиш, фаол нутқ ривожланади (асосан луғат ўзлаштирилади);
 - Учинчи йилда — тушуниш, фаол нутқ: луғат, грамматик шакллар, синтактик тузилмалар (турли гаплар) ривожланади.
 - Биринчи йилнинг ўзидаёқ нутқ мулоқот вазифасини бажара бошлайди ва ривожлантирувчи фикрлаш қуролига айланади.
 - Нутқни ривожлантириш учун бола тарбияланётган ҳаётий вазият — унга қаров, атрофдаги катталарнинг муносабати, уларнинг тарбиявий, таъсири, шунингдек ўз фаоллиги (боланинг турли фаолиятдаги фаоллиги) катта аҳамиятга эгадир.
 - Дастлабки уч йилда нутқ боланинг ҳаёт фаолияти жараённада: режимли даврларда, мустақил ўйинда, маҳсус ўюштирилган машғулотда шаклланади.
 - Бола нутқининг ўз вақтида ривожланишида унга нисбатан катталарнинг муносабати муҳим аҳамиятга эгадир. Диққат-эътиборли, яхши муносабатга жавобан болада ижобий ҳиссиётлар ва турли хил муносабатлар ривожланади.
 - Таъсирни тарбиялаш доимий равишда амалга оширилиши ва боланинг бутун асаб-психологик ривожланишининг барча томонларига йўналтирилиши лозим. Фақат ҳар томонлама ривожланиш бўлгандагина ўз вақтида нутқ шаклланади.
 - Илк ёшда мулоқот тарбиявий таъсир шакли ҳисобланади. Мулоқот шакли ва мазмуни боланинг ривожланишига қараб ўзгариб боради: эмоционал мулоқот; уларнинг овоз интонациясини тушунишлари асосидаги мулоқот; мимика, имо-ишоралар, ҳаракатлар, сўнгра катталар нутқи; нутқий мулоқотнинг ўзи.
 - Кичик болалар билан ишлашда катталар нутқига алоҳида талаблар қўйилади. У тақлид учун намуна бўлиб хизмат қиласди, шунинг учун у ҳар томонлама намунали бўлиши, яъни: грамматик тўғри, интонацион ифодали, унчалик баланд эмас, унчалик тез ҳам эмас, кўп сўзли эмас ва аниқ бўлиши зарур.

Нутқни илк ривожлантириш икки даврга бўлинади: биринчиси – тайёргарлик, иккинчиси – мустақил нутқни расмийлаштириш.

Тайёргарлик даври болалар нутқини келгусида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки айнан шу даврда тегишли пойдевор яратилади. Унинг негизида эса келгусида бола нутқи қурилади, мулоқотга эҳтиёж шаклланади, овоз муносабатлари, нутқий ҳаракат (артикуляция) аппарати, фонематик тинглаш қобилияти, катталар нутқини тушуниш, сўзларни эслаб қолиш ва ўзлаштирилаётган сўзлардан мулоқот қилиш мақсадида эркин фойдаланиш ривожланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Катта ёшли одамнинг гўдак билан эмоционал мулоқоти нимани англатади? У қачон ва нималарда ифодаланади?
- Кичкинтойнинг кўл ҳаракатлари унинг нутқини ривожлантиришда қандай аҳамиятга эга? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асосланг.
- Нима учун бола атрофидаги катталар интонацион ифодали нутқقا эга бўлишлари лозим? Унинг кичкинтой нутқининг ривожига таъсирини тавсифлаб беринг.
- Гўдаклик ёшидаги бола нутқини ўз вақтида ривожлантириш учун катта ёшли одам қайси методик усуллардан фойдаланиши зарур?
- «Госпитализация» касаллиги нимани англатади? У умуман бола ривожига ва унинг нутқига қандай таъсир кўрсатади?
- «Қўрсатиб, номини айтиш» номли методик усулнинг бола нутқини ўз вақтида ривожлантиришда қиммати нималардан иборат?
- «Йўқлама» номли методик усул нимани англатади? У қайси нутқий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган?
- Гўдаклик ёшидаги болага қайси мақсадда хонада осуда шароит яратиш зарур?
- Илк ёшдаги бола ривожидаги асосий жиҳат нима?
- Ушбу ёш босқичида бола қайси нутқ шаклини ўзлаштиради? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асосланг.
- Илк ёшдаги бола нутқини ривожлантириш мақсадида катта ёшли одам қайси методик усуллардан фойдаланмоғи лозим? Ҳар бир усулни тавсифланг.
- Нима учун илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш мураккаб психологик жараён ҳисобланади?

VIII-МАВЗУ. РАВОН НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Равон нутқ тушунчаси, уни ривожлантириш вазифалари

Болаларга диалогик нутқни ўргатиш

Равон нутқ тушуңгаси, уни ривожлантириш вазифалари

Равон нутқ – бу кишиларнинг мулоқотини ва ўзаро бир-бирларини тушунишларини таъминловчи мазмунан кенг ёйилган фикрdir. Равон нутқни фикрлар дунёсидан ажратиб бўлмайди: равон нутқ бу фикрлар равонлигидир, унда боланинг мантиқий фикрлаш, ўзи қабул қилаётгандарини мулоҳаза қилиш ва уларни тўғри ифодалаш қобилияти акс этади. Равон нутқни шакллантириш, унинг вазифасини ўзгартириш мураккаблашиб бораётган бола фаолияти оқибати бўлиб, у боланинг атрофдагилар билан мулоқотга киришиш шароити, мулоқот шаклига боғлиқ бўлади. Мактабгача ёшда у мулоқот ва таълим жараённида шаклланади. Равон нутқнинг шаклланиши илк ёшдан бошлаб аста-секин рўй беради.

Болалар ҳаётининг дастлабки етти йилида атрофдаги кишилар билан мулоқот воситаси сифатида нутқнинг пайдо бўлиши ва уни ривожлантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳар бир киши ҳаётида равон нутқ муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у учта асосий вазифани бажаради: индивидуаллараро, ичкииндинвидуал ва умуминсоний. Нутқ вазифаси унинг онтогенездаги ҳақиқий ривожланиш жараёни босқичини акс эттиради, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир:

1-вазифаси – индивидуаллараро – кишилар ўртасидаги мулоқот воситасидир. Ушбу ҳолатда нутқ оғзаки нутқ – монолог, диалог, бир нечта одамлар суҳбати сифатида чиқади.

2-вазифа – ичкииндинвидуал – бу ерда нутқ кўплаб психологик жараёнларни (фикрлаш, диққат-эътибор, хотира, тасаввур ва бошқ.) аниқ-тиниқ англаш даражасига кўтаргани ҳамда шахсга психологик жараёнларни тартибга солиш ва назорат қилиш имконини бергани ҳолда уларни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

3-вазифаси – умуминсоний – бу ўринда нутқ алоҳида бир одамга умуминсоний ижтимоий-тарихий тажриба хазинасидан ахборот олиш имконини беради. Ушбу ҳолатда –

бу график рамзлар ва белгиларда моддийлаштирилган ёзма нутқидир.

Нутқнинг шаклланишида ва боланинг ундан фойдаланишида мактабгача босқичдаги турли даврларда болаларда ўзгариб турадиган коммуникатив тусдаги омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Коммуникатив тусдаги омиллар деганда мулоқотни йўлга кўйишга, мулоқотга эҳтиёж туғилишига таъсир қиласиган омиллар тушунилади.

Дастлабки етти йилда болада катталар билан мулоқотга эҳтиёж ривожланишининг 4 та босқичи рўй беради.

I-босқич – вазиятли-шахсли мулоқот (бала ҳаётининг биринчи ярим йилида) – катталарнинг диққат-эътиборига ва яхши муомаласига бўлган эҳтиёж;

II-босқич – вазиятли-амалий мулоқот (6 ойдан бошлаб 2 йилу 6 ойгacha) – катталар билан ҳамкорликка ва уларнинг иштирокига муҳтоҷлиқ;

III-босқич – вазиятсиз-билиш мулоқоти (2 йилу 6 ойдан бошлаб 4 ёшгacha) – катталарнинг ҳурмат билан муносабатда бўлишларига муҳтоҷлик. У боланинг жисмоний оламдаги ҳис қилинмайдиган ўзаро боғлиқликларини аниқлашга йўналтирилган билиш фаолияти доирасида вужудга келади. Ушбу даврда бола катталар билан ўзига хос “назарий” ҳамкорликка интилади, у предметли оламнинг ҳодиса ва воқеаларини биргаликда муҳокама қилишда ифодаланади.

IV-босқич – вазиятсиз-шахс мулоқоти (4 ёшдан 7 ёшгacha) – катталар билан ўзаро бир-бирини тушунишга ва катталарнинг ғамхўрлик кўрсатишига эҳтиёжмандлик. Бу эҳтиёж боланинг инсоний муносабатлар оламига қизиқиши туфайли вужудга келиб, у боланинг муносабатлар қоидалари ва меъёрларини ўзлаштириш билан боғлиқдир. Бола катталар билан қараашлар умумийлигига эришишга интилади ва бу унга улардан ўз ҳатти-ҳаракатларида қўлланма сифатида фойдаланиш имконини беради.

Шундай қилиб, нутқни ривожлантириш жараёнинга мулоқот воситаси, яъни коммуникатив фаолият сифатида қарааш керак. Унинг вужудга келиши ва ривожланиши боланинг мулоқот ва умумий ҳаёт фаолияти эҳтиёжларига боғлиқдир.

Нутқقا у бажарадиган таҳлил вазифасидан келиб чиқиб ёндашиш, нутқнинг энг аввало боланинг атрофдаги одамлар билан мулоқот воситаси сифатида пайдо бўлишини тушуниб

етишга олиб келади. Ўз-ўзидан, агарда боланинг мулоқоти нутққа жон бағишиласа, унинг ривожланиш суръати ва муддати болаларда мулоқот фаолияти турли ёш босқичларида қандай йўлга қўйилганлиги билан боғлиқдир, ушбу вазифаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши боланинг онг ва эркинликнинг юқори даражасига қанчалик тез эришиши, боланинг унга турли соҳалардаги билимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини берадиган ёзма нутқни қанча муддатда ўзлаштира олишига боғлиқдир.

Матндан келиб чиқадиган равон нутқни шакллантириш, унинг вазифаларини ўзгартериш бола фаолиятининг мураккаблашаётгани оқибати бўлиб, у боланинг атрофдагилар билан мулоқоти мазмуни, шарти ва шаклларига боғлиқдир. Нутқ вазифаси фикрлашнинг ривожланиши билан параллел равишда шаклланади, улар бола тил воситасида ифодалайдиган мазмун билан узлуксиз равишда боғлиқ бўлади.

Болаларда равон нутқни ривожлантириш — мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаси ҳисобланади, мактабгача ёшининг ниҳоясига келиб бола катталарага хос бўлган оғзаки нутқнинг асосий шаклларини эгаллаши, яъни равон нутқнинг икки шакли — диалогик ва монологик нутқни эгаллаб олиши шарт.

Мактабгача таълим муассасасининг вазифаси — болаларда равон сўзлашув нутқни (диалогик нутқ) ва монологик нутқни ривожлантиришдан иборат. Сўзлашув нутқини шакллантириш вазифаси кўп қиррали. Мактабгача босқичдаги кичик ёшли болаларда уларга қаратилган нутқни тинглаш ва тушуниш, бир-бирини тинглаш, саволларга жавоб бериш ва ўзи ҳам саволлар бериши, сұхбат мавзуси бўйича изчил жавоб бериш қобилияти шаклланади.

4 ёшдан бошлаб болаларга сұхбатда иштирок этишни, узлук-юлуқ фикрлардан нисбатан кенг, изчил фикрларга ўтиш, саволлар беришни ўргатиш зарур; 5-6 ёшли болалар узоқ давом этадиган мақсадли сұхбатларга қодир бўладилар. Болаларга қўйилган саволларга уларнинг мазмунидан келиб чиқкан ҳолда қисқа ёки кенг қилиб аниқ жавоб бериш, сұхбатдоши сўзини бўлмасдан диққат билан тинглаш, уларнинг жавобларини тўлдириш, тузатишлар киритиш, ўзлари ҳам саволлар беришни ўргатиш зарур ва ҳ.к. Айни пайтда шахснинг нутқий сифатларини тарбиялаш — болаларга киришимлилик, хушмуомалалик, хүшёрлик, босиқлик каби сифатларни

шакллантириш; сұхбат жараёнида нутқий мұлоқот маданияти күнікмаларини, тенгдошлар жамоаси олдіда чиқиш қила олиш қобилияти ва телефон орқали сұхбатлашиш маданиятини тарбиялаш лозим.

Монологик нутқнинг ўқув вазифаси мустақиллиги, тугалланғанлығы, қисмлари ўртасыда мантиқий алоқасынинг мавжудлығы билан тавсифланадиган равон фикр билдиришни ўргатышдан иборатдир, яғни бу – қисман (нутқий) күнікмалар ва она тилида фикр билдириш учун зарур бўлган мураккаб қобилиятларни шакллантириш демакдир.

Равон нутқ устидаги ишларнинг асосий ривожлантирувчи вазифаси – болаларнинг фикрлашини, ўз фикрини тил воситалари ёрдамида аниқ ифодалаш қобилиятыни ривожлантириш, нутқий фикрлашга оид вазифаларни мустақил ижодий ҳал этиш күнікмаларини шакллантириш, хотирани, тасаввурни фаоллаштиришдан иборат.

Вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун педагог ўзига қыйидагиларни аниқ тасаввур қилиш зарур: 1 – равон нутқни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласидиган тил материали; 2 – ушбу материалда шакллантириш мумкин бўлган нутқий күнікмалар ва маҳоратлар умумийлиги; 3 – ушбу күнікмаларни “оддийдан мураккабга” тамойили асосида машқ қилишнинг кетма-кетлиги.

Монологик нутқ ҳикоя қилишни ўргатиш жараёнида шаклланади – болалар оғзаки монологик нутқнинг иккى тоифасини – қайта ҳикоя қилиш ва ҳикоя қилиш, тавсифловчи ҳикоялар, баён қилувчи ҳикоялар, исботловчи ҳикояларни ўзлаштириб оладилар.

Юқорида қайд этилганидек, равон нутқнинг иккى тури мавжуд: диалогик (диалог) ва монологик (монолог) нутқ.

Диалог – иккى ёки бир неча кишининг ўзаро сұхбати. Сұхбат мақсади одатда бирон нарса ҳақида сұраш ва жавоб олиш, бирон-бир ҳаракатта ундашдан иборат.

Монолог – бир шахснинг равон нутқи. Монологнинг мақсади – бирон-бир факт ҳақида хабар беришdir.

Диалог ўз услугига күра асосан, оғзаки нутқ, монолог эса одатда, китобий услугдаги нутқ ҳисобланади.

Диалогик равон нутқда күпинча нотұлиқ гаплардан фойдаланылади, тушириб қолдирилган гап аъзоларини сўзловчи нутқ вазиятидан келиб чиқиб тушуниб олади, ва оғзаки услугдаги, стандарт тузилишдаги (қолип) тұлық

гаплардан күпроқ фойдаланилади: “у келмай құя олмайды” – яғни у албатта келади.

Бундай тузилишдаги гаплар монологик нутқда құлланилмайды. Болалар диалогик нутқни ҳар куни мәший ҳаётда учратышлари сабабли уни анча осон ўзлаштириб оладилар.

Бирон-бир нарсани тавсифлашда, бирон нарса ҳақида баён қилишда ёки мулоҳаза юритишида нутқнинг монологик шаклидан фойдаланилади. Нутқнинг ушбу икки турлари ўртасидаги фарқ матн ичидаги гапнинг мантиқий алоқа тури билан белгиланади. Монолог доимо вақтли ёки сабаб-оқибатли алоқада бўладиган (бир-бирига нисбатан) борлик фактлари ҳақида хабар қиласи.

Вақтинчалик алоқа икки томонлама бўлиши мумкин: фактлар ҳақиқатдан ҳам бир вақтдалик ёки кетма-кетлик муносабатларида бўлиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида мавжуд бўладиган фактлар ҳақидаги хабарлар **тавсиф** деб аталади. Фактлар кетма-кет келадиган хабар **баён қилиш** дейилади. Сабаб-оқибатли муносабатларда бўлган фактлар ҳақидаги хабарлар эса **мулоҳаза** деб юритилади.

Болалар монологик нутқни тушуниб етишлари ва ўз хабарларини узатиш мақсадида уни ўзлаштириб олишлари учун улар тегишли синтактик тузилмани ўзлаштириб олишлари лозим. Ҳамонки, бола оддий кенг тарқалган гапларни тусишини ўрганиб ололмас экан, унинг нутқи равон бўлиши мумкин. Оқибатда – монологик нутқнинг турли тоифаларини ўқитиши – бу энг аввало грамматика – синтаксисга ўқитишидир.

Болаларга монологик нутқни ўқитиши қийин, чунки болалар кундалик ҳаётда ва катталар нутқида ҳам монологик нутқни камдан-кам ҳолларда эшитадилар: болалар билан сўзлашганда катталар қўпинча диалог шаклидан фойдаланадилар.

Монологик нутқнинг дастлабки кўникмаларини мактабгача бўлган даврда ривожлантириш лозим, чунки мактабда монологни ўқитишини бошлаш учун кеч бўлади.

Мактабгача таълим муассасасининг педагоги болаларга монолог-тавсиф, баён қилиш, мулоҳоза юритишини ўргатиш учун мақбул дидактик материал топишга ҳаракат қилиши зарур.

Илк ёшда бола равон нутқни эшитади. Дастлаб бу унга нисбатан айтилган лукмалар, сўнгра эса эртаклар, ҳикоялар,

катталарнинг монологик нутқлари бўлади. Равон нутқдан тил элементлари – товушлар, морфемалар, сўзлар, гапларни ажратиб олар экан, бола равон матнда ҳар бир тил элементининг ўрнини эслаб қолади, бу эса илк ёшдан бошлаб нутқдан олдинги машқлар бошланадиган тил сезгиларини ривожлантириш жараёнини ташкил этади.

Болаларга диалогик нутқни ўргатиш

Диалог – суҳбат боланинг катталар ва ўз тенгдошлари билан мулоқотининг асосий шакли ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқитиш икки шаклда амалга оширилади: а) эркин нутқий мулоқотда; б) маҳсус машғулотларда.

Диалог кўпроқ эркин нутқий мулоқотда пайдо бўлади ва у болалар луғатини бойитиш, талаффузга оид, грамматик кўникмаларни табиий равишида ривожлантириш базаси, равон нутқ кўникмаларига эга бўлиш базаси ҳисобланади.

Диалог маҳсус машғулотларда ўқитилади (оига 1-2 та машғулот); мактабгача таълим муассасасида кун мобайнида бола педагог ва бошқа болалар билан эркин мулоқотга киришади. Уйда эса катталар бола билан турли мавзуларда диалогга киришишлари лозим.

Диалогик нутқни (ёки оғзаки нутқни) ўргатиш одатда суҳбат шаклида, яъни катталар билан бола ўртасида ҳамда болаларнинг ўzlари ўртасида фикр алмашиш шаклида рўй беради.

Агарда мактабда суҳбат билимларни етказиш воситаси сифатида қўлланилса, суҳбат жараёнида болалар нутқини бойитиша қўшимча ижобий ҳодиса кўринишида қабул қилинади, мактабгача таълим муассасасида ҳам суҳбат айнан нутқни ривожлантириш учун ўтказилади. Бироқ, нутқ албатта борлиқ ҳодисасини акс эттириши, кодлаштириши боис мактабгача таълим муассасасидаги суҳбат худди мактабдаги каби билим беради.

Суҳбатлар мавзуси ва мазмуни болаларнинг ёш ҳусусиятлари ҳамда уларнинг нутқий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастури билан белгиланади.

Суҳбат таълим методикаси сифатида – бу тарбиячининг болалар гуруҳи билан (ёки алоҳида ҳар бир бола билан) аниқ

мақсадга йўналтирилган, муайян мавзуда олдиндан тайёрланган сўзлашувидир. Мактабгача таълим муассасасида такрорловчи, умумлаштирувчи ва назорат-текширув сұхбатларидан фойдаланилади.

Такрорловчи ва умумлаштирувчи сұхбатларда тарбиячи турли усуллар ёрдамида болаларга кўрган нарсаларни таҳлил қилиш, таққослаш, тўлдириш, чуқурлаштириш усулларини ўргатади, болалардаги мавжуд билимларни тизимлаштиради, уларни муайян хуносаларга келишга ундейди.

Назорат-текширув сұхбатлари педагог томонидан бирон-бир ўтилган мавзу бўйича болаларнинг билимларини аниқлаш учун ўтказилади. Педагог саволлар ёрдамида болаларнинг бирон-бир мавзуни ўтиш жараёнида олган билимлари даражасини аниқлаши мумкин.

Болалар билан ишлаш жараёнида педагог тайёрланмаган ва тайёрланган сұхбатдан фойдаланади.

Тайёрланмаган сұхбат (буни фақат болаларга нисбатангина қўллаш мумкин, чунки болалар улар билан нималар ҳақида сўзлашишларини, нималарга диққат-эътиборини жалб қилишларини билмайдилар) режимли жараёнларни ўтказишда, болалар фаолиятининг ҳар хил турларида: ўйинларда, меҳнатда ташкил этилиши мумкин. Тарбиячи эса ҳар қандай мuloқot турига тайёр туриши зарур. Зеро, бунинг учун у касбий таълим олган билимларининг муҳим қисмларидан бирини болалар билан сұхбатлашиш ташкил этади. Шунинг учун тарбиячи болалар билан шундай сўзлашиши лозимки, токи у ўз нутқи билан болаларга она тилини ўргатсан.

Нутқий мuloқotга бўлган зарурат туфайли тўсатдан юзага келадиган сұхбатда тарбиячи ўзининг тил сезгисига ишонгани ҳолда ўз нутқининг грамматик шаклини ва унинг жаранглаши (фонологияси)ни тайёрламайди, аммо у ҳар бир сұхбатнинг мавзусига тайёргарлик қўриши шарт.

Тайёрланган сұхбат деб номланишининг сабаби шуки, бунда тарбиячи машғулотдан олдин (машғулотдан бир неча кун олдин) болаларни шундай вазиятда қолдирадики, бунда уларнинг диққат-эътибори бўлажак сұхбат мавзуси бўладиган атроф-оламдаги ҳодисаларга жалб қилинади, чунки фактларга оид материаллар болаларга бунгача таниш бўлиши лозим.

Сұхбатни ташкил қилиш, унинг тузилмаси мавзу ва мазмунга, болаларнинг ёшига боғлиқ бўлади. Ҳар бир сұхбатда

Күйидаги таркибий компонентларни ажратиб күрсатиш мүмкін: 1) кириш (бошлаш); 2) асосий қисм (суҳбат мавзусини ривожлантириш); 3) ниҳоясига етиш.

Кириш мақсади болаларнинг диққат-эътиборини суҳбат мавзусига жалб қилиш, уларда суҳбатда иштирок этиш хоҳишини пайдо қилиш, болалар хотирасида илгари олинган таассуротларни, имкони борича образли ва эмоционал таассуротларни жонлантиришдан иборат.

Тарбиячи суҳбатлашадиган нарса (ҳодиса) ҳақида таклиф қилган топишишмоқ ҳам кириш булиши мүмкін. Суҳбатни тегишли мавзудаги шеърни ўқиши ёки суратларни кўриш билан бошлаш мүмкін. Суҳбат бошланишида тарбиячи бўлажак суҳбат мавзусини (мақсадини) шакллантиради, унинг муҳимлигини асослайди, уни танлаш сабабларини болаларга тушунтириб беради.

Асосий қисм мақсади – болалар кўрган нарсаларни эсга олиш, қўшимча билимларни таҳдил қилиш, уларни тушунтириш ҳисобига чуқурлаштириш, қўшимча билимларни маълум қилиш, уларни бир тизимга келтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Суҳбатнинг асосий қисми микромавзу ёки босқичларга ажратилиши мүмкін. Ҳар бир босқич – бир мавзуни бўғин қисмлари бўйича таҳдил қилишдан иборатdir. Педагог машғулотга тайёрланар экан, барча босқичларни белгилаб олиши лозим.

Суҳбат мавзусини ривожлантириш аниқ мақсадга йўналтирилган булиши лозим, тарбиячи имкони борича болаларнинг мазкур мавзудан четга чиқишиларининг олдини олиши зарур (баъзан ортиқча фактларни аниқлаш учун ундан чекиниш мүмкін, бироқ сўнгра яна асосий суҳбат мавзусига қайтиш даркор). Тарбиячи суҳбат режасини олдиндан белгилаб олади. Тарбиячининг қўлида режа бўлса, болалар қанчалик мавзудан четга чиқмасинлар, у илгариги савол ўз аҳамиятини йўқотди, деб ҳисоблаган пайтда ўз режасидаги навбатдаги саволни бериш орқали уларни яна мавзуга қайтириш мүмкін.

Педагог унутмаслиги лозим, болаларнинг фикрлаш хусусияти шундайки, улар суҳбат мавзусини осон унугадилар, ҳар бир майда-чўйда нарсага чалгийверадилар. Бола қанчалик кичик бўлса, у шунчалик тезроқ чалғийди, ҳозиргина ўзи айтган нарсаларни тезлик билан унугади ва бошқа мавзуга ўтади.

Машғулот – суҳбат болаларда мантиқий фикрлаш, бошлаган мавзуни охирига етказиши қобилиятини шакллантиришга қаратилган.

Болалар биладиган нарсалар ҳақида қўшимча маълумотларни хабар қилиш суҳбат асосий қисмининг зарур элементи ҳисобланади. Бу болалар билимларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Тарбиячининг қисқа ва аниқ ахбороти суҳбатни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда йўлга қўйиш имконини беради. Суҳбат топишмоқ, шеърлар ва тарбиячининг тегишли суратга оид шарҳлари билан тугалланиши мумкин, аммо у қўпинча педагогнинг ушбу суҳбатдан келиб чиққан ҳолда болаларнинг ахлоқ борасида ўрганиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақидаги мантиқий холосаси билан якунланади. Айни пайтда педагог ўз холосасида ўзи суҳбат мобайнida болаларга ўргатиши лозим бўлган сўзлар, сўз шакллари ва синтактик тузилмаларни кўллаши лозим.

Суҳбатни шундай уюштириш лозимки, токи унда барча болалар иштирок этсинлар. Агарда бола фақат тарбиячининг бошқа болалар билан суҳбатини тинглаб ўтиrsa ва ўзи ушбу фикр билдиришларда иштирок этмаса, бу бола “суҳбатлашишни” машқ қилмайди ва унинг суҳбатдаги иштироқи фақат номигагина бўлади, холос.

Суҳбатни чекланган сондаги болалар (6-8 нафар бола) билан ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Агарда гуруҳда 25-30 та бола бўлса, бу ҳолда машғулотни болаларни учта-тўртга кичик гуруҳга бўлган ҳолда ўтказиши зарур. Белгиланган вақтдан ошиб кетмаслик учун ҳар бир кичик гуруҳ билан суҳбат давомийлигини қисқартириш мумкин. Бироқ ҳар бир боланинг нафақат тинглаб ўтиришини, балки сўзлашишни машқ қилишига ҳам эришиши лозим. Педагог ёрдам учун отоналарни жалб қилиши ва уларга тайёргарлик суҳбатини қандай олиб бориш лозимлиги ҳақида батафсил кўрсатмалар бериш зарур. Ота-оналарнинг барчаси оғзаки нутқни яхши билишлари боис ушбу вазифани бажара оладилар.

Диалогик равон нутқни ривожлантиришга доир маҳсус машғулотлар суҳбат методи (суҳбат) ва имитация методи асосида ўтказилади. Мазкур методлар қўпинча қуйидаги усувлар ёрдамида амалга оширилади:

- Тайёргарлик суҳбати (сўзлашиш) усувлари;
- Театрлаштириш усувлари (имитация, қайта айтиб бериш).

Тайёрланган сұхбатнинг қүйидаги вазифалари мавжуд:

- Тұғридан-тұғри – болаларни сұхбатлашишга, яғни сұхбатдош сұзларини бұлмасдан тинглаш, луқма ташлаш учун қулай пайтни күтгани ҳолда үзини тутиб турған, сұхбатдоши учун тушунарлы қилиб сұзлаш;
- Йұлдош – талаффуз ва грамматик құникмаларни машқ қилиш, маълум сұзлар маъносини аниклаштириш.

Сұхбат жараёнида тарбиячи саволлар, топишмоқлар, бадий сұз каби турли усуллардан фойдаланади. Бұ усулларнинг барчаси сұхбат пайтида билимларни үзлаштириш жараёнини йұналтириш, нұтқий мулоқотни таъминлаш, болалар фикрларини, уларнинг диққат-эътиборларини, хотираларичи, эмоцияларини фаоллаштиришга ёрдам беради. Аммо сұхбат олиб боришининг етакчи усули саволлар ҳисобланади. Болалар билан сұхбатнинг муваффақияти ва педагогик самарадорлуги құп жиҳатдан саволларнинг тұғри құйилишига боғылған болади. Саволлар бериш ҳамда уннинг жавобининг мұраккаблиги ва қийинлигини аста-секин кучайтириб боришини билиш эңг асосий ва зарур педагогик одатлардан биридей. Савол қўйиш – болалар олдига уларнинг кучи етадиган даражадаги нұтқий фикрлаш вазифасини қўйиш демақдир. Айни пайтда у ҳаддан ташқари осонлаштириб юборилмаслиги лозим, чунки бундай вазифаны қўйишдан мақсад – болаларни фикрлашта, әслашта ундашдан иборат. Қандай фикрлаш-нұтқий вазифаларини қўйишига қараб, саволларни репродуктив, қидириув ва муаммоли саволларга ажратиш мүмкін.

Сұхбатда объектлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида холоса билдиришни, тұпланған билимлардан, таққослашлардан фойдаланишни ҳамда Нима учун? Нега? Нима туфайли? Улар нимаси билан үхшаш? Нима учун? Қандай қилиб? каби саволларга жавоб берішни талаб қылувчи қидириув ва муаммо тусидаги саволлар етакчи аҳамиятга эга болади.

Сұхбатнинг ҳар бир босқىчика саволларни тахминан қүйидаги кетма-кетликда жойлаштириш зарур: дастлаб болалар тәжрибасини жонлантириш учун репродуктив, кейин янги материални қазм қилиш учун оз сонли, бироқ мұраккаб бўлган қидириув саволлари ва охирида 1-2 умумлаштирувчи саволлар. Саволлар аниқ ва мақсадли бўлиши лозим. Ноаниқ бўлган саволлар болаларга жавоб берішни қийинлаштиради – улар

жавоб бера олмайдилар ёки нотұғри жавоб берадилар. Савол аниқ, шошмасдан, мантиқий ургулар, мазмуний паузаларга риоя қылган ҳолда берилиши зарур. Болага жавоб қайтаришга вақт бериш учун тарбиячи пауза сақлаб туради. Агарда савол тез берилса, бола унинг мазмунини тушунишга улгурмайды ва тарбиячи саволини бир неча марта такрорлашига тұғри келади, бу эса болага жавобни үйлашда халақит беради, уни тарбиячига қулоқ тутмасликка үргатиб құяды. Болага саволни бириңчи мартада қабул қилишни үргатиши зарур.

Тарбиячи сұхбат жараёнида қуидагиларни амалға ошириш мүмкін:

- Болалар томонидан үзлаштирилмаган, құшма гаплар ёки бир турдаги аязолардан иборат бұлған гапларнинг айрым синтактикалық түзилмаларини айтиб туриш;

- Гапнинг болалар үзлаштирилмаган мазмунли бұлакларининг интонациясими айтиб бериш (масалан, огохлантириш, ҳайратланиш, ташвишга тушиш, хурсанд бұлиш интонацияси ва ҳ.к);

- Бир үзакли сұзларни ҳосил қилишни айтиб туриш: суюқ-суюқлық, сабзавот-сабзавотли ва бошқ.

- Турланмаган феъл шакларини ҳосил қилишда ёрдам бериш: сепиш-сепилған, қўйиш-қўйилған.

Сұхбат жараёнида болаларни савол беришга ундаш, уларнинг қизиқувчанлигини ривожлантириш зарур. Боланинг савол бера олишга қодирлиги унинг фикрлаш фаолиятидан далолат беради.

Бадий асарлар – эртаклар, ҳикоялар, шеърларни театрлаштириш усули – бу болаларнинг уларга тарбиячи үқиб берган асарларни үша шахслар номидан қайта айтиб бериш усулларидир.

Бошқа шахслар номидан қайта ҳикоя қилиб бериш учун диалогик нұтқни үз ичига олған асарлардан фойдаланған маъқул. Уларни қайта ҳикоя қилиб бериш болаларнинг оғзаки нұтқини, хусусан, мурожаат, санаш, ҳайратланиш, ҳайрон бұлиш интонацияларини тәкомиллаштириш имконини беради; нұтқ эмоционал жиҳатдан янада бойийди – у персонажларнинг ахволидан келиб чиққан ҳолда гоҳ хурсанд, гоҳ қайғули ва гоҳ илтижонамо жаранглайди.

Болаларға оғзаки диалогик нұтқни үргатиши жараёнида театрлаштирилған томоша, қўтирчоқ театри каби усуллардан

фойдаланиш тавсия этилади. Бунда болалар ҳам ижрочи, ҳам томошабин сифатида иштирок этишлари мумкин.

Саҳналаштириш ўйини – бу болаларнинг бадиий асарни унинг қаҳрамонлари образларида қайта ҳикоя қилиб беришлари; болаларнинг матнни эркин қайта айтиб беришлари ва болаларнинг сюжетли-ролли ўйинлариdir.

Сюжетли-ролли ўйинларда болаларга биринчи навбатда, ўз нутқида эртак матнидан четга чиқишига рухсат берилади. Тарбиячи уларни фақат грамматика ёки лексикада адабий сўзлашув нутқи меъёрларидан чекинган ҳоллардагина тўғрилайди; ўйин чоғида фонетик хатоликларга йўл кўйилганида уни тўғрилаш шарт эмас.

Театрлаштирилган томошалар саҳналаштириш ўйинларидан шуниси билан фарқланадики, унда бадиий асар матнини ёддан биладиган болалар иштирок этадилар, уларнинг бу чиқишидан кўзлаган мақсади – ўз тингловчи дўстларининг кўнглини олишдир; бу томошада болалар театр костюмларида (маска қалпоқчалар ва бошқа кийимлар) чиқадилар.

Қўғирчоқ театри – бу сюжетли «режиссёрлик» ўйиннинг ҳар хил турларидир: болалар бир вақтнинг ўзида оддий ўйинчоқлар (ўйинчоқлар театр), петрушкалар (қўл бармоқларига кийиладиган қўғирчоқлар, суратлар қирқимлари ва ҳ.к.)ни асар қаҳрамонлари ролини ўйнашга мажбур қилганларни ҳолда бадиий асар матнини роллар бўйича сўзлайдилар.

Қўғирчоқ театри шакли қуйидагилардир: ўйинчоқлар театр, петрушкалар театр, «бармоқлар» театр, соя театр, стол театр, фланелеграф.

Болалар нашриётлари бадиий асарларни саҳналаштириш учун халқ эртакларига силуэтлар; театр-китоблар; панорама-китоблар каби турли кўринишдаги кўргазмали қўлланмаларни чоп этмоқдалар.

Юқорида санаб ўтилган қўғирчоқ театри турлари мактабгача таълим муассасасида болалар нутқини фаоллаштирувчи методик воситалар сифатида фойдаланилади: болалар педагог ёрдамида, катта гуруҳларда эса ўзлари мустақил равишда қўғирчоқларга, қирқилган расмларга режиссёрлик қиладилар, улар номидан иштиёқ билан сўзлайдилар ва шу тариқа ўзларининг нутқий кўникмаларини ривожлантирадилар.

Сақналаштириш үйини – мактабгача ёшдаги ҳар қандай боланинг театрлаштирилган чиқишидир.

Болаларнинг оғзаки нутқ кўникмаларини ўзлаштиришининг боришига қараб, уларнинг саволларга жавоблари янада аниқ, мулоҳазали ва мазмунли бўлдиб бориши лозим.

Суҳбат жараёнида болалар билан сўзлашувнинг жонлилиги кўп жиҳатдан оғзаки нутққа ва нутқий мулоқотнинг савол-жавоб шаклига хос бўлган грамматик тузилмаларининг турличилиги билан боғлиқдир.

Суҳбатларда болалар кенг қамровли фикр билдиришлари ва бир-иккита сўздан иборат бўлган жавоб беришлари мумкин (Сизга эртак ёқдими – Ҳа.). Болаларни кенг қамровли жавобларга саволларни тўғри қўйиш орқали йўналтириш зарур: «Баҳорда об-ҳаво кўпроқ қандай бўлади? Бу ҳақда айтиб беринг».

Болага мана бундай қўрсатма бериш мумкин: «Қисқа жавоб бер. Батафсил жавоб бер (аммо тўлиқ жавоб билан эмас)», улардан сўраш мумкин: «Ким қисқа жавоб бера олади (ёки ўртоғингиздан чиройлироқ жавоб бера олади)». Зарур ҳолатларда педагог қўйилган саволга кенг қамровли жавоб намунасини намойиш қилиши мумкин.

Суҳбат жараёнида болаларда нутқий мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур.

ХУЛОСАЛАР:

- Равон нутқ – бу фикрлар тугуни бўлиб, унда боланинг мантикий фикрлаши, унинг қабул қилаётган нарсасини мулоҳаза қилиб қўриш ва уни тўғри ифодалаш қобилияти акс этади.

- Нутқ ҳар бир киши ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у учта асосий вазифани бажаради: индивидуалларо, ичкийиндивидуал ва умуминсоний.

- Нутқнинг шаклланишида ва боланинг ундан фойдаланишида болаликнинг турли даврларида ўзгариб турадиган коммуникатив тусдаги омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

- Равон нутқнинг икки турини ривожлантириш – мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифасидир.

- Монологик нутқнинг ҳар хил турларини ўқитиш – бу грамматика-синтаксисга ўқитишдир.

- Диалог эркин нутқий мұлоқотда пайдо бұлади ва у болалар луғатини бойитиши, талаффуз, грамматик күникмаларни табиий равиша ривожлантириш базаси, равон нутқ күникмаларига эга бўлиш базаси ҳисобланади.
- Суҳбат – болаларга диалогик нутқни ўргатишининг асосий методларидан бири ҳисобланади.
- Суҳбатни уюштириш, унинг тузилмаси мавзу, мазмун ва болаларнинг ёшига боғлиқ бўлади.
- Суҳбатда обьектлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида хulosа билдириши, тўпланган билимлардан, таққослашлардан фойдаланиши, асосий нарсани аниқлаб олишни талаб қилувчи қидирув ва муаммо туридаги саволлар етакчи аҳамиятга эга бўлади.
- Суҳбатларда болаларнинг кенг қамровли ва қисқа жавоб беришларига рухсат этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- «Равон нутқ» тушунчаси нимани англатади?
- Нутқ инсон фаолиятида қандай вазифаларни бажаради?
- Уларнинг ҳар бирини тавсифланг.
- Коммуникатив туздаги омиллар деганда нимани тушуниш лозим?
 - Монологик нутқни шакллантиришда нималар ўқув ва йўлдош вазифалар ҳисобланади?
 - Тавсифлаш, баён қилиш, мұлоҳаза юритишининг нималигини аниқ мисоллар орқали тавсифлаб беринг.
 - Болаларга диалогик нутқни ўқитишининг асосий методини тавсифлаб беринг.
 - Суҳбатдан қайси таркибий компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
 - Диалогик равон нутқни ривожлантиришга оид машғулотларда педагог қайси асосий методлардан фойдаланиши зарур?
 - Тайёрланган суҳбат қандай вазифаларга эга бўлади?
 - Репродуктив ва қидирув саволлари нимани англатади?
 - Суҳбат жараёнида педагог болаларга нималарни айтиб туриши мумкин ва нима учун?
 - Бадиий асарларни саҳналаштириш усусларини тавсифлаб беринг,

IX-МАВЗУ. БОЛАЛАРГА МОНОЛОГИК НУТҚНИ ҮРГАТИШ

Түрли ёш босқичларидагы монологик нутққа үргатишининг мазмуну ва вазифалари.

Қайта ҳикоя қилишни үргатини методикаси.

Ҳикоя қилиб берини үргатиши. Ҳикоялар турлари ва уларни үргатишининг изчиллиги. Ҳикоя тұқишини үргатиши.

Түрли ёш босқичларидагы монологик нутққа үргатишининг мазмуну ва вазифалари.

Болаларга монологик нутқни мунтазам үргатиши таҳминан беш ёшдан бошланади. Лекин бунга тайёргарлик бола ҳаётининг иккінчи йилида – болаларга үқиб бериш ва саноқ шеърларни ёдлаш жараённанда бошланади. Түрт ёшдан бошлаб болалар монологнинг тавсифлаш ва баён қилиш турларини күллашта, етти ёшдан бошлаб эса – қисқа мулоҳаза юритишига қодир бўладилар.

Монологнинг қийинлиги шундаки, у диққат-эътиборини ўзи учун аҳамиятли бўлган воқеа ёки бадиий асарга қаратган боладан бир вақтнинг ўзида нафақат нарсалар, ҳодисаларни пайқаш, балки улар ўртасидаги боғлиқликни ҳам сезишни талаб қиласди. Бу бир вақтнинг ўзида фикрлаш ва нутқни ривожлантириш воситаси ҳисобланган хотирани ҳам ишга солишга олиб келади.

Катталар болага ғамхўрлик кўрсатиб, монологлар учун мавзу қидириш, болаларни тинглаш орқали бу мушкулотларни енгиги ўтишда уларга ёрдам берадилар.

Болаларга монологик нутқни түғри үргатиши учун педагог мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ёш имкониятларини яхши билиши зарур. Улар нутқий соҳада нимаси билан ажralиб турадилар?

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришдаги асосий натижалар мулоқот соҳасидаги чуқур ўзгаришлар билан бөглиқдир. Тенгдошлар билан мулоқот қилиш биринчи ўринга ўтади. Бола ўз тенгдошини катталардан афзал кўра бошлайди. Ўйин жараённанда ўртоғига қаратилган нутқ катталар билан бўлган мулоқотга қараганда анча мазмунлироқ бўла бошлайди. Шерик билан диалог – мувофиқлаштирилган предметли ва нутқий фаолият тусига эга бўлади.

Болалар энди құшнилари әътиборини жалб қила оладилар, үзлари ҳам унинг ишлари ва билдирған фикрлари билан қизиқадилар.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқий вазифалари турлича. Нутқдан атрофдагилар билан алоқа үрнатында, үзига, үз ишларига ва кечинмаларига диққатни жалб қилинда, бир-бирини үзаро тушунинда, шерик хулқига, унинг фикри ва ҳиссиётларига таъсир күрсатында, үз фаолиятини ташкил этинда, үйиндеги үз үртоғининг ҳаракатларини мувофиқлаштиринда фойдаланилади. Нутқ атроф-мухит ҳақидаги мұхим билим манбаи, табиат, нарсалар ва одамлар дүнёси ҳақидаги тасаввурларни қайд этиш воситаси, билиш фаолияти воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Мактабгача катта ёшдаги бола учун нутқ объектив алоқаларнинг үзига хос соҳаси сифатида намоён бўлади, у булатни сўз, товуш, қофиялар ва фикрлар билан англайди.

Үзининг амалий, билиш ва шахсий эҳтиёжларини қондириш учун бола мавжуд барча воситалардан, вазиятдан келиб чиқиб беихтиёр билдирилган фикрлардан, нонутқий воситалардан (имо-ишоралар, юз ифодаси, ҳаракат) ва матнли нутқдан (фойдаланилган воситалар асосида тушунарли бўлган) фойдаланади.

Нутқнинг барча турлари ва шакллари тил шахсининг тақрорланмас индивидуал қиёфасини яратган ҳолда үзаро ҳамжиҳатлиқда мавжуд бўлади.

Диалогни ривожлантириш нафақат шунчаки нутқнинг муайян композицион шаклини үзлаштириш, балки боланинг ижтимоий ва шахс жиҳатдан шаклланишининг мұхим таркибий қисми ҳисобланади. Диалогик муроқот нафақат алоқа (интеллектуал аҳборот) ва үз манфаатларига йўналишни, балки шерикнинг нуқтаи-назарини, унинг қизиқишилари, истаклари, кайфиятини ҳисобга олишни ҳам кўзда тутади. Диалогда нутқий ҳаракатларни мувофиқлаштириш бевосита үз тенгдошини тушуна олиш ва унинг нуқтаи-назарини қабул қилишга боғлиқ бўлади.

Болалар бундай тажрибани биргаликдаги фаолиятда: ясаш, чизиш, жамоа үйинларини үйнаш натижасида тўплайдилар. Тенгдошлари билан муроқот қилинда бола нутқи мазмундорликдек (муроқот вазиятидан қатъий назар мазмун фақат тил воситаларидан фойдаланиш орқалигина тушунарли) сифатга эга бўлади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг диалогик муроқоти негизида нутқнинг янги шакли – монолог туғилади ва шаклланади. У боланинг ўз фикрлари, ҳис-туйгулари, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини ўртоқлашиш истаги оқибатида вужудга келади. Бунда нутқ қисқа ҳикоя шаклига эга бўлади. Ҳикояда албатта, болани лол қолдирган ва уни ҳаяжонга солган бирон-бир қизиқ ҳодиса (табиат қўйнидаги қизиқарли учрашув, укасининг кулгули ҳаракатлари ва ҳ.) акс этади. Мактабгача ёшдаги болалар таниш эртакларни, мультфильмлар мазмунини айтиб беришни, ўқиганларини сўзлаб беришни хуш кўрадилар.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг энг муҳим ютуғи – жаранглаётган нутққа қизиқишнинг шиддат билан ривожланиши, тил фаолиятини энг оддий англашнинг шаклланishi. Сўзга нисбатан лингвистик муносабат дабдурустдан товуш, қоғия, мазмун билан ўтказиладиган ўйинларда, сўз аҳамияти ҳақидаги саволларда, уларнинг жарангдорлиги ва мазмунида кўринади. Тил воқелигини англаш унинг барча томонларини – фонетик, лексик, грамматик томонларини қамраб олади. Сўзга нисбатан онгли муносабат луғатни такомиллаштиришга (антонимлар, синонимлар, кўп маъноли сўзларни тушуниш), нутқнинг товуш маданиятини ривожлантиришга (товуш талафузи, тинглаш қобилияти, интонация ифодавийлиги), нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантиришга (морфология, сўз яшаш, синтаксис), равон нутқни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Луғатни ривожлантиришда унинг сифат жиҳатидан такомиллаштирилиши олдинги ўринга чиқади. Бу антонимлар (иссиқ-совуқ, оқ-қора, ўткир-ўтмас, паст-баланд), синонимлар (ўткир, чархланган), кўп маънолилик (ўткир пичоқ, аччиқ қалампир, ўткир тил) каби ҳодисаларни тушуниш ва улардан нутқда фаол фойдаланишга тааллуқлидир. Болалар табиат ҳодисалари, нарсалар, инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларини таққослашда турлича ва умумий хусусиятларни ажратишини ҳамда аксил ва яқин маъноли сўзлар, қиёслашлар, аниқ феъллар, ўхшатишлар ёрдамида уларни нутққа олиб киришни ўрганадилар.

Сўз ясашда синоним ва антонимни танлаб олиш усууллари болаларни кўп маъноли сўзлар билан таништиради. Буюмлар функцияларини таққослаш асосида умулаштирувчи номлар шаклланади (ҳайвонлар, мебель, транспорт ва ҳ.).

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш ҳам тил воқелигини энг оддий тарзда англашни шакллантириш билан ўзаро боғлиқдир. Мактабгача катта ёшдаги болалар сўзлар, товушлар, қофиялар (помидор-коридор) фаол ўйнайдилар. Улар сўз жаранглашидаги умумий ва турлича товушларни белгилай оладилар, артикуляция ёки акустик жиҳатдан яқин товушларни (С-Ш, С-З, С-Съ) фарқлашга қодирлар, шеър, мақол ёки тез айтишдаги 4-5 та сўзда учраган товушларни белгилай оладилар. Болалар аралаш товушлардан иборат бўлган тез айтишларни аниқ талаффуз қилишни машқ қилишни, уларни турли тезликда, турли оҳангларда айтишни ёқтирадилар.

Мактабгача даврдаги катта ёшда нутқни грамматик жиҳатдан тўғрилигини шакллантириш, нутқقا нисбатан танқидий муносабатнинг пайдо бўлганлиги ва ривожланганлиги, аниқ ва тўғри гапиришга интилиш билан боғлиқдир. Тўғриликка интилиш грамматиканинг барча соҳаларида, яъни — морфологияда (шаклнинг аниқ шаклланишида, кўп турдаги шаклларни ўзлаштиришда), сўз ясашда (нон учун — нондон, туз учун — туздон), синтаксисда (оғзаки нутқ тузилмасини бартараф этиш: «ва» боғловчисини кўп марта қўллаш орқали гапни «чўзиш» ҳамда бир гапда тўғридан-тўғри ва билвосита нутқни аралаштириб юбориш) пайдо бўла бошлайди. Нутқнинг грамматик тўғрилигига интилиш бола ҳаётининг еттинчи йилида рўй беради. Беш ёшли бола ҳали ҳам иштиёқ билан грамматик шаклларни ўйнайди ва айнан сўз билан амалга оширилаётган ана шу синовгина нутқнинг грамматик тўғрилигини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Луғатни ривожлантириш, нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, грамматик тўғриликни шакллантириш равон нутқ тузиш усулларини ўзлаштириш (боғловчилар, ўрин-хол, лексик такрорлашлар, синонимлар ёрдамида гапларни боғлаш воситалари; тавсифлаш, баён қилиш тузилмаси) билан узвий боғлиқдир. Кўп турдаги вазифаларни бажариш муносабати билан диалогик нутқ негизида ривожлангани ҳолда нутқнинг барча жиҳатлари тилни англашни шакллантиришга тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда бўлади ҳамда бунинг учун бола катталар билан муайян шаклдаги мулоқот турига мұхтож бўлади. Бу нафақат ташқи дунё ва бошқа одамни англашга, балки тилнинг

ўзини, унинг тузилиши ва фаолият юритишни англашга ҳам йўналтирилгайдир.

Нутқий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари киришувчанлик қўринишларида ҳамда айни пайтда тил ва равон нутқни эгаллаш суръатида ифодаланади.

Кўпчилик болалар ўз ҳаракатларини шарҳлашни, атрофдагилар эътиборини ўзига жалб қилишни хуш кўрадилар. Бунда айрим болаларда нутқий мулоқот амалий фаолият билан зид келади ва бунинг натижасида бундай кўп гапирувчи болакай иш бажаришида гуруҳдаги бошқа болалардан ортда қола бошлайди. Унчалик киришимли бўлмаган болалар кам сўзлайдилар, лекин одатда улар амалий вазифаларни тез ва тўғри ҳал этадилар.

Равон нутқнинг пайдо бўлиш муддати ва маҳсулдорлиги ҳам фарқ қилиши мумкин. Илк турдаги нутқий ривожланишда маҳсус тайёргарликсиз ҳикоя қилиб бериш 4-5 ёшдан бошланади. Болалар сеҳрли эртакларни, бўлган воқеаларни бир-бирига сўзлаб берадилар, ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда ўзига хос ҳикоялар тўқийдилар. Агарда бола етти ёшида таниш анъанавий эртакни («Зумрад ва Қиммат») мустақил ҳикоя қилиб бера олса, ўйинчоқлар, суратлар асосида кичик оғзаки иншо тўқий олса – бу ҳаммаси меъёридалигидан далолатдир.

Равон нутқقا ўргатиш вазифалари қуйидагилардан иборат: болаларнинг ўз ташаббусига қўра ёки катталарнинг таклифига қўра ҳикоя қилиб беришга қизиқишини қўллаб-куватлаш; эртаклар, суратлар ва ўз шахсий тажрибасига оид таассуротларнинг сўздаги мазмунини қисқа ҳикоя, мулоҳаза, тавсифлар ёрдамида ифодалашни ўргатиш.

Қайта ҳикоя қилишни ўргатиш методикаси

Қайта ҳикоя қилиб бериш ва ҳикоя тўқиши монологга ўргатиш методи ҳисобланади. Болалар монологик матнларни қайта ҳикоя қилиб берадилар, реал ва хаёлий воқеалар ҳақида ҳикоя қиласидилар, ҳикоя тўқийдилар.

Монологик нутқقا ўргатиш методини ўзлаштириб олиш педагог учун қуйидагиларни англатади: болаларга тинглашни ўрганиш; қайта ҳикоя қилиш ва ҳикоя қилиш, шунингдек ҳикоя тўқишида болаларга ёрдамлашишни ўрганиш.

Монологик нутқ бўйича ишлар ҳар бир ёш гуруҳида энг аввало матн ҳажми ва унинг мазмунининг мураккаблиги билан фарқланади (ҳар иккаласи ҳам «Учинчи мингийилликнинг боласи» таячн дастури билан белгиланади).

Сўзли образларга таяниш барча ёш гуруҳларида монологни ўргатишнинг асосий усули ҳисобланади. Реал нарсалар ва суратларга таяниш – кўшимча усулидир.

Ҳикоя қилишни ўргатишнинг вазифаси болаларнинг оғзаки монологик нутқни қайта ҳикоя қилиш, ҳикоя қилиш, ҳикоя тўқиши каби турларини ўзлаштиришларини таъминлашдан иборатдир.

Қайта ҳикоя қилиш – эшитилган бадиий асарни равон, ифодали айтиб бериш.

Қайта ҳикоя қилиш нисбатан осон нутқий фаолиятдир, чунки, бола тайёр мазмунни қайта айтиб беради, бунда у муаллифнинг тайёр нутқий шаклларидан (лугат, сўз оборотлари, тузилиш), уни ўқиётган тарбиячининг нутқ ифодалилиги усулларидан фойдаланади. Аммо бу механик равишдаги такрорлаш эмас, балки матнни тушунгани ҳолда эркин ва эмоционал айтиб беришдир. Қайта ҳикоя қилиб беришни ўргатиш вазифаси илк ёш гуруҳларида аста-секин қийинлаштирилиб борилади – яхши таниш эртаклар, ҳикояларни айтиб бериш, янги ўқиб чиқилган асарларни айтиб бериш, ҳикоячи шахсини ўзгартирган ҳолда (биринчи шахс номидан эмас, балки учинчи шахс номидан ва аксинчада) айтиб бериш, тарбиячи режаси асосида айтиб бериш, болалар билан биргаликда тузилган режа асосида айтиб бериш, ӯхшашлик асосида (аналогия бўйича) айтиб бериш (қаҳрамонни, мавсумни ўзгартириш ва ҳ.к.), саҳналаштирган ҳолда айтиб бериш, (ўйинчоқлар, силуэтлар билан), болалар танлови бўйича айтиб бериш. Ҳикоя қилиб бериш учун қўйидагилар матн сифатида хизмат қилиши мумкин:

- Майший тусдаги ахборот, уни тарбиячи ҳар куни эркин муроқот чоғида болаларга беради, сўнгра болалар уни бир-бирларига ва оила аъзоларига сўзлаб берадилар;

- Бадиий адабиёт матнларини айтиб бериш, уни болалар монологик нутқни ўрганишга оид маҳсус машғулотларда айтиб берадилар;

- Тарбиячи ишга келишида йўлда, дўконда, сайдарда юз берган (ёки юз бериши мумкин бўлган) турли хил воқеалар унинг ахбороти учун мавзу мавзуди бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, бу инсонни ўраб турган жонзотлар, гуллар, ўсимликлар ва ҳашоратларга оид ҳар қандай кўринишдаги баёнлар бўлиши ҳам мумкин. Ушбу ҳикоялар баён қилиш монологи, тавсифлаш монологи шаклида бўлиши лозим. Мактабгача катта ёшдаги болаларга мўлжалланган ахборотлар эса мулоҳаза-монологлар бўлиши лозим.

Ҳар бир ахборот ўзининг дидактик вазифаларига эга:

– соф билиш тусидаги ҳикоялар болаларнинг диққат эътиборини бирон-бир ҳодисага жалб қилиш ва айни пайтда уларнинг лексикасини бойитиш, уларга янги грамматик, синтактик шакллар беришга мўлжалланган;

– ахборот – болаларга ҳикоя қилишни ўргатиш учун маҳсус дидактик материал, яъни, монологик нутқ намунаси бўлиб, у болаларда нутқдан фойдаланиш қобилиятини ривожлантириш, уларнинг лексик ва грамматик кўникмаларини фаоллаштиришга мўлжалланган.

Ушбу тоифадаги монологларга тарбиячи фақат болаларга таниш бўлган лексик ва грамматик шаклларни киритиши, яъни болалар билан фақат уларга таниш бўлган нарсалар ва ҳодисалар ҳақида сўзлашиши мумкин.

Шундай қилиб, болалар ўzlари учун анча қийин бўлган монолог-нутқ шаклини ўзлаштириб олмагунларича ана шундай қилиш зарур.

Борлиқнинг сўзли тасвирлари, ҳаётда рўй берган воқеаларни педагог дўстлар билан сўзлашгандаги каби ишончли оҳангда ёки аксинча, қувноқ, юмор билан айтиб бериши лозим, фақат шундагина тарбиячининг нутқи (ахбороти) болаларга кучли таъсир кўрсатади, ва улар уни бошқа болаларга ҳам иштиёқ билан сўзлаб берадилар ва шу билан ўз нутқларини янада ривожлантирадилар. Педагог отоналарга ўз фарзандларини мактабгача таълим муассасаларидан олиб кетаётганларида йўлда унинг сўзларини диққат билан тинглашни ва бола айтиб бераётган ҳикоя мазмуни жуда қизиқарли эканини кўрсатишларини тавсия қилиши зарур. Шу тариқа барча болаларнинг ҳикоя қилишлари натижасида нутқий машқлар ҳам бажарилади.

Бадиий асарларни ҳикоя қилиб беришда болаларга ёрдамлашиш, сўзни қабул қилиш воситалари ва асосан, турли хил саволлар орқали амалга оширилади.

Саволларнинг қўйидаги турлари мавжуд. Монологик матнни ҳикоя қилиб беришга ёрдам берувчи саволлар:

- биргаликда ҳикоя қилишга йўналтирувчи савол (иборадаги сўнгги сўзга қўйилган савол);
- айтиб турувчи савол;
- йўналтирувчи савол;
- тўғридан-тўғри савол;
- тўғифдан-тўғри саволлар занжири (режа);
- қидирув саволлари;
- қўрсатма саволлари.

Қайта ҳикоя қилиб беришдан олдин болаларга ушбу асар матни ўқиб берилади. Ҳаётининг иккинчи йилини бошдан кечираётган болалар билан ўтказилаётган машғулотларда педагогга биргаликда ҳикоя қилишга йўналтирувчи саволларни қўллаш, яъни иборадаги сўнгги сўзга савол қўйиш тавсия этилади: — Бир бор экан бир.... Бир.... нима экан? — йўқ экан.

Кўпинча педагогга ўз саволига ўзи жавоб беришга ва боланинг ушбу жавобни қайтаришига эришишга тўғри келади. Боланинг тарбиячи айтиаётган иборани охирига етказа олиши учун унга бадиий асарни неча марта ўқиши кераклиги унинг нутқий ривожланганлигига боғлиқ бўлади.

Биринчи саноқ шеърни бола таний бошлиши, ундаги айрим сўзларни ёдда сақлаб қолиши учун у саноқ шеърни беш ёки ўн марта эшитиши мумкин. Бироқ бола билан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда иш олиб борилса, унинг ёшига мўлжалланган иккинчи саноқ шеърни у биринчисидан анча тез ўзлаштириб олади.

Уч ёшли болаларга ҳикоя қилишда ёрдамлашар экан, тарбиячи айтиб турувчи саволлардан фойдаланади (Боғда мўйловли мушукча юрибди. Боғда нима юрибди? Мўйловли мушукча боғда юрибдими?).

Айтиб турувчи саволлар асосида ҳикоя қилишни яна акс эттирилган ҳикоя қилиш деб ҳам аташади. Ушбу усульнинг мақсади — болаларнинг алоҳида сўзларни такрорлашига эмас, балки бадиий асарнинг бутун ибораларини такрорлашларига эришиш, уларга матнни эркин ёдлаб олишда қўмаклашишдан иборат.

Ҳаётининг тўртинчи йилини бошдан кечираётган болаларга ҳикоя қилишда тарбиячи ҳикояни йўналтирувчи саволлар, баъзida эса айтиб турувчи саволлар билан

осонлаштиргани ҳолда тұғридан-туғри саволлар билан ёрдам беріп туради.

Агарда шеър қайта айтиб берилаётган бұлса, болалар унинг тез-тез құлланиладиган, осон эсда сақлаб қолинадиган айрим қисмларини ёлдан билгандар маъқул. Шунда улар тарбиячининг саволларига шеърдан цитаталар билан жавоб беришлари мүмкін, лекин буларни улар билан олдиндан келишиб олиш лозим.

Насрий асарларни қайта айтиб беришда ҳам болаларнинг жавоблари иложи борича бадий матнга яқын бұлғани яхши. Шунинг учун тарбиячининг тұғридан-тұғри саволлари болаларга нафақат луғатдан, балки матн синтаксисидан ҳам иложи борича тұлароқ фойдаланишда ёрдам берishi лозим. Агарда болалар матнни унудың құйған бұлсалар, тарбиячи уни айтиб туради.

Тұрт ёшли болалар томонидан баён қилиш ва тавсифлаш тусидаги асарларни ҳикоя қилишда уларға сұзли усуулар орқали ёрдам күрсатыш зарур. Бу ёшдаги болаларға тавсифлаш учун мұлоҳаза юритишни билиш талаға этиладиган асарларни таништириш тавсия қилинади. Улар билан таништириш, кейинроқ эса қайта ҳикоя қилиш учун мустақил мұлоҳаза юритишга тайёрланиш ҳисобланади. Бундай асарларни ҳикоя қилишга үргатишида реал образларға таяниш лозим: сұзли усууларни дидактик үйин ёки реал нарсаларни күрсатыш билан биргаликда амалға ошириш мүмкін.

Беш ёшли болаларға ҳам тарбиячи тұғридан-тұғри саволлар бериш орқали қайта ҳикоя қилишда ёрдамлашиши лозим, аммо айни пайтда у мавзуни ривожлантирувчи саволлар түркүми (занжири)ни берishi, яғни ҳикоя қилишнинг оддий режасини тузиши даркор. Дастлаб режа бор-йүғи 2-3 та саволдан иборат булиши мүмкін. Кейинчалик эса, болаларнинг воқеаларни вақт бүйіча изчиллікда баён қилиш заруратини үзлаштиришлари (баёнын матнлар), тавсифий матнларни ҳикоя қилиб беришни үрганишларига қараб, баён мавзуси мураккаблаштирилиб бориши лозим.

Бириңчи марта педагог болалар асар мөхиятини қабул қилишлари, ундан эстетик завқ олишлари учун бутун матнни ўқиб беради. Уни қисмлари бүйіча қайта айтиб бериш мүмкін: тарбиячи асарнинг тугалланған бир қисмими ўқиб беради, сұнgra унинг бутун мазмунини қамраб олган саволлар түркүмини беради ва болалар ушбу парчани ҳикоя қилиб

берадилар. Айни пайтда тарбиячи болаларнинг нафақат сўзларни тўғри айтишлари ва гап тузишлари, балки асарларда иштирок этаётган шахсларнинг сухбатларини ифодали қилиб айтишларини назорат килиб боради.

Ушбу ёшдаги болаларга аста-секин қидирув саволларини, яъни мулоҳаза юритишга ёрдам берувчи саволларни ўргатиш зарур. Одатда бу саволлар сўроқ сўзларидан иборат бўлади, яъни: Нима учун? Нега? Қандай? Қай тарзда? Нега энди?

Ҳаётнинг олтинчи ва еттинчи йилини бошдан кечираётган болаларга бадиий асарларни ҳикоя қилиб беришда педагог ёрдамлашиши зарур, бунда у саволларни нима учун ва нимани сўзлаш зарурлиги; нарсаларни қандай тартибда тавсифлаш ва воқеаларни қай тартибда баён қилишни белгилаб берувчи кўрсатма тусида бериши зарур.

Ҳикоя қилишни ўргатишда педагог болаларнинг диалогик нутқ билан биргаликда асар қаҳрамонларининг кечинмаларига мос равишида овоз оҳангини ўзгартиришни ўрганишлари зарурлигини унумаслиги лозим.

Болаларнинг катта бадиий асарларни бутунлай ҳикоя қилиб беришлари шарт эмас: ҳикоя қилиб бериш учун айрим лавҳаларни, нарсалар ёки воқеалар тавсифини ажратиб олиш мумкин.

Агарда тарбиячи мактабгача кичик ёшдаги болаларга аҳён-аҳёнда қидирув саволларини берса, етти ёшли болалар билан ишлашда ва уларга бадиий асарни нафақат айтиб бериши, балки унинг мазмунини тушунган ҳолда мулоҳаза юритишини ўргатишда у болаларга кўпроқ шундай тоифадаги саволларни бериши зарур, айни пайтда тарбиячи тўғридан-тўғри, йўналтирувчи ва ҳатто айтиб турувчи саволлардан ҳам воз кечмаслиги лозим.

Ҳикоя қилишни ўргатиш. Ҳикоялар турлари ва уларнинг изчиллиги. Ҳикоя тўқиши ўргатиш

Ҳикоя – бирон-бир факт, воқеанинг мустақил тузилган кенг қамровли баёнидир.

Ҳикоя тузиш – ҳикоя қилиб беришга нисбатан анча мураккаб фаолиятдир, чунки болаларнинг ўзи ушбу мавзу бўйича ҳикоя мазмуни, унинг нутқий шаклини танлашлари, уни кетма-кет (тарбиячи ёки ўз режаси асосида) баён қилишлари зарур.

Ҳикоялар шаклига кўра тавсифий ва сюжетли бўлиши мумкин.

Тавсифлаш – нарса ёки ҳодисанинг ўзига хос белгиларини баён қилишдир. Тавсифлаш қисқа бўлиши ва муайян тузилма асосида тузилиши лозим: дастлаб нарсанинг номи айтилади, сўнгра унинг ўзига хос белгилари, унинг қисмларининг нимага мўлжалланганлиги ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда нарсанинг вазифаси баён қилинади. Тавсифий ҳикоялар қиёсий (қарама-қарши белгили ҳамда ҳажми, ранги, материали, қисмлари, шаклига қараб босқичмабосқич таққосланадиган икки нарсани тавсифлаш) ва изоҳловчи (мулоҳаза юритиш, исботлаш билан биргаликда ҳикоя қилиш ва айтилаётган ҳаракатларни бажариб кўрсатиш) бўлиши мумкин.

Сюжетли (баёний) ҳикоя – воқеаларни бирон-бир қаҳрамон билан биргаликда вақт бўйича кетма-кетликда айтишдир. Болаларга уни одатдаги тузилма асосида тузишни ўргатиш зарур – дастлаб қаҳрамоннинг номи айтилади, баъзан унинг ташки кўриниши тавсифланади, биринчи воқеа баён қилинади, у қачон ва қаерда юз берганлиги тушунтирилади, сўнгра икки-уч лавҳа келтирилади ва ҳикоя яқунланади.

Мактабгача ёшдаги болалар учун ҳикояларнинг учта турини кўрсатиш мумкин:

- қабул қилинишига қараб айтиладиган ҳикоялар (боланинг ҳикоя пайтида нимани кўраётганлиги ҳақида ҳикоя);
- хотира асосида ҳикоя қилиш (бала ҳикоя айтиш пайтида нималарни қабул қилганлиги ҳақида ҳикоя);
- тасаввур асосида ҳикоя қилиш (ўйлаб топилган ҳикоя).

Қабул қилиш ва хотира асосидаги ҳикоялар фактиларни асосланган бўлиб, болалар фактларни баён қиласидилар.

Тасаввурга асосланган ҳикоялар ижод маҳсули бўлиб, унда ҳикоячи бола мавзуга қараб ўз тажрибасининг шаклини ўзгартиради ҳамда янги вазият ва образлар яратади.

Битта машғулотда битта фикрдаги ҳикоялар турларининг аралashiб кетишига йўл қўйиш мумкин: бола ўйинчоқни тавсифлаб (қабул қилиш асосида ҳикоя) бўлганидан сўнг уни қаердан сотиб олганлиги ёки уни қандай қилиб тузатганини (хотира асосидаги ҳикоя) айтиб бериши мумкин.

Юқорида санаб үтилган барча ҳикоялар турлари таълим мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тавсифлаш, баён қилиш ёки шунчаки мулоҳаза юритиш сифатида бажарилиши мумкин.

Болаларни ҳикоя қилишга худди суҳбатга тайёрлагандек тайёрлаш лозим: болалар ҳикоя предметини бутун ҳаётий тұлиқликда, сезгилари билан биргаликда (ҳажми, шакли, ранги, ҳиди, таъми, овози, ҳаракат туси ва бошқ.) үзига тасаввур қилиши зарур: нарсанинг барча белгиларини, ҳаракатларини ва уларнинг муносабатларини айтиш учун болаларда захирада сұзлар, грамматик шақллар бўлиши лозим. Ҳикоя қилишни машқ қилишдан олдин лексик, грамматик (зарур ҳолларда – фонетик) машқлар бажарилиши, шунингдек, суҳбатлашишни машқ қилиш зарур.

Ҳикоянинг маҳсус вазифаси (қайта ҳикоя қилиш вазифаси каби) – монологик нутқни ривожлантиришдан иборат.

Тарбиячи ҳикоя қилишни ўргатишни саволлар занжири ёрдамида, яъни боланинг баён қилиш, тавсифлаш ёки мулоҳаза юритишида мантиққа амал қилишни кўзда тутувчи режа ёрдамида амалга оширади.

Ҳикоя режаси оддий бўлиши, яъни бир чизиқдаги саволлар занжири шаклида ёки мураккаб, яъни кенг тармоқланган кўшимча (айтиб турувчи ёки фақат йўналтирувчи) саволлар занжири шаклида бўлиши мумкин.

Турли ёш гуруҳларидаги болалар билан машғулотлар турлича ўтказилади ва ушбу машғулотларда болаларга қўйиладиган талаблар ҳам турлича бўлади.

Ҳикояга оид машғулотларда доимо таниқли шеърлар, эртаклар, мақоллар, топишмоқларни эсга олиш мақсадга мувофиқдир: бу болаларнинг эмоционал кайфиятини кутаради ва уларнинг ҳикояларини янада ифодали қиласи.

Монологик нутққа оид машғулотларни реал обьектларга (қуёнча) таяниш усуллари ёрдамида ва реал нарсаларни эслаш (фаррош мөхнати ҳақида ҳикоя) асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар суратларга қараб ҳикоя қилишни тегишли суратларни (ҳаракатланадиган ёки ҳаракатланмайдиган) кўриб чиқиш жараёнида ўрганадилар.

Статик суратлар – бу тавсифлаш учун дидактик материаллардир: уларда тасвиrlанган нарсалар ёки ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилиш бир вақт режасида олиб борилади.

Ҳаракатланадиган суратлар – (босмахонада чоп этилган туркүм суратлар, диафильмлар, диапозитивлар ва бошқ.) – баён қилиш учун дидактиkmатериаллардир: уларда тасвирланған нарсалар ёки ҳаракатлар бир-биридан кейин келадиган вазиятлардан иборатдир.

Мулоҳаза юритиш учун материални ҳар қандай сурат бериши мүмкін, фақат бунинг учун “німа учун?” (у ёки бу воқеа, ҳаракат юз берди) ёки “қандай вазиятда?” (нарса у ёки бу белгига эга бўладими-йўқми?) деган савол тўғри қўйилса бўлди.

Болалар тарбияси мавзусига оид статик суратлардан дидактик материал сифатида фойдаланилади: улар осон композицияга эга бўлиб, уларда айrim объектларни ажратиб кўрсатиш, уларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ҳам осондир (“Биз ўйнаяпмиз”, “Уй ҳайвонлари”, “Ёввойи ҳайвонлар”, “Йил фасллари” ва бошқ.).

Ҳаракатланадиган суратлар билан ишлаш методикаси китобнинг ўз шакли билан белгиланади. Болаларга яхши таниш бўлган эртаклар ва ҳикояларга ишланған диафильмлар ва диапозитивлар болаларга монологик нутқни ўргатиш учун айниқса, жуда қулайдир. Дастлаб болалар уларни кўп марта томоша қиласидар, унинг титрлари ўқиб чиқилади (педагог ёки ота-она томонидан), сўнгра титрларни ўқишдан болаларнинг кадрларда тасвирланған лавҳаларни ҳикоя қилиб беришига ўтилади.

Монологга ўргатиш жараёни (баён қилиш, тавсифлаш, мулоҳаза юритиш) шундан иборатки, тарбиячи ўз режаси (саволлар занжри) асосида биринчидан, болага мавзудан чиқиб кетмасликка, воқеаларни мантиқий кетма-кетлиқда баён қилишга ёрдам беради, иккинчидан, ҳикоячи нутқининг эмоционал ифодалилиги ҳақида қайғуради ва ушбу мавзу учун мос келадиган шеърлар, эртаклар, топишмоқлар, ёзувчилар ҳикоялари парчаларини таклиф қиласи.

Болаларнинг тасаввур асосидаги оғзаки тўқима ҳикоялари монологик нутқ турларидан бири ҳисобланади. Ҳаёлпараст болалар суратларнинг бошланиши ёки ниҳоясини иштиёқ билан ўйлаб топадилар, яъни суратларда тасвирланған воқеалардан олдин юз бериши мүмкін бўлган воқеаларни ёки суратда тасвирланған воқеалардан кейин юз бериши мүмкін бўлган воқеаларни ўзлари тўқийдилар; таниш эртаклар ёки

ҳикоялар мавзусида контаминация¹ тузадилар, қаҳрамон номидан (1 – шахс номидан ҳикоя қилиш) ҳикоя қиладилар, унда йил фаслини ўзгартирадилар ва ҳ.к.; ўзлари эртак ҳамда ҳикоялар тўқийдилар.

Болалар ижодларини қуидаги тарзда таснифлаш мумкин:

- суратлар асосида ижодий тўқима;
- бадиий асарлар мавзусидаги контаминациялар;
- эртаклар, ҳикояларни эркин тўқиш.

Сурат асосида ижодий тўқиши мактабгача катта ёшдаги болалар билан амалга ошириш тавсия этилади. Ҳикоя суратда тасвиirlанган ҳар қандай нарса ҳақида бўлиши мумкин.

Бадиий асарлар мавзусидаги контаминациялар. Болалар катта иштиёқ билан ўзларини ўз севимли қаҳрамони (қаҳрамонлари) тушиб қолган вазиятларга қўйиб кўрадилар, унинг ҳаракатларини ўзлаштирадилар, муаллифни “тузатадилар”, асар қаҳрамонларининг муайян вазиятлардаги саргузаштларини ижодий жиҳатдан қайта ҳазм қиладилар. Болаларнинг ушбу хусусиятидан энг аввало, уларда олийжаноб характер қирраларини тарбиялашда фойдаланиш зарур. Нутқни ривожлантириш учун – монологни ўргатиш: тарбиячи ёки ота-оналардан бирортасининг илтимоси билан рағбатлантирилган болалар иштиёқ билан хаёл суро бошлайдилар, ўзларини бадиий асарнинг бирон-бир қаҳрамони (ижобий ёки салбий) сифатида тасаввур қиладилар.

Яхшилик ва гузалликка қарама-қарши қўйилган эртакдаги ҳамда реал ҳаётдаги ёмонлик ва бадбашаралик образлари ҳам тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳикоя тўқиши – комбинацияни ўргатиш методикаси қуидагича: болага эртак ёки ҳикоянинг муайян лавҳасини бу ҳудди унинг ўзи билан юз бергани каби ўз номидан айтиб бериш таклиф қилинади. Педагог «тўқиши»нинг боришини ҳамдардлик билан кузатиб боради, ўзини боланинг ҳар сўзига ишонаётгандек қилиб кўрсатади, айни пайтда боланинг нутқини кузатиб боради, унинг нутқидаги камчиликларни унга халақит бермасдан тузатиб боради. Асарни танлашда педагог

¹ Контаминация (лотинча Contaminatio – тўқнашиш, ўрнини алмаштириш; мати усули, бир асарнинг турли таҳрирдаги қисмларини бирлаштириш), БСЭ, 622-бет, 4-нашри, М., 1987.

унинг бола асар қаҳрамонларининг ижобий хусусиятларидан намуна оладиган даражада муносиб бўлишига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Зеро, ушбу ёшда боланинг ўргангандари бутун умрга муҳрланиб қолади.

Эркин тўқиши шундан иборатки, бунда болага эртак ёки «бўлиши мумкин бўлмаган» лофларни тўқиши учун тўлиқ эркинлик берилади. Тўқишига атайлаб ўргатилмайди, аммо эркин (мустақил) ижод қилиш қобилияти мактабгача таълим муассасасида ва уйда бола нутқини ривожлантириш ишларининг бутун тизими доирасида тарбиялаб борилади. Бола нутқий жиҳатдан қанчалик яхши тайёрланган бўлса, ундаги тасаввур ва ижодий қобилият шунчалик яхши ривожланади.

Лексикаси бой, грамматик тўғри бўлган, энг асосийси – мантиқий ва ифодали мустақил ижод қилиш олти-етти ёшли болаларнинг қўлидан келади. Бунгача уларнинг тўқималари – ўзларига таниш бўлган бадиий асарларнинг мантиқий жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ бўлмаган сўзлар тўпламидан иборат бўлади.

Кичик ёшдаги болаларнинг ҳикоя тўқишига қодир эмасликларини меъёрдан чекиниш, деб ҳисобламаслик лозим. Бу табиий бўлиб, болаларнинг нутқи ва фикрлаш даражаси ҳали ҳикоя тўқиши учун етарли эмаслиги билан изоҳланади.

Қайта ҳикоя қилишни машқ қилишни ҳикоя тўқиши борасидаги тайёргарлик иши ҳисобланади.

Равон нутқни (ҳикоя қилишни) ривожлантиришнинг асосий шарти катталар ва боланинг биргаликдаги сўз ижодкорлиги ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, ҳатто беш ёшли болалар ҳам таниш эртакларни, тўқима воқеаларини ҳикоя қилишига, ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб ҳикоя қилишига қизиқа бошлайдилар. Катта одам йўналтирувчи ва аниқлаштирувчи саволлар бериш, ўзининг қизиқаётганлигини билдириш, ўйин вазиятларини ҳосил қилиш (ўйинчоқлар, расмлар тўплами, қўғирчоқ театри қаҳрамонлари ёрдамида) бола ташаббусини қўллаб-куватлаши зарур. Педагогнинг ҳикоя мавзусини, воқеалар ривожини, воқеаларнинг эҳтимолий якунини, сўз шаклини айтиб бериши биргаликдаги сўз ижодкорлиги учун катта аҳамиятга эгадир. Биргаликда ҳикоя қилиб бериш дастлаб диалог кўринишига эга бўлади, бунда катта одам савол беради, бола жавоб беради, катта одам гапни бошлайди, бола эса уни ниҳоясига етказади. Бундай

диалогдан — монолог нутқи туғилади. Кейинчалик бола монологи асосида болаларнинг биргаликдаги ижодкорлиги бошланади, у каттанинг бола билан диалоги шаклини тақорлайди. Биргаликда ҳикоя қилиш учун яхши асос расмлар түркүми билан ишлашда, ролларга бўлиниб ҳикоя қилиб беришда, ўйин саҳналаштиришларда яратилади.

Мактабгача катта ёш — боланинг нутқи ўрганишга қизғин киришиш, тил воқелигини энг оддий тарзда англаш давридир. Мактабгача ёшдаги боланинг тил соҳасидаги бой тажрибаси, аниқ, образли сўзда ифодаланган ёрқин таассуротлари, кечинмалари унинг тил ва нутқ соҳасидаги мустақил фаолиятининг муҳим шартидир.

Муаммоли нутқ ҳолатлари фонетик, лексик ва грамматик мазмундаги турли сўзли дидактик ўйинларда моделлаштирилади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаларида дидактик ўйинларни ташкил қилишни болаларда сўзга нисбатан лингвистик муносабатни ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Лексик мазмундаги ўйинлар ва машқлар нутқнинг мазмун жиҳатини ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Уларда турли буюмлар ва обьектларни қиёслаш, уларнинг турли умумий хусусиятлари ва вазифаларини ажратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Реал обьектлар (ўйинчоқлар, расмлар, кийимлар, мебеллар ва ҳ.) ҳам ва тасаввур қилинадиган вазиятлар (кувноқ ва маъюс айиқча, эртаги ва кечки об-ҳаво, қаҳрамоннинг воқеа бошидаги ва унинг якунидаги кайфияти) ҳам таққосланиши мумкин. Ҳикояни бошлашдан олдинги луғат машқлари болалар равон нутқининг аниқ ва образли сўзлар ҳамда иборалар билан бойитилишига ёрдам беради.

Турли тоифадаги сўзли ўйинлар, машқлар, муаммоли вазиятларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг аста-секин мураккаблашуви, муаммоли нутқ вазифаларини мунтазам равишда қўйиб бориш-тўлақонли нутқий ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Болалар тили ва уларнинг равон нутқини ривожлантиришга доир доимий ишларнинг мақбул шакли маҳсус нутқ машғулотлари ҳисобланади, унда нутқни ривожлантиришга оид вазифалар ялпи тарзда ва ўзаро боғлиқликда ҳал этилади.

ХУЛОСАЛАР:

- Монологик нутқни қабул қилишга тайёргарлик кўриш ва унга ўргатиш бола ҳаётининг иккинчи йилида – кичик фольклор намуналарини ўрганиш жараёнида олиб борилиши лозим.
- Болаларга монологик нутқни мунтазам равиша ўргатишни беш ёшдан бошлаш зарур.
- Болаларга монологик нутқни тўғри ўргатиш учун педагог болаларнинг ёш имкониятларини билиши лозим.
- Қайта ҳикоя қилиш ва ҳикоя тўқиши – бу болаларга монологик нутқни ўргатишнинг асосий методлари ҳисобланади.
- Сўзли образларга таяниш барча ёш гуруҳларида монологни ўргатишнинг асосий усуллари ҳисобланади. Реал нарсалар ва суратларга таяниш эса – қўшимча усуллардир.
- Монологик нутқ бўйича ишлар ҳар бир ёш гуруҳида матнининг мураккаблиги ва унинг ҳажми билан фарқланади.
- Болаларнинг оғзаки монологик нутқнинг ҳар хил турларини: қайта ҳикоя қилиш, ҳикоя қилиш, ҳикоя тўқишинди ўзлаштириб олишлари ҳикоя қилишни ўргатиш вазифаси ҳисобланади.
- Мактабгача босқичдаги катта ёш – боланинг нутққа нисбатан оддий билиш қизиқувчанлиги пайдо бўлиши, тил борлигининг оддий англаш давридир.
- Турли тоифадаги сўзли ўйинлар, машқлар, муаммоли нутқий вазифаларнинг мунтазам равиша кўйиб борилиши – тўлақонли нутқий ривожлантиришнинг муҳим шартлари ҳисобланади.
- Нутқий машғулотлар – болаларнинг равон нутқини ривожлантиришга доир мунтазам ишларнинг асосий шаклидир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Болаларга монологик нутқни ўргатишга қайси ёшдан бошлаб тайёргарлик кўриш лозим?
- Монологнинг бола учун қийинлиги сабаби нимада?
- Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқий имкониятлари хусусиятлари нималардан иборат?

- Мактабгача босқичдаги катта ёшли бола нутқи вазифаларининг турли-туманлигини аниқ мисоллар орқали тавсифланг.
- Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
- Монологик матнни қайта ҳикоя қилишда ёрдам берадиган саволлар тоифаларини тавсифланг.
- Қабул қилиш, хотира ва тасаввур асосида қайта ҳикоя қилишни аниқ мисоллар орқали тушунтириб беринг.
- Реал обьектларга таяниш усулларини тавсифлаб беринг.
- Болалар тўқималарини таснифланг ва уларни тавсифланг.
- Нутқни мазмун жиҳатидан ривожлантиришнинг асосий шартларини тавсифлаб беринг.

Х-МАВЗУ. ЛУГАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Лугат ишлари моҳияти, мазмуни ва вазифалари

Лугат ишининг метод ва усуллари

Болаларда лугатни шакллантиришга доир машғулотлар турлари

Лугат ишлари моҳияти, мазмуни ва вазифалари

Мактабгача таълим муассасасидаги лугат ишларининг моҳияти – бу тил лексикаси соҳасида болаларнинг уларга таниш ёки нотаниш бўлган, аммо улар учун қийин ҳисобланган сўзларнинг ўзлаштиришларига, нутқ маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия ишларини бир тизимга келтиришдан иборатdir. Болаларни улар ўз амалиётида қийинчилик билан ўзлаштирадиган, тўсатдан ёки умуман танимайдиган, бузилган шаклда талаффуз қиласидиган сўзлар билан куроллантириш анча педагогик саъй-ҳаракатларни талаб қиласиди. Психология, лингвистика, физиологияга оид маълумотлар турли ёш босқичларидаги болалар учун ана шундай сўзлар доирасини аниқлашга ёрдам беради.

Болалар лугатини бойитиш бир вақтнинг ўзида уларни атрофдаги борлиқ олам билан таништириш билан биргаликда олиб борилади. Тарбиячи болага бир сўзни маълум қилиш ва унинг маъносини очиб бериш билан бир вақтда уни номи айтилаётган нарса ёки ҳодисага нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ўргатади.

Лугат ишларини ўtkазишда тарбиячи боланинг умумий нутқ маданиятига таъсир қиласиди, унга умумий равишда қабул қилинган адабий сўзлар ва ифодаларни маълум қиласиди, уларни тўғри товуш ва грамматик шаклда ифода қиласиди, бунда у болаларда учрайдиган шева лексикасини бартараф қиласиди (таъқиқлайди), уларни адабий меъёрлар билан алмаштиради.

«Лугатни эгаллаш» атамаси – бу нафақат сўзни ўзлаштириш, уни тушуниш, балки уни албатта қўллаш, нутқий фаолиятда фойдаланиш демакдир.

Инсоннинг юқори нутқ маданияти, лугатининг бойлиги ҳақида у «эшитилган», инсоннинг жонли нутқини безаб турган тақдирдагина сўз юритиш мумкин.

Лугат ишидаги асосий жиҳат – бу фақат болаларга янги сўзни таништириш эмас, балки уларни фаол нутқقا киритишdir.

Мактабгача таълим муассасасидаги лугат иши – бу болаларнинг фаол лугатини нотаниш ёки улар учун қийин бўлган сўзлар билан режа асосида бойитиб боришдан иборатdir.

Ўзбек тили лугати тўхтовсиз тарихий ривожланиш жараёнида бўлади. Ундаги ўзгаришлар энг аввало инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти, жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқdir. Янги нарсалар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши билан уларни номловчи янги тушунчалар ва сўзлар ҳам пайдо бўлади. Бундан ташқари илгаридан мавжуд бўлган айрим сўзлар янгиланади, уларнинг маъноси ўзгаради, кўп сўзлар муомаладан чиқиб кетади. Болалар билан лугат ишларини ўtkазиша сўзнинг ривожланувчи тусга эгалигини ҳисобга олиш зарур.

Ўзбек тилининг лугат таркибини умумий қўлланишдаги лексика ташкил қиласди. Бу ўзбек тилида сўзлашаётган одамларга қўшимча изоҳларсиз тушунарли бўлган ва муомала учун зарур бўлган сўзлар гуруҳидир. У узоқ вақт мобайнида яратилган. Бу лексикага нутқнинг турли қисмлари киради. Мактабгача таълим муассасасида лугат ишининг мазмунини асосан умумий қўлланишдаги лексика ташкил этиши туфайли тарбиячи болалар нутқини нафақат отлар билан, балки феъллар, саноқ сўзлар, олд кўмакчилар, сифатлар ва бошқа нутқ қисмлари билан ҳам бойитиши зарур.

Болалар лугатини фольклор элементлари (қўзим, тойчоғим, она қизим) билан ҳам бойитиш даркор, чунки маълум ҳолларда (қайта ҳикоя қилиш машғулотлари, эртак тўқиши, саҳналаштириш, ўйинлар ва бошқ.) улар болалар нутқига киритиш учун атайлаб таклиф қилинади, сўнгра алоҳида эмоционал жиҳатлар (эркалаш, юпатиш, илтимос қилиш ва ҳ.к.) боланинг маиший нутқини безashi мумкин.

Лугат ишининг ўзига хослиги адабий меъёрлардан чекиниш сифатида қараладиган оддий сўзлашув сўзларини, вульгаризмни қўллашни таъқиқлашдан иборат.

Бундан ташқари, унумаслик лозимки, тилда айрим сўзларни таъқиқлаш ҳодисаси мавжуд. Мактабгача таълим муассасасида ҳам ушбу ҳодиса билан юзма-юз келишга тўғри келади: масалан, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда

биз болаларга ҳожатта боришини англатувчи сўзларни шартли образлар билан алмаштиришни ўргатамиз.

Ўзбек фразологиясининг айрим мисоллари билан танишириш луғат ишининг мазмунига киради.

Мактабгача ёшдаги болаларга, айниқса ушбу катта ёшдаги болаларга ҳалқ-сўзлашув фразеологиясидан уларнинг имкони етадиган, мазмунан оддий бўлган айрим сўзларни, шу жумладан ўзбек фольклорининг барқарор оборотлари, мақоллар ва маталларни қабул қилиш, тушуниш, эслаб қолиш ва кези келгандан фойдаланишини ўргатиш зарур. Бироқ ушбу ишни амалга оширишда унутмаслик лозимки, болалар сўзнинг рақобатчи мазмунига, унинг таркибига боғлиқ бўлмаган бутун сўз бирикмасининг умумий мазмунини ўзлаштиришлари қийин кечади (масалан, оғзи қулоғида, еттинчи осмонда ва бошқ.). Шунинг учун тарбиячи ўз нутқига маъноси болаларга муайян вазиятларда тушунарли бўладиган, ёки тегишли тушунтириш натижасида тушуниладиган ифодаларни киритиши лозим. Бундай ифодалар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин: «ўзим, шунчаки», «енг шимариб», «азамат паҳлавон» ва ҳ.к.

Ҳар бир сўзда қўйидагиларни ажратиш мумкин: унинг мазмуни ёки унга яширинган маъноси; сўзнинг товуш таркиби, унинг морфологик гузилмаси.

Болалар билан луғат ишларини амалга оширишда сўзнинг ушбу учта хусусиятини ҳисобга олиш зарур.

Амалиётда кўпинча болаларнинг сўз маъносини билмасликлари ёки унинг маъносини бузиб талқин қилишларини учратиш мумкин (масалан, лангар – бир қўнғизча. Бу сувга ташланадиган нарса). Шунингдек, мазмунига кўра болаларга яхши таниш бўлган сўзнинг товуш таркибини бузиш ҳолларига дуч келиш мумкин (трамвай, кутубхона, котлет, компот ва ҳ.к.). Бу бузилишларни сабртоқат билан тузатиш, шунингдек янги сўзларнинг болалар талаффузида тўғри жаранглашини назорат қилиш лозим. Морфологик тизимга оид мураккаб ҳолатларни билгани ҳолда тарбиячи болаларнинг диққат-эътиборини атайлаб айрим сўзларнинг грамматик жиҳатига, уларнинг сўз билан бирикишига қаратиши мумкин. Масалан: Пальтонинг ёқаси қундузли экан. Пальтонинг илгичи ҳам бор экан ва ҳ.к.

Алоҳида ҳолатларда тарбиячи маҳсус усувлар билан баъзан атрофдагилар нутқида бузиб талаффуз қилинадиган

сўзларда тўғри ургу қўйилишини мустаҳкамлаши лозим (масалан, суръат – сурат).

Болаларга айрим отларни таништиришда тарбиячи уларнинг турини таъкидлаши, отни сифатлар билан биргаликда қўллаши, бунда сифатнинг якунига эътиборни қаратиши зарур: пальто-кичик, қўйлак-чиройли, қизил, оқ, сичқон – кулранг ва ҳ.к.

Лексиканинг асосий ҳажмини мустақил маънога эга бўлган сўзлар (отлар, сифатлар, равишлар, феъллар) сўзлар ташкил этади. Булар энг тўла ҳуқуқли сўзлар бўлиб, улар номлар сифатида хизмат қиласди. Тушунчани ифодалайди ва гапнинг асоси бўлиб хизмат қиласди (яъни, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифасида чиқади). Пировардида, болалар нутқини бойитиш энг аввало мустақил маънога эга бўлган сўзлар соҳасида олиб борилиши лозим.

Саноқ сўзларни ўзлаштириш болаларга анча қийин кечади.

Болалар нутқини саноқ сўзлар билан бойитиш асосан, уларда математик тасаввурларни шакллантиришга доир машғулотларда рўй беради, ушбу сўзларни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш она тили машғулотларида лугат ишининг маҳсус мавзуси бўлмоғи лозим.

Мактабгача ёшда бола шундай лугатга эга бўлиши лозимки, токи у болага тенгдошлари ва катталар билан мулоқот қилиш, мактабда муваффақиятли таълим олиш, адабиётни, телевизион ва радио эшилтиришларини тушуниш имконини берсин. Шунинг учун мактабгача таълим педагогикаси лугатни ривожлантиришга нутқни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида қарайди.

Лугатни ривожлантиришни ҳалқ томонидан тарихий даврлар мобайнida тўпланган лугат заҳирасини ўзлаштиришнинг узоқ давом этадиган жараёни сифатида тушуниш даркор.

Ушбу жараённинг миқдорий ва сифат жиҳатларини ажратиш мумкин. Энг аввало бола лугатидаги миқдорий ўзгаришларни қайд этиш лозим. Чунончи, I ёшда кичкинтой 10-12 та сўзни фаол билади, 6 ёшга келиб эса унинг фаол лугати 3-3,5 мингтагача ортади.

Лугатнинг сифат хусусиятлари ҳақида сўз юритганда болалар сўзнинг билиш натижасини акс эттирувчи ижтимоий

бириктирилган мазмунини аста-секин эгаллаб олишларини назарда тутиш лозим. Ушбу билиш натижаси сўзда мустаҳкамланади, шу туфайли одамлар томонидан англанади ва мулоқот жараёнида бошқа одамларга узатилади.

Ҳар бир сўзниң мазмуни тушунчадир. Фикр, сўз умумийликни кўрсатади. Психологияда ҳам сўз мазмуни умумлаштирма ёки тушунча сифатида белгиланади. «Сўз мазмуни психологик жиҳатдан айнан умумлаштирилган тушунчанинг ўзири. Биз сўз мазмунини фикрлаш феномени сифатида кўриб чиқишига ҳақлимиз» (Л.С.Выготский¹). Шунинг учун луғатни эгаллаш жараёни тушунчалар билан узвий боғлиқ ва шу туфайли у қуидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

I-хусусияти – болалар луғатининг мазмуни. Фикрлашининг кўргазмали-таъсиричан ва кўргазмали-образли тусга эгалиги боис бола энг аввало кўргазмали тақдим этилган ёки унинг фаолияти учун мумкин бўлган, болалар луғатида анча кенг акс эттирилган нарсалар, ҳодисалар, сифатлар, хусусиятлар, муносабатларни ўзлаштириб олади.

Мактабгача ёшдаги боланинг луғатида нисбатан мавҳум тушунчаларни белгилайдиган бундай сўзларниң йўқлиги ёки уларниң маъноси бузилиши ҳам шу билан изоҳланади.

II-хусусияти – сўзниң маъноси, мазмун-моҳиятини аста-секин эгаллаш. Мактабгача ёшдаги болада тушунчалар асосида фикрлаш ҳали шаклланмаганлиги сабабли у эгаллаб олган сўзларниң маъноси ҳам муайян ёш босқичида тушунарли бўлмайди. Дастреб бола сўзни муайян нарса ёки ҳодиса билан боғлади. Бундай сўз умумлаштирувчи хусусиятга эга эмас, у фақат болага муайян нарса, ҳодиса ҳақида сигнал беради ва уларниң образини чақиради (масалан, бола учун соат сўзи фақат унинг хонасида осилиб турган соатни англатади, холос.).

Мактабгача ёшдаги боланинг атрофдаги борлиқни – нарсалар, ҳодисалар (хусусиятлар, хоссалар, сифатлар)ни ўзлаштиришининг боришига қараб у уларни у ёки бу белгисига қараб умумлаштиришни бошлияди. Кўпинча умумлаштиришлар аҳамиятсиз, бироқ бола учун эмоционал жиҳатдан муҳим бўлган белгиларига қараб қилинади.

¹ Выготский Л.С. Избранные психологические исследования. М., 1956, 322-бет.

Шундай қилиб, мактабгача босқичдаги болаликда сўз мазмуни боланинг билиш имкониятлари ривожланишига қараб ўзгариб боради.

III-хусусияти – бола луфати ҳажмининг катталар луфати ҳажмидан анча камлиги. Чунки боланинг билиш тажрибаси ва пировардидаги атроф-олам ҳақида тўплаган маълумотлари катта ёшли одамнинг билимлари ҳажмидан анча кам бўлади.

Луфатни ривожлантиришдаги мазкур хусусиятлар мактабгача таълим муассасасидаги болалар билан олиб бориладиган луфат ишларининг вазифаларини аниқлаш имконини беради.

• Мазмунли мулоқот учун зарур бўлган миқдордаги сўзлар тўпланишини таъминлаш

а) сўзлар мазмунини атроф-оламдаги обьектларга таққослаш, уларнинг хусусиятлари ва муносабатлари асосида эгаллаб олиш;

б) нарсалар ва ҳодисаларнинг аҳамиятли белгиларини ажратиш асосида сўзнинг умумлаштирувчи маъносини ўзлаштириш;

с) нутқнинг образли қаторига кириш ва ундан фойдалана олиш.

• Ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган сўзнинг ўзлаштирилишини таъминлаш.

Ушбу вазифани хал этиш қўйидагиларни кўзда тутади:

• Луфатни фаоллаштириш, яъни нафақат сўзларни билиш, балки уларни мулоқот амалиётига киритиш.

Болалар луфатининг хусусияти ва луфат ишларининг вазифасини мактабгача таълим муассасасидаги луфат ишлари дастури ва методикасининг асосини ташкил этадиган тамоилиллар белгилаб беради:

• Болалар луфатини шакллантиришда уларнинг атроф-оламни фаол ва таъсирчан билишларига таяниш.

• Луфат ишлари мазмунининг боланинг аста-секин атроф-оламни билиш имкониятлари ривожланаётгани билан боғлиқлиги.

Луфат ишлари дастури мазмунини мураккаблаштириш учта йўналишда амалга оширилмоқда:

- Болани аста-секин ортиб бораётган нарса ва ҳодисалар доираси билан таништириш асосида унинг луғатини кенгайтириш.

- Атроф-оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш асосида сифат, хусусият ва муносабатни белгиловчи сўзларни киритиш.

Луғат ишининг ушбу йўналишлари барча ёш гуруҳларида рўй беради ва турли мазмунда кузатилади: обьектлар ва табиат ҳодисалари, моддий маданият буюмлари, ижтимоий ҳаёт кўринишлари билан таништиришда ва ҳ.к.

Луғат ишининг метод ва усуслари

Болаларнинг луғати уларга атрофдаги оламни таништириш билан бир вақтда ўсиб боради. Луғатни шакллантириш жараёнида тарбиячи болаларнинг психологик жараёнларини, уларнинг ақлий қобилияtlарини: сезги, диққат-эътибор, хотира, фикрлаш, (кузатиш) кузатувчанлигини ривожлантиради. Умумий педагогик жараёнда нутқни ривожлантириш билан биргаликда болаларнинг ҳиссиятлари ва хулқ-атвори, маданий-гигиеник кўнилмалари, ахлоқий тасаввурлари ва ҳатти-ҳаракатлари, эстетик туйғулари шаклланади. Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама тарбиялашнинг ушбу вазифалари луғат ишларини ўtkазишда назарда тутилади. Келгусида луғат ишларининг муайян усуслари ва методларини кўриб чиқсан ҳолда биз бу умумпедагогик масалаларга тўхталиб ўтирумаймиз.

Луғат ишларининг методи – бу:

Луғатни бойитиш методлари: атроф-оламни бевосита кузатиш; мазмуни болаларга нотаниш бўлган ёки жуда кам таниш бўлган суратларни кўрсатиш; бадиий асарларни ўқиш, диафильмлар ва кинофильмлар (хужжатли фильмлар) кўрсатиш.

Луғатни мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш методлари: болаларга таниш мазмундаги ўйинчоқларни, суратларни кўриб чиқиши, дидактик ўйинлар.

Ҳар бир боланинг лексик заҳирасини тўлдириш уни атроф-олам билан таништириш жараёнида рўй беради: сўз боланинг ўзи белгилаган (нусха кўчирган) нарса ёки ҳаракатни тасаввур қилиши билан бир вақтга хотирага киради.

Боланинг она тилидаги сўзни ўзлаштириш жараёни ушбу сўзларга мос келувчи нарсаларни «тадқиқ килиши» билан бир вақтда рўй беради: бола нарсаларни кўздан кечиради, кўл теккизади, ушлаб кўради, сийпалайди, унинг қандай овоз чиқаришига қулоқ тутади, таъмини кўрмоқчи бўлади, ҳидлаб кўради. Бола ўз диққат-эътиборини жамлаган нарса унинг онгига барча бешта сезги – кўриш, тинглаш, ҳидлаш, таъм, ушлаб кўриш, сезиш орқали киради. Дунёни бу каби сезгилар орқали англаш боланинг эмоционал дунёсини ривожлантиради; у нафақат кескин ҳолатларни («ажойиб» - «расво») бошдан ўтказишга, балки барча оралиқ ҳис-туйғуларни сезишга қодир бўлади.

Нарсани сезги билан қабул қилиш сўз ёрдамида бола хотирасида ушбу нарса ҳақидаги тасаввур сифатида муҳрланиб қолганидан сўнг унинг номини атовчи сўз болада энг аввало у мазкур нарса билан бевосита тўқнаш келганида бошдан ўтказган ҳис-туйғуларни уйғотади.

Масалан, арча сўзи. Бола бу сўзни эшлитиши билан унинг илгари ҳис қилган барча ҳис-туйғулари дарҳол жонланади: у ўз хаёлот дунёсида муайян арчани, унинг яшил баргларини кўради, деярли унинг ҳидини туяди ва ҳ.к.

Сўзни бу тарзда қабул қилиш шеърий қабул қилиш дейилади. Агарда тарбиячи болага илк ёшдан бошлаб она тилидаги сўзларни уларнинг бутун шеърий ифодасида ўргатиб келган бўлса (яъни, уларни қабул қилишнинг ҳис-туйғу негизи ҳақида қайғурса), бу ҳолда болада инсонга нафақат ўзи ижод қилиши учун, балки шоирларнинг ижодини тушуниш учун ҳам зарур бўлган шоирлик қобилияти ривожланади.

Бола сўзнинг «ҳис-туйғули асосини» ўзлаштириб олгандан сўнг у унинг умумлаштирувчи аҳамиятини тушунишга қодир бўлади. Айнан шунинг учун илк ёшдаги ва мактабгача ёшдаги болалар луфатини бойитиш уларни атрофдаги майший ҳаёт, табиат, кишилар меҳнати, уларнинг ижтимоий ҳаёти билан таништириш жараёнида уюштирилиши зарур. Айни пайтда тарбиячи (ва бола атрофидаги барча катталар) бола билан грамматик жиҳатдан расмийлаштирилган равон нутқда (яъни оддий нутқда, чунки бир-бирига боғланмаган сўзлар тўпламини нутқ деб бўлмайди) мулоқот қилишлари лозим. Пировардида, бола катталар нутқидан эшитган айрим сўзларини ўзи ажратади.

Бола ҳәётнинг 3-йилида болалар «биринчи саволлар даврини» бошдан кечирадилар. Бунда уларнинг атрофда кўрган барча нарсалар номларини билиб олишга интилишлари пайдо бўлади: «Ким бу?», «Исми нима?», «Бу нима?», «Нима учун?».

Ушбу ёшда боланинг қизиқувчанилиги энг аввало «лингвистик» тусга эга бўлади: бунда болани ушбу сўзлар билан аталадиган нарсалар моҳияти қанчалик қизиқтириса, сўзлар ҳам шу даражада қизиқтиради. Бола билан эркин мuloқot чоғида унинг саволларига жавоб қайтариш учун тарбиячи болага учраган ва эътиборини ўзига жалб қилган нарса номини айтиш орқали бола луфатини бойитади. Чунончи, нарса белгилари (сифат) номларини; ҳаракат ва ҳолатни; (феъллар, сифатдошлар, равишдош ва уларнинг равишилик белгилари) билиб олади ва эсда сақлаб қолади.

Бевосита кузатиш мумкин бўлмаган нарсалар номларини болалар улар тасвиirlанган суратларни кўриш орқали билиб оладилар. Инсоннинг нарсани унинг тасвири (модели) билан осон таққослашга қодирлиги – туғма қобилиятидир.

Бола жуда эрта ёшдан бошлаб иштиёқ билан кўриб турган нарсалар расмларини чизишни бошлайди, бунда у чизган расмлари кўрган нарласига ўхшашига ич-ичидан ишонади (айни пайтда унинг ўзи айтган дастлабки сўзнинг товуш таркиби у катталардан эшитган сўзлар товушига ўхшашлигига ишончи комил).

Шундай қилиб бола ўз нутқини катталар билан жонли нутқий мuloқotда бойитади, шу билан бирга у мазкур мuloқot орқали ҳақиқатда кузататган ёки суратлар асосида тасаввур қилаётган нарсалари номларини билиб олади. Пировардида, луфат ишлари реал обьектлар ёки суратларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Ушбу метод барча ёш гуруҳларида қўлланилади. Нарсалар билан ўйнаш чоғида болалар уларнинг жойларини ўзгартирадилар, ҳар томонга ташлайдилар, сурадилар, ушлаб кўрадилар, юргизадилар, нарсаларни кузатадилар ва уларнинг сифати, ҳаракатларини айтиб берадилар. Айни пайтда тарбиячи бола билан унга йўналтирувчи саволлар берган ҳолда сўзлашиши лозим. Бола жавоб қайтарар экан, тарбиячи ўз саволи орқали айтиб бераётган сўзларни такрорлади. Шу тариқа боланинг лексикаси кенгаяди. Айниқса, сюжетли-ролли «режиссёрлик» ўйинларида, саҳнанаштириш жараёнида нутқни

ривожлантириш учун жуда күплаб қулай вазиятлар юзага келади.

Ролли ўйинда бола ўзи кузатган ёки ҳикоялар орқали билган ва эсда сақлаб қолган катталарнинг турли вазиятларини такрорлайди. Бола катталарнинг ана шундай вазиятлардаги ҳаракатидан ва шу билан бирга уларнинг нутқидан кўчирма олади.

«Режиссерлик» ўйинида бола ўзига роль олмайди, аксинча у ушбу сюжетда ролларни ўйинчоқлар ўртасида тақсимлайди; сюжетлар – Мактабгача таълим муассасаси, ҳайвонот боғи ва бошқ. Тарбиячи боланинг мавжуд ҳаётий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда айтиб, ёрдамлашиб туради.

Саҳналаштириш ўйинида бола ўзига таниш эртак қаҳрамонларидан бири ролини ўйнайди, ўйин жараёнида у қаҳрамон сўзларини такрорлайди ва шу тариқа ўз нутқини бойитади.

Сюжетли ўйинлар ўзлаштирилган тил материалини мустаҳкамлашда болаларга ажойиб машқ сифатида хизмат қилади. Болалар атайлаб ўз олдига муайян ҳаётий вазиятларда катталардан эшигтан нутқини ёки эртак қаҳрамони нутқини аниқ беришни мақсад қилиб қўядилар.

Ҳаракатчан ўйинлар, қоида асосидаги ўйинлар ёд олинган саноқ шеърлар, қўшиқлари билан болалар нутқини бойитади. Ёд олиш тарбиячи нутқига тақлид қилиш жараёнида рўй беради, бу ўйинларни тарбиячи болалар билан бирга ўйнайди ва дастлаб ўзи қизиқарли, саноқ шеърларни айтади, қўшиқ куйлади.

Бола у ёки бу нарса номини белгиловчи сўзни (баъзан, бир марта эшитиб) тез ва мустаҳкам (умрбод) эсда сақлаб қолади, аммо бу фақат тарбиячи сўзларни талаффуз қилишнинг методик қоидаларига риоя қилган тақдирдагина рўй беради. Яъни, у:

- етарли даражада баланд овозда сўзлаши;
- аниқ талаффуз қилиши, яъни артикуляция органларини файрат билан ва тўғри ишлатиши;
- орфоэпия қоидаларига риоя қилиши, бунда у ёки бу сўз компонентини бўрттириб юборувчи сунъий талаффуздан қочиши лозим.
- Сўзни гапга унинг грамматик шакллари имкониятлари кўринадиган даражада қўшиш керак.

Масалан, бизга айиқча мәхмон бүлиб келди. Айиқчанинг күзлари қора, панжалари катта. Болалар айиқча билан үйнашни жуда ёқтирадилар.

Бола бу гапни эшитар экан, «Айиқча» сұзи нутқда үзгараётганини сезиб қолади. Албатта, тарбиячи кичкінштік грамматик атамаларни маълум құлмайды, аммо бир вақтнинг ўзіда унда луғат бойиши билан бирга грамматик сезги ҳам ривожланади.

Бироқ, болалар ҳар доим ҳам атрофдаги нарсаларга қизиқиши билдиравермайдилар ва ҳар доим ҳам уларнинг номларини сұрайвермайдилар. Тарбиячи болалар диққат-эътиборини нарсаларға, уларнинг сифатларига, ҳаракатларига жалб қилиши зарур. Буни мунтазам равища амалга ошириш тавсия этилади.

Хафта давомида болалар қуйидаги миқдордаги сөзларни үзлаштиришлари мүмкін:

3 ёшда	- 5 та сөз
4 ёшда	- 10 та сөз
5 ёшда	- 15 та сөз
6 ёшда	- 20 та сөз
7 ёшда	- 30 та сөз

Болаларда луғатни шакллантиришга доир машғулотлар турлари

Луғат ишларига оид дастурларн амалга ошириш машғулотлар тизими орқали амалга оширилади. Бу тизим уч хил күринишдаги машғулотлардан ташкил топади:

- Луғат ишлари атроф-оламдаги доимо кенгайиб бораётган нарсалар ва ҳодисалар доираси билан таништириш жараёнида амалга ошириладиган машғулотлар (экскурсия, нарсаларни намойиш қилиш ва ҳ.к.);

- Луғат ишлари болаларнинг атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақидаги билимларини чукурлаштиришга таянадиган машғулотлар (сифатлар, хусусиятлар, ўзига хос жиҳатлари билан таништириш);

- Умумлаштиришлар жараёнида луғат ишининг ҳал қилювчи вазифаси тушунчаларни шакллантиришдан иборат бўлган машғулотлар.

Ушбу барча машғулот турларида луғатни ривожлантириш билиш фаолиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқликда амалга оширилади. Бундан машғулотлар ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг методикасига оид умумий талаблар келиб чиқади:

- Луғатни ривожлантиришнинг билиш жараёнларини ривожлантириш билан ягоналиги (қабул қилиш, тасаввур қилиш, фикрлаш).
- Нутқий ва билиш фаолиятининг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилиши.
- Нутқий ва билиш фаолиятини ташкил этиш учун асос сифатида кўргазмавийликнинг мавжудлиги.
- Луғат ишининг барча вазифаларини ҳал этиш ҳар бир машғулотда ягоналиги.

Болаларни предметли олам билан таништиришга оид машғулотларда иш вазифаси қандай ҳал этилади? Мазкур мазмун уч хил турдаги машғулотлар орқали амалга оширилади.

1. Предметлар билан бирламчи таништиришга доир машғулотлар

Мазкур машғулотларда тарбиячи предметлар ва уларнинг тасвирини, улар билан бажариладиган ҳаракатларни намойиш қиласди, «Сайрга чиқиш учун қўғирчоқни кийинтирамиз», «Айиқчага чой ичирамиз» тоифасидаги ўйин машғулотларини ўтказади ва ҳ.к.

Ушбу машғулотларнинг асосий мақсади – болалар нутқига нарсалар ва улар билан бажариладиган айрим ҳаракатлар номларини киритишдан иборат. Ушбу вазифани фақат қабул қилишни тўғри ташкил этиш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Тарбиячи болалар диққат-эътиборини нарсалар билан бажариладиган ҳаракатларга жалб қиласар экан, болаларни уларнинг номларини айтишларига зўр бериб ҳаракат қиласди: такрорлашни, саволларга жавоб беришни таклиф қиласди, сўзловчиларни рағбатлантиради, болаларни биргаликда ва алоҳида-алоҳида ҳолатда сўзлашга undайди.

Бу турдаги машғулотларда үйин усулларидан көнг фойдаланилади: нарсаларнинг күтилмаган ҳолатда пайдо бўлиши, улар билан үйин ҳаракатлари, шунингдек, үйин аксессуарлари: «ажойиб халтача», «сеҳрли қалпоқча», жұнатма, үйинчоқлар яшайдиган уйча, ҳаракатлар бажариладиган телевизор ва х.к.

Болаларнинг нарсалар ва улар билан бажариладиган ҳаракатлар номларини муваффақиятли ўзлаштиришлари учун уларнинг ҳар бирининг фаолиги талаб этилади, шунинг учун боланинг ёши қанчалик кичик бўлса, бундай машғулотларни шунчалик кўп ташкил қилиш ва уларни болаларнинг кичик гуруҳлари билан ўтказиш зарур.

2. Болаларнинг предметларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришга оид машғулотлар

Предметларни кўздан кечириш машғулотлари (биринчи марта мазкур машғулотлар Е.И.Тихеева томонидан ишлаб чиқилган). Ушбу машғулотларнинг асосий мақсадли қисмлар, деталлар ва нарсаларнинг вазифасини ажратиб кўрсатиш, улрнинг сифат ва хусусиятлари билан таништиришдан иборатdir.

Кўздан кечириш машғулотлари методикасининг асосини болаларнинг қисмларни ажратиб кўрсатиш, уларнинг вазифаси ва фойдаланишга йўналтирилган фаол ҳаракатларини йўлга қўйиш ташкил этади. Жадал фаолият нарсалар ҳақидаги билимларни болалар учун аҳамиятли қиласи ва сўзни нарса қисми, унинг деталларига аниқ қиёслашни таъминлайди.

Бундай машғулотлар уч, тўрт ва беш ёшли болалар билан ўтказилади. Ушбу машғулотлардаги нарсалар тўплами турлича бўлиши мумкин, бироқ нарса: боланинг атроф-оламда йўл топа олиши учун, унинг фаолияти учун аҳамиятли бўлиши; бола ҳаракат қилиши лозим бўлган қисмларга эга бўлиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришнинг боришига қараб бундай турдаги машғулотлар ҳаракат фаоллигини қисқартириш ва кўриш таҳдилчисига таянишни кучайтириш ҳисобига қийинлаштириб борилади, бу эса машғулотлар иштирокчиларининг сонини бутун бошли бир гуруҳгача ошириш имконини беради.

Болалар лугатини ривожлантирувчи машғулотларнинг бошқа бир тури нарсалар сифати билан таништириш машғулотларидир.

Мазкур машгүлслерни ўтказишида педагог қуидаги қоидаларни ҳисобга олиши лозим:

- Лугат ишлари нарсаларнинг сифат ва хусусиятларини ажратишига таянади, шунинг учун тарбиячи уларни синчиклаб сенсор текширувидан ўтказишини ташкил қилишини билиши лозим. Болаларда текширув усуллари ушбу машгүлсларда ўқитиш жараёнида шаклланади.

- Текширув усулларини шакллантириш тарбиячининг текширув ҳаракатларидан фойдаланишига нисбатан ажратиб олинаётган сифатга мос бўлган аниқ кўрсатмаларини талаб қилади (масалан, босиб кўр – қаттиқлигини ажратиши учун, силаб кўр – юмшоқликни ажратиб олиш учун ва ҳ.к.)

- Ҳар бир сифат ва хусусиятни ажратиб олиш, уни йўлдош хусусиятларидан холос қилишга уни қарама-қарши хусусият билан таққослаш орқали нисбатан самарали эришилади. Масалан: қаттиқ-юмшоқ, оғир-енгил, шаффоффонашффоф. Бу қаттиқликни сифат сифатида йўлдош температура сезигларидан нисбатан аниқ ажратиб олиш, қабул қилинаётган нарса юзасининг силлиқлигини ёки гадир-будурлигини ҳис қилиш имконини беради.

- Нарсанинг сифат ва хусусиятлари болалар томонидан англаниши ҳамда ўзлаштирилиши учун уларни аҳамиятли қилиш лозим, яъни уларни маҳсулдор-мазмунли фаолиятга кўшиш зарур, бунинг муваффақияти мазкур сифатларни ҳисобга олишга боғлиқ бўлади. Бу натижага эришиш боладан изланаётган сифат ёки хусусиятни ажратиб олиш ва уни ҳисобга олишни талаб қилади.

- Машгүлсларда лугат ишлари вазифасини муваффақиятли ҳал этиши кўргазмали материални танлашга боғлиқ бўлади. Шундай нарсаларни танлаш зарурки, токи унда ажратиб олинаётган сифатлари ёрқин тасвирлансин, чалғитувчи сифатлари эса (ёрқин рангларга бўяш, ҳаракатланувчи қисмларининг мавжудлиги, ўйин борасида қизиқарлилиги ва бошқ.) иложи борича камроқ бўлсин.

Бундай турдаги машгүлслар мактабгача ўшдаги боланинг билиш мантиғи талаб қиласидан муайян тузилмага эга бўлади:

I-қисм – У ёки бу фаолиятга оид вазиятда нарса сифатини ажратиб олиш.

II-қисм – Болаларга текшириш ҳаракатларини ўргатиши, ҳар бир бола томонидан зарур сифатларни ажратиб олиш. Унинг асосида мазкур сифатни белгловчи янги сўз киритилади.

III-қисм – Болаларга турли-туман нарсалар сифатини ажратиш ва янги сўзлардан фойдаланишни машқ қилдириш.

Болалар олган билим ва кўнгималар кейинги машғулотлар ҳамда кундалик ҳаётда мустаҳкамланади.

Ушбу турдаги машғулотларни мураккаблаштириш ажратилаётган сифат ва хусусиятлар тўпламини ошириш йўлида олиб борилади. Энг турлича тўплам болаларга тури хил материалларни таништириша рўй беради. Бундай мазмундаги машғулотларга нисбатан методик талаблар шундайлигича қолади, бироқ уларнинг мураккаблиги шундаки, бунда сифатга у ёки бу хусусиятлар белгилари сифатида қаралади.

Нарсаларни таққослашга оид машғулотлар болалар лугатини нарсалар, уларнинг сифатлари ва хусусиятлари ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш асосида шакллантириш машғулотлари тизимида якунловчи ҳисобланади.

Бундай машғулотлар нарсаларнинг қисмлари, деталларини кўриш, уларнинг сифат ва хусусиятларини ажрата олиш борасида шакллантирилган қобилиятга таянгандари туфайли улар катта гуруҳда ва мактабга тайёрлов гуруҳларда ўтказилади.

Луғат ишининг вазифаларини ҳал этиш борасида ушбу машғулотларнинг мақсади нарсалар ажратишни тавсифлаш учун нисбатан аниқ сўзларни танлаш қобилиятини шакллантиришдир. Машғулотлар муваффақияти, уларнинг самарадорлиги қўйидаги шарт-шароитларга боғлиқ;

- Таққослаш учун нарсаларн танлаш. Улар етарли миқдорда таққосланадиган белгиларга эга бўлмоғи лозим: фарқлилик ва умумийлик белгилари (ранг, шакл, миқдор, қисмлар, деталлар, материалнинг вазифаси ва ҳ.к.);

- Таққослашнинг режалилиги. Тарбиячи болаларни нарсаларни умуман таққослашдан (вазифаси, ранги, шакли, миқдорига қараб) аста-секин дастглаб фарқларига қараб, сўнгра эса ўхшашлигига қараб қисмларга ажратиш ва таққослашга йўналтиради. Таққослаш умумлаштириш билан ниҳоясига етади, бунда ҳар бир нарсанинг фарқловчи белгилари ажратилади.

- Нарсларни танлаш. Бундай машғулотларда тарбиячининг таққослашларни изчил қуриш; болаларнинг ўзлари пайқамайдиган ўзига хос хусусиятларини кўриш,

жавобни иложи борича аниқ шакллантириш ва зарур сўзларни танлашда болаларга ёрдам берувчи савол ва кўрсатмалари таълимнинг асосий усуслари ҳисобланадилар.

• Тарбиячи ва болаларнинг нутқий фаоллигини таққослаш. Бу ерда болалар ҳам иложи борича кўпроқ нутқий фаоллик кўрсатишлари зарур. Тарбиячи ўзининг оз сўзли аниқ саволлари, кўрсатмалари билан уларнинг ақлий ва нутқий фаоллигини уйғотади.

Шундай қилиб, нарсалар ва материалларнинг қисмлари, сифатлари ва хусусиятлари билан таништиришга доир машгулотлар болалар нутқига ўзида турли нутқ қисмларини: отлар (нарсалар ва уларнинг қисмлари номлари), феъллар (нарсалар билан ҳаракатлар номлари, нарсалардан фойдаланиш, қидирувчилик ҳаракатлари), сифатларни (сифатлар номлари) жамлаган сўзларнинг анча кенг ва хилмали заҳирасини киритиш имконини беради.

3. Лугат ишлари вазифасини тушунчаларни умумлаштириш, шакллантириш жараёнида ҳал этувчи машгулотлар

Ҳажми ҳамда чалғитиш ва умумлаштириш даражасига қараб турлича бўлган тушунчалар мавжуд. Билиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларга эгалиги боис мактабгача ёшдаги болалар фақат сезиларли белгилари етарли даражада аниқ ифодаланган ҳамда кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли фикрлаш усуслари учун имконли бўлган тушунчаларнигина ўзлаштирадилар, холос.

Мактабгача таълим муассасаси дастури тур ва тоифага оид умумлаштирмаларни шакллантириш талабини ўз ичига олади. Тоифали умумлаштиришлар дастурда сезиларли белгиларини ажратиш ва улар бўйича умумлаштиришни амалга оширишни талаб қиласи, аммо бу белгилар хусусиятлари, уларнинг сони чекланган.

Чунончи, кўпинча нарсаларнинг ташқи хусусиятлари турли умумлаштирмаларнинг сезиларли белгилари бўлиши мумкин. Хусусан: қисмлар, шакллар, миқдорлар ва ҳ.к. масалан, кресло стулдан тирсаккўйгичлари борлиги билан фарқланади; гольф, пайпоқ узунлиги билан, дастрўмол, дурра – шакли билан фарқланади ва ҳ.к.

Тоифали тушунчалар учун ташқи белгилар ҳам, ички белгилар ҳам, айни пайтда нисбатан яширин белгилар ёки уларнинг гурухлари ҳам сезилиарли бўлиши мумкин

Масалан, “йийинчиоқ”, “кийим” каби тоифали тушунчаларнинг асосида ташқи белгиларига кўра турлича бўлган нарсалардан фойдаланиш усули ётади; “сабзавотлар”, “мевалар” тушунчаларининг асосини эса бир нечта белгилар, яъни улардан фойдаланиш, уларни инсон томонидан этишириш усуллари ва ҳ.к. ташкил этади.

Тур ва тоифага оид тушунчаларни шакллантириш жараёнида нарсалар турлари ва гурухларини аниқ ифодаловчи янги сўзларни киритиш амалга оширилади, шу туфайли сўзни аниқ қўллаш, нарсаларнинг номларини аниқ айтиш таъминланади. Бу нутқий мулоқотда қисқалик, аниқлик ва ўзаро бир-бирини тушунишни таъминлайди.

Тушунчаларни ва уларга мос келувчи луғатни шакллантиришга бағишлиланган машгулотлар болалардан нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни: қисмлари, шакли, миқдори ва вазифасини кўра олишни талаб қиласди. Шунинг учун улар мактабгача ёшдаги болаларнинг предметлар ҳақидаги билимларини чукӯрлаштириш амалга оширилган машгулотларда олган билим ва кўнижмаларига таянадилар.

Шундай қилиб, ушбу машгулотлар луғатни ривожлантириш ишларининг умумий тизимиға киради ва улар бошқа машгулот турлари билан узвий боғлиқдир.

Анчайин умумийлик мавжудлигига қарамасдан тур ва тоифа тушунчаларини шакллантиришга оид машгулотлар ўзларининг методик хусусиятларига эгадирлар, улар тушунчалар мазмуни билан изоҳланади ва асосан тўрт ёшли болалар билан ўтказилади.

Ушбу машгулотларни ўтказиш методикасида тарбиячи қўйидагиларни ҳисобга олиши зарур:

- Машгулот кўргазмали материал асосида қурилади. Нарсалар тўплами аҳамиятсиз белгилари билан фарқланадиган бир турдаги нарсалар ва яқин турлардаги нарсаларни ўз ичига олиши лозим: ранги, шакли, ҳажми бўйича турлича бўлган дастали пиёла, шунингдек бокал, кружка ва ҳ.к., болалар дастали пиёлани шулардан фарқлашлари лозим.

- Бола ўхшаш нарсалар гуруҳидан предметни танлаб олиш зарурати олдида қолдирилади. У танлашга сабаб бўлган белгини ажратгани ҳолда ўз қарорини асослаши лозим.

• Танлаш зарурати болага тушунарлы бўлиши лозим. Шу муносабат билан танлаш вазифаси бола учун қизиқарли бўлган фаолиятга, кўпинча ўйинга қўшилади.

Бундай турдаги машғулотлар учун қўғирчоқли ўйин-машғулотлардан фойдаланиш мумкин. Турга оид умумлаштирмалар ва тегишли луғатни шакллантиришга бағишланган машғулотлар методикаси ҳам белгилар гуруҳидан отларни ажратиб олишга йўналтирилган. Аммо бу ҳолда турли хилдаги нарсалар гуруҳи умумлаштирилиши туфайли, бундай машғулотлар алоҳида тузилмага эга бўлади:

I-қисм. Болаларга таниш бўлган, машғулот учун танлаб олинган барча тўпламни ажратиш.

II-қисм. Белгиларини умумлаштириш учун отларни аҳамиятсизларидан ажратиш, нарсалар гуруҳларини сезиларли белгиларига қараб умумлаштириш ва ушбу гуруҳга белгиловчи сўзларни киритиш (тушунча устидаги ишлар).

III-қисм. Сезиларли белгиларини ҳисобга олиш асосида болаларнинг нарсалар турларини тушунча остига олиб келишларини машқ қилириш.

Бу ерда машғулотнинг турли қисмлари учун кўргазмали материалларни танлаш ҳам ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Биринчи ва иккинчи қисмлар учун аҳамиятсиз белгилари бўйича бир-биридан яққол фарқланиб турадиган уч-тўрт турдаги нарсалар танлаб олинади.

Машғулотнинг учинчи қисми учун нарсалар тўплами ушбу тушунчага киравчи бошқа турлар ва нимаси биландир бир-бирига яқин бўлган, аммо бошқа тушунчаларга киравчи билан тўлдирилади. Масалан, “сабзавот” тушунчаларини шакллантиришга доир машғулотларнинг биринчи икки қисми учун шакли, таъми ва ранги бўйича фарқланадиган сабзи, пиёз, бодрингни олиш мумкин. Учинчи қисми учун қўшимча равиша картошка, карам, қизилча, помидор ва бошқалар олинади, ҳамда фарқлаш учун шолғом нок, қўзиқорин, мевалар, лимон ва ҳ.к. берилади.

Тушунчалар ва тегишли сўзларга бағишланган машғулотларда биринчи қисм тушириб қолдирилиши мумкин. Бунда бирданига иккита илгари шакллантирилган тушунчалар билан иш олиб борилади (масалан, сабзавот ва мевалар, кийим ва пойабзал, мебель ва идиш-товоқлар ва ҳ.к.). Ушбу ўринда нафақат сурат ва нарсалардан, балки “учади-учмайди” каби сўзли ўйин машқларидан ҳам фойдаланилади.

Тушунчалар устидаги кейинги ишлар уларни табақалаштириш, қисмларга ажратиш йўналиши бўйича олиб борилади. Масалан, “транспорт” тушунчаси табақалаштирилади, ва шу асосда янги сўзлар киритилади: транспорт – ҳаво, сув, ер устки, ер ости транспорти; кийим – қиши, ёзги, мавсумий кийимлар; идишлар – чой, емакхона, ошхона идишлари. Бу мазмун маҳсус машғулотларда амалга оширилади. Бироқ бу ўринда асосийси сезиларли белгини ажратиш ва уни тушунчага олиб боришдан иборатдир.

Шундай қилиб, машғулотлар жараёнида мактабгача ёшдаги болаларда сўзнинг тушунчавий хусусияти шакланади, уларнинг фикрлаши ривожланади.

Лугатни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш маҳсус машғулотлар, дидактик ўйинлар ва қундалик мулоқот жараёнида ташкил этилади.

Лугатни мустаҳкамлаш борасида маҳсус иш олиб борилаётган машғулот нарсаларни тавсифлаш, топишмоқлар айтиш ва уларни топиш ўрганиладиган машғулотлар хисобланади.

Нарсаларни тавсифлашга доир машғулотлардан беш, олти, етти ёшли болалар билан ўтказиладиган амалий ишларда кенг фойдаланиш лозим. Уларни болаларга таниш бўлган “Ажойиб ҳалтacha” ўйини шаклида ўтказиш лозим. Болаларнинг диққат-эътиборини кўп сонли белгилар ажратишга йўналтириш учун “Ким кўпроқ кўради ва айтади?” кўринишидаги ўйин шаклидан фойдаланиш тавсия этилади.

Топишмоқ топишни ўргатишга доир машғулотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу машғулотларнинг лугат ишининг вазифаларини ҳал этишдаги қиммати нафақат уларда нарсалар хусусияти ҳақидаги билимлар ва тегишли лугатни мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилишида, балки улар болага ўзбек тилининг образли ифодасига кириб бориша ёрдам беришидадир.

Ҳар бир топишмоқ нарсанинг, унинг ўзига хос хусусиятларининг суратли, образли тавсифидир. Айни пайтда кўпинча бундай тавсифлар бошқа нарса орқали берилади. Шу сабабли бола топишмоқни топиши учун у нарсаларнинг хусусиятларини билиши, нарсаларни таққослай олиши, улардаги умумийликни кўриши зарур. Топишмоқли машғулотларни болалар нарсаларнинг хусусияти билан танишганидан сўнг киритишнинг сабаби ҳам мана шунда.

Бундай машғулотларнинг мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришдаги имкониятларидан энг юқори даражада фойдаланиш учун уларни ўтказишида қуидаги методик қоидаларни ҳисобга олиши зарур:

- Топишмоқлар танлаш. Топишмоқлар мазмунига кўра болалар учун имконли бўлиши лозим, яъни у ўзига хос хусусиятлари болаларга яхши таниш бўлган нарсалар ҳақида бўлмоғи даркор. Шаклига кўра энг имконли топишмоқлар икки турдаги топишмоқлардир: нарсанинг номини айтмаган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларининг бевосита таърифи сифатида курилган топишмоқлар (“қишида ҳам, ёзда ҳам бир хил рангда”) ва метафорик топишмоқлар, бунда битта нарсанинг ўзига хос хусусиятлари бошқа нарса орқали берилади (масалан, типратикан ҳақидаги топишмоқ: “Дараҳтлар остида, арча остида, югурап ёстиқча игна остида”).

- Машғулотларда болаларга топишмоқлар жавобларини эслаб қолмасдан, образли тавсифлар ортидан реал нарсалар ва уларнинг хусусиятларини кўра олишиň ўргатишни мақсад қилиб қўйиш лозим. Бу қуидаги заруриятларни келтириб чиқаради: биринчидан, бундай машғулотларга кўргазмали материалларни киритиш, иккинчидан, сўзли образни нарсанинг аниқ хусусиятлари билан таққослашни ўргатиш, учинчидан, жавобни образ талқинига оид далил-исботлар билан асослаш.

Топишмоқ топишга бағищланган машғулотлар одатда, икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмida нарсаларни фақат топишмоқда акс этган белгиларини ажратган ҳолда кўриб чиқиши ташкил этилади. Айни пайтда ўзига хос хусусиятларини белгилаш учун топишмоқ элементларидан фойдаланилади.

Машғулотларнинг иккинчи қисми топишмоқ топишга бағищланади. Бу ўринда тарбиячи боланинг топишмоқ жавобини қандай қилиб топғанлигини сўрайди.

Дастлаб турли материалда икки-учта ана шундай машғулот ўтказилади, сўнгра кейинги машғулотлар қийинлаштирилиши лозим.

Таниш нарсалар ҳақидаги топишмоқларнинг янги вариантларини намойиш қилиш орқали ва намойишишиз топиш ҳам қийинлаштириш ҳисобланади. Бироқ барча ҳолатларда топишмоқ топиш мотивацияси бўлиши шарт. Айнан шу машғулотларда болаларга таниш бўлган топишмоқлар ҳам

берилади, эски топишмоқлар такрорланади, лекин улар күргазмавийликсиз амалга оширилади.

Луғатни мустақкамлаш ва фаоллаштириш маҳсус машғулотлардан ташқари машғулотларга қўшилган ёки кундалик ҳаётда ўтказиладиган қатор дидактик ўйинлар ва ўйин машқлари жараёнида ҳам амалга оширилади. Луғатни фаоллаштириш учун айниқса, мактабгача катта ёшдаги болалар гуруҳларида кенг фойдаланиладиган “Тескарисини айт”, “Буёқлар”, “Боғбон”, “Давом эт” каби сўзли дидактик ўйинлар жуда фойдалидир. Битта нарсанинг турга оид умумлаштирмаларга кирувчи турли қисмлари ёки сифатлари номини айтиш бундай давом этиш мазмуни бўлиши мумкин.

Машғулотлардан ва дидактик ўйинлардан олинган турли хилдаги луғатдан мустақил фойдаланиш мактабгача ёшдаги болаларнинг майший мулоқотида амалга оширилади. Бу ерда тарбиячининг тутған ўрни мазмунли суҳбатни йўлга қўйиш, тарбиячи нутқига, унинг луғат таркибига нисбатан болаларнинг диққат-эътибори ҳамда болаларнинг тўпланган луғатнинг бутун бойлигидан фойдаланишларини ташкил этишдан иборатdir.

Юқорида кўриб чиқилган нарсалар билан таништириш жараёнида болаларда луғатни шакллантириш тартиби дастурий талабларни амалга оширади ҳамда мактабгача ёшдаги болани ақлан ва нутқий ривожлантиришни биргаликда амалга оширишни кўзда тутади.

ХУЛОСАЛАР:

- Луғат ишларининг моҳияти – тил лексикаси соҳасида болаларнинг уларга таниш ёки нотаниш бўлган, аммо улар учун қийин ҳисобланган сўзларнинг ўзлаштиришларига, нутқ маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия ишларини бир тизимга келтиришдан иборатdir.

- Луғатни ривожлантириш – бу халқ томонидан тарихий даврлар мобайнида тўпланган луғат захирасини ўзлаштиришнинг узоқ давом этадиган жараёндир.

- Луғатни эгаллаш жараёни тушунчаларни эгаллаш билан узвий боғлиқдир ва шу туфайли у ўзига хос хусусиятларга эга бўлади: болалар луғати таркиби; сўзнинг мазмуни, моҳиятини аста-секин ўзлаштириш, катталар луғатига қараганда луғат ҳажмининг анча камлиги.

• Луғат ишининг вазифаси – бу луғатни бойитиш; сўзнинг ижтимоий-мустаҳкамланган мазмунини ўзлаштириш; луғатни фаоллаштиришdir.

• Луғат ишининг тамойиллари бу – болалар луғатини шакллантиришда уларнинг атроф-оламни фаол ва таъсирчан бўлишларига таяниш; луғат ишлари мазмуни боланинг астасекин ривожланаётган атроф-оламни билиш имкониятлари билан боғлиқлигидир.

• Луғат иши барча ёш гуруҳларида қуидаги йўналишларда амалга оширилмоғи лозим: Болани аста-секин ортиб бораётган нарса ва ҳодисалар доираси билан таништириш асосида унинг луғатини кенгайтириш; нарсаларни сезиларли белгиларига қараб фарқлаш ва умумлаштириш асосидаги оддий тушунчани белгиловчи сўзларни ўзлаштириш; атроф-оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш асосида сифат, хусусият ва муносабатни белгиловчи сўзларни киритиш.

• Луғат ишининг етакчи воситаси – таълимдир.

• Луғатни бойитиш методлари бу: атроф-оламни бевосита кузатиш; мазмуни болаларга нотаниш бўлган ёки жуда кам таниш бўлган суратларни кўрсатиш;; бадиий асарларни ўқиш, диафильмлар ва кинофильмлар (билиш учун хизмат қиласидан хужжатли фильмлар) кўрсатишдан иборатdir.

• Луғатни мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш методлари бу ўйинчоқлар, расмларни, кўздан кечириш, дидактик ўйинлар, сўзли машқлар ва бошқ.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

• Мактабгача таълим муассасасидаги луғат ишларининг моҳияти нималардан иборат?

• Сўзнинг психологик жиҳатдан аҳамиятини тавсифлаб беринг.

• Болаларнинг луғатни эгаллаш жараёни қандай ўзига хос хусусиятларга эга?

• Барча ёш гуруҳларида лугат ишлари дастури таркибини мураккаблаштириш қайси йўналишларда рўй беради?

• Сиз луғатни шакллантириш борасида қандай машғулот турларини биласиз? Ҳар бир машғулот турини аниқ мисолларда тавсифланг.

XI-МАВЗУ. НҮТҚНИНГ ГРАММАТИК ТУЗИЛИШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШІ

Мактабгача ёшдаги болаларда она тилининг грамматик қурилишини ўзлаштиришнинг лингвистик ва психофизиологик асослари.

Грамматик қурилишни шакллантиришга доир ишлар мазмуни ва вазифалари.

Барча ёш босқычларида сўз ўзгартиришни шакллантириш методи ва усуслари.

Мактабгача ёшдаги болаларда она тилининг грамматик қурилишини ўзлаштиришнинг лингвистик ва психофизиологик асослари

Грамматика деганда, биз нүтқий фаолият натижаларини тавсифлаш ва тартибга солиш учун лингвистлар томонидан ўйлаб топилган қоилалар мажмuinи эмас, балки фикр билдиришни вужудга келтириш ва бошқаларнинг билдирган фикрларини тушуниш учун зарур бўлган билимлар умумийлигини тушунамиз. Сўнгги пайтда грамматика айнан шу маънода психологларнинг диққат-эътиборини жалб қилмоқда. Грамматикани тадқиқ қилиш нафақат шунчаки қизиқарли, нафақат лингвистик мақсадлар учун зарур, балки у умуман фикрлаш ва билиш жараёнларини кенг тадқиқ қилиш учун ҳам зарур қисмдир.

Бизни сўз ясовчи ва синтактик операциялардан фойдаланган ҳолда сон-саноқсиз янги фикрларни тузиш қобилиятининг шаклланиши қизиқтиради. Узоқ вақт мобайнида тайёр нутқий намуналар имитациялари ва уларни кўллаш амалиёти ушбу қобилиятни ривожлантиришнинг зарур ва етарли шарти ҳисобланган. Бироқ тилни ривожлантириш фактлари, экспериментлардан олинган маълумотлар асосида ушбу назарияни кўркмасдан йўққа чиқариш мумкин. Имитация назариясига қарши яна бир далил келтириш мумкин: аникланишича, эшита олмайдиган болалар нутқни ҳам имитация қила олмайдилар, лекин шунга қарамасдан улар тилдан нормал фойдаланиш қобилиятини ўзларида шакллантира оладилар.

Психолингвистик тадқиқотлар доирасида тилни ўзлаштириш борасида қандай ақвол намоён бўлади?

Бола тилга нисбатан суст муносабатда бўлмайди, аксинча у фаол бўлгани ҳолда тил ҳодисаларини ўзи англамаган ҳолда доимий равишда таҳлил қиласди.

Боланинг ўз тилини ташкил этишга, унда бирон-бир қонуниятларни топишга ва қоидага интилиши ҳамда ушбу қоидага мувофиқ ҳолда ҳаракат қилиши кўплаб фактлар билан тасдиқланмоқда. Ҳаммага яхши маълумки, боланинг тили катталар тилидан «грамматик нотўрилиги» билан фарқ қиласди. Аммо шуниси қизиқки, бу нотўриликнинг ўзи тизимли, асосли бўлиб, у боланинг ўзи томонидан яратилган оралиқ тил тизими оқибатидир, бола ушбу тизим ичидан анчайин тўғри ҳаракат қиласди. Бундай тизимни яратишда, бир томондан, эшитилаётган катталар нутқига нисбатан таҳлилий ҳаракатлар, иккинчи томондан — умуман олганда билиш ва таҳлилий ҳаракатлари роль ўйнайди.

Грамматиканинг энг муҳим жиҳати — сўз ўзгартириш ва сўз ҳосил қилиш операцияларини ўзлаштиришни кўриб чиқамиз. Сўзни билдирилган фикр тарқибига киритиш учун у билан муайян ҳаракатларни амалга ошириш зарур, масалан, отни тавсифлаётган нарсалар сонига мувофиқ ҳолда муайян сон шаклига қўйиш, феъл сонини отлар сони билан мослаштириш, ҳаракат йўналтирилган отни зарур келишикка қўйиш ёки тегишли олд кўмакчидан фойдаланиш лозим.

Бола тайёр шаклларни «қабул қилмайди», аксинча уларни маълум қоидалар асосида тузиб чиқади. Бу қоиданинг моҳияти шундаки, бунда бола тил белгисини биргаликдаги семантик ва грамматик бирлик (Л.С.Выготский таърифлаган «психологик курол билан») сифатида ўзлаштиради. Бутун тил ривожланишининг асосида болани предметли фаолияти ётади. Боланинг тил борлиғи элементлари билан ҳаракати моҳияттан, худди предметли олам билан амалга ошириладиган ҳаракатлар кабидир. Таниқли психолог Д.Б.Эльконин ҳам айнан шунга эътиборни қаратган. У умуман олганда, ўзлаштириш билан моддий предмет сифатидаги ҳаракатларни шакллантирмасдан туриб уни амалга ошириш мумкин эмаслигини қайд этган¹. Ушбу ҳаракатлар чоғида болада тил борлиғи ҳақидаги тасаввур

¹ Эльконин Д.Б. Развитие речи детей в дошкольном возрасте. М., 1958.

шаклланади. Бола бу тасаввурларни ўзининг предметли олам ҳақидаги билимларига мос равишда шакллантиради.

Сўнгги факт М.И.Попова¹ томонидан ўтказилган маҳсус синовларда кўрсатилган. У болаларнинг қандай қилиб сўзда сўз ясовчи элементларни ажратиб олишларини тадқиқ қилган (лингвистикада уларни морфемалар деб аташади). Бунда тур кўрсаткичига эга бўлган ўтган замон феъл шакллари материал сифатида хизмат қилган. Сўз ясаш хусусиятларига кўра аниқланадиган от тури феъл қўшимчасини аниқлаш учун ягона мўлжал ҳисобланади. Тегишли морфемалар (тур белгиси)ни ажратиб олмасдан туриб тўғри келишишни амалга ошириш мумкин эмас. Болалар эса синов пайтида тегишли шаклий кўрсаткичларни реал предметли муносабатлар асосида ажратиб олдилар. Болаларнинг грамматик ҳодисаларни тушуниши предметли муносабатларга асослангани ҳақида бошқа тадқиқотчилар ҳам ёзганлар (Ф.А.Сохин, Ф.И.Фрадкина).

Бола сўз ясаш тоифаларининг ташқи, товушли ифодаларини ўзлаштириб олиши лозим. Бунда бола энг аввало сўз ясовчи элементнинг ташқи – моддий томонига йўналади ва уни мустақил мазмун сифатида қабул қиласди, морфемаларнинг жаранглашини образли асослайди. Бошқача қилиб айтганда, бола дастлаб морфема жарангининг ўзида реал муносабатлар билан баглиқлигини топишга ҳаракат қиласди. Агарда бола энг аввало морфема сўзга олиб кирадиган товуш ўзгаришини аниқласа ва уни қиёслай олса (товуш ўзгаришлари ҳақиқатда юз берган ўзгаришлар билан), у бу муносабатларни топиши мумкин. Айни пайтда бола сўзга «бутунлай» йўналади, яъни умумий товуш хусусиятларига эътибор қаратади. Предметли одамдаги ўзгаришлар предметнинг қандайдир аҳамиятли хусусиятларига (бола нуқтаи-назаридан) тааллуқли бўлмайди, акс ҳолда предмет белгилаш учун бошқа сўзни, янги номни талаб қиласди.

Бу ўзгаришлар предмет ҳаракати натижасида келиб чиқиши мумкин (ҳолат ўзгариши); предмет белгиларига тааллуқли бўлиши мумкин (сифат ўзгариши), предметлар сонига тааллуқли бўлиши мумкин ва ҳ.к. Предметнинг ушбу ўзгаришлари бола томонидан ҳиссиётли қабул қилинади ва унинг онгига тасаввур кўринишида акс этади. Тасаввур

¹ Попова М.И. Грамматические элементы языка в речи детей дошкольного возраста. – «Вопросы психологии», 1958, №4.

предметли ҳаракатлар ҳисобига бойийди, бу жараёнда бола ўзаро ҳамкорликдаги предметларни кузатади ва ўзи ҳам ушбу ҳамкорликда фаол иштирок этади. Ҳиссиятли қабул қилинаётган белгилардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотни бола катталар билан мулоқот чорида олади. Мулоқотга эҳтиёжмандлик ва ушбу мулоқотнинг тоборо мураккаблашиб бораётган шартлари боладан атроф-борлиқдаги ўзгаришлар ҳақида олинган тасаввурларни нафақат қабул қилиш ва акс эттириш, балки ифодалашни ҳам талаб қиласи.

Олинган билимларни ифода қилиш тегишли воситаларни талаб этади. Умуман олганда, болада бу воситалар мавжуд, у мазкур нарса ёки ҳаракат нима деб аталишини билади ва ҳ.к. Предметдаги ўзгаришлар ҳақидаги билимларни ифодалаш учун ном-сўзни ўзgartириши зарур. Шунда айнан ушбу шаклни танлаш учун тегишли қоидани қидириши бошланади (мазкур шаклни бола сўздан «алоҳида» тарзда ўзлаштириб олган).

Бироқ, шаклларни ўзлаштириш камлик қиласи, чунки ушбу шаклларни танлашни ҳам билиш зарур. Катталарда шаклни танлаш тилда шаклланган воситалар билан боғлиқ, бола бўлса унинг тасаввурни предметли муносабатлар намуналари билан боғлиқ бўлган, асосланган шаклларни танлашга интилади. Айни пайтда шаклларни танлашнинг образларга асосланган тури ва предметли муносабатларга йўналиш болаларда анча вақтгача, то мактаб ёшигача сақланиб қолади.

Боланинг морфеманинг товушли шаклига йўналганлиги ва унинг морфема жаранглashingга мотивацияланган мазмун сифатида қараши болани жуда муҳим хулюсага олиб келади: ўхаш ҳодисалар ўхаши тарзда белгиланади. Болаларнинг кўп сонли янги сўз ясашларининг (неологизмлар) юзага келиш сабаби шунда. Бу – бола катталардан ҳеч қачон эшитмаган, аммо у ёки бу сўз ясовчи элемент «фаолияти» ҳақидаги умумлаштирилган тасаввурга тўла мувофиқ ҳолда ҳосил қилинган сўзлардир.

Бироқ бу ўхашлик тўғридан-тўғри оддий механик ҳолатдаги ўхашлик эмас, бу – боланинг олам ҳақида олган билимларини мос тарзда ифодалаш, қоидаларни «текшириб кўриш» ва ўзлаштиришга нисбатан ижодий интилиши намойишидир. Бунга болаларнинг сўз ижодкорлигидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай фикр мавжудки, унда боланинг ўз предметли аниқ маъносига эга бўлмаган, тўғридан-

тұғри ҳеч қайси борлық предмети билан қиёсланмайдын морфема каби мавхұм элементларни ажратыб ололмаслиги қайд этилади. Бироқ, ушбу нұқтаи-назарға қарши бұлған ва морфеманинг сұзда «беихтиёр» ажратыб олинишини исботлайдын күпгина маълумотлар ҳам мавжуд.

Муайян босқичда биттә сұз шакллари бола учун турли сұзлар ҳисобланади. Сұз ясовчи элементни сұзнинг алоқида аҳамиятта эга бұлған қисми сифатида ажратыб олгунға қадар мазкур элемент эски сұзға янги маъно олиб кирмайды, аксинча у янги сұз яратади. Гап шундаки, сұзнинг ҳар бир шаклини бола нарсалар оламидаги янги нарсалардан бири сифатида қабул қиласы. Бу болага ушбу муносабатларни белгилайдын сұз ясовчи элементни аста-секин бойитиб бориши имконини беради. Мазкур умумлаштиришлар асосида тил тузилмасининг бир қисми сифатида у ёки бу ҳодиса ҳақидаги умумий тасаввур (беихтиёр) ҳосил бұлади. Құргазмали намойиш психик акс эттириш сифатида суст әмас, фаол бұлғади, у инсон ҳаётини, амалиётни ўз ичига олади, у «субъектив-объективлар»нинг мунтазам равиша бир-бирига қуюлиш сари ҳаракатидир. Ижод сүзи сұз шаклларининг объектив мазмуни шаклланғанлығидан далолат беради. Тасаввурларни умумлаштириш лингвистлар әзтиборини жалб құлувчи болалар грамматикаси мазмуни қуриладын пойdevor бўлиб хизмат қиласы.

Сұз ҳосил қилишни (сұз ўзгартиришни) үзлаштиришда боланинг морфеманинг товуш қиёfasига йұналиши шу билан исботланады, дастлаб талаффузнинг аниқлиги айнан құшимчаларда құринади. М.И.Попова ҳам шундай холосага келган, у грамматик шаклларни үзлаштириш учун болада сұзнинг товуш шаклига йұналғанлик ҳисси шаклланған бўлиши лозимлигини құрсатыб берган. Йұналғанлик хиссини шакллантириш учун боланинг сұзлар билан фаол иш олиб бориши жуда мұхим аҳамият касб этади. Йұналғанликнинг ўзи ҳам аслида аниқловчи компонент сифатида ушбу фаолиятта киради. Боланинг фаоллигисиз шунчаки тажриба тұплаш катта натижә келтирмайды.

Бола морфемани әгаллаш жараёнида қатор босқичлардан үтади. Дастлаб морфема ажратылади, сұнгра у вазифасига құра құлланила бошлайды, ўз жаранглашидан «ажралғани» ҳолда белги сифатида чиқади.

Морфеманинг товуш қиёфасини қабул қилишда болада күргазмали тасаввур асосида жаранглашнинг предметли муносабатлар билан образли алоқаси шаклланади. Бола ушбу образли алоқа асосида ўзига керак бўлган сўзнинг тўғри талаффуз қилинишини «текшириб кўради», бунда у ўзи ҳосил қилган умумлаштирмаларга амал қиласди. Шунинг учун болада сўзларни бузиб талаффуз қилиш ҳолатлари рўй беради.

Боладаги фаол ҳаракат морфеманинг унга бевосита берилмаган хусусиятларини очиши зарурдир. Айни пайтда бола сўзлар билан худди предмет билан бўлгани каби ҳаракат қиласди ва унинг натижасида аниқланган қоида ушбу сўз ясовчи элементни нима учун қўллаш лозимлигини кўрсатади.

Қоиданинг шаклланганлиги ва унинг мустаҳкамлигини синов йўли билан текшириб кўриш мумкин. Бунда бола ушбу гипотетик қоидани аввалдан нотаниш тил материалига нисбатан, масалан, квази-сўзларга нисбатан қўллаш зарурати олдida қолдирилади.

Ички, англамаган, бироқ шак-шубҳасиз, амалда бўлган тил тизимининг мавжуд бўлиши боланинг тўғри қурилган сўзни нотўғри қурилган сўздан ажратиб олишида намоён бўлади. Бола тўғри сўз ҳосил қилишга интилгани ҳолда доимо ўз нутқини тузатиб боришига ҳаракат қиласди. («Дарёда балиқ кўп эди..балиқлар... кўп балиқлар»). Бола ўз фикр билдиришларининг синтаксисини ҳам айнан шу тарзда тўғрилайди («Тимур йиғлади, чунки унга шапалоқ уришди.. ойиси шапалоги билан урди, чунки унинг ойиси шапалоқ туширди»). Ўз-ўзини тўғрилашга оид бундай кўплаб ҳолатлар, шунингдек атрофдагилар нутқини тўғрилаш (болалар фикрига кўра, нотўғри бўлган) болаларнинг турли тиллардаги нутқларининг магнитофон ёзувларида кузатилган.

Болаларнинг сўз ижодкорлиги – қоидалар, умумлаштирмаларни шакллантириш, образли алоқалар ҳаракати жараёнларининг энг яққол кўринишидир. Болаларнинг сўз ижодкорлигини болалиқда она тилининг грамматик тузилишини ўзлаштириш жараёнининг томонларидан бири сифатида таҳлил қилган Ф.А.Сохин ушбу жараёнлар негизини тилнинг тизимили алоқаларининг бола онгиди акс этиши ва унинг тил механизмлари шаклида мустаҳкамланиши ташкил қиласди, деган хуносага келган.

Боланинг тил борлигига нисбатан фаол ижодий муносабати унинг тилнинг сўз ҳосил қилиш имкониятларини

амалга оширишида кўзга ташланади. Болада генераллашув натижаси сифатида борлиқ ҳодисаларининг уларни ифодалашнинг тил қобилияти билан умумлаштирилган алоқалари акс этадиган сўз ҳосил қилиш модели ҳақида айрим тасаввурлар шаклланади.

Боладаги бу алоқаларнинг хусусияти шундаки, умумлаштириш жараёнининг ўзи ёшга оид айрим психологик ўзига хосликларга бўйсундирилган. Биз томонимиздан бола психологик ҳаётида образли, кўргазмали компонентларнинг ҳукмронлик қилиши қайд этилган. Шунинг учун сўз ҳосил қилувчи воситалар боланинг амалий, предметли тажрибаси орқали аниқлаши лозим.

Нутқий ривожланишнинг турли босқичларида бола учун лексик аҳамият («ўзакли») предметли аҳамиятга энг яқини сифатида етакчи ўрин тутади. У аҳамиятларни расмий тил бирликлари (табиатан мавхум бўлган) ёрдамида такомиллаштириш механизмини ҳали эгалламаган.

Уч ёшгача боланинг лугати «турли» сўзлар ҳисобига ортиб боради. Уч ёшдан кейин сўз ясовчи даража етакчи даражага айланади. Боланинг фаолият кўрсатиш ва мулоқот соҳаси жадал кенгайиб боради ва уни тавсифлаш учун нақд лексик воситалар етмайди: бола сўз ясашга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Агарда янги ҳодисани ифодалаш учун маълум бирлик мавжуд бўлмаса, бу ҳолда мазкур бирлик «ихтиро қилинади», аммо аслида у янгидан эмас, балки бола тил тизимининг сўз ясаш даражасини ташкил қилувчи маълум (англанмаган) қоидалар асосида шакллантирилади. Айни пайтда янги кашфиёт тузилмаси фаолият тажрибаси билан детерминирланиши зарур.

Турли ёшдаги болалар учун сўз ҳосил қилишнинг етакчи даражаси ўзгариб боради. Илк ёшда боланинг нутқий фаолиятида лексик даража етакчи ҳисобланади: борлиқнинг турли ҳодисаларини тавсифлаш учун бола ўз ихтиёрида мавжуд бўлган лексик бирликлардан фойдаланишга ҳаракат қиласи. «Поездни ким бошқаради?» деган саволга кичик ёшли бола қўйидагича жавоб беради: «Машинист» (унинг ихтиёрида таниш сўз бор). «Ким ҳамма нарсани бузади?» – бола зарур сўзни топа олмайди ва аниқ даражага ўтади: «Беҳзод». Нисбатан катта ёшли бола ўзидаги мавжуд сўз ясаш қоидаларига мувоғиқ ҳолда бузувчи сўзларни яратади ва шу тариқа вазиятдан чиқиб кетади. У шу билан обьектларнинг

бутун синфини номлайди, айни пайтда «Беҳзод» сўзи ўзининг аниқлиги туфайли бунга ярамайди.

Йўналтирувчи фаолият тасаввурга, вазият образига асосланган. Вазият дастлаб ялпи, бўлакларга ажратилмаган ҳолатда намоён бўлади. Бола нутқида у ҳам дастлаб аъзоларга бўлинмаган ҳолатда ифодаланади. Вазият ҳақидаги тасаввурни ривожлантириш ҳамда ушбу вазиятни нутқий ифодалашни ривожлантириш ялпи ва бўлакларга ажратилмаган вазиятдан аниқ бўлакларга ажратилган вазиятга қараб ривожланиб боради. Йўналтириш мазмуни қўйидагилардан иборат: – объекtnинг аниқ сифатлари, белгиларини таниш; – ушбу белгилар номларини айтиш ёки уларни ифодалаш шаклларини танлаш, объектлар ҳақидаги маълумотларни бошқасига узатиш учун уларни ажратиш. Шу билан бир вақтда объектларни ихтисослаштириш, улардан вазиятларни ажратиб олиш ва вазият элементларига ном бериш (белгилар, ҳаракатларни номлаш) каби бошқа жараёнлар ҳам давом этади. Ушбу жараённинг илк босқичларида предмет, вазият ва ифода шаклларини қиёслашда кўргазмалилик, образлилик ҳукмрон бўлади. Масалан, бола нарсаларнинг ҳажмига кўра бирбиридан фарқланишини билса, у тилда ушбу фарқларни ифодалаш усулларини ҳам топиши лозим. Катталар нутқида унга ушбу ҳодисанинг турли кўринишлари таклиф этилади, аммо бола ушбу мисоллардан механик тарзда нусха кўчириб олмайди, балки уни ижодий жиҳатдан қайта мулоҳаза қилиб кўришга интилади: чичон – «катта сичқон», нанна – «катта нон» (А.Н.Гвоздев). Ёки ҳаракат образини ифодалаш учун тилда қабул қилинган амалга ошириш усуллари (К.И.Чуковский). Биз бу ерда сўз мазмунини ўзгартириш учун, янги мазмунини ифодалаш учун унинг шаклини онгли равишда ўзгартиришни кўриб турибмиз. Шунинг учун грамматик шаклларни ўзлаштиришнинг изчиллиги тасодифий эмас (А.Н. Гвоздев томонидан рўйхатдан ўтказилгани каби): отлар сони, отларнинг кичрайтирилган шакли, буйруқ майли, келишиклар (у болаларга предметларнинг борлиқда йўналтирилганлиги ҳақидаги билимларни ифодалашда ёрдам беради), замон категориялари, феъл шахслари. Бу ерда нисбатан оз мавхумли, аниқ шакллардан янада мавхум шаклларга, оддий, расман ифодалашдан (кичрайтирилганлик) муракқаб ва предметли вазият билан қийин таққосланадиган ифодалар сари йўналиш яққол кўзга ташланади.

Қайд этилганидек, грамматик шаклларни эгаллаб олиш күргазмали тасаввурни шакллантириш асосида рўй беради. Бу мураккаб йўл бўлиб, унда бир нечта босқичларни ажратиши мумкин: сўзнинг товуш шаклига йўналиш, умумий товуш шаклларини аниқлаш, ушбу шаклларни борлиқ ҳодисасининг қандайдир элементи билан бирлаштириш, ва ниҳоят, товуш комплексининг мазкур ҳодиса билан «қаттиқ» алоқасини ўрнатиш ва оқибатда, ушбу ҳодисани белгилаш учун мазкур товуш комплексини барча сўзларга ўтказиши.

Грамматиканинг гап тузиш усуслари билан боғлиқ бўлган қисмини ўзлаштириш қай тарзда рўй беришини кўриб чиқамиз. Сўз нутқнинг муҳим хусусияти – унинг маҳсулдорлигини таъминловчи синтаксис ҳақида бормоқда.

Олимлар кўплаб тадқиқотлардан келиб чиқсан ҳолда тил таркибини билиш туғма қобилият эмас, балки тил ривожланиши жараёнида бола қоидага ўхшаш нарсаларни ўзлаштириб олади ва улар ёрдамида ўзининг чекланган тажрибасини сон-саноқсиз гаплар тузиш ҳамда уларни тушуниш даражасига кенгайтиради, деган фикрларни билдиromoқдалар. Бугунги кунда лингвистиканинг вазифаларидан бири - ушбу қобилият табиатини ва механизмини тушунишдан иборатdir. Шу нарса кундек равшанки, сунъий шароитларда тил ўргатилганида биз янада чекланган тил тажрибасига ва янада кам сонли гапларга дуч келамиз. Айни пайтда фақат ана шундай қобилият, агарда у шакллантирилса, бизнинг ўқувчимизга ўрганилаётган тилда мулоқот қилиш, яъни анча кўп сонли гапларни тузиш ва уларни тушуниш имконини беради.

Она тили синтаксисини эгаллаш, юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларнинг қандай қилиб (энг умумий кўринишда) юзага келаётганлигини кўриб чиқамиз. Боланинг биринчи сўзлари кўпинча гапда коммуникатив кучга эга бўлади, ва моҳияттан, бир сўзли гаплар ҳисобланади. Уларда грамматик тизимнинг етишмаётган элементлари йигиштириб қўйилган, вазиятдан келиб чиқиб мулоқот берилган, ва бундай гапларнинг мазмуни вазиятга қараб ўзгариши мумкин. «Она» - бу «Ойи, беринг», ва «Мана ойи», ва «Менинг қорним оч» ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин.

Бу факт бизга қуидагилар туфайли қизиқарлидир: биринчидан, бола сўзни шунчаки талаффуз қилмайди, реал нутқий фаолиятда бундай бўлмайди. Сўз (тўғрироғи, уни

құллаш) нутқ жараёнининг, коммуникациянинг бир қисми ҳисобланади, ва сүз доимо нима учундир (мотив) ҳамда нима сабаблидир (мақсад) құлланади. Иккінчидан, бир сұзли гапни құллаш бола нутқида, айни пайтда деярли ҳамма болалар нутқида табиий равища да узоқ вақт давомида кузатиладиган ҳодисадир.

Болалар нутқи бир неча марта психологлар ва лингвистлар томонидан тадқиқ қилинганды, аммо бу тадқиқттарга күпинчә талқын қилишдаги мазмуний ёндашув етишмаган: уларнинг барчаси шунчаки лугат сонини ва унинг үсишини санаш, болалар сұзларини «нутқ қисмлари бүйича» зерикарлы таснифлашдан иборат бўлиб қолган. Бироқ, дея ҳақиқи равища ёзди Д.Слобин, гап катталар тилемде қайси нутқ қисми у ёки бу сўзга киритилиши мумкинлигига эмас, балки унинг боланинг тил тизимида қандай ўрин эгаллаши ҳақида бормоқда. Психолингвистик тадқиқттар шуни кўрсатдиги, бола катталар тилининг категориялар тизимиға амал қилмайди, аксинча у ўзининг «индивидуал» тил тизимиңинг ичидаги вазифавий хусусиятларига асосланган ўз сўзлар категориясини яратади. Масалан, катталар тилемде от категориясига тааллуқли бўлган сўз болалар гапида (ва болаларнинг тил тизимида) феъл вазифасини бажариши мумкин. Ушбу ҳодиса бола бир сұзли гаплар босқичидан икки сўзли гапларга ўтганида таъсир қила бошлайди, ўшанда грамматика шаклдана бошлайди, тилни тармоқлантириш бошланади. Бола берилётган мазмунни икки сўзни бир-бирига қўшиш орқали кенгайтириш имконияти мавжудлигини «сезиб қолиши билан» икки сўзли гаплар сони шиддат билан ўса бошлайди. Шу ўринда фақат битта бола нутқига оид маълумотлар бүйича ана шундай тоифадаги гаплар сонининг үсишига мисол келтирамиз: 14, 24, 54, 89, 350, 1400, 2500.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бола гапда сўзларни шунчаки тасодифий тарзда боғламайди ва бу ўринда гап кўпроқ сўзнинг икки вазифавий синфлари мавжудлиги ҳақида бормоқда. Бу унчалик катта бўлмаган ва нисбатан ёпиқ бўлган «таянч сўзлар» тоифаси ҳамда кўпчилиги бир сўзли гаплардан иборат бўлган кенг, «очиқ» сўзлар тоифаларидир. Икки сўзли гап тузиш учун «таянч» синфидан сўз танлаб олинади (у худди гапнинг семантик асоси ҳисобланади), мазмун эса «очиқ» синфдаги иккинчи сўз ҳисобига ўзгариб боради. Масалан: «Яна китоблар», «Яна сут», «Яна ўйнаш».

Мазкур ҳодиса турли тил тоифаларида сұзлашаётган болалар нұтқи ривожида күзатылған ва у тилни тизимлаштириш, уни тармоқлантириш бошланғанлыгидан далолат беради. Болаларнинг фикр билдиришлари ҳам үзгәради, уларда ҳам турли тилли болалар учун умумий бұлған тоифаларни аниқлаш мүмкін. Мазкур масала таълим мақсадлари учун қизықарлидір: болалар әңг кам тил воситалардан фойдаланғанлари ҳолда нималар ҳақида сұзламоқдалар? Лекин афсуски, бу борада жуда кам нарсалар мәйлүм. Хусусан, маълумки, болалар асосан обьектлар номларини айтадилар ҳамда жуда әртә пайдо бұладиган ва универсал ҳисобланған «әга-кесим» комбинациясидан фойдаланған ҳолда ҳаракатларни тавсифлайдылар. Бола жуда ёшлигидан қандайдір инкор шаклини қидира бошлайды – шундан келиб чиққан ҳолда инсонларнинг коммуникацияси учун инкор категориясининг нақадар мұхимлигини билиш мүмкін.

Болалар нұтқини тадқиқ қилиш жараёнида фикр билдириш семантикасининг қуйидаги турлари (күплаб тилларда) ажратылады: ном, жойлашған жойини аниқлаш, илтимос-бүйрүқ, воқеа, вазиятни тавсифлаш, нарсанынг нимага оидлигини күрсатыш, предмет сифатини аниқлаш, предмет сифатини ифодалаш, савол, инкор (ушбу барча фикр билдиришлар билан биргаликта), бирлаштириш («Пиёла билан чойнакни күраяпман»).

Бола иккى сұзли гап доирасидан чиқиши билан уч ва ундан ортиқ сұзларни бир-бирига боғлай бошлайды, унға гаплар сұзларни пала-партиш равишида териб ташлаш ёки тасодиғий равишида бир-бирига боғлаш орқали эмас, балки муайян тузилмаларни бирлаштириш орқали тузилиши янада тушунарлы бұлиб боради. Худди боланинг фарқланмайдыган товушларни ташлаб юборгани ҳолда тилнинг товуш тизими борасыда умумлаштырмаларни амалга ошираётгани, ёки үз ихтиёрида фақат мазмунга таъсир қыладыған сұз үзгартыриш усууларини қолдирғани ҳолда сұз үзгартыришнинг морфологик тизимимні үзлаштириб олиши каби синтаксисни әгаллаш жараёнида ҳам бола муайян семантик мұносабатларни узатувчи синтактик тузилмаларни «аниқлады». Болалар нұтқини күзатыш, фақат гапнинг тузилмавиі таркиби үртасыда қайд этиладыған фикр билдиришлардаги паузани таҳлил қилиш,

интонация турларини таҳлил қилиш ва ҳ.к. ана шу жараёндан далолат бермокда.

Мулоқот эҳтиёжларидан келиб чиқадиган савол ва инкорни ифодалаш зарурати болани тегишли тил воситаларини қидириш зарурати олдида қолдиради. Бу жараён ўта қизиқарли бўлиб, у бола кейинчалик воз кечадиган кўп сонли оралиқ грамматикаларни, тизимларни яратиш орқали тилни ўрганишдаги фаолликни яққол намойиш қиласди. Ўзбек тилида савол гапларнинг пайдо бўлиши ўзбек тилида сўзлашадиган болаларнинг интонацияни ўзлаштиришларида бирдагина суръатни ошириб юборади. Интонация аниқ қайд этилган «савол сигнали»га айланади.

Юқорида баён этилганлар тил эгалари бўлмиш катталар кўп сонли янги фикр билдиришлар талқинини яратишида фойдаланадиган айрим қоидалар тизими мавжудлиги ҳақида ҳамда бола айнан шундай тизимни эгаллаши тўғрисидаги тахминларни жуда асосли эканини кўрсатади. Тилни ривожлантириш (параллел равишида луғат тўплаш) моҳияти ҳам ана шунда.

А.Р. Лурияning ҳақли равишида қайд этишича, тил қобилияти ҳам, тил фаоллиги ҳам бирданига пайдо бўлмаганлар ва улар икки мустақил ҳодиса ҳисобланмайдилар. Ўлаш мумкинки, тилдаги «лаёқатлилик»нинг ўзи уни қўллашни ривожлантириш натижаси ҳисобланади ҳамда борлиқни фаол акс эттириш ва фаол мулоқотга киришиш жараённида болада тилни тушуниш пайдо бўлади.

«Тилнинг наслий илдизларини аниқ инсоний ҳатти-ҳаракатларнинг ташқи борлиқни акс эттириш ва оламнинг субъектив образини, боланинг атрофдагилар билан асосий мулоқот усууларини шакллантириш амалга ошириладиган шаклларидан қидириш лозим, дейиш учун асос бор»¹.

Болаларнинг грамматикани ўзлаштиришлари масаласини кўриб чиқиб, қуйидаги холосаларга келиш мумкин:

• Бола тайёр сўз шакллари ва уларнинг тайёр комбинациялари билан амаллар бажармайди, балки уларни ўзи томонидан очиладиган қоидалар тизими асосида яратади.

¹ Лурия А.Р. Научные горизонты и философские тупики современной лингвистики. - «Вопросы философии», 1975, №4, 148-бет.

- Қоидаларнинг моҳияти тил тизимининг элементини онгсиз равишда ажратиш ва унинг вазифаларини борлиқни белгилашдан иборат қилиб қўйишдадир.

- Қоидани шакллантириш асосида мазкур тил ҳодисасининг семантик, мазмун жиҳатдан аҳамиятларини баҳолаш жараёни ётади: бола диққат-эътиборини фақат сўз ёки гаплар мазмунига қаратади.

- Семантик жиҳатдан аҳамиятлилик ҳақидаги ахборот предметли, ўйин ва тил фаолияти чегараларидан «топилади».

Грамматик қурилишни шакллантиришга доир ишлар мазмуни ва вазифалари

Мактабгача таълим муассасаси, оила олдида - болаларга тўғри сўзлашни ўргатиш, яъни сўзлардаги барча товушларни тўғри талаффуз қилиш, тўғри грамматик шаклларни қўллашни ўргатиш вазифаси туради. Шундан келиб чиқадики, ўргатувчининг (ота-онанинг, тарбиячининг, ўқитувчининг) муҳим вазифаси болалар она тилининг барча грамматик шаклларини иложи борича олдинроқ эшишилари ва астасекин уларнинг маъносига тушуниб боришлари ҳақида қайгуришдан иборат бўлмоғи даркор. Она тилининг грамматик аҳамиятлари маъносини тушуниш - ўсиб бораётган инсоннинг ақли шаклланаётгани ва ривожланаётганидан далолат беради.

Ушбу жараён онгсиз равишда амалга ошади. Бироқ, у сифатсиз ўргатиш туфайли тўхтаб қолса, боланинг ақлан ривожланиши ҳам кечикади. Она тилининг грамматик тузилишини мактабгача ёшда ўзлаштирумаган бола кейинчалик ёмон ўқийди, чунки у мактабда ўрганилаётган борлиқ ҳодисасининг алоқа ва муносабатларини тушунишга ожизлик қиласи.

- Фикр билдиришни грамматик расмийлаштиришни ўзлаштиришга ёрдамлашиш: сўзларни ўзгартириш (сон, келишик, замон ва ҳ.к. бўйича), уларни турли таркибдаги гапларда келишиш, кичрайтирувчи-Эркаловчи номларни, тугалланган ва тугалланмаган кўринишдаги феълларни ҳосил қилиш;

- Янги сўзларни грамматик жиҳатдан ўзгартириш ва уларни гапда ўхшашликлари асосида келиштиришга ундаш. Сўзларни ва уларнинг шаклларини мустақил равища тузиш, сўз ижодкорлигидан номлар ўртасидаги расмий-семантик

муносабатларни тадқиқ қилишнинг фақат болаларга хос бўлган усули сифатида фойдаланиш. Нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар борасидаги ўз тушунчаларини гапнинг мураккаблаштирилган тузилмаси орқали акс эттириш (оддий ёйилмаган ва ёйик, боғланган қўшма гаплар ва эргашган қўшма гаплар).

• Сўз ўзгартиришнинг қийин кўринишларини ўзлаштиришга кўмаклашиш (Бош келишик ва қаратқич келишикдаги кўпликдаги отлар, ўзгармайдиган отлар, феълларнинг буйруқ майли шакллари, феълларнинг тугалланган ва тугалланмаган шаклларини ҳосил қилиш).

• Феъллар, отлар, сифатлардан сўз ҳосил қилиш усулларини шакллантириш. Гаплар тузилмасини такомиллаштириш, гапларнинг ҳар хил турларини -оддий, мураккаб, бегоналар нутқи иштирокидаги гапларни фаол ўзлаштиришда кўмаклашиш.

• Грамматик воситаларни ўзлаштириш жараёнида нутқа нисбатан танқидий муносабатни, тўғри сўзлашга интилишни қўллаб-қувватлаш.

Ушбу вазифалар қандай дастурий таркибда ҳал этилиши мумкин, яъни ушбу бўлим бўйича ишларни ташкил этиш учун тарбиячи қайси сўзлар ва грамматик шакллардан фойдаланиши зарур.

Тарбиячи грамматик, тўғри нутқни шакллантиришга доир ишлар мазмунини яхши билиши, айниқса маҳсус методлар орқали бериладиганини яхши билиши лозим.

Грамматик қаторни бола турли нутқий фаолият жараёнида мустақил равишда ўзлаштиради. Уч ёшли бола тур, сон, замон, шахс каби грамматик категориялардан фойдаланади ҳамда оддий ва қўшма гапларни қўллайди.

Бола сабаб-оқибатли алоқалар, вақтбай, муҳит, миқдорий ва бошқа алоқаларни англаш билан бир вақтнинг ўзида уларни грамматик шаклларда ва қурилмаларда (бирлик ва кўплик сон, от келишиги, феъл замонлари ва турлари; орттирма замонли мураккаб гаплар, мақсад ва ҳ.к.) ифодалаш усулларини ўзлаштиради.

Бола грамматик воситаларнинг кенг турини ўзлаштиради. Масалан, «Нима йўқ» номли дидактик ўйинида грамматик шакллардан фойдаланади: мўйқалам, ручка, қайчи ва ҳ.к.; «Сайёҳатда» ўйинида ўзига тўрт оёқли дўстлар танлайди: сичқонча, қурбақача, тулкича, киртика; кўғирчоқ учун

нонушта уюштирап экан дастурхонга чойнакни, қанддонни ва туздонни құяды ҳамда үләниб қолади: қанд учун - қанддон, сухари учун -сухаридонми?

Бола тилдан фойдаланған ҳолда унинг хусусиятларини үрганади, сұзлар ва грамматик шаклар орқали у билан синовлар үтказади. Болалар акс маңноли сұзларнинг (антонимлар: катта-кичик, кучли-заиф) үзаро бөглиқлигини, маңно жиҳатидан бир-бирига яқын сұзларни (синонимлар: күчкүч, күчкүчка, олапар), сұз ясовчи жуфтликдаги сұзларни (тулкида - тулкича, кийикда - кийикча) үзлаштирадилар. Күп маңноли номлар билан танишадилар (қызчанинг құли, құғирчоқнинг құли, үкүвчининг құли, дазмолнинг ушлагичи, күтининг ушлагичи, кастрюлнинг қулоги, боланинг оёғи, стулнинг оёғи, гулнинг оёғи, қүшнинг оёғи).

Грамматик мазмунга эга бўлган диалогик ўйинлар, машқлар ва муаммоли вазиятлар - болалар нутқининг грамматик жиҳатдан тўғрилигини, уларнинг грамматик шакллар соҳасидаги қидируд ғаоллигини ривожлантиришнинг зарур шартлари ҳисобланади. Бола сұз билан синов үтказар экан, тўғри шаклни «ушлаб қўргани» ҳолда жаранглаётган нутқни тинглайди, сұзларни эркин алмаштириш, грамматик ўҳашашликларни аниқлаши, шакл ва сұз ясаш қоидаларини яратишни үрганади. Муаммоли нутқий вазиятларда («ёзма нутқ» вазияти, бунда бола ҳикояни айтиб туради, катта ёшли одам эса ёзиб оладилар), биргаликда тўқиши вазиятида, бунда катта ёшли гапни бошлайди, бола эса ниҳоясига етказади; «Жонли сұз» ўйинида гап тузилмасини моделлаштириш жараёнида болалар турли таркибдаги гапларни тузишни, нутқни эркин равишда тузишни үрганадилар.

Афсуски, ҳозирги пайтгача боланинг амалий билимларни үзлаштиришда ортда қолаётганини қандай қилиб барвақт аниқлаш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмалар (тавсиялар) ишлаб чиқилмаган. Биз бу ортда қолишни бола мактабда ҳаттоқи 1-синф курсини үзлаштиришга ҳам қодир эмаслиги маълум бўлганида ва энди бирон нарсани ўзгартириш қийин бўлган бир пайтда пайқаймиз.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқидаги грамматик хатоликлар грамматик аҳамиятни үзлаштириш жараёни нормал ҳолатда давом этаётганилигидан, боланинг ўз она тилида грамматик аҳамият мавжудлиги ҳақидаги фояни үзлаштириб олганидан ва мазкур аҳамиятни у тақлид қиласиган грамматик

шакллар намуналарини тақдим этадиган тарбиячилар (ото-оналар)нинг педагогик қобилиятидан келиб чиққан ҳолда эгаллаб олаётганидан далолат беради. Нутқда грамматик шаклларни тушуниш (интуитив) сари ўз вақтида йўналтирилган бола эса бундай хатоликларга йўл қўймайди, чунки кўпинча у жим ўтиради.

Шунингдек, болалар нутқидаги қатор грамматик хатоликларнинг мавжудлиги болаларнинг ўзлари қўллаётган грамматик шакллар маъносини тушунишлари, аммо ҳали уларни нутқда қандай қилиб қўллашни эсда сақлаб қолмаганликлари - яъни, нутқий меъёрларни ўзлаштириб олмаганликларидан далолат беради.

Сўз ясашдаги грамматик хатоликлар. Болалар «ўз» сўзларини ўзлари ўзлаштириб улгурган сўзларга ўхшатиб ҳосил қиласидилар. Бунга ҳаётдан мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин: чунки, нормал ривожланаётган ҳар қандай бола ўз сўзларини «ижод қиласи».

Катталар болаларнинг ушбу янги ҳосил қилган сўзларининг грамматик маъносини осон тушунадилар, чунки бу ерда маъно жиҳатидан грамматик хатоликлар йўқ: олд қўшимчалар, суффикслар мутлақо тушунган ҳолда қўлланмоқда, улардаги маъно тўғри; бу ўриндаги хатолик шундан иборатки, болалар ушбу аффиксларнинг адабий нутқда қайси ўзак морфемалари билан қўлланишини ҳали эслай олмайдилар.

Сўз ўзгартиришдаги грамматик хатоликлар. Болалар нутқидаги сўзни одатда, турлаш ёки келиширишнинг маҳсулдор тури асосида ўзгартиридилар, самарасиз турни улар одатда, кечроқ ўзлаштиридилар, агарда бу борада уларга ёрдам берилмаса, сўз ўзгартиришдаги хатоликлар мактабгача ёшда «умр кўради», мактабда эса уларни тузатиш анча қийин кечади.

Сўз ўзгартиришнинг самарасиз турига кичик сўзлар гурухи, яъни емоқ, юрмоқ, ўсмоқ каби феъллар (уларнинг ҳар бири алоҳида тусланиш гурухини ташкил қиласи), ном, исм каби ҳар хил турланадиган отлар (10 та сўз) ва бошқалар киради, бироқ бу сўзлар нутқда учрайди, шунинг учун уларнинг хато ўзгартирилганлигини доимо пайқаш мумкин.

Болалар одатда, нутқда феълнинг сифатдош оборотлари ва равишдош шаклларидан фойдаланишини билмайдилар, чунки улар буни катталар нутқида жуда кам эшитадилар: катталар болаларнинг тушунмай қолишлиридан кўрқиб бундай

грамматик шаклларни иложи борича кам қўллашга интиладилар, оқибатда, болалар мактабда уни ўзлантиришга тайёр бўлмайдилар. Натижада болалар нутқи грамматик жиҳатдан бирлаштирилган нутқ бўлиб қолади.

Тарбиячи (ва ота-она) болаларнинг шевага оид нуқсонларига ҳам эътиборни қаратиши зарур. Қайд этиш лозимки, болалар нутқида шева билан боғлиқ нуқсонларни бартараф этиш анча қийин, чунки бола уйда, баъзан Мактабгача таълим муассасасида ҳам доимо катталарнинг шевага хос нутқини эшитади.

Барча ёш гуруҳларида сўз ўзгартиришини шакллантириш методлари ва усуллари

Грамматикага оид машқлар бир вақтнинг ўзида болаларнинг лексика ва фонетика бўйича ўзлаштириб олган материалларини мустаҳкамлашга доир машқлар ҳам ҳисобланади. Болаларнинг энг оз миқдордаги сўзлар ва товушларни артикуляция қилиш ҳамда гап интонациясини моделлаштириш қобилиятини олдиндан ўзлаштириб олмасларидан туриб грамматик машқларни бажаришлари мумкин эмас.

Уч-тўрт ёшли болаларда грамматик кўникмаларни шакллантириш. Тарбиячининг асосий вазифаси шундан иборатки, у болаларга иборали нутқдан амалда фойдаланишини ўргатиши, яъни нутқда асосий грамматик категорияларни тўғри қўллаш, сўзни сони, келишиги, шахси, замонига қараб амалда ўзгартиришни ўргатиши лозим.

Грамматик қатор устидаги ишларни отлар билан танишувдан бошлаган маъқул, чунки, отлар нутқимизнинг ярмидан кўпини ташкил қиласди. Бундан ташқари, отларни ўзгартириш орқали нутқнинг бошқа қисмлари ҳам, яъни: сифатлар - келишиклар, турлар ва сонлар бўйича; ўтган замондаги сифатлар ва феъллар - турлари ва сони бўйича ўзгариади.

Отларни ўзгартириш ишларини тушум келишигидан бошлаш лозим. Бунинг учун уни бош келишик билан таққослаш, сўнгра энг аниқ ва имконли келишиклар сифатида жўналиш ва биргалик келишикларини ўрганиш зарур, шундан кейингина болаларга қаратқич ва олд кўмакчили келишикларнинг айрим маъноларини, ушбу келишиклар ҳамда

Қаерга? Қаердан? каби фарқловчи саволлар асосида ҳосил қилинганд олд қўмакчили тузилмаларни таништириш лозим.

Айниқса олд қўмакчи устидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Олд қўмакчили тузилмалар бильосита келишикларнинг асосий шаклари билан боғлиқдир, шунинг учун олд қўмакчилар билан амалий танишувни келишикларни қўллаш билан бирлаштирган маъқул. Биринчи навбатда болалардан, остида-устида каби қўмакчилар ўртасидаги фарқларни тушуниб олишлари зарур. Ушбу тушунчаларни мустаҳкамлаш учун ҳаракат ва нутқни таққослаш жуда муҳимдир.

Болаларга нутқда олд қўмакчилардан фойдаланишини ўргатишда олд қўмакчи ва ўзгартириладиган қўшимчани оҳанг билан ажратиб кўрсатиш муҳимдир: стол устида, стол тагида ётиби, столдан олиб ташлади ва ҳ.к.

Бу вақтга келиб болалар «битта», «кўп» сўзларини фарқлай олишлари лозим. Турли нарсаларни танлаб олганлари ҳолда улар «бир», «бизнинг» сўзларини мазкур предметлар билан келиштиришини ўрганадилар.

Учинчи йилнинг бошига келиб, бола муайян даражада феъл лексикасини, яъни: ноаниқ шаклдаги ичмоқ, бермоқ феълларини ва бор, бер, олиб кел, юв каби буйруқ майлидаги айрим феълларни ўзлаштириб олади.

Болаларга ўтган замон феълини таништиришни улар отларнинг келишик шаклларини ўзлаштириб олганларидан сўнг амалга ошириш зарур. Ўтган замон феъллари осон ўзлаштирилади ва у болаларнинг фаол лугати таркибига киради. Ўтган замон феъллари материаллари асосида болалар нутқига феълни ўзгартиришнинг тур ва сон шакллари осон киритилади: ювди; ювдик; чизди, чиздик. Сўнгра «бўламан» феъли билан бола келаси замон шаклини ўзлаштириб олади. Оддий келаси замон феъллари шакллари тўрт ёшларга келиб бола нутқида пайдо бўлади.

Болалар нутқига турли хилдаги феълларни киритишини «ҳаракат - нутқ» усулидан фойдаланган ҳолда феъл устки олд қўшимчаларни кузатиш ишлари билан биргаликда амалга оширган маъқул. Бундан ташқари, бола муайян сурат ёки ҳаракатга йўналгани ҳолда олд қўшимча феълга олиб кираётган (кетди, кирди, яқинлашди, чиқди) маъно қиррасини англаб олиши мумкин. Болалар олд қўшимча маъносини ўзлаштириб

олганларидан кейин уни олд күмакчи билан таққослаш мүмкін (...га кирди,дан кирди, ...дан чиқди ва ҳ.к.).

Болаларнинг амалий машғулотларини ташкил этишга доир маҳсус машғулотларда тарбиячига ўйинчоқлар, нарсалар, кийимлар, пойабзал, идиш-товоқлар, озиқ-овқатлар ва бошқ, сюжетли ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Болалар ўйнаганлари ҳолда атрофдаги катталар фаолиятига тақлид қиласылар. Тузилаётган гапни ранг-баранг қилиш учун ўйин сюжетини ўзgartириш - янги ўйин персонажларини киритиш, болага йўналтирувчи саволлар бериш ва шу билан уни муайян иборалар билан жавоб беришга ўргатиш зарур.

Намойиш қилинаётган ҳаракатлар бўйича «билан» олд күмакчиси иштирокидаги тузилмаларни киритиш қулайдир: айиқча билан, кучукча билан ўйнади; қўёнча билан, ойиси билан, Самат билан гаплашди.

Намойиш этилаётган ҳаракатлар бўйича тузилаётган бутун гапни болалар албатта ўzlари айтиб кўрадилар. Агарда бола гапда хатоликка йўл қўйса, тарбиячи уни тузатиши ва гапни яна бир бор такрорлаши лозим.

Болаларга ибораларни тегишли грамматик шакл билан расмийлаштиришни ўргатишни ўйинли вазиятлар асосида ҳам амалга ошириш мүмкін. Ўйинли усуллардан болалар билан грамматик тузилмаларни қўллаш борасидаги сұхбат сифатида барча келишик шаклларини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Болаларга олд күмакчиларни қўллашни ўргатишга доир машғулотларда предметларнинг кенглиқдаги муносабатларини албатта кўрсатиш шарт. Бунинг учун кубиклар, пирамидалар, китоблар ва бошқа нарсалардан фойдаланиш мүмкін. Масалан, уйча қурилишини кўрсатиб берувчи ҳаракатларни қўйилдаги сўзларни айтган ҳолда амалга ошириш зарур: «Кубикнинг устига кубик қўямиз, девор ҳосил бўлди. Девор ортида столча турибди» (бу ўринда девор ортидаги нарса ҳаракатини кўрсатиш зарур). Столча атрофига қўёнча ва айиқча ўтиришибди. Стол устидаги пиёлалар бор, стол тагида эса табуретка турибди». Стол устидаги ва тагидаги нарсалар ҳолатини албатта кўрсатиш зарур, шундагина бола нарсаларга оид сўз бирикмаларини осон ўзлаштириб олади.

Маҳсус грамматик машқларни суратлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш лозим. Уларни синчиклаб кўриб чиққандан ва саволларга бир сўзли жавоб берилганидан сўнг тўлиқ билвосита қўшимчани тузиш ва айтиб кўришга ўтиш

даркор, чунки, уларга феълга боғлиқ сўзни расмийлаштириш анча қийин кечади. Масалан, Алишер Барно билан коптот ўйнайпти. Қизча чойнаги билан гулларни сүформокда.

Битта сурат сюжети асосида саволлар бериш ва боланинг унга жавоб қайтариши савол-жавоб тусидаги қизиқарли машгулотлардан бири ҳисобланади. Масалан, «Бола қўлини ювмоқда» сурати асосида қатор саволлар бериш мумкин:

«Хуршид, Тимур, Алишер нима қилишаяпти?», «Алишер нимани ювмоқда?», «Биз қўлимизни нима билан ювамиз?», «Кимнинг қўли тоза?» ва ҳ.к.

Бола ҳаётининг тўртинчи йилида унга бир таркибли гаплар тузишни ўргатиш, шунингдек унинг нутқига умумлаштирувчи тушунчаларни киритишга катта эътибор берилади. Машгулотларда суратлар асосида, таянч сўзлар ёрдамида, намойиш этилаётган ҳаракатлар асосида, гапнинг этишмаётган қисмларини тўлдириш асосида гап тузиш каби турли хил ишларни амалга ошириш зарур.

Бир таркибли аниқловчилар билан гап тузишга доир ишларни болалар билан «Бу нима, топинг-чи?» ўйинини уюштириш орқали амалга ошириш мумкин. Бола ажралиб турувчи белгиларига қараб нарса номини айтиши зарур, масалан: «думалоқ, серсув, сариқ, ширин, думи бор, фойдали» - шолғом. Ёки: - «катта, думалок, кўк, резинали» - коптот.

Бир таркибли кесимли гапларни тузиш учун «Эсла ва айт» ўйинидан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи болага топшириқни ҳеч ким эшитмайдиган қилиб айтади. Бола топшириқни изчил равишда бажара бошлайди, болалар эса у нима қилаётганини айтиб берадилар: «Абдуазим қайчини олди, қизил ва кўк қофозлардан бўлаклар кесиб олиб, уларни Зуҳра ва Фарруҳга берди».

Нутқни ривожлантиришга доир машқлар - яъни, нутқий грамматик моделларни мустаҳкамлашга доир машқлар бошқа ишлар билан, масалан китоб ўқиши билан биргаликда бажарилиши мумкин. Кичик асарларни ўқиши ўқилаётган матнга мос ўйинлар ва ҳаракатлар билан амалга оширилиши мумкин.

Грамматик машқлар ўйин, сайдир соатларида, навбатчилик пайтида бажарилиши лозим, шунда кичкентойларнинг нутқий маҳоратлари янада ортади.

Умуман олганда, боланинг мактабгача таълим муассасасидаги бутун фаолияти унинг диққат-эътибори,

хотираси, фикрлаш доирасини ривожлантиришга, унинг нутқини такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Беш-олти ёшли болаларда грамматик кўникмаларни шакллантириш. Бу ёшга келиб бола қўйидаги асосий грамматик шаклларни ўзлаштириб олиши мумкин ва шарт: бирлик ва кўплик сондаги отларнинг олд кўмакчи-келишик шакли, кўп сонли сифатларни келишиклар, сонлар бўйича ўзгариши, феъл шакллари, равишларни тўғри қўллаш. Беш ёшда бола ўз нутқида гарчи айрим гап турлари унинг учун ҳали анча қийин бўлса ҳам, қўшма гаплардан фойдаланади. Олд кўмакчилар ва боғловчилар турли хил маъноларда қўлланилади. Қўпроқ умумлаштирувчи сўзлар қўллай бошланади: мебель, овқат, идиш-товоқлар, ўйинчоқлар, транспорт. Умуман боланинг сўз заҳираси ортиб боргани сайин унинг нутқи равон ва изчил бўлиб боради. Беш ёшли болалар тузатган гапларда улар ўзларига яхши таниш бўлган ҳодисаларнинг (эртага, кечаси, якшанба ва ҳ.к.) сабаб-оқибатли муносабатларини ифодалайдилар.

Дастурга мувофиқ тарбиячи беш ёшли болаларга нутқ асосий қисмларининг грамматик шаклларини тўғри қўллашни ўргатишига доир ишларни давом эттириши лозим.

Болаларга ўз нутқида вақтли, мақсадли ва сабабли синтактик муносабатларни (Қачон? Қайси мақсадда? Қайси мақсад учун? Нима учун? Нега? каби саволларга жавоб бериш) ифодалашни ўргатиш зарур. Тарбиячи нутқка қатор олд қўшимчали феълларни киритади, айни пайтда Нима қилдинг? Нимани қилиб бўлдинг? (чиздим-чизиб тугатдим, ювдим - ювиб бўлдим ва ҳ.к.) саволларига жавоб берувчи феъллар; саволга қараб асоси ўзгарадиган феъллар (Нима қилаяпман, Нимани қилиб тутатаман?: қуриб тутатаман - куриб тутатаяпман, сакрайман - сакраяпман); келгуси оддий ва келгуси мураккаб замонли, -ди қўшимчали ва усиз шаклдаги феъллар («Мен ўйнамоқчиман» - «Мен ўйнаяпман», «У кийинмоқчи», «У кийинади»); баҳони (яхши-ёмон, ифодали, тез, секин, паст, баланд); вақтни (буғун, қишида, ёзда ва бошқ.); жойни (бу ерда, анави ерда, шу ерда, ўнгда, чапда, баландда, пастда, анави томонга) белгиловчи энг кўп тарқалган равишлар; гапда сўзларни боғлаш ва гапларни боғлаш учун фойдаланиладиган тўқима боғловчилар (ва, эса, аммо, бироқ); гапларни боғлаш учун хизмат қиласидиган бўйсундирувчи

богловчилар (учун, чунки, агар, қачонки, зеро) устидан бирламчи кузатишни амалга оширади.

Ҳаётининг бешинчи-олтинчи йилини бошдан кечираётган болаларда грамматик кўникмаларни шакллантириш майший мулоқот жараёнида ва айни пайтда предметли машғулотларда маҳсус нутқий машқларни ўтказишда, суратлар билан ишлашда рўй беради. Машғулотлар учун таклиф этилган дидактик материал замон категориялари, сонлар, шахслар, феълларни ўзлаштиришга, нутқда тугалланган ва тугалланмаган кўринишдаги феълларни амалда қўллашга ёрдам бериши зарур. Болаларни амалга оширилаётган ва амалга ошириб бўлинган ҳаракатларни фарқлашга ўргатиш учун уларга таниш вазият билан боғлиқ ҳолда аниқ хусусият баҳш этиш лозим.

Гап тузишда «бугун», «ҳозир», «энди» равишиларини ҳозирги замон феъли билан, «кеча», «анчадан буён», «яқинда» равишиларини ўтган замон феъли билан боғлаш муҳимдир.

Маҳсус машқларда боғланган қўшма гап ва эргашган қўшма гаплардан иборат бўлган қўшма гаплар тузишга доир ишлар сезиларли аҳамият касб этиши даркор. Бунинг учун савол-жавоб шаклидан фойдаланган маъқул. Дастреб бола қўшма гапнинг фақат иккинчи қисмини (аслида қўйилган саволга жавоб ҳам шу) айтади, кейинчалик эса ундан қўшма гапни бутунича айтишини талаб қилиш зарур. Қўпинча болалар айнан эргаш гапларни қўллашда хатога йўл қўяди.

Қўшма гапларни тузишга доир машғулотлар турлича ўтказилиши мумкин: суратлар билан: сюжети бир-бирига яқин бўлган икки сурат танлаб олинади: унинг бирида ўрин-кўрпасини ёзётган қизча, иккинчисида эса - ухлаётган қизча тасвиrlанган. Тарбиячи раҳбарлигига бола гап тузади: «Гули эндинигина жой солаяпти, Лола бўлса ухлаб қолди».

Гап тузиш «Нима олдин, нима кейин?», «Ҳаммаси тескари», «Хатосини топ» каби ўйинлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Ушбу ўйинларни ўтказишда болалар «ва» бириктирувчи боғловчиси ва «ёки» ажратувчи боғловчиси ёрдамида фап тузадилар.

Нима учун? Нега? саволларига жавоб берувчи гапларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай гапларни тузиш учун ўйинчоқлардан, суратлар туркумидан фойдаланиш, сюжетли-ролли ўйинларни ташкил қилиш мумкин. Бу борада «Телефон» ўйини катта имкониятлар яратади - болалар ўзларининг

«телефон» сұхбатларини ҳикоя қилишда құшма гап түзишлари шарт: «Барно унга құғирчоқни келтиришимни илтимос құлді»,

Құшма гапларни түзишга доир ишлар сайдарда, табиат билан танишувда, расм чизиш, мусиқа машғулотларидан давом эттирилиши лозим. Орттирилган нұтқий құникмалар сақналаштириш, дидактик ва ҳаракатлы үйніларни ұтказында мустақамланади.

Хәётнинг еттинчи йилини бошдан кечираётгандай болаларда грамматик құникмаларни шакллантириш. Етти ёшга келиб, бола одатда, нұтқинг барча грамматик шаклларини, яғни: отларни турлаш, эң кенг құлланиладиган феълларни тулашни әгаллаши лозим. Ҳаракат белгисини (кенглик, вақт, ҳаракат образы) тавсифлаш учун улар равишилардан фойдаланадилар, бунинг учун болалар уларни сүз бирикмаси ва гап қаторида құллайдылар: тез юрди, секин гапириди, чапта бурилди ва бошқ.

Етти ёшли болалар нұтқида олд құмакчилар қўпинча нафақат ўз маъносида, балки ноаниқ тарзда ҳам қўлланилади. Шуниси диққатга сазоворки, олд құмакчилар дастлаб кенглик маъноси кўрсаткичи сифатида тўрт-беш ёшли болалар нұтқида пайдо бўлади (уйдан, девордан узоқлашди); сўнгра беш-олти ёшли болалар ушбу олд құмакчини объектив маъно кўрсаткичи сифатида ҳам қўллайдылар (онамнинг совгаси, дадамнинг хати) ва фақат, кейинроқ, етти-саккиз ёшларга келиб, бола сабаб маъносини ифодалаш учун «дан» олд құмакчисидан фойдаланиши мумкин (қўрқанидан қичқириб юборди, оғриқнинг зўридан йиғлаб юборди).

Етти ёшга келиб, одатда, нұтқинг синтактик қатори шаклланади: бола оддий гапларни, бир хил аъзоли гапларни тўғри тузади, бунда у бириктирувчи, зидловчи, ажратувчи боғловчиларни қўллайди; у ўз нұтқида құшма гаплардан, қўпинча эса турли хил синтактик муносабатларни ифодаловчи эргашган құшма гаплардан фойдаланади: қўшимча гаплар - «Камол нима қўрганилигимизни сўради»; мақсадли гаплар - «Биз озиқ-овқат харид қилиш учун дўконга кетаямиз»; шартли гаплар - «Агар ёмғир ёғмаса, биз сайд қилгани чиқамиз» ва бошқ.

Ўз таассуротлари ҳақида ҳикоя қилас экан, олти ёшли бола равон монологик нұтқ шаклидан фойдаланиши лозим.

Мактабгача таълим муассасасининг тайёрлов гуруҳида грамматик расмийлаштирилган нұтқни ривожлантириш борасидаги ишлар асосий ўринни әгаллаши лозим. Худди олдинги йиллардаги каби, у маҳсус машғулотларда ва бошқа фаолият турлари билан боғлиқликда амалга оширилади.

Айнан бир фикрни турли воситалар ёрдамида расмийлаштириш мактабга тайёрлаш гуруҳидаги болаларда грамматик нутқ кўникмаларини шакллантиришга доир ишларнинг асосий тури бўлиши мумкин. Масалан, болалар ўйин-кулги қилаётган сюжетли суратни таҳлил қилишда қатор гапларни тузиш мумкин: «Болалар кувончдан сакраб юбориши», «Хурсанд бўлиб, болалар осмонга сакрадилар»; «Болалар сакраб юборишиди, чунки улар хурсанд эдилар». Айнан бир мавзуда турлича гаплар тузишга доир бундай ишлар мактабгача ёшдаги болаларга битта фикрни турлича ифодалаш имконини беради. Машғулотларда тарбиячи атайлаб болаларга бир-бирининг ўрнини босиши мумкин бўлган гаплар тузишни ўргатади.

Айнан бир мавзуга оид гаплар вариантларини яратиш учун дидактик ўйинлар, сюжетли расмлар, бадиий матнлардан фойдаланиш мумкин. Айнан битта фикрни ифодалаш учун турлича гаплар тузишга оид ишлар етти ёшли болаларда грамматик тўғри нутқ кўникмаларини шакллантиришда асосий ўринни эгаллаши лозим.

Бу ёшдаги болаларга нутқда сифатдошларни қўллашни ўргатиш улар нутқини ривожлантиришга доир ишларнинг иккинчи йўналиши бўлиши мумкин.

Болалар нутқига сифатдош шаклларни киритиш учун болалар, катталар, ҳайвонлар, күшларнинг турли ҳаракатларини тасвиrlовчи суратлардан фойдаланиш мумкин (ўқиётган бола, рақс тушаётган қиз, югураётган қуён ва ҳ.к.).

Болалар сурат асосида гап тузадилар: «Бола ўқияпти». Тарбиячи ўқиётган бола сўз бирикмасини тузишга ёрдам беради. Тарбиячи сўз бирикмасидаги сифатдошни айтади, сўнгра болалардан сўрайди: «Қайси бола?» - «Ўқиётган бола».

Машғулот учун энг кўп қўлланиладиган феълларни олиш ва улардан ҳозирги замондаги ҳақиқий сифатдошларни ҳосил қилиш даркор. Болаларга ҳеч қандай атамалар маълум қилинmasлиги керак, бунда уларнинг айрим сифатдошларни эсда саклаб қолишлари ва зарур бўлганда уларни ўз нутқига қўша олишлари жуда муҳимdir.

Болаларнинг сифатдошларни қўллашларига оид ишлар табиатни кузатиш чоғида, расм чизиш машғулотларида, бадиий адабиётни ўқиш жараёнида ўтказилиши мумкин. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- Предметни, унинг белгиларини кўрсатиш ва номини айтишни уларнинг моҳиятини очиб берадиган изоҳлар билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, тушаётган барг сўз бирикмасида - бу тушаётган баргдир. Болаларга таништириладиган сифатдошларни яхиси, олдин алоҳида-алоҳида, кейин жўр бўлиб айтган маъқул.

- муайян сўзниң ҳосил бўлишини тушунтириб бериш: «чизаётган» сўзи чизмоқ сўзидан, «рақсга тушаётган» сўзи рақсга тушмоқ сўзидан.

- Сифатдошга саволлар қўйиш: «Дала қандай, саргаяяптими?» - «Саргаяяпти».

- От ва сифатдошдан иборат бўлган сўз бирикмаси асосида гап тузиш: саргаяётган барглар - «Олманинг саргаяётган барглари кўриниб турибди»; фириллаётган самолёт - «фириллаётган самолёт шаҳар устидан учиб ўтди» ва ҳ.к.

Агарда ўқилаётган асар матнида сифатдош учраса, болаларнинг уни ҳикоя қилиб беришида мазкур сифатдошни унга тааллуқли бўлган отлар билан биргаликда қўллашларига, тарбиячи савол берганида эса ушбу сифатдош ҳосил бўлган феъл номини айта олишларига эътибор бериш жуда муҳимdir.

Мактабгача катта ёшдаги болаларга мустақил ҳикоя-тавсифлар (ўйинлар, нарсалар бўйича) ёки сюжетли суратлар туркуми асосида ҳикоялар тузишни ўргатиш мақсадида нутқни ривожлантиришга доир маҳсус ишларни ўтказишда тарбиячи болаларнинг ўзларига маълум бўлган барча грамматик шаклларни қўллашларига эришиши лозим: отларнинг келишик шакли ва сифатлар, сифатлар тўлиқ ва қисқа шаклда, сифатларни таққослаш даражалари (юқори, баланд, энг баланд); феълларнинг тусланадиган шакллари; энг кенг тарқалган равишилар (ўнгга, чапга, олдинга, орқага, бу ерда, анави ерда, юқорида, пастда, яхши, тез), ҳозирги замон ҳақиқий сифатдошлари; олд кўмакчилар ва боғловчилар.

Болалар нутқининг синтактик қаторини ривожлантирар экан, тарбиячи болаларнинг оддий гапларни, бир хил аъзоли, гапларни тузиш, қўшма гапларни тўғри тузишларига эътиборни қаратиши лозим. Фақат юқорида кўрсатиб ўтилган барча грамматик шаклларни ўзлаштирган тақдирдагина бола мактабда ўқишига яхши тайёрланган бўлади.

ХУЛОСАЛАР:

• Грамматика - фикр билдириш ва бошқалар билдирган фикрларни тушуниш учун инсонга зарур бўлган билимлар умумийлигидир.

• Бола тилга суст эмас, балки фаол, амалий ёндошади, ўзи англамаган ҳолда доимо тил ҳодисаларини таҳлил қиласди.

• Бутун тил ривожининг асосини боланинг предметли фаолияти ташкил қиласди. Боланинг тил борлиги элементлари билан ҳаракатлари худди предметли олам элементлари билан бўлгани кабидир.

• Сўз ҳосил қилишни (ва сўз ўзгартиришни) эгаллашда бола морфеманинг товуш қиёфасига йўналади.

• Болаларнинг сўз ижодкорлиги - қоидалар, умумлаштирулар, образли муносабатлар ҳаракатларини шакллантириш жараёнининг яқъол кўринишидир.

• Грамматик элементларни эгаллаш жараёни кўргазмали тасаввурни шакллантириш асосида рўй беради ва у бир нечта босқичларга эга.

• Бугунги кун лингвистикасининг асосий вазифаларидан бири - сон-саноқсиз гапларни тузиш ҳамда уларни тушуниш қобилиятини ривожлантириш табиати ва механизмини тушунишдан иборатдир.

• Бола катталар тилининг категориялар тизимиға амал қилмайди, аксинча у ўзининг «индивидуал» тил тизимининг ичидағи вазифавий хусусиятларига асосланган ўз сўzlари категориясини яратади.

• Тилни ривожлантиришнинг моҳияти (луғат тўплаш билан параллел равишда) шундан иборатки, токи ўрганаётган бола кўп сонли янги фикрлар талқинини яратиш учун қоидалар тизимини эгаллаб олсин.

• Она тилининг грамматик аҳамиятлари маъносини тушуниш - ўсиб бораётган инсоннинг ақли шаклланётгани ва ривожланётганидан далолат беради.

• Мактабгача ёшдаги болалар нутқидаги грамматик хатоликлар грамматик аҳамиятни ўзлаштириш жараёни нормал ҳолатда давом этаётганидан, боланинг ўз она тилида грамматик аҳамият мавжудлиги ҳақидаги тояни ўзлаштириб олганидан ва мазкур аҳамиятни у атрофдаги катталарнинг педагогик қобилиятидан келиб чиққан ҳолда эгаллаб олаётганидан далолат беради.

- Нутқни ривожлантиришга доир машқлар - яъни, нутқий грамматик моделларни мустаҳкамлашга доир машқлар бошқа ишлар (китоб ўқиши, расм чизиш, ўйин ўйнаш ва бошқ.) билан биргаликда бажарилиши лозим.

- Мактабгача катта ёшдаги болаларга сюжетли суратлар асосида мустақил равишда ҳикоялар тузишни ўргатиш мақсадида нутқни ривожлантиришга доир маҳсус ишларни ўтказишида тарбиячи болаларнинг ўзларига маълум бўлган барча грамматик шаклларни қўллашларига эришиши лозим.

- Фақат барча грамматик шаклларни ўзлаштирган тақдирдагина бола мактабда ўқишига яхши тайёрланган бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Грамматика деганда нимани тушуниш лозим?
- Имитация назарияси нимани англатади?
- Имитация назариясига қарши қандай илмий далиллар мавжуд?
 - Бутун тил ривожланишининг асосини нима ташкил қиласди? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
 - Боланинг грамматик элементларни ўзлаштириши қайси фаолият негизида рўй беради?
 - Бола морфемани ўзлаштиришда қайси босқичлардан ўтади?
 - Боладаги мавжуд қоидаларнинг шаклланганлиги ва барқарорлигини қандай қилиб текшириш мумкин?
 - Болалар сўз ижодкорлиги нимани билдиради?
 - Сўз ижодкорлигининг психофизиологик негизини нима ташкил қиласди?
 - Боланинг она тили синтаксисини эгаллаш жараёни қандай амалга ошади?
 - Болалар нутқида қандай фикр билдириш турлари ажратилган?
 - Боланинг тил тизимини эгаллаш, тил қобилиятларига эга бўлиш жараёнининг асосини нима ташкил қиласди?
 - Мактабгача таълим муассасасида педагог олдида грамматика соҳасида қандай вазифалар турибди? Уларнинг ҳар бирини тавсифлаб беринг.
 - Мактабгача ёшдаги боланинг грамматик хатоликлари нимадан далолат беради?

- Болалар нутқидаги грамматик хатоликларнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
- Болаларнинг суффикслар, префикслар, сўз қўшимчаларининг грамматик аҳамиятини қай даражада тушунишларидан далолат берувчи грамматик хатоликларига мисоллар келтиринг.
- Тарбиячи болалар нутқидаги грамматик хатоликларни қандай қилиб тузатиши мумкин?
- Уч-тўрт ёшли болалар нутқининг асосий грамматик белгиларини айтиб беринг.
- Уч-тўрт ёшли болалар нутқининг грамматик қатори устидаги ишларни нималардан бошлаш зарур?
- Беш-олти ёшли болалар нутқини грамматика нуқтаиназаридан тавсифланг.
- Беш-олти ёшли болалар ўз нутқида қайси асосий синтактик муносабатларни акс эттиришлари мумкин?
- Мактабгача таълим муассасасида қўшма гаплар устида иш олиб бориш методикаси қандай?
 - Болаларнинг она тилининг грамматик тизимини ўзлаштириб олишлари нима учун уларнинг ақлий ривожланишида шунчалик муҳим аҳамият касб этади?

ХII-МАВЗУ. НУТҚНИНГ ТОВУШ МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ

Нутқнинг товуш маданияти тушунчаси

Нутқнинг товуш маданиятига доир ишлар бўлимлари

**Ҳар бир ёш босқичида нутқнинг товуш маданиятини
тарбиялаш**

Нутқнинг товуш маданияти тушунчаси

Нутқ маданияти - бу тўғри сўзлай олиш, яъни нутқий мулоқот шартлари ва фикр билдиришдан кўзланган мақсадни ҳисобга олган ҳолда ҳамда барча тил воситаларидан (тил воситаларидан, шу жумладан интонация, лексик заҳира, грамматик шакллардан) фойдаланган ҳолда баён қилинаётган мазмунга мос ҳолда гапиришдан иборатdir.

Бола сўзлашни ўрганмокда. Лекин бунинг учун у аввал ушбу тилга хос бўлган барча фонемаларни айтишни; товушларни ва сўзда муайян позицияда турган товушлар бирикмасини анъанага мувофиқ ҳолда, яъни орфоэпия қоидалари бўйича талаффуз қилишни; интонацияни яратувчи просодемаларни моделлаштиришни ўзлаштириб олиши лозим.

Болаларга она тилида нутқни ўргатиш тажрибасидан маълумки, алоҳида товушлар артикуляциясини ўзлаштириш бола учун энг қийин вазифа ҳисобланади. О.И.Соловьева нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ишларнинг асосий йўналишларини белгилар экан, «педагог олдида болаларга сўзлардаги товушларни соғ, тоза талаффуз қилиш, сўзларни рус тилининг орфоэпия қоидаларига мувофиқ ҳолда тўғри талаффуз қилиш, аниқ талаффуз этишни (яхши дикция) ўргатиш, уларда ифодали нутқни тарбиялаш вазифалари турганлигини» таъкидлайди¹.

Баъзан тарбиячининг болаларда тўғри нутқни шакллантириш борасидаги фаолияти товуш талаффузи камчиликларини бартараф этувчи логопед меҳнати билан таққосланади. Бироқ нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш фақатгина товушларни тўғри талаффуз этишни шакллантиришдан иборат эмас. Товушларни тўғри талаффуз

¹ Соловьев О.И. Методика развития речи и обучения родному языку в детском саду. З-нашр. М., 1966, 50-51-бетлар.

этишни шакллантириш нутқдаги товуш маданиятини тарбиялашга оид ишларнинг бир қисмидир. Тарбиячи болаларга тұғри нутқй нафас олиш, она тилидаги барча товушларни талаффуз қилиш, сұзларни аник айтиш, товушдан фойдаланишни ўргатади, болаларни шошмасдан ифодали қилиб сұзлашга одатлантиради.

Айни пайтда нутқдаги товушни шакллантириш жараёнида тарбиячи айрим логопедик усуллардан фойдаланиши, яъни худди логопед каби нутқ камчиликларининг олдини олишга қаратылған ишлар билан шуғулланиши мумкин.

Товуш артикуляциясини эгаллаш анча узок ва мураккаб жараён бўлиб, у кўпинча беш йил, баъзан эса етти йилгача чўзилади: бу борадаги ишлар муваффақиятли олиб борилган тақдирда бола беш ёшдан бошлаб соф сўзлай бошлади. «Мактабгача таълим муассасасида тарбиялаш дастури» бола ҳаётининг еттинчи ийлига келиб - яъни, болаларга ўқиш ва ёзиш ўргатиш бошланадиган даврга келиб унинг барча товушлар артикуляциясини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш вазифасини қўяди.

Болаларга тұғри талаффузни ўзлаштириш вазифаси агарда улар орфоэпик талаффузли шахслар ичидаги ўсаётган бўлса жуда осон ҳал этилиши (бу ҳолда уларда биринчи кундан бошлаб артикуляция базаси тұғри шаклланади) ва айни пайтда у катталардан шевага хос ёки ҳалқона талаффуздаги сўзларларни эшитса бу жараён жуда қийин кечиши (аниқроғи - ҳеч нарсани ўзлаштира олмаслиги) мумкин.

Тил ҳақидаги фанда турли тоифадаги гаплар интонацияси ва ўз-ўзидан, просодемалар, уларнинг артикуляция органларини модуллаштиришдаги иштироки масаласи жуда кам ўрганилган.

Тажрибалар шундан далолат бермоқдаки, болалар барча просодемаларни ҳеч бир қийинчиликсиз ўзлаштириб оладилар, айниқса уларга овоз оҳангы модуляциясини ўзлаштириш жуда осон кечади, кўпчилик болалар просодемаларни деярли машқсиз ўзлаштириб оладилар. Бирок, ўргатувчилар (ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар) ўзлари она тили интонациясини аъло равища эгаллаганлари боис буни пайқамайдилар. Агарда бола айрим просодемаларни «мустақил равища» ўзлаштира олмаса, катталар, одатда нутқдаги бу камчиликка тезда эътибор бермайдилар, бу борада болага

ёрдам бермайдилар ва у шу камчилик билан мактабга боради. У ерда эса интонациядаги нұқсонни бартараф этиш нутқ товушлари артикуляциясидаги нұқсонларни бартараф этишта қараганда янада қийин кечади.

Болалар интонациянинг айрим элементларини (просодемалар) гапнинг яхлит интонациясидан ажратиб олишни ўрганадилар ва буни алоҳида эмас, балки гапнинг ўзида бажарадилар. Болалар гапнинг ўзини (тугалланган фикрни) интонациясига қараб тушунишни ўрганадилар. Улар иккى тугалланган интонацияни, яъни: баён ва сўроқ интонацияларини ўзлаштирадилар.

Тугалланган интонациялар билан бир вақтда болаларга мантикий урғулар (гапни долзарб ўқиш) кўрсатилиади ва улар ёйиқ гапнинг мазмуний кесимларида тугалланмаган интонацияни бажаришни машқ қиласидилар. Маълумки бундай интонациялар олтита (А.Н.Гвоздев): санаш интонацияси («И к царевне наливное, молодое, золотое прямо яблоко летит»), қарама-қарши қўйиш интонацияси («В третий раз закинул он невод, - пришел невод с одной рыбкою, с непростою рыбкою - золотою»), чақириқ интонацияси («Чего тебе надоально, старче?», «Свет мой зеркальце, скажи, да всю правду расскажи..»), огоҳлантириш интонацияси ёки иккى нуқта интонацияси («Отвечает золотая рыбка: «Не печалься, ступай себе с богом!», «Удивился старик, испугался: рыбачил тридцать лет и три года и не слыхивал, чтоб рыба говорила»), кириш интонацияси («Вот пришел он к синему морю (помутилось синее море), стал он кликать золотую рыбку...»), алоҳида ажралиш интонацияси («Но царевна молодая, тихомолком расцветая, между тем росла, росла, поднялась - расцвела, чернобрюва, нраву кроткого такого»).

Юқорида баён қилинганлар тилнинг фонетик ва фонологик воситалари равон нутқда бир вақтнинг ўзида қўлланилади. Боланинг равон нутқи услуби, унинг ҳис-ҳаяжонлилиги унинг нутқ товушларини қандай талаффуз этишига (артикуляцияларни ғайрат билан ва аниқ айтиш ёки секин ва тушунарсиз айтиш) ва мавжуд просодемалардан қайси бирини танлашига (паст-жарангдор, тез-секин, овоз тембри билан ижобий ёки салбий ҳиссиятларни тасвирлаш) боғлиқдир.

Л.В.Шерба рус тилида иккита асосий талаффуз услубларининг мавжудлигига эътиборни қаратган.

Тұлиқлык (ёки китоби) услуги омма олдида нутқ сүзлашда - маърузалар ўқиш, йигилишда сүзга чиқиш, радио ва телевидениеда диктор бўлиб ишлашда, шунингдек ўқувчи, талабалар учун ва ўзини яхши англашларини хоҳлаган ҳамда тингловчиларга уни тушунишларини осонлаштиришга интилаётган ҳар бир шахс учун мажбурийдир. Тұлиқ услубли нутққа аниқ талаффуз, ўртача суръат хос бўлиб, овоз кучи хона ҳажми ва овоз тембрига мос бўлади. Нутқда кишининг ўз қадрини яхши билиши, яъни уни тинглаётганларга нисбатан ҳурмат ва эътибори яққол ифодаланади.

Нотұлиқ, (ёки сўзлашув) услуг майший мулоқотда құлланилади. Бунда сўзлардаги товушларни бирмунча паст ва суст айтиш, ва тез айтиш ёки, аксинча, ибораларни секин айтиш ва шивирлаш мумкин; сўзлашув нутқига оҳангий (ҳис-ҳаяжонли) ишлов бериш кўринишлари турлича бўлади: барча ҳис-туйғулар сўзлашув нутқининг жаранглашида тұлиқ акс этади.

Етарли даражада маданий нутққа эга бўлган ҳар бир инсон ҳар доим ҳам вазиятдан келиб чиққан ҳолда иккала нутқ услубларини маҳсус тайёргарликсиз қўллай олиши мумкин. Маҳсус тайёрланган нутқ нотиқлик нутқи (публицистик чиқишлиарда) ёки бадиий ўқиш (актёрлик фаолиятида) деб аталади.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш бир вақтнинг ўзида нутқнинг бошқа қисмларини ҳам, яъни луғат, боғловчи, грамматик жиҳатдан тўғри нутқни ривожлантирган ҳолда амалга оширилади.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга ойд ишлар бўлимлари

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш она тилидаги товушларни аниқ айтиш, уларни тўғри талаффуз қилиш, сўзлар ва ибораларни аниқ талаффуз қилиш, тўғри нутқий нафас олиш, шунингдек овоз кучидан етарли даражада фойдалана олиш қобилияти, нутқнинг нормал суръати ва ифодалиликнинг турли интонацион воситалари (нутқ мусиқаси, мантиқий сукут, ургулар, нутқ суръати, ритми ва тембри) ни шакллантиришни ўз ичига олади. Нутқнинг товуш маданияти яхши ривожланган нутқни тинглай олиш қобилияти асосида шаклланади ва ривожланади.

Болаларда түғри ва яхши жаранглайдиган нутқни ривожлантирап экан, тарбиячи қуидаги вазифаларни ҳал этиши зарур:

-болаларда тинглаш қобилиятини тарбиялаш, унинг компонентларини, яъни: тинглаш эътибори (бирон-бир товушни жаранглашига қараб қандай товуш эканлигини ва унинг йўналишини аниклай олиш), фонематик тинглаш, мазкур нутқ суръати ва ритмини қабул қила олиш қобилиятларини аста-секин ривожлантириб бориш;

- артикуляция аппаратини ривожлантириш;

- нутқий нафас олиш устида ишлаш, яъни иборалар билан эркин сўзлай олиш учун қисқа нафас олиш ва давомли нафас чиқаришни ўргатиш;

- мулоқот шароитидан келиб чиққан ҳолда овоз баландлигини бошқариш қобилиятини тарбиялаш;

- она тилининг барча товушларини түғри талаффуз қилишни шакллантириш;

- ҳар бир товушни, шунингдек сўзлар ва ибораларни аниқ ва тушунарли талаффуз қилишга, умуман яхши талаффузга одатланиш;

- сўзларни ўзбек адабий тилининг орфоэпия қоидалари месъёрларига мос ҳолда талаффуз қилишни ривожлантириш;

- нормал нутқ суръатини шакллантириш, яъни сўзлар ва ибораларни нутқни тезлаштирмай ва секинлаштирмай секинлик билан ҳамда шу билан бирга тингловчига аниқ тушуниш имкониятини яратган ҳолда талаффуз қилишни ўргатиш;

- нутқнинг оҳангий ифодалилигини тарбиялаш, яъни фикрлар, ҳиссиётлар ва қайфиятни мантиқий пауза, ургу, оҳанг, суръат, ритм ва тембр ёрдамида аниқ ифодалаш қобилиятини шакллантириш.

Тарбиячи нутқдаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уни мутахассисга юборишдан олдин бундай нуқсонлар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши лозим.

Энди ҳар бир вазифани батафсил кўриб чиқамиз.

• Нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантириш

Нутқни шакллантиришнинг дастлабки даврида нутқни тинглашга оид асосий компонентларни ривожлантириш бир текисда бормайди. Чунончи, нутқни ривожлантиришнинг биринчи босқичларида тинглаш эътиборига алоҳида аҳамият

берилади. Ваҳоланки, бунда асосий мантиқий вазифа юқори товуш тинглаш қобилияти зиммасига тушади. Болалар товуш баландлиги ўзгаришини нутқнинг ҳис-ҳаяжонли хусусиятига (жаҳд қилинса унга жавобан йиғлайдилар ҳамда хушмуомала ва майин муносабатта жавобан жилмаядилар) ва тембрига (онаси ва бошқа яқинларини овозларидан танийди) мувофиқ ҳолда қараб таниб олишни биладилар, шунингдек сўзнинг ритмик суратини, яъни унинг шева-бўғин таркибини (сўзнинг бўғинлар сони ва асосий ургунинг жойига боғлиқ бўлган товуш тузилиши хусусиятлари) нутқ суръати билан бирликда тўғри қабул қиласидилар.

Келгусида нутқни ривожлантиришда фонематик тинглаш қобилиятини, яъни бир товушни бошқасидан аниқ ажратса олиш ва бунинг натижасида айрим сўзларни таниш ҳамда тушуниш қобилиятини шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Яхши ривожланган нутқни тинглаш қобилияти она тилининг барча товушларини аниқ ва тўғри талаффуз қилишни таъминлайди, сўз айтишда унинг баландлигини тўғри бошқара олиш ва уни оҳиста суръатда, оҳанг жиҳатдан ифодали қилиб сўзлаш имконини беради.

Нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантириш артикуляция аппаратини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Нутқни тинглаш қобилиятини тарбиялаш болаларда нутқ жарангдорлигининг турли хил кўринишларини, яъни товушларни тўғри талаффуз қилиш, сўзларни аниқ ва тушунарли айтиш, овозни пасайтириш ёки кучайтириш, нутқ баландлиги, тезлиги, оҳисталиги, уни жадаллаштириш ва секинлаштириш, тембрали ишлов бериш (илтимос, буйруқ ва бошқ.) кабиларни қабул қила олиш қобилиятини шакллантиришга қаратилгандир.

- Артикуляция аппаратини ривожлантириш

Нутқий товушлар оғиз бўшлиғида шаклланади, унинг шакли ва ҳажми ҳаракатчан аъзолар: лаблар, тил, пастки жағ, оғизнинг юмшоқ юқори қисми, қизилўнгач ҳолатига боғлиқ бўлади. Муайян товушни талаффуз қилиш учун зарур бўлган нутқ органларининг тўғри ҳолати ва ҳаракати артикуляция деб аталади.

Артикуляция аппарати тузилишидаги бузилишлар, масалан, қисқа тилости тугуни, нотўғри тишлашиш, оғиз юқори қисмининг ҳаддан ташқари баландлиги ёки пастлиги ва

бошқа айрим камчиликлар товушни нотұғри талаффуз қилишга одатланишга олиб келувчи дастлабки омиллар ҳисобланади. Бироқ, агарда боланинг артикуляция аппарати органлари ҳаракатчан бұлса, у яхши тинглаш қобилиятига эга бўлса, бу ҳолда кўпчилик ҳолатларда унинг ўзи товуш талаффузидаги камчиликларни бартараф этишга қодир.

Агарда боланинг артикуляция аппарати ҳаракатида нуқсонлар мавжуд бўлса (масалан, тил кам ҳаракатланса), бу ҳолда у товушларни нотұғри талаффуз қилиш, суст, ноаниқ ва тушунарсиз нутққа олиб келиши мумкин.

Шунинг учун тарбиячининг вазифалари қуйидагилардан иборат: тилнинг ҳаракатчанлигини ривожлантириш; лабларнинг етарли даражадаги ҳаракатчанлигини ривожлантириш; пастки жағни товушларни талаффуз қилиш учун муҳим бўлган муайян ҳолатда тутиб туришни ўрганиш.

• Нутқий нафас олишни ривожлантиришга доир ишлар.

Үпкадан кекирдак, бўғиз, оғиз бўшлиғи ёки бурун орқали чиқаётган ҳаво оқими товуш ҳосил қилувчи манба ҳисобланади. Нутқий нафас олиш ўз-ўзидан рўй берадиган нонутқий нафас олишдан фарқли равишда ихтиёрий нафас олиш ҳисобланади. Нонутқий нафас олишда нафас олиш ва нафас чиқариш бурун орқали амалга оширилади, нафас олиш ўзининг давомийлиги бўйича нафас чиқаришга деярли тенг бўлади.

Нутқий нафас олиш оғиз орқали амалга оширилади, нафас олиш тез, нафас чиқариш эса секинроқ рўй беради. Нонутқий нафас олишда нафас олишдан кейин дарҳол нафас чиқарилади, сўнгра пауза сақланади. Нутқий нафас олишда эса нафас олинганидан кейин пауза сақланади, сўнгра астасекинлик билан нафас чиқарилади.

Тўғри нутқий нафас олиш тўғри товуш ҳосил бўлишини таъминлайди, нутқнинг тегишли баландликда бўлишини таъминлаш, паузаларга аниқ риоя қилиш, нутқнинг астасекинлигини ва интонацион ифодалилигини сақлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Нутқий нафас олишдаги хатоликлар умумий заифлик, аденойдик ўсимталар, турли юрак-томир касалликлари оқибати бўлиши мумкин. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига салбий тасъсир кўрсатувчи нафас чиқаришдан оқилона фойдалана олмаслик, нафас олаётib сўзлаш, ўпкани етарли даражада ҳаво билан тўлдирмаслик каби нутқий нафас

олишдаги номутаносибликлар нотұғри тарбия, кattаларнинг болалар нұтқига етарли даражада әзтибор бермаганликлари оқибатида ҳам юз берган бұлиши мүмкін.

Заиф нафас оладиган ва нафас чиқарадиган мактабгача ёшдаги болалар одатда, паст овозда сұзлайдилар, узун ибораларни талаффуз қилишда қийналадилар. Нафас чиқаришда ҳаводан нооқилона фойдаланилганиңа нутқнинг изчиллігін бұзилади, чунки болалар ибораниң үртасида нафас олишга мажбур бўладилар.

Кўпинча бундай болалар сұзларни охиригача айтмайдилар ва баъзан ибора сўнгига уларни шивирлаб айтадилар. Баъзида болалар узун иборани ниҳоясига етказиш учун нафас олиб сўзлашга мажбур бўладилар, бунинг натижасида нутқ ноаниқ бўлади, болалар худди тиқилиб қолгандек сұзлайдилар. Чунки, тезлаштирилиган нафас чиқариш ибораларни мантиқий паузаларга риоя қилмасдан жадал суръатда сўзлашга мажбур қиласди.

Шунинг учун тарбиячининг вазифалари қуйидагилардан иборат: маҳсус үйинли машқлардан фойдаланган ҳолда эркин, бир текис ва узайтирилган нафас чиқаришни үргатиш; педагог нутқига тақдид қилган ҳолда ундан тўғри, оқилона фойдаланишни (кичик ибораларни узоқ нафас чиқариш билан талаффуз қилиш) тарбиялаш.

- Овоз устидаги ишлар

Овоз аппарати воситасида баландлиги, кучи ва тембри турлича бўлган товушлар чиқарилади: уларнинг умумийлиги айнан инсон овозини аниқлайди.

Ҳар бир овоз хусусиятларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Овоз баландлиги - оҳангнинг кўтарилиши ва пасайиши, юқори овоздан паст овозга ўтиш ва аксинча.

Овоз кучи - товушларни муайян баландликда талаффуз этиш, шунингдек товушни бор овози билан талаффуз эта олиш қобилияти.

Овоз тембри - овозга сифат жиҳатдан ишлов бериш (жарангдор, маъносиз, титроқ, бўтиқ ва бошқ.)

Овоз овоз тугунчаларининг тебраниши натижасида вужудга келади. Унинг сифати нафас олиш, овоз ва артикуляция аппаратларининг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ бўлади.

Юқори нафас йўлларининг турлича тебранишлари, сурункали шамоллаш, аденоид ўсимталар ва ҳоказолар

овоздаги бузилишларнинг юз беришига ёрдам беради. Кўпинча мактабгача ўшдаги болаларда овоз бузилиши ундан нотўри фойдаланиш: доимий равишда бақириб сўзлаш, айниқса йилнинг совуқ даврида кўчаларда баланд овозда сўзлаш орқали овоз тугунчаларини зўриқтириш, бола овози диапазонига мос келмайдиган оҳангда сўзлаш (масалан, болалар анчага ёш болаларнинг чийиллоқ нутқига тақдид қиласидар ёки «адаси номидан» паст овозда сўзлашга уринадилар) оқибатида юз беради. Овоздаги бузилишлар бурун-томуқ ёки юқори нафас йўлларига оид касалликларни бошдан кечирган ҳамда касаллик пайтида ёки соғайганидан сўнг дарҳол овозни асраш режимга риоя қилмаган болаларда ҳам вужудга келиши мумкин.

Овоз имкониятларидан нотўри фойдаланиш бола шахсининг ўзига хос хусусиятлари (жуда уятчан бола кўпинча паст овозда сўзлайди; тезда файратга келадиган болалар баланд оҳангларда сўзлайдилар); нотўри тарбияга (агарда атрофдагиларнинг ўzlари баланд овозда сўзласалар болалар ҳам ноилож шунга ўрганадилар); агарда хонада доимий шовқин-сурон бўлса (радио, телевизор, мактабгача таълим муассасаси гуруҳидаги доимий шовқин-сурон ва ҳ.к.) болаларнинг баланд овозда сўзлашга мажбур бўлишларига боғлиқдир.

Тарбиячининг вазифалари қуидагилардан иборат: ўйинларда, ўйинли машқларда овознинг асосий сифати - кучи ва баландлигини ривожлантириш; болаларни зўриқмасдан сўзлашга ўргатиш, уларни овоздан турли вазиятларга мос ҳолда фойдаланишга одатлантириш (паст-баланд).

- Она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилишни шакллантириш

Мактабгача ёш она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилишни шакллантириш учун энг қулай давр ҳисобланади. Бу ишлар мактабгача таълим муассасасида ниҳоясига етказилмоғи лозим.

Товушларни тўғри талаффуз қилишни фақатгина болаларда артикуляция аппарати органларининг ҳаракатчанлиги ва тез ўзгара олиши, нутқий нафас олиши етарли даражада ривожланган, улар ўз овозларини бошқаришни уddyалай олган тақдирдагина шакллантириш мумкин. Тўғри талаффузни шакллантириш учун яхши ривожланган нутқни тинглай олиш қобилиятига эга бўлиш ҳам жуда муҳимдир, чунки у ўз-ўзини назорат қилиш имконини

беради, ўз-ўзини назорат қилиш эса доимо ўз устида ишлашга ундейди.

Товушни талаффуз қилишдаги камчиликлар нутқий аппаратдаги нуқсонлар (офизнинг юқориги қаттиқ ва юмшоқ қисмларидаги нуқсонлар), тиш-жағ тизими тузилишдаги хатоликлар, тил ости тугунчаларининг қисқалиги, артикуляция органларининг етарли даражада ҳаракатчан эмаслиги, фонематик тинглай олиш қобилияти (бир товушни бошқасидан фарқлай олмаслик) етарли ривожланмаганилиги оқибатида юз бериши мумкин. Жисмоний тинглай олиш қобилиятынинг сусайганлиги, ўз нутқига бепарволарча муносабатда бўлиш (ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тинглай олмаслик), атрофдагиларнинг нотўғри нутқларини ўзлаштириб олиш ҳам талаффузда камчиликларга олиб келиши мумкин.

Болаларнинг товушни нотўғри талаффуз қилишлари товушларни ташлаб кетишида, бир товушни бошқаси билан алмаштиришда ва товушни бузиб талаффуз қилишда намоён бўлади. Айниқса, товушларни алмаштириб ёки бузиб талаффуз қилиш ҳолатлари аниқланган болалар билан ишлашни ўз вақтида бошлаш жуда муҳимdir, чунки товушлар ўрнини алмаштириш кейинчалик ёзма нутқда ҳам пайдо бўлиши мумкин (бир ҳарфни бошқаси билан алмаштириш), бузиб талаффуз этилаётган ҳамда ўз вақтида тузатилмаган товушлар кейинчалик уни бартараф этиш учун логопед ва боланинг биргаликда кўп вақт ҳамда меҳнат сарфлашларини талаб қиласи.

Бундан ташқари, унумаслик зарурки, товуш талаффузидаги камчиликлар кўпинча боланинг ўзи нутқда хатоликка йўл қўйиши эмас, балки фақат маҳсус даволаш ва таълим беришини талаб қилувчи нисбатан мураккаб нутқ бузилишларининг (алалия, дизартрия ва бошқ.) бир белгиси ҳисобланади.

Тарбиячи қўйидагиларни амалга ошириши лозим: болаларга ҳар қандай позицияда (сўз бошида, ўртасида ва охирида) ва сўз таркиби турлича бўлганида (ҳар қандай ундош бирикмалари ва бўғинлар сони исталганча бўлганида) барча товушларни тўғри талаффуз қилишни ўргатиш; нутқида камчилик бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур ҳолларда уларни ўз вақтида маҳсус болалар муассасаларига юбориш.

• *Дикцияга оид ишлар*

Яхши дикция, яъни ҳар бир товушни, шунингдек сўзлар ва ибораларни алоҳида ва аниқ, тушунарли қилиб талаффуз этиш болада бир вақтнинг ўзида артикуляция аппаратини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан биргаликда астасекин шаклланади. Дикцияга оид ишлар она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилишни шакллантиришга доир ишлар билан узвий боғлиқдир.

Бола нутқининг барча томонлари жадал ривожланаётган 2 ёшдан б ёшгача бўлган даврда унинг сўзлар ва ибораларни аниқ ва тушунарли талаффуз этишига эътиборни қаратиш, болаларда сўзлардаги барча товушларни аниқ айтган, иборалардаги барча сўзларни тушунарли қилиб талаффуз қилган ҳолда оҳиста суръатда тақлид қилиш нутқини тарбиялаш зарур. Бироқ ҳар доим ҳам фақат тақлид қилиш орқали яхши дикцияга эришиб бўлмайди. Бунга нутқни тинглаш қобилиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги, артикуляция аппарати органдарининг етарлича ҳаракатчан эмаслиги, ўз овозини бошқара олмаслик ва бошқа камчиликлар тўсик бўлиши мумкин.

Кўпинча ноаниқ дикция сўзловчиларнинг нутқини диққат-эътибор билан тинглай олмайдиган ва ўз-ўзини назорат қилиш етарли даражада ривожланмаган, эътиборини бир нарсага жамлай олмайдиган ва салга жаҳли чиқадиган болаларда юз беради. Бундай болалар нутқи ноаниқ, аралаш бўлади, улар ҳар доим ҳам сўзлар, ибораларни охиригача айтмайдилар.

Аста-секин атрофдагилар ва ўз нутқини диққат билан тинглашни ўрганиши, нутқий нафас олиш, артикуляцияни ривожлантириши, овозни бошқаришни ўрганиши натижасида боланинг дикцияси ҳам яхшиланиб боради.

Тарбиячи мактабгача ёшдаги болаларга грамматик жиҳатдан тўғри нутқни, яхши дикцияни ўргатиши, уларни атрофдагилар нутқини диққат билан тинглаш ва ўз талаффузининг аниқлигини кузатиб боришга одатлантириши зарур.

• *Орфоэпияга доир ишлар*

Кишилар бир-бирларини тушунишлари учун улар оғзаки нутқининг товуш қисми бир хил бўлиши даркор. Шунинг учун тарбиячилар нафақат ўзлари оғзаки нутқ қоидаларига риоя

қилишлари лозим, балки улар болаларни ҳам шунга одатлантиришлари керак.

Биз бир неча бор болаларнинг ўз нутқида маҳаллий шевани, жайдари сўзларни қўллаётганини, урфуни нотўғри қўяётганликларини, сўзларни ҳарфига қараб айтаётганликларига дуч келамиш.

Тарбиячи болаларнинг адабий талаффуз қоидаларига риоя қилишлари устидан доимий назоратни амалга оширади. Бу ўринда тарбиячининг вазифаси куйидагилардан иборат бўлмоғи лозим: она тилининг орфоэпик меъёrlарини ўзлаштириб олиш йўли билан ўз нутқининг талаффуз маданиятини ошириш, машғулотларга тайёргарлик кўришда мунтазам равишда турли қўлланмалар, лугатлардан фойдаланиш.

• *Нутқ суръатига доир ишлар*

Нутқ суръати деганда, нутқнинг вақт бўйлаб давом этиш тезлиги тушунилади. Мактабгача ёшдаги болалар секин сўзлашдан кўра кўпроқ тез суръатда сўзлайдилар. Бу нутқнинг тушунарлилиги, аниқлигига салбий таъсир кўрсатади, товуш артикуляцияси ёмонлашади, баъзан алоҳида товушлар, бўғинлар ва ҳатто сўзлар тушиб қолади. Айниқса бу нуқсонлар узун сўзлар ёки ибораларни талаффуз қилишда кўп учрайди.

Тарбиячининг фаолияти болаларда сўзлар жуда аниқ жаранглайдиган оҳиста нутқ суръатини шакллантиришга йўналтирилиши зарур.

• *Интонацион ифодалиликка оид ишлар*

Интонация – бу нутқдаги барча ифода воситаларининг мураккаб мажмуи бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

мусиқийлик - иборани айтишда овознинг кучайиши ва пасайиши, бу нутқقا турли буёқлар баҳш этади ва бирхилликдан қочиш имконини беради. Мусиқийлик жаранглётган нутқнинг ҳар бир сўзида иштирок этади. Баландлиги ва кучига қараб ўзгаргани ҳолда унлилар унга ишлов беришни ниҳоясига етказадилар;

суръат – нутқий кесимлар ўртасидаги паузаларни ҳисобга олган ҳолда нутқнинг айтилган фикр мазмунидан келиб чиққан ҳолда жадаллашиши ва секинлашуви;

ритм - ургули ва ургусиз бўғинларнинг бир текис ўрин алмашиши (яъни, уларнинг қуидаги сифатлари: узоқлик ва қисқалик, овозни баландлатиш ва пасайтириш);

иборавий ва мантиқий ургулар - айтилган фикр мазмунидан келиб чиққан ҳолда паузалар, овозни баландлатиш, сўзларни талаффуз қилишдаги зўриқиши ва узоқлиги билан ажратиш;

нутқ тембри - (товуш тембри ва овоз тембри билан аралаштириб юборилмаслик) товушнинг экспрессив-эмоционал буёқлари (қайғули, қувноқ, ҳазин тембр).

Ифодалиликнинг ушбу воситалари ёрдамида мулоқот жараёнида фикрлар ва ибораларни, шунингдек эмоционал-ирода муносабатларини аниқлаштириш амалга оширилади. Интонация туфайли фикр тугалланган тусга эга бўлади, айтилган фикр асосий маънони ўзгартирмаган ҳолда қўшимча маънога эга бўлиши мумкин. Шунингдек, айтилган фикр мазмуни ҳам ўзгариши мумкин.

Оҳанг жиҳатидан ифодали бўлмаган нутқ одатда, тинглаш қобилиятининг сустлиги, нутқни тинглаш қобилиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги, нотўғри нутқий тарбиялаш, нутқдаги турли нуқсонлар (дизартрия, ринолалия ва бошқ.) оқибатида юз бериши мумкин.

Бола ўз нутқида турли ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларини тингловчига етказиш учун ифода воситаларини тўғри қўллашни билиши лозим. Тарбиячи нутқи ҳис-ҳаяжонга тўлик бўлиши ҳамда интонацион ифодалилик намунаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Интонацион ифодалиликка доир ишлар асосан тақдид йўли билан амалга оширилади. Тарбиячи шеърларни ёд олишда, ҳикоя қилиб беришда ўзи ҳам нутқнинг ифода воситаларидан фойдаланади ва бола нутқининг ифодалилигига эътиборни қаратади. Болалар тарбиячининг тўғри, ифодали нутқини эшифтани сайин аста-секин мустақил нутқда зарур интонацияларни қўллай бошлайдилар.

Нутқнинг товуш маданиятига доир барча ишлар бўлимлари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлади. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ўйинлар ва машғулотларни

мунтазам ҳамда изчил равишда амалга ошириш учун унга «жонли» овоз устидаги ишлар асос қилиб олиниши лозим. Ҳар бир ёш босқичида материални аста-секин мураккаблаштириб унга нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир бўлимларни киритган ҳолда уни мураккаблаштириб бориш даркор.

Болалар нутқини ривожлантиришнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришни учта асосий босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич - бу 1 ёшу б ойдан то 3 ёшгача бўлган давр. Ушбу босқичда (айниқса, унинг бошида) фаол луғат жадал ривожланади. Илгари шаклланиб улгурган артикуляция ҳаракатлари яхлит сўзларни талаффуз қилишда иштирок этгани ҳолда унга айрим ўзгартиришлар киритилади, яъни бунда аниқлаштириш юз беради, у янада барқарорлашади. Боланинг яхлит сўзни айтишга онгли равишда тақлид қилиш қобилияти ривожланади, шу туфайли тарбиячи бола нутқининг товуш жиҳатига сезиларли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Турли товуш тақлидларидан фойдаланиш нутқнинг товуш маданиятига доир ишларнинг асосини ташкил қиласди.

Ишнинг самарадорлиги оргади, чунки ушбу ёшдаги болалар билан машғулотлар кичик гурухларда олиб борилади.

Иккинчи босқич - 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган давр. Бу ёшда сўзнинг фонетик ва морфологик таркибини шакллантириш жараёни боради. Энг қийин артикуляция ҳаракатларини такомиллаштириш давом эттирилади. Бу бола учун оралиқ, аффрикат ва сонор товушларини чиқариш имкониятини яратади. Ушбу босқичдаги ишлар болаларнинг сўзнинг товуш жиҳатига нисбатан сезиларли равишда ажralиб турадиган онгли муносабатига таянади ва у она тилининг барча товушларини изчил равишда машқ қилиш асосида қурилади.

Учинчи босқич - 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган давр. Бу босқич гўёки мактабгача таълим муассасасида мактабгача ёшдаги кичкинтолйлар нутқининг товуш томонини шакллантиришдаги яқунловчи давр ҳисобланади. Давр бошида энг қийин артикуляция ҳаракатлари шаклланиб бўлади, бироқ бунда шу нарса муҳимки, артикуляция ёки акустик белгилари бўйича

яқин бўлган (с-ш, з-х, с-з ва бошқ.) товушлар бир-биридан аниқ фарқланиши (талаффузда ҳам, нутқни тинглаш орқали қабул қилишда ҳам) лозим. Бундай товушларни табақалаштириш, фарқлашни такомиллаштиришга оид маҳсус ишлар болаларда фонематик тинглаш қобилиятини янада ривожлантиришга, фонемаларни мазмун фарқловчи товушлар сифатида ўзлаштиришга ёрдам беради (сурат - суръат, дур-тур ва бошқ.).

Мазкур даврда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш асосий товушлар жуфтлигини табақалаштириш асосида қурилади ва бир вақтнинг ўзида дикция, суръат, интоацион ифодалилик ва ҳ.к. ларни ўз ичига олади.

Тарбиячи ҳар бир босқичда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ишларнинг асосий мазмунини назарда тутгани ҳолда айни пайтда болалар нутқини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Ҳар бир ёш босқичида нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш

*1-босқич - 1 йилу бойдан бошлаб то 3 ёшгача
бўлган давр*

Бир ярим ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда нутқни тушуниш тез ривожланади, лугат бойлиги кескин ортади, сўз таркиби такомиллашади. Улар дастлаб товуш бирикмаларини, сўнгра эса оддий иборалар, кичик шеърларни осон тақорорлайдилар. Агарда икки ёшда бола икки-учта сўздан иборат бўлган ибораларни қўллаётган бўлса, у уч ёшга кирганида уч-бешта ва ундан ортиқ сўзлар иштирокида мураккаб ибораларни тузади. Ушбу даврда нутқ нафақат катталар билан, балки тенгдошлар билан ҳам мулоқот воситаси сифатида шаклланади. Бу даврда болаларда нутқнинг товуш томони, яъни: овоз ва артикуляция аппарати, товуш талаффузи, тинглаш қобилияти жадал ривожланади. Яхши, аниқ ва интоацион жиҳатдан тўғри бўлган ифодали нутққа эришиш учун илк ёшлардан бошлаб болалар билан нутқнинг товуш маданиятини ривожлантиришга доир ишларни амалга ошириш зарур.

Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш болаларнинг катталар билан мунтазам равишида мулоқотда бўлиши орқали амалга оширилиши лозим. Ушбу даврдаги асосий вазифа-tingлаш қобилиятини доимий ривожлантириш, артикуляция аппарати аъзоларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборатdir.

Ушбу мақсадларга эришиш учун муайян товушлар гуруҳи танлаб олинади ва болалар товушга тақлид қилиш асосида уларни машқ қиладилар. Асосан бу энг оддий товушлар гуруҳлариридир: унлилар - а, и, о; лаб-лаб - п, б, м; орқа тиллilar - к, г, х; лаб-тишиллар - в, ф; олд тиллilar - т, д, н. Икки йилдан кейин аста-секин артикуляция жиҳатидан нисбатан мураккаб бўлган олд тилли товушлар ҳам берилади - ҳуштаксимонлар - с, з; шувилловчилар - ш, ж, ч; сонорлилар - л, р, аммо бу З ёшдан бошлаб болаларнинг тўғри талаффуз қилишларига эришиш зарур, дегани эмас. Болалар ушбу товушларни мунтазам машқ қилиш натижасида аста-секин, 5-6 ёшларга тўғри талаффуз қила бошлайдилар.

Товушга тақлид қилишни турли иш шаклларига қўшиш болаларнинг нафақат турли кўринишдаги товушларни тўғри талаффуз қилишларини аниқлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, балки яхши дикцияга эришишда, яъни уларнинг товушлар ҳамда сўзларни аниқ ва тушунарли қилиб талаффуз этишларига эришишда ҳам кўмаклашади. Айнан бир хил товуш тақлидларини бир неча марта қўшиб талаффуз қилиш нутқий нафаснинг ривожланишига ёрдам беради, уларни турли баландликда талаффуз қилиш боланинг овоз аппаратини ривожлантиради.

Товуш тақлидлари бола томонидан кўп марта амалга оширилгани боис у бола учун намунага айланниб қолади ҳамда акустик ва артикуляция кўникмаларини орттириш учун яхши материал бўлиб хизмат қиласди.

Дастлаб икки ёшгача шундай товуш тақлидларини бериш керакки, токи улар боланинг тинглаш-нутқ кўникмаларини ривожлантиришга мос келсин, масалан: на-на, ба, у, му, ав, гага, ту-ту, ва ҳ.к. Боланинг фонетик имкониятларига ва унинг оддий сўзлари, товушга тақлид қилиш шаклларига мослашиш товуш талаффузини аниқлаш имконини беради. Бу нутқий ҳаракат таҳдилчисига нормал ривожланиш ва «пишиб етилиш» имкониятини, болага эса - айрим товушларга қулоқ тутиш

имконини беради, бу эса ўз навбатида тинглаш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

2-3 ёшли болалар билан ишлашда товушга тақлид қилиш мураккаблашади, хусусиятларига кўра турлича бўлган товушларни ўз ичига олади, масалан: диш-диш, fa-fa-fa, ку-куку ва ҳ.к. Бу товушга тақлид қилишда ҳам, мустақил нутқда ҳам товушларни аниқ, тушунарли қилиб талаффуз қилишга ёрдам беради, шунингдек нутқий тинглаш қобилиятини ривожлантиради. Бундан ташқари, товушга тақлид қилишга мактабгача ёшдаги болалар ноаниқ талаффуз қиласидиган ёки умуман айта олмайдиган товушларни аста-секин қўшиб бориш товуш талаффузини яхшилашга ёрдам беради. Болаларда мавжуд товушлар аниқлаштирилади, янгилари пайдо бўлади.

Шундай қилиб, машғулотларда ва ундан ташқарида турли товуш тақлидларини мунтазам равишда қўллаган ҳолда тарбиячи бир вақтнинг ўзида нутқнинг товуш маданиятини ҳам шакллантиради. Талаффуз учун осонлаштирилган нутқий материалда бола нутқнинг товуш маданиятига оид қатор бўлимларни машқ қиласиди ҳамда шу билан нутқни тинглаш ва нутқий ҳаракат анализаторларини нисбатан мураккаб акустик-артикуляция ишига тайёрлайди.

Ишларнинг ушбу босқичида болаларнинг ёшига қараб уларга ўзида турли тозуш тақлидларини жамлаган ўйинлар, қўшиқлар, шеърлар, саноқ шеърлар ва ҳикоялар берилади.

Тарбиячи товушга тақлид қилишни ўйин-машқлар, нутқни ривожлантириш ва атроф-муҳит билан таништиришга оид машғулотлар, дидактик ўйинли машғулотлар, мусиқий машғулотлар таркибига киритади.

2-босқич - уч ёшдан беш ёшгача бўлган давр

З ёшдан 5 ёшгача бўлган даврда болаларнинг нутқи ривожланиши давом этади. Ушбу ёшда луғат йифилади, аниқлаштирилади ва такомиллаштирилади. Болалар сўзларни мазмунига қараб аниқроқ айта бошлайдилар. Улар грамматик шакллардан тўғри фойдалана бошлайдилар, кичик эртаклар, ҳикояларни мантиқий изчиликда ҳикоя қилиш ва суратлар мазмунини айтиб беришга қодир бўладилар. Нутқнинг товуш жиҳати ҳам жадал ривожланади. Болалар она тилининг кўпгина товушларини ўзлаштириб оладилар ва тўғри талаффуз қиласидилар, сўзлар ва ибораларни соғ ва аниқроқ айта бошлайдилар, ўз нутқининг суръатига эътибор бера бошлайдилар.

Мазкур босқичда нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришдаги асосий вазифа болаларда фонематик тинглаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда сўзлар ва ибораларни аниқ ва тушунарли қилиб талаффуз қилған ҳолда она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилишини ривожлантиришдан иборат бўлади.

Бу ёшда асосий вазифани ҳал этиш билан бир қаторда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашнинг бошқа бўлимларига оид ишларни ҳам амалга ошириш, яъни: овоз баландлигини вазиятга қараб мослаштириш, сўзларни улардаги урғуларни аниқ қўйган ҳолда шошмасдан, тўғри ва аниқ қилиб айтиш қобилиятини тарбиялашга доир ишларни ҳам амалга ошириш зарур.

Илк ёшдаги болалар билан ишлашда товушга тақлид қилиш кенг қўлланилади. 3-4 ёшли болалар учун нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш товуш талаффузига оид ишларни олиб бориш жараёнида амалга оширилади. Уни шакллантириш мактабгача таълим муассасасида ниҳоясига етказилиши лозим, нутқнинг товуш маданиятига оид қолган бўлимларни такомиллаштириш эса мактабда давом эттирилади. Айни пайтда товуш талаффузи бўйича ишларни нутқни тинглаш қобилиятини, нутқий нафас олишни, овозни, артикуляция аппарати, дикция ва интонацияни ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш осондир.

Тўғри товуш талаффузини тарбиялаш она тилининг барча товушларини изчил машқ қилиш жараёнида амалга оширилади. Бунда нафақат у ёки бу товушни тўғри талаффуз қилиш кўнкимларини шакллантириш, балки боланинг тинглаш ва талаффуз қилиш имкониятларини шакллантириш, яъни тинглаш ва артикуляция назорати ўртасидаги боғлиқликни ҳам шакллантириш зарур, зеро уларсиз товушларни тўғри талаффуз қилиш мумкин эмас.

Агарда З ёшли болалар - с, з, ш, ч, р, л каби товушларини етарли даражада яхши талаффуз эта олмасалар, дарҳол уларни машқ қилишга киришиш керак эмас, чунки бу болаларнинг уларни нотўғри талаффуз қилишга одатланиб қолишларига олиб келиши мумкин. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга оид ишларининг барча бўлимлари бўйича ишларни олиб бориш зарур. Нутқни тинглаш қобилияти ва талаффуз имкониятларини такомиллаштириш бу товушларнинг бола нутқида пайдо

бўлиши ҳамда уларнинг тўғри талаффуз этилишига ёрдам беради.

Масалан, З ёшли болалар билан талаффуз учун нисбатан осон бўлган - «ф», «в» товушларини машқ қилишда тарбиячи янги товушлар гуруҳи - яъни артикуляция аппарати органларининг «и» товушига яқин бўлган муайян жойлашуви хос бўлган, шунингдек «ф», «в» товушларини машқ қилишда ҳосил бўладиган мақсадли ҳаво тўлқини мавжуд бўладиган шувилловчи - «с», «з», товушларининг пайдо бўлиши учун шарт-шароитларни яратади. Бир товушлар гуруҳи учун ишлаб чиқилган кўникмаларнинг бошқасига ўтиш имконияти шу тариқа яратиласди.

Товушларни кетма-кет машқ қилиш нутқининг товуш маданиятини шакллантириш ва уни янада такомиллаштириш борасидаги ишларни мунтазам равишда ўтказиб бориш имкониятини яратади.

Она тилининг барча товушларини машқ қилиш бирбирини кетма-кет алмаштирувчи тўрт иш турини кўзда тутади: артикуляция аппарати органларини тайёрлаш, ажратилган товушни талаффуз қилишни аниқлаштириш (бўғинларда) ва ушбу товушни бошқа товушлардан ажратади олиш, сўзларда товушни тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш, иборали нутқда товушни тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш.

Сўнгги учта иш турига нутқий тинглаш қобилиятини ривожлантириш ҳам киради. Бу иш турлари машғулотларда машғулотлардан ташқари вақтларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу барча ишлар турларини битта машғулотда амалга ошириш тавсия этилмайди, чунки товушларни тўғри талаффуз қилишни ўзлаштириш жарабёни - бу муайян кўникмага эга бўлишдан иборат, уни яратиш эса изчиллик ва доимийликни талаб этади. Юқорида санаб ўтилган ишлар турларини 3-6 кун оралиғида бажариш болаларга артикуляция аппарати органларининг муайян жойлашуви ва ҳаракатини ўзлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш имконини беради, товушни тўғри талаффуз қилишни шакллантириш ҳамда уни яхши тинглай олишга ёрдам беради.

Товуш талаффузига оид ишлар нутқ товуш маданиятининг бошқа бўлимларига доир ишлар (нутқни тинглаш қобилияти, артикуляция, нутқий нафас олиш, овозлар, дикция, нутқ суръати, унинг интонацион

ифодалилигини ривожлантириш) билан биргаликда олиб борилади. Энди ҳар бир иш турини батафсил күриб чиқамиз.

1-иш тури - артикуляция аппарати органлари ҳаракатини аниқлаштириш. Тарбиячи ҳаракатларни ривожлантириш ёки аниқлаштириш, товушнинг тўғри артикуляциясига ёрдам берадиган муайян ҳолатларни ишлаб чиқиш учун ўйин машқларини ўтказади. Бунда нутқ товуш маданиятининг навбатдаги бўлимларига оид ишлар ажратилади: аниқ ва тўғри артикуляцияни, оғиздан узоқ муддат давомида бир текис нафас чиқаришни ўргатиш, товуш баландлигини ривожлантириш.

2-иш тури - ажратиб қўйилган товушни талаффуз қилишни аниқлаштириш ва нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантириш. Тарбиячи ажратиб қўйилган товушни талаффуз қилишни аниқлаштириш ёки уни тақлид асосида аташ учун ўйинларни ёки ўйинли машқларни олиб боради. Болаларнинг диққат-эътибори ушбу товушни талаффуз этишда артикуляция аппарати органларининг ҳолатига ва унинг жаранглашига қаратилади. Ушбу товушни товушлар гурухи ичидан ажратиб олиш учун ўйинлардан фойдаланилади.

Бу иш тури нутқни тинглаш, овоз баландлигини таққослай олиш қобилияtlарини тарбиялаш, артикуляция аппаратини, нутқий нафас олишни ривожлантиришга ёрдам беради.

3-иш тури - сўзларда товушни тўғри талаффуз қилишни тарбиялаш ва фонематик тинглаш қобилиятини ривожлантириш.

Тарбиячи сўзларда товушларни аниқ ва тўғри қўллашга ёрдам берувчи турли материалларни (асосан, дидактик ўйинлар) беради. Дастлаб машқ қилинаётган товуш урғули бўғинда турган сўзларда берилади. Болалар уни янада аникроқ, чўзиб талаффуз қилишни ўрганадилар, яъни товушни овоз ёрдамида ажратиш қўнимасини машқ қиласидилар, кейинчалик эса уларни нафақат ажратади олиш, балки унинг бўғиндаги жойини аниқлашни ўрганадилар. Бир вақтнинг ўзида фонематик тинглаш, сўзларни орфоэпия меъёrlарига мувофиқ ҳолда талаффуз қилиш вазифалари ҳал этилади.

4-иш тури - товушларни иборали нутқларда тўғри талаффуз қилишни тарбиялаш ва нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантириш.

Педагог маҳсус танлаб олинган нутқий материаллар, яъни: сўзли ўйинлар, тез айтишлар, топишмоқлар, шеърлар ва

ҳикояларни беради. У мазкур товушнинг юқорида санаб ўтилган материалда тўғри қўлланишини кузатиб боради. Мустақил нутқда товушни тўғри талаффуз қилишни тарбиялаш нутқни тинглаш ва нутқий нафас олиш қобилиятларини ривожлантириш, нутқнинг оҳиста суръати ва интоацион ифодалилигидан фойдалана олиш қобилиятини шакллантириш билан биргаликда олиб борилади.

З-босқич - беш ёшдан етти ёшгача бўлған давр

Мактабгача катта ёшдаги болалар кўп ҳолларда она тилидаги барча товушларни ўзлаштириб оладилар ва тўғри талаффуз қиласидилар, сўзлар ва ибораларни аниқ ва тўғри талаффуз қилишни, нутқ баландлигини вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ўзгартиришни, ифода қилишнинг интоацион воситаларидан фойдаланишни биладилар, етарли даражада ривожланган тинглаш қобилиятига эга бўладилар. Бироқ бу ёшда ҳали ҳам айрим товушлар ва мураккаб сўзларни, айниқса бир неча ундошлар иштирокидаги сўзларни унчалик аниқ талаффуз қила олмайдиган болалар ҳам учрайдилар. Улар ҳар доим ҳам оҳиста нутқ суръатларидан фойдалана олмайдилар, анча баланд ёки паст овозда сўзлайдилар ва ҳ.к. Айрим болалар эса товушларни тўғри талаффуз этгани ҳолда уларни тинглаш жараёнида ажратиб олишни қийналадилар, бу эса келгусида савод чиқаришда қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Болалар одатда мактабгача таълим муассасаларига турли ёшларда келиши ва нутқ товуш маданиятининг барча бўлимларини ҳар хил ўзлаштиришлари туфайли уни шакллантиришга доир ишлар катта гуруҳларда давом эттирилиши лозим. 5-7 ёшли болалар нутқида товуш маданиятини шакллантиришнинг асосий вазифаси нутқни тинглаш қобилиятини янада такомиллаштириш, аниқ, тўғри ва интоацион ифодали нутқ қўнилмаларини мустаҳкамлашдан иборатdir.

Ушбу босқичда нутқ товуш маданиятини шакллантиришни болалар томонидан кўпинча аралаштириб талаффуз қилинадиган товушларни табақалаштириш ишлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин: шиппиловчи ва чийилловчи товушлар - ш-с, ж-з; жарангли ва жарангсиз товушлар - в-ф, з-с, ж-ш, б-п, д-т, г-к; «л» ва «р» товушлари ва бошқалар.

Зарур ҳолларда кўпинча болалар томонидан аралаштириб юбориладиган бошқа товушлар жуфтликларини ҳам табақалаштириш мумкин.

Товушларни табақалаштиришга доир ишлар товушларни фарқлаш билан бир вақтнинг ўзида уларнинг акустик ва артикуляция хусусиятларига қараб ўтказилган ҳоллардагина тўғри ташкил этилиши мумкин. Бу хусусиятлар болалар томонидан анча илгари, товушларни машқ қилиш чоғида ажратилган. Масалан, «с-ш» товушларини машқ қилиш жараёнида тарбиячи болаларга ушбу товушларнинг асосий акустик ва артикуляция хусусиятларини ажратган ҳолда уларни бир-бирига таққослашга ундайди: совук ҳаво насосдан чиқади ва хуштак чалади: ссссс.... биз «с» товушини талаффуз қилганимизда тил пастки тишлар ортида туради; ёрилиб кетган шинадан шувиллаб иссиқ ҳаво чиқмокда: шшишиш.....биз «ш» товушини талаффуз қилганимизда тил юқори тишлар ортига кўтарилади.

Товушларнинг фарқловчи хусусиятларини амалий ўрганишга қаратилган бундай тизимли иш мактабгача таълим муассасасига кечроқ қатнай бошлаган болаларга ўз товуш талаффузини аниқлаштириб олишда ёрдам беради, фонематик тинглаш қобилияти ривожланиши ва артикуляция аппаратининг товушларни фарқлашга хос бўлган табақалаштирилган нозик ҳаракатларини ўзлаштиришда кўмаклашади. Буларнинг барчаси она тилини муваффақиятли ўқитишни давом эттиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Ажратиб қўйилган товушларни табақалаштириш билан бир қаторда сўзлар ва иборали нутқлардаги товушларнинг ҳам табақалаштирилиши бир вақтнинг ўзида болаларда нафас олишни, дикцияни, интонацион ифодалиликни, яъни такомиллаштириш ишларини ҳам олиб бориш имконини яратади.

Ҳар қандай товуш жуфтлигини табақалаштириш уч хил турдаги ишларни амалга оширишни кўзда тутади.

I-ии тури - ажратиб қўйилган товушларни табақалаштириш. Тарбиячи товушларни уларнинг акустик ва артикуляция хусусиятларига қараб фарқлашга доир ишларни бажаради. Бунда у «образли» суратлардан фойдаланган ҳолда, яъни товушни ҳайвонлар, нарсалар ва ҳаракатлар чиқарадиган муайян товушлар билан шартли равишда таққослашни амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида ушбу иш тури фонематик тинглаш қобилиятини такомиллаштириш, товушларни аниқ талаффуз қилишни ўрганишга ёрдам беради.

2-иши түри – сүзлардаги товушларни табақалаштиришдан иборат. Тарбиячи номларида табақалаштириладиган товушлар иштирок этадиган турли суратлар, нарсалар, ўйинчоқларни танлаб олади ҳамда болаларга уларни фарқлашни ўргатади. Даастлаб табақалаштириладиган у ёки бу товуш мавжуд бўлган сўз олинади, сўнгра эса факат бир дона табақалаштириладиган товуш мавжуд бўлган сўзлар, кейин эса ҳар икки табақалаштириладиган товушни ўз ичига олган сўзлар танланади. Болалар уларни аниқ, тўғри талаффуз қилишлари ва уларнинг фарқларини кўрсата олишлари лозим. Бир вақтнинг ўзида ушбу иш дикцияни яхшилашга ёрдам беради, сўзларни талаффузнинг орфоэпик меъёrlарига мувофиқ ҳолда тўғри талаффуз қилишни таъминлайди.

3-иши түри - нутқда товушларни табақалаштириш. Тарбиячи сўзли ўйинлар, ҳикоялар, сюжетли суратлар, шеърлар, тез айтишлар, топишмоқлар, мақоллар, маталлар ҳамда табақалаштириладиган товушлар билан бойитилган бошқа нутқий материалларни танлаб олади. Айни пайтда у болаларнинг ушбу товушларни тўғри қўллашларини ва уларни ўз талаффузлари билан аралаштириб юбормасликларини назорат қиласди.

Педагог шеърлар, ҳикояларда товушларни табақалаштириш учун материаллар берар экан, у бир вақтнинг ўзида болалар билан нутқ суръати, дикция, овоздан тўғри фойдаланишини машқ қилиш имкониятига эга бўлади ҳамда сўзларни талаффуз этишнинг адабий меъёrlарини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тўғри талаффуз қилинишини кузатиб боради.

Энди кўрсатиб ўтилган иш турларидан ҳар бир ёш босқичида фойдаланган ҳолда талаффуз кўнникмалари, нутқнинг товуш маданиятини амалиётда қандай ишлаб чиқиш (шакллантириш) зарурлигини кўриб чиқамиз.

1 йилу 6 ойдан 3 ёшгача бўлган давр

«A» товуши

«Мехмонлар»

Maқсад: товуш тинглай олиш ва товуш тақлидларини тўғри талаффуз қилишни тарбиялаш. Бир вақтнинг ўзида овоздан ўртacha баландликда фойдаланиш машқ қилинади.

Мазмуни: Педагог болаларга улар меҳмонларни кутиб олишлари лозимлигини маълум қиласди. Тарбиячи болалардан бири билан хонадан чиқар экан, унга кучук сурати тасвиirlанган ниқоб-қалпоқчани кийдиради. Сўнгра улар «тақ-

тақ» деб, эшикни очишади. Болалар сұрайдилар: «ким у?» Бола жавоб беради: «вов-вов». Тарбиячи болаларга мурожаат қиласы: «Бизга ким меҳмон бўлиб келибди?». Болалар жавоб берадилар: «кучукча». Тарбиячи: «кучукча қандай вовуллайди?». Болалар: «вов-вов». Педагог болаларга ғоз, қурбақа, товуқ, эчки ва бошқа жонзотлар тасвиirlанган ниқоб-қалпоқчаларни кийдиргани ҳолда ўйинни такрорлади.

Методик кўрсатмалар. Болалар товуш бирикмаларини аниқ ва етарли даражада баланд талаффуз этишларини назорат қилинг.

«Қўғирчоқни аллалаш»

Мақсад: артикуляция аппаратини ривожлантириш ва тинглаш қобилиятыни шакллантириш. Бир вақтнинг ўзида узоқ муддат мобайнода нутқий нафас чиқариш ва овоз баландлигини ўзгартира олиш қобилияти машқ қилинади.

Мазмуни: Педагог болаларга қўғирчоқларни тарқатади ва «а» товушини узоқ вақт мобайнода чўзиб айтиш - аaaa - орқали уларни аллалашни таклиф қиласы. Дастрраб болалар «а» товушини баланд овозда талаффуз қиласидилар. Сўнгра тарбиячи қўғирчоқлар ухлаб қолаётганини айтади ва болалардан секинроқ аллалашни сұрайди. Болалар «а» товушини паст овозда айта бошлайдилар.

Методик кўрсатмалар: Болалар «а» товушини анча узоқ вақт мобайнода, бир нафасда айтишларини назорат қилинг; овозидан унчалик яхши фойдалана олмайдиган болаларни яхшироқ назорат қилиш учун уларни кичик гуруҳларга ажратинг.

«Ү» товуши

«Бу кимлигини (нималигини) топ»

Мақсад: Тинглаш қобилиятыни тарбиялаш (талаффуз этилган товуш тақлидининг турли баландликларини тинглаш орқали аниқлаш қобилияти)

Мазмуни: Тарбиячи турли товуш бирикмаларини нарсалар ва ҳайвонлар билан таққослаган ҳолда талаффуз қиласы. Болалар бунинг нималигини ёки кимлигини аниқлашлари зарур. Масалан, тарбиячи паровознинг чинқириғига, сигирнинг маърашига, хўрознинг қичқириғига, най товушига тақлид қиласы. Такрорий ўйинда педагог болалардан нарса ёки жонзотларнинг узоқ ёки яқиндалигини аниқлашни сұрайди.

Методик кўрсатмалар: Тегишли нарсалар, жонзотлар тасвирларини танлаш; товушга тақлидларни баланд овозда ижро этиш.

«Ҳай-хўйлаш»

Maқсад: Артикуляция аппарати органларининг аниқ ҳаракатларини машқ қилдириш.

Мазмун: Педагог болаларга улар боққа гул тергани келганлигини маълум қиласди. Айрим болалар узоққа кетиб қолишди, уларни ҳай-хўйлаб чақириш лозим (кафтларини оғзига карнай қилиб қўяди ва қандай қилиб «ҳой-хув» деб талаффуз қилиш кераклигини кўрсатади). Болалар икки кичик гуруҳга бўлинадилар. Бир гуруҳ педагог ёнида қолади (улар паст овозда «ҳой-хув» деб талаффуз қилишлари керак), бошқа гуруҳ эса ажратилган жойга йўл олади (улар «узоқда» ва баланд овозда чақирадилар).

Методик кўрсатмалар: Паст овозда сўзлайдиган болалар баланд овозда «ҳой-хув» деб талаффуз қиладиган гуруҳга киритилади. Барча болалар ҳар икки товушни бир текисда талаффуз этишлари, овоз баландлигидан тўғри фойдаланишларини назорат қилиш даркор.

«В» товуши

Бўри ва им

Maқсад: Тинглаш қобилиятини ва «в» товушини аниқ талаффуз қилишни тарбиялаш. Бир вақтнинг ўзида оғиздан узун нафас чиқаришни, овоз баландлигини ўзgartиришни машқ қилиш.

I-вариант: Тарбиячи болаларга бўрининг қандай увиллашини тинглашни таклиф киласди (секин овозда: увввв...), сўнгра итнинг қандай ҳуришини тинглашни таклиф қиласди (баланд овозда: вов-вов). Унинг кўрсатмаси бўйича болалар овоз баландлигини оширадилар, бўрининг увиллаши ва итнинг ҳуришига тақлид қиласдилар.

Методик кўрсатмалар: Тақлидларнинг тўғри талаффуз этилишини назорат қилинг. Бўрининг увиллаши паст овозда, итнинг ҳуриши баланд овозда.

2-вариант: Тарбиячи болаларга бир нафасда бўрининг увиллаши, итнинг ҳуриши ва яна бўрининг увиллашини кўрсатишни таклиф қиласди. Болалар бу жонзотлар овозига кетма-кет тақлид қиласдилар: паст-баланд-паст.

Методик кўрсатмалар: Болаларнинг овозни пасайтириш ва кучайтиришни бошқа нафас олмасдан бир нафасда амалга оширишлари, паст овоздан баланд овозга оҳиса ўтишларини назорат қилинг.

3 ёшдан 5 ёшгacha.

«С» товуши

Мақсад: Артикуляция аппарати органларининг аниқ ҳаракатлари ва уларнинг түғри ҳолатини машқ қилиш.

«Фаррухнинг қандай жаҳли чиқиши ва унинг қандай қувонишини кўрсат»

Мазмун: Тарбиячи болаларга Фаррухнинг жаҳли чиққанида унинг лабларини мана бундай қилиб чўччайтиришини (лабларини шиширади), Фаррух хурсанд бўлганида эса унинг жилмайишини (лабларини чўзади, юқори ва пастки тишлирини кўрсатади) айтади.

Тарбиячи: «Энди эса мен сизга Фаррух ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Унинг жаҳли чиққанида сиз лабларингизни чўччайтирасиз (лабларини шишириб кўрсатади), у хурсанд бўлганида эса сиз жилмаясиз... Фаррухнинг ойиси унга машина олиб берди. Фаррух хурсанд, у жилмаймокда... У машинасини қўтариб, кўчага ўйнагани чиқди, ташқарида эса ёмғир ёғмоқда, у нима қилишини билмай қолди. Алишер Фаррухдан машинасини ўйнаш учун бериб туришни илтимос қилди. Фаррух машинани бергиси келмади, у лабларини чўччайтириди. Кўп ўтмай булутлар тарқаб, қуёш чиқди. Фаррух жилмайди ва Алишерга деди; «Кетдик, машинамни бирга ўйнаймиз».

Методик кўрсатмалар: Болаларнинг жилмайиш учун лабларини қийналмасдан чўзишлирини ва олд тишлирини кўрсатишларини назорат қилинг. Лаблар олдинга чўзилганида улар бир-бирига тегиб туриши лозим.

«Сайрда»

Мазмуни: Педагог болаларга қараб, дейди: «Бизнинг тилимиз сайр қилишга қарор қилибди. У ўз уйини очди (оғзини очади), дастлаб чапга, сўнгра ўнгга қаради, кейин яна чапга, ўнгга қаради, қараса ҳеч ким йўқ. Шунинг учун панжарага ётиб, қуёшга тобланмоқчи бўлди (тилини пастки тишлиари устига қўяди)».

Бу вақтда болалар тарбиячи ҳаракатига тақлид қиладилар.

Методик кўрсатмалар: Кенг тилнинг пастки олд тишилар устида бемалол ётишини назорат қилинг.

«Қорча учқунламокда»

Мазмуни: Болаларга «қор учқунлари» - ипга териилган паҳта тутамчалари тарқатилади. Болалар, шамолни тасвирлаганлари ҳолда шошмасдан «қор учқунларини» пуфлайдилар.

Методик күрсатмалар: Болаларнинг юзларини шиширмаган ҳолда узоқ вақт мобайнида бир текис пуфлашларини назорат қилинг.

2-ши тури:

Мақсад: Артикуляция аппарати ҳаракатларини аниқлаштириш, алоҳида ажратилган «С» товушини тўғри талаффуз этиш. Нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантириш, узоқ вақт давомида оғиздан нафас чиқаришни машқ қилиш.

«Насос»

Мазмуни: Тарбиячи дейди: «Болалар велосипедда сайр қилишга қарор қилишган эди, лекин улар фиддирагининг дами чиқиб кетибди. Улар насосларни олиб, фиддиракларни дамлашга киришдилар. Насосдан чиқаётган ҳаво хуштак чалмокда: ссссс..ccc..Барчамиз биргаликда фиддиракларни дамлаймиз. Болалар ана шу ҳаракатларга тақлид қиласидилар, тарбиячи билан биргаликда «с» товушини чўзиб айтадилар.

Методик күрсатмалар: Болаларнинг товушни аниқ, тўғри ва чўзиб айтишларини назорат қилинг.

3-ши тури:

Мақсад: сўзларда «с» товушининг тўғри талаффуз қилинишини мустаҳкамлаш, фонематик тинглашни ривожлантириш, сўзларнинг адабий меъёлларга мувофиқ ҳолда аниқ талаффуз этилишига эришиш.

«Сен биласанми?»

Мазмуни: Тарбиячи: «Болалар, мен сизларга бир нечта саволлар бераман, уларга жавоб беришингизда ҳар бирингизнинг столингизда ётган суратлардан фойдаланишингиз мумкин. Тўғри жавобни топган бола ёки қиз бу ёққа чиқади ва суратда тасвирланган нарса номини айтиб беради». Кейин саволлар бошланади: «Нимани миниб юриш мумкин?» (Болаларда самокат, самолёт, автобус, троллейбус ва бошқа нарсаларнинг суратлари мавжуд.);

«Дўконда нималар бор?» (сариёғ, минерал сув, нон); «Ҳайвонот боғида кимлар яшайди» (сиртлон, йўлбарс, фил, сарлочин ва бошқ.). Болалар нарсалар номини тўғри

айтгандаридан сүнг, тарбиячи ушбу сўзларда қайси товуш тақрорланаётганлигини сўрайди.

Методик кўрсатмалар: Сўзларнинг аниқ талаффуз қилинишини, сўзларда «с» товушининг тўғри талаффуз қилинишини назорат қилинг. Агарда болалар товушни аниқлашда қийналсалар, бу ҳолда тарбиячининг ўзи бир нечта сўзларни айтади ва уларда «с» товушини ажратиб талаффуз қиласди.

4-ши турى:

Мақсад: Нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантириш, яхши дикцияни машқ қилиш, «с» товушини ибораларда бир нафасда айтилишини мустаҳкамлаш, интонацион ифодалилик билан охиса суръатда сўзлаш қобилиятини тарбиялаш.

«Почтальон»

Мазмуни: Почтальон болаларга сюжетли суратларни тарқатади. Ҳар бир бола суратни олгач, уни бошқа болаларга кўрсатади ва унда нималар чизилганлигини айтади. Масалан, мана бундай суратлар туркуми фойдаланилади: бодга скамейка турибди, самолёт ўрмон устидан жуда баландда учеб ўтмоқда, ит шўрва ичмоқда ва ҳ.к.

Методик кўрсатмалар: Болаларнинг аниқ, баланд ва бир нафасда иборалар айтишларини назорат қилинг.

5 ёшдан 7 ёшгacha.

1-ши турى.

«В-ф» товушлари.

Мақсад: «в» ва «ф» товушларини фарқлаш, уларнинг тўғри талаффуз қилинишига эришиш. Оғиздан давомли нафас олиш, овозни ихтиёрий ишга кола олиш қобилиятларини ривожлантириш.

«Ёзми ёки қиши?»

Мазмуни. Тарбиячи: «Ёзда қуёш нур сочади, майин ва илиқ шамол эсади. У шундай эсади: ффф...Қишида совуқ бўлиб, кучли шамол эсади, у шундай овоз чиқаради: ввв...». Тарбиячи дастлаб болаларга майин шамол қандай эсишини, сўнгра эса, кучли шамол қандай эсишини кўрсатиб беришни таклиф қиласди.

Сўнгра тарбиячи «ф» товушини, кейин - «в» товушини давомли талаффуз қиласди, болалар эса қайси фасл эканлигини, яъни қиши ёки ёзлигини аниқлашлари лозим.

Методик кўрсатмалар. Болалар «ф» ва «в» товушларини бир нафасда тўғри ва давомли талаффуз қилишларини назорат

қилинг. «Ф» ва «в» товушларини талаффуз қилишда пастки лаб юқори қатордаги тишилар билан бирга дарча ҳосил қилиши ва ундан ҳаво чиқишини, айни пайтда «ф»ни талаффуз қилишда ҳаво секин чиқиши, «в» товушини айтишда эса кучли босим остида чиқишини күрсатинг.

2-ши тури.

Мақсад. Сўзларда «ф» ва «в» товушларининг фарқланишига, ушбу товушлар қатнашадиган сўзларнинг аниқ талаффуз қилинишига эришиш. Фонематик тинглаш қобилиятини ривожлантириш. *«Коптокни узат».*

Мазмуни. Болалар доира ҳосил қиласидилар. Копток тарбиячидаги турибди. Болаларга коптокни бир-бирига узатишда «в» ёки «ф» товушини айтиш вазифаси кўйилади. Коптокни олаётган бола эса ушбу товушлардан бири иштирок этадиган сўзни айтиши зарур.

Методик кўрсатмалар. Ўйинларни ўтказишида болаларга зарур сўзларни эсга олишлари учун вақт бериш зарур.

3-ши тури.

Мақсад. Болаларга иборали нутқда «в» ва «ф» товушларини аралаштириб юбормасдан, тўғри талаффуз қилишни ўргатиш.

«Кимга нимани бериш керак?»

Мазмуни. Тарбиячи болаларга ўғил болалар ва қизларнинг «ф» ёки «в» товуши иштирок этадиган исмларини айтишни таклиф қиласиди. Сўнгра у дейди: «Валида ва Фаррух хонани йиғиштирмоқдалар. Валида номида «в» товуши иштирок этадиган нарсаларни йиғиштиради, Фарруҳ эса номида «ф» товуши қатнашадиган нарсаларни йиғиштиради». Тарбиячи болаларга «в» ёки «ф» товушли нарсалар тасвирланган суратларни тарқатади (ваза, кофта, фартук, самовар ва ҳ.к.). Ҳар бир бола нарсанинг номини айтади ва уни ким олиши лозимлигини айтади. Масалан: «Менинг суратимда кофта тасвирланган. Кофтани Фарруҳ олади».

Методик кўрсатмалар: Болаларнинг «в» ва «ф» товушли суратларни тўғри танлашларини ҳамда сўзларни аниқ ва баланд овозда айтишларини назорат қилинг.

РЕЗЮМЕ

• «Нутқ маданияти» атамаси күп қирралидир: 1-уни көнг маңнода тушуниш мүмкін, бунда у «нутқ маданияти» синонимига эга бұлади (бу үрінде у намунашын хұсніхат матнларини ва умуман олғанда, тил тизимининг потенциал хусусиятларини күзде тутади); 2-тор маңнода, нутқ маданияти - бу қундалик, оғзаки ва ёзма муроқот шароитида тил хусусиятлари ҳамда имкониятларини аниқ юзага чиқаришидір; 3-нұтқ маданияти - бу мустақил лингвистика фанидір.

• Нутқ маданияти - оғзаки ва ёзма адабий нутқ меъёрларини (талаффуз, ургу, грамматика, сұзни құллаш қоидалари ва бошқ.), шунингдек нутқ мақсади ва таркибига мувофиқ ҳолда тил воситаларидан фойдалана олиш қобилиятыні үзлаштириш.

• Лингвистик адабиётларда одатда, адабий тилни үзлаштиришнинг иккі босқичи ҳақида, яғни: нутқнинг түғрилиги ва нутқий маҳорат ҳақида айтиш қабул қилинган.

• Мактабгача ёшда нутқда товуш маданиятини тарбиялаш вазифаси бу - болаларда сұздаги товушларни соғ ва тушунарлы қилиб талаффуз этишни, сұзларни ўзбек тили орфоэпияси меъёрларига мувофиқ ҳолда түғри талаффуз қилишни, аниқ талаффуз қилишни (яхши дикция) ҳамда нутқ ифодалилігіні тарбиялашдан иборат.

• Болаларнинг товуш артикуляциясини үзлаштириш жараёни анча давомли бўлиб, у 5-7 йилга чўзилади.

• Агарда болаларга ўз вақтида ва мунтазам равиша үргатиласа улар ҳеч бир қийинчиліксиз барча просодемаларни (интонацияларни) үзлаштириб олишлари мүмкін.

• Интонацияларнинг 6 та тури мавжуд: санаш интонацияси, қарама-қарши қўйиш, чақириш, огоҳлантириш (ёки иккі нұқта), кириш, ажратиб қўйиш.

• Ўзбек тилининг фонетик ва фонологик воситаларидан равон нутқда бир вақтнинг ўзида фойдаланилмоқда.

• Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш нутқнинг бошқа жиҳатларини ҳам, яғни: луғат, равон, грамматик түғри нутқни ривожлантириш билан бир вақтда амалга оширилади.

• Нутқий ривожлантиришнинг дастлабки босқичида тинглаш қобилиятига алоҳида үрин берилади (гарчи асосий

мазмун юки юқори товушни тинглай олиш қобилияти зиммасига түшсә ҳам).

• Яхши ривожлантирилган нутқни тинглаш қобилияти она тилининг барча товушларини аниқ, тушунарли ва түғри талаффуз қилинишини таъминлайди, сўзни талаффуз қилиш баландлигини тўгри бошқара олиш, оҳиста суръатда, интонацион ифодали сўзлаш имкониятини беради.

• Артикуляция аппарати органларининг яхши ҳаракатчанлиги, яхши тинглаш қобилияти боланинг товуш талаффузидаги нуқсонларни бартараф этиш имконини беради.

• Тўғри нутқий нафас олиш нормал товуш вужудга келишини таъминлайди, тегишли нутқ баландлигига, пазуаларга аниқ риоя қилишини таъминлаш, нутқнинг бир текислигини ва интонацион ифодалиликни сақлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

• Овоз сифати нафас олиш, овоз ва артикуляция аппаратларининг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ бўлади.

• Мактабгача ёш она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилишини шакллантириш учун энг қулай давр ҳисобланади. 7 ёшгача бола она тилининг барча товушларини адабий тил меъёларига мувофиқ ҳолда талаффуз қилишини ўрганиб олиши шарт.

• Дикция (товушлар, сўзлар, ибораларни тўғри талаффуз қилиш) артикуляция аппарати фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан бир вақтда аста-секин шакллантирилади.

• Педагог (бола атрофидаги катталар) болаларнинг адабий талаффуз меъёларига риоя қилишлари устидан доимий назоратни амалга оширишлари, барча хатоликларни тўғри талаффуз намуналарини кўрсатган ҳолда бартараф этишлари лозим.

• Мактабгача ёшда барча болаларда сўзлар анча тиниқ талаффуз этиладиган оҳиста нутқ суръатини шакллантириш даркор.

• Интонация - бу жаранглаётган нутққа оид барча ифода воситаларининг мураккаб мажмуи бўлиб, унинг ёрдамида мулоқот жараёнида фикрлар ва ифодаларни, шунингдек эмоционал-ирода муносабатларини аниқлаштириш амалга оширилади.

• Болалар нутқининг интонацион ифодалилиги устидаги ишлар асосан тақлид йўли билан амалга оширилади.

• Нутқни ривожлантиришнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нутқнинг товуш маданиятини шакллантириши 3 та босқичга бўлиш мумкин: 1-босқич - 1 йилу 6 ойдан 3 ёшгача; 2-босқич - 3 ёшдан 5 ёшгача; 3-босқич - 5 ёшдан 7 ёшгача.

• 1-босқичда нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш катталарнинг болалар билан мунтазам мулоқоти орқали амалга оширилади. Асосий вазифа -тинглаш қобилиятини доимий равишда ривожлантириб бориш, артикуляция аппарати органларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат. Бунда ҳар хил товуш тақлидларини ўзида жамлаган ўйинлар, шеърлар, қўшиқлар, ҳикоялардан фойдаланиш мумкин.

• 2-босқичда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш товуш талаффузига доир ишларни олиб бориш жараёнида амалга оширилади. Асосий вазифа -болаларда фонематик тинглаш ва она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилиш, сўзлар ва ибораларни аниқ ҳамда тушунарли қилиб талаффуз этиш; овоз баландлигини вазиятдан келиб чиқсан ҳолда бошқариш қобилиятини тарбиялаш, сўзларни улардаги ургуларга аниқ риоя қилган ҳолда тўғри ва аниқ талаффуз қилишдан иборат. Айни пайтда товуш тақлидидан фойдаланиш даркор. Она тилидаги барча товушларни машқ қилиш навбати билан бир-бирини алмаштирувчи тўртта турни кўзда тутади: артикуляция аппарати органларини тайёрлаш, ажратилган товушни талаффуз қилишни аниқлаштириш ва ушбу товушни бошқалари ичидан ажратса олиш, иборали нутқда товушни тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш.

• 3-босқичда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашни болалар томонидан кўп ҳолларда аралаштириб юбориладиган товушларни (шувилловчи, хуштаксимон, жарангли, жарангсиз ва бошқ.) табақалаштиришга доир ишлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш лозим. Бунда асосий вазифа нутқий тинглашни янада такомиллаштириш, аниқ, тўғри, интонацион ифодали нутқ кўнікмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

• Табақалаштириш ажратиб қўйилган товушлар бўйича ҳам ва айни пайтда сўзлар ҳамда иборали нутқлар бўйича ҳам амалга оширилади. Бу эса бир вақтнинг ўзида болаларда

нүтқий нафас олиш, дикция, интонацион ифодалилық, яъни нутқ товуш маданиятининг барча қирраларини такомиллаштириш имконини беради.

• Ҳар қандай товуш жуфтлигини табақалаштириш уч турдаги ишни амалга оширишни кўзда тутади: ажратиб қўйилган товушларни табақалаштириш; сўзларда товушларни табақалаштириш; нутқда товушларни табақалаштириш.

• Товушларни табақалаштириш учун материалларни шеърлар, ҳикоялар, тез айтишлар орқали бериш ва бир вақтнинг ўзида болалар билан нутқ суръати, дикция, овоздан тўғри фойдалана олиш, сўзларни адабий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда талаффуз қилишни машқ қилиш лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- «Нутқ маданияти» атамаси нимани англатади?
 - Мактабгача таълим муассасасида нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш борасидаги вазифаларни аниқ мисоллар орқали тушунтириб беринг.
 - Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ишларнинг қайси бўлимларини биласиз?
 - Болаларнинг нутқни тинглаш қобилиятини ривожлантиришга доир ишлар мазмунини аниқ мисоллар ёрдамида тавсифлаб беринг.
 - Артикуляция аппарати ҳаракатчанлигини қандай қилиб ривожлантириш мумкин?
 - Нутқий нафас олишни ривожлантириш борасидаги ишлар нутқ учун қандай аҳамиятга эга? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
 - Овоз устидаги ишларни қандай амалга ошириш лозим?
 - Она тилининг барча товушларини тўғри талаффуз қилиш қандай аҳамиятга эга? Ўз жавобингизни аниқ мисоллар ёрдамида асосланг.
 - Дикция устидаги ишларни қандай қилиб амалга ошириш лозим?
 - Орфоэпия устидаги ишлар нимани англатади?
 - Болалар билан нутқ суръатига доир ишларни амалга ошириш шартми? Қайси мақсадда ва қандай қилиб?
 - Нутқнинг интонацион ифодалилиги нимани англатади?
- У мулоқотда қандай аҳамиятга эга?

- 1-босқичда (1 йилу 6 ойдан 3 ёшгача) нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш жараёнида қайси метод ва усуллардан фойдаланиш лозим?
 - 2-босқичда (3 ёшдан 5 ёшгача) қўлланиладиган ишлар турларини тавсифлаб беринг.
 - 3-босқичда (5 ёшдан 7 ёшгача) нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришга доир ишлар мазмуни ва методини тавсифланг.
- Нутқнинг товуш маданияти кўникмаларини амалиётда қандай қилиб тарбиялаш лозим?

ХІІІ-МАВЗУ. БОЛАЛАРНИ БАДИЙ АДАБИЁТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда болалар бадиий адабиётининг аҳамияти

Илк ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш

Мактабгача кичик ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш

Мактабгача катта ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш

Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда болалар бадиий адабиётининг аҳамияти

Бадиий адабиёт болаларни ақлан, аҳлоқан ва эстетик тарбиялашнинг қудратли, таъсирчан қурули сифатида хизмат қиласди, у бола нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

Шеърий образларда бадиий адабиёт жамият ва табиат ҳаётини, инсоний ҳис-туйғулар ва ўзаро муносабатлар оламини очиб беради ҳамда тушунтиради. Бу намуналар ўз тасъир кучига кўра турлича бўлади: ҳикояларда болалар сўзларнинг лўндалиги ва аниқлигини билиб оладилар; шеърларда ўзбекча нутқнинг мусиқийлигини, оҳангдорлигини илғайдилар; халқ эртаклари улар олдида тилнинг аниқлиги ва ифодалилигини намоён қиласди, она тилидаги нутқнинг юмор, жонли ва образли таққослашлар, ифодаларга қанчалик бойлигини кўрсатади.

Болалар бадиий асарлар қаҳрамонларига қайғуришини ўрганганларидан сўнг улар яқинлари ва атрофдаги одамлар кайфиятини пайқай бошлайдилар. Уларда инсонпарварлик ҳис-туйғулати - бирорнинг дардига шерик бўлиш, яхшилик қилиш, адолатсизликка нисбатан қаршилик кўрсатиш қобилияти уйғона бошлайди. Бу принципиаллик, ҳалоллик, ҳақиқий фуқаролик ҳислари тарбияланадиган пойdevордир. Ҳис-туйғулар билимдан олдин келади; кимки ҳақиқатни ҳис қилмаган бўлса, у буни тушунмаган ва танимагандир.

Халқ - болаларнинг бетакрор ўқитувчисидир. Халқ асарларидан бошқа ҳеч қайси асарларда қийин талаффуз қилинадиган товушларнинг бундай қойилмақом қилиб

жойлаштирилишини, жарангига кўра бир-биридан зўрға фарқ қиласидиган сўзларнинг ҳайрон қоларли даражада ёнма-ён терилишини учратиш қийин. Беозор ҳазиллар, нозик юмор, саноқ шеърлар – педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси, дангасалик, кўрқоқлик, ўжарлик, инжиқлик, фақат ўзини ўйлаш (эгоизм)каби хислатларга қарши яхшигина «малҳамдир».

Эртаклар оламига саёҳат болалар тасаввурини, уларнинг хаёлот оламини, фантазиясини ривожлантиради. Энг яхши адабий намуналар асосида инсонпарварлик руҳида тарбияланган болалар ўз ҳикояларида ва эртакларида мазлумлар ва заифларни ҳимоя қилиш, ёмонларни жазолаш орқали ўзларининг адолатпарварлигини намоён қиласидилар.

Ва албатта болалар эстетик, айниқса ахлоқий тасаввурларни катталарнинг (ота-оналар, педагоглар) ўқиб чиқилган асарлар бўйича насиҳатнамо мулоҳазаларидан, тайёрланган саволларга жавоб беришдан эмас, балки айнан бадиий асарлардан олишлари лозим. Ўқиб чиқилган асар бўйича ҳаддан ташқари кўп насиҳат қилиш катта, кўпинча эса тузатиб бўлмас зиён етказади: майда-чўйда саволлар билан «сошиб ташланган» асар болалар кўз ўнгига ўзининг барча жозибадорлигини йўқотади, оқибатда унга нисбатан болаларнинг ҳам қизиқиши йўқолади. Шунинг учун бадиий матнинг тарбия имкониятларига тўлиқ таяниш зарур.

К.Д.Ушинский шундай ёзди; «Бола она тилини ўрганар экан, у фақат шартли товушларнигина ўрганмайди. Балки она тилининг она қўкрагидан маънавий ҳаёт ва кучни ҳам эмади. У болага табиатни шундай тушунтирадики, бошқа ҳеч бир табиатшунос бунга қодир эмас, у атрофдаги одамлар характери, у яшаётган жамият, унинг тарихи ва интилишларини шундай таништирадики, бошқа ҳеч қандай тарихчи бунга қодир эмас; У болани ҳалқ удумлари, ҳалқ шеъриятига шундай олиб кирадики, бошқа ҳеч бир эстетик бунга қодир эмас, ниҳоят у болага шундай мантиқий тушунчалар ва фалсафий қарашларни берадики, адбатта, бошқа бирон-бир файласуф бунга қодир эмас»¹. Буюк педагогнинг ушбу сўзларida нафақат она тилини ўзлаштириш натижалари, балки уни ўрганиш методи: «нафақат кўп нарсани ўргатадиган, балки ҳайрон қоларли даражада

¹ Ушинский К.Д. Избранные педагогические сочинения. Т., М., 1974, 148-бет.

осон, қандайдир етишиб бўлмайдиган метод асосида ўқитадиган»¹ ўқитувчи тилига ишонч кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, она тилидаги муайян бадиий асарни эгаллашда болаларга ёрдам берар экан, педагог ҳар томонлама тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради.

Мактабгача даврдаги ҳар бир ёш босқичи ўзининг нутқий ривожлантириш вазифаларини қўяди. Ёши ўсиб бориши билан адабий асарларни қабул қилиш даражаси ҳам ортиб бориши туфайли улар аста-секин мураккаблаштирилиб борилади. Болаларда шеър тинглай олиш қобилияти ривожланади. Шундан келиб чиқсан ҳолда катталар болаларнинг ёш имкониятларини билишлари зарур.

Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар бир ёш босқичида болалар бадиий адабиёти билан таништириб бориш масалаларини кўриб чиқамиз.

Илк ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш

Илк ёшдаги болаларнинг бадиий асарларни қабул қилишининг асоси - бу уларга нисбатан эмоционал жавоб, турли хил оҳангларни илғаб олиш, уларга муносабат билдириш, имконият даражасидаги адабий асарлар қаҳрамонларини таниб олиш ва улар ҳақида қайгуришdir.

Ушбу ёшдаги болалар учун кичик шаклдаги шеърият, яъни: фольклор ва муаллифлик шеърияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бош қаҳрамонлари болалар, ҳайвонлар бўлган, ўйинли ва майший вазиятлар баён қилинган асарлар болаларга жуда қизиқарлидир.

Бола катталар билан биргаликда маталлар ва саноқ шеърлар сюжетлари асосида иштиёқ билан ўйинлар ташкил қиласи, у товуш тақлидига ва фольклор йўналишидаги бир маромдаги такрорлашларга қулоқ тутади ҳамда уларга тақлид қиласи.

Бола адабий асарларда баён қилинган воқеаларни жуда жiddий қабул қиласи. Ўзига ёқиб қолган эртакни бир неча марта эшлишига ҳам тайёр. Унинг қаҳрамонларини иллюстрациялар ва ўйинчоқларда хурсанд бўлиб таниб олади, ҳар гал эртакнинг баҳти якунини берилиб кутгани ҳолда

¹ Ўша жойда, 149-бет.

сюжет ҳаракатларининг одатдаги кетма-кетлигини синчковлик билан кузатиб боради.

Кичкинтойларга мұлжалланган бадий асарлар сони унчалик күп эмас. Шунинг учун улар күп марталаб тақрор жаранглаши, боланинг кундалиқ ҳаётига кириб бориши ва унда бадий асарни ҳис қилишнинг бирламчи асосларини ривожлантириши лозим.

Илк ёшдаги болаларга ўқиб бериладиган асарлар доирасини асосан фольклор асарлари ташкил қиласы. Улар эңг яхши тарзда ilk ёшдаги болалар эхтиёжларига мос келади, чунки, у сүз, оҳанг, мусиқа ва ҳаракатни ўзида жамлагандыр. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги халқ әртаклари билан танишадылар: «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Уйча», «Чипор товуқ» ва бошқ.

Мактабгача таълим муассасалари ва ота-оналарнинг вазифалари:

- Болага сүз санъати оламини очиш, китобга қизиқиши ва меҳрни, уни тинглаш ва тушунишни, хаёлий воқеаларга эмоционал муносабат билдиришни, қаҳрамонлар ҳақида қайтуриш ва «уларга ёрдамлашиш» ҳиссини тарбиялаш, яъни болаларни бадий ривожлантириш, уларни бұлажак китобхон сифатида шакллантириш;
- Ҳикояни тинглаш ва тенгдошлари билан биргаликда билиш малакасини ҳосил қилиш;
- Болаларга саноқ шеър матнига мос келувчи ўйин ҳаракатларини бажаришни ўргатиш;
- Болаларда халқ асарлари, шеърлар, қўшиқлар оҳангдорлиги ва мусиқийлигига нисбатан эмоционал муносабат билдиришни тарбиялаш;
- Болаларга адабий асарлар күп марталаб ўқилганида ва ҳикоя қилинганида уларнинг қаҳрамонларини таниб олишда ёрдамлашиш;
- Боланинг шеърлар ва әртаклардан айрим сўзлар хамда ифодаларни тақрорлашга рагбатлантириш;
- Иллюстрацияларни кўздан кечиришни, улардан адабий асарлар қаҳрамонларини таниб олишни ва иллюстрация мазмуни бўйича оддий саволларга жавоб беришни ўргатиш (Ким бу? Қўённинг қулоқлари қани? У нима қилаяпти? Сичқон қани? ва ҳ.к.).

- Болаларга дастлаб күргазмали асосда (суратлар, ўйинчоқлар, ҳаракатлар), сұнгра эса күргазмасиз тақдим қилинаётган қисқа шеърлар, саноқ шеърлар, әртаклардаги ҳаракатлар ривожини кузатып боришни ўргатиши;

- Болани илк ёшдаги болалар учун маҳсус чоп этилған (ранг-баранг, йирик суратли, муқоваси қаттиқ ва ювиладиган) китоблардан мустақил равиша фойдаланишга ундаш.

Ушбу вазифаларни амалға ошириш болаларда адабий асарларни эстетик қабул қилиш қобилияты ва маҳоратини тарбиялаш, уларда бадиий-нутқий фаолиятни ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Илк ёшдаги болалар билан педагогик ишлар мазмуни ва шартлари қандай бўлмоғи лозим?

Тарбиячининг бадиий асарни ўқиши ёки ҳикоя қилиш жараёнинга у худди ана шу воқеалар томошабини ёки иштирокчиси сифатида эмоционал тарзда қўшилиб кетиши болалар билан педагогик ишларни олиб боришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Айнан бир асарнинг ўзи кўп марта такрорланиши лозим: тарбиячи суратли китобдан «Шолғом» эртагини ўқиши, сұнгра уни китобсиз ҳикоя қилиб беради, ўйинчоқлар билан кўрсатади, гуруҳга бошқа рассом томонидан ишланган иллюстрацияларни олиб келади, болалар билан биргаликда ўқиши ва ҳикоя қиласди.

Катталар бадиий сўзни боланинг кундалик ҳаётига доимий равиша киритиб боришлари (Ухла, қарорим менинг), боланинг ўз исмини у ёки бу ўйин ёхуд маиший вазиятга мос келувчи халқ қўшигига қўшиб айтишлари лозим (Аллаю-алла, Гулнор қизим ухласин, алла ва ҳ.к.).

Тарбиячи (катгалар) болалар билан биргаликда таниш ва нотаниш китоблардаги иллюстрацияларни қўздан кечириши, болаларни таниш асарлар, иллюстрациялар ва ўйинчоқлар қаҳрамонларини таниб олишга, қаҳрамон исми ва унинг ҳаракатлари номини айтишга, шунингдек бадиий матннинг айrim ифодали қисмларини айтиб беришга («Қочиб кетдим бобомдан, қочиб кетдим момомдан...») ундаши даркор.

Айниқса, 4-5 нафар боладан иборат бўлган кичик гуруҳлар билан китобларни кўриб чиқиши ва ўқиши, шунингдек, ҳар бир боланинг таңлаб олинган ва гуруҳда сақланаётган китоблардан эркин фойдаланиши учун тегишли шароит яратилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Болаларга барча нотаниш сўзлар маъносини дарҳол тушунтириб беришга, хусусан образли тавсифлаш ёхуд у ёки бу эртакдан келиб чиқадиган маънони ўз сўзлари билан айтиб беришга интилмаслик зарур.

Илк ёшдаги болаларга бадиий адабиётни таништириш жараёнида уларда билиш ва нутқий қобилиятларини ҳамда нисбатан тегишли муносабатни ривожлантириш зарур.

Билиши қобилияти: катталарнинг ҳикоя ёки китоб ўқишларини диққат билан тинглаш, таниш асарларни эсда сақлаб қолиш ва уни такрор тинглагандага эртак, ҳикоя, иллюстрация, ўйинчоқлар қаҳрамонларини таниб олиш, шеърлар қаторлари, кичик шаклдаги асарлар матнини эсда сақлаб қолиш.

Нутқий малака: асар, саноқ шеър, ўйинлар, қўшиқлар, шеърлар мазмунини сўз, имо-ишора, ҳаракат орқали тасвирлаш; сўзни ва таниш шеърлар қаторларини илиб олиш, уларнинг айримларини ёддан айтиб бериш;

Муносабат: бадиий асар билан учрашувдан курсандчиликни, эмоционал ҳамкорликдан қувончни ва биргаликдаги қайгуришларни ифодалаш. Тарбиячи болани катталар ва болалар билан биргаликда шеърлар, қўшиқлар айтишда иштирок этишга, товушлар, жарангдор қофия, сўзлар билан ўйнашдан завқ олишга ундейди.

Боланинг ўзлаштириши даражаси қўйидагиларда ифодаланади: Бола китоб тинглаш, ўйинда иштирок этиш ҳақидаги таклифга фаол жавоб беради. Унинг ўзи катталардан шеърлар, эртаклар ўқиб беришни илтимос қиласи. Қабул қилишга осон қўшиласи. Асар мазмунига оид саволларни диққат билан тинглайди ва уларга жавоб беради. Матнга мос ўйин ҳаракатларини бажаради. Тинглаган асарларнинг мазмунини билади, иллюстрацияларда таниш асар эпизодлари ва уларнинг қаҳрамонларини танийди. Ўқилган китобга нисбатан ёрқин муносабат билдиради; кулади, қувонади, йиглайди, қўшиқлар, саноқ шеърларни жўр бўлиб айтишда фаол иштирок этади.

Илк ёшдаги болаларда юқорида айтиб ўтилган билиш, нутқий қобилиятларни, бадиий асарга нисбатан муносабатни шакллантириш учун уларга бадиий асарларни таништириши методикасини билиш ва уни тўғри қўллай олиш зарур.

Кичик гуруҳдан бошлаб болаларга жанрларни фарқлашни ўргатиш лозим. Тарбиячи бадиий асар жанри номини албатта

айтиши даркор: «Мен сизларга эртак айтиб бераман», «Ҳикоя, шеър ўқиб бераман».

Жанрлар йўналишини, уларнинг хусусиятини чуқур тушуниш нисбатан катта ёшларда рўй беради. Илк ёшда эса болалар жанр номини эшитганлари ҳолда уни шунчаки эсда сақлаб қоладилар. «Лайлак билан тулки» - бу эртак, Й.Сулаймон ёзган «Бувим» - бу шеър.

«Мен сизларга шеър ҳикоя қилиб бераман», «эртак ўқиб бераман» каби нотўғри ифодалардан сақланиш лозим. Жанр номи аниқ ва тўгри берилиши зарур: эртак, ҳикоя, шеър. Эртак айтилади, ҳикоя ўқилади, шеър ўқилади ва ёд олинади.

Турли адабий жанрлар турлича усулда етказишни талаб қиласди. Илк ёшдаги болаларга эртакни китобдан ўқиб эмас, балки уни айтиб берган маъқул; бу эмоционал таъсирни кучайтиради, бу эса ўз навбатида эртакнинг асосий мазмунини тушунишга ёрдам беради. Катта ёшли одам китобга эмас, болаларга қараганида у худди ҳар бир бола билан сухбатлашгандек бўлади ва шу билан монологик нутқни эшитиш ҳамда тушунишдек муҳим қобилиятни тарбиялади.

Агарда эртак мазмуни унчалик катта бўлмаса, уни иккича марта ҳикоя қилиш ёки энг ёрқин жойларини такрорлаш мумкин. Уни айтиб бўлгандан сўнг болаларга шундай шароитни вужудга келтириш тавсия қилинадики, токи улар энг қизиқарли жиҳатларни эсга олиш ва уларни эртакдаги сўзлар билан такрорлашга мажбур бўлсин.

Педагог вазият ёрдамида болалар билан ҳалқ эртаклари қаҳрамонларининг қўшиқларини, қаҳрамонлар исмларини такрорлаш, образли сўзларни болалар онгига мустаҳкамлашни амалга оширади, ва улар буни ўз нутқларида қўллай бошлайдилар.

Мактабгача кичик ёшдаги болаларга ўқиб бериш учун унчалик катта бўлмаган ҳикоя ва шеърлар (Мирмуҳсиннинг «Олхўри», К. Абдуллаеванинг «Қуён» шеърлари) тавсия қилинади, булар кичик тингловчиларда ижобий эмоцияларни тарбиялашга ёрдам беради. Уларнинг боланинг шахсий тажрибасига яқин бўлган осон мазмуни оддий ва содда шаклда ифодаланган: қоғиялар ўхшаш, шеър қаторлари қисқа. Болалар уларни такрорлар экан, қаторларнинг жарангдорлигини, шеърнинг мусиқийлигини илғаб оладилар, уларни осон қабул қиласди. Сўнгра эса бутун шеърни эсда сақлаб қоладилар.

Болаларни илк ёшда күпроқ шеърлар үзига жалб қиласы, чунки улар аниқ қофиялари, оқангдорлиги ва мусиқийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Такрор үқишида болалар шеър мазмунини ўзлаштириб оладилар, қофия ва ритмни ҳис қиласылар, айрим сұзлар ва ифодаларни эсда сақлаб қоладилар ҳамда шу билан ўз нутқларини бойитадилар.

Ушбу ёшда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш катта аҳамиятга әгадир: шеър үқишида кичкінтойларға ҳар бир сұзни аниқ айтған ҳолда уларни шошмасдан талаффуз қилишни ўргатиш зарур. Болаларда қофияланыётган сұзларға үрғу бериш одати мавжуд, шунинг учун тарбиячи мантиқий үрғуларни тұғри қўйиши ва болаларнинг ҳам шеърни тұғри айтишларига эришиши лозим.

Мазмуни ҳар бир болага тушунарлы ва яқын бўлган эртак ҳамда шеърлар ўқиб бўлинганидан сўнг болаларга уларнинг шахсий ҳаётидаги ана шундай ҳолатларни эслатиб ўтиш мумкин. Бу саволларга жавоб берар экан, болалар ўз фикрларини фақат бир-иккита оддий гаплардан тузадилар, лекин бунинг ўзи энди келгусида равон нутқни ривожлантириш учун тайёргарликдир.

Кичкінтойларга кўп савол бермаслик лозим, одатда уларнинг асарни қандай тушунганликларини, қайси сұзларни эсда сақлаб қолганликларини ва ушбу мазмун болаларнинг шахсий тажрибаси билан қай даражада боғланишини аниқловчи икки-учта савол бериш кифоя.

Шеърий образлар яхши ўзлаштирилиши ва уннутилиб кетмаслиги учун йил мобайнида болаларга таниш ҳикоялар, шеърлар, айрим эртаклар ёки эртаклардан ритмик қаторларни такрор үқиш лозим.

Шеърлар ва эртакларни эсда сақлаб қолиш луғатни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун болаларнинг машғулот давомида эшилган сұзлари уларнинг фаол луғати таркибиға киришига интилиш зарур. Бунинг учун эса ушбу сұзларни турли кўринишларда тез-тез такрорлаш лозим, бўлмаса кичкінтой янги сұзларни шунчаки товушлар үйғунлиги сифатида қабул қиласы ва уларнинг маъносини тушуниб етмайди.

Тарбиячининг вазифаси - болаларга ўzlари айтаётган сұзлар маъносини тушунишни ўргатиш, уларни бошқа сұзлар билан биргаликда қандай қилиб қўллаш мумкинлигини

күрсатишдан иборатдир. Масалан, «Новвосча» шеърини (Новвос борар чайқалиб, ҳансирайди йўлида. Вой, тахта чайқалмоқда, мен ҳам йиқиламан-да.) ўқиб бўлгандан сўнг болаларга яна нималар чайқалишини кўрсатиш мумкин: новдада барг чайқалмокда, ипга боғланган соқقا чайқалмокда, аргимчоқда қиз чайқалмоқда ва ҳ.к.

Иш жараёнида бадий адабиёт билан таништиришга нисбатан шундай ёндашув тез-тез учрайдики, бунда педагог эртак ёки шеърни ифодали, эмоционал ўқиб беради ва шу билан «таништириш» ниҳоясига етади. Болалар балким, унинг маъносини тушуниб етар, лекин ўқиши уларнинг фикрларини ривожлантируйдайди, улар тинглаган асар мазмуни ва сўзлари тезда эсдан чиқиб кетади. Бунда меъёр ҳиссига амал қилиш жуда муҳим, аммо асар устида ишлаш, болалар эслаб қолган сўзлар ва ифодаларни такрорлашни давом эттириш жуда зарурдир.

Ҳар бир машғулотдан сўнг сўзларни такрорлаш, мустаҳкамлаш лозим. Уларни энг турли-туман кўринишларда талаффуз қилиш даркор, фақат шундагина болалар она тили лугати ва тузилишини ўзлаштирадилар, уларнинг фаол лугати кенгаяди, улар бу сўзларни ўз нутқларида қўллай бошлайдилар.

Айниқса, грамматик тўғри нутқни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратегиши зарур. Бунда болаларнинг адабий асар мазмунидан келиб чиқиб саволларга жавоб беришида тўғри грамматик шаклдаги сўзлардан фойдаланишини кузатиб бориш лозим.

Шундай қилиб, бадий асар билан таништириш нутқни ҳар томонлама ривожлантиришга, яъни: товуш маданиятига, грамматик қаторга, лугатга таъсир кўрсатади. Илк ёшлардан бошлабоқ равон нутқни ривожлантириш пойдевори шакллантирилади. Бу нисбатан мураккаб асарларни қабул қилиш, нутқни янада ривожлантириш учун зарурдир.

Болаларга бадий адабиётларни таништириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида бола уч ёшга келиб адабий ривожланишнинг қўйидаги кўрсаткичларига эришади:

- Адабий асар борасида катталар билан мулоқот қилишдан завқ олади, уларни қизиқиб тинглайди;
- Унга айтиб берилаётган ёки ўқилаётган асарларни чалғимасдан, диққат билан тинглайди;

- Такрор тинглаганда таниш асарларни, иллюстрациялар ва ўйинчоқлардаги әртаклар, ұқоялар ва шеърлар қаҳрамонларини танийди;
- Асар (саноқ шеърлар, құшиклар, әртаклар) мазмунини сүз, ҳаракат, имо-ишора билан күрсатиб беради;
- Таниш шеърлардаги сүзлар ва қаторларни илиб олишга интилади;
- Кичкінтолайларга мұлжалланған китоблардаги иллюстрацияларни күздан кечиришга қызықиши билдиради.

Мактабгача кичик ёшдаги болаларни болалар бадий адабиёти билан таништириши

Мактабгача кичик ёшда оламга нисбатан эстетик мunoсabat қўп қиррали бўлади. Бу энди нафақат табиатга ва атрофни ўраб турган табиат мұхитига мunoсabat, балки инсонлар оламига – ўзига, яқинларига, тенгдошларига, бошқа кattаларга бўлган мunoсabat ҳамdir.

Бола ўз ташқи кўрининини, костюмини кўриш ва уларга баҳо беришни бошлайди; қўллари, юзи, кийимларининг тозалигига эътибор беради; тўғри ва озода овқатланишни ўрганади. У мuloқot ва одамлар борасида нима чиройлию, нима хунуклигини тушуна бошлайди. Моҳиятан ягона бўлган эстетик ва аҳлоқий мunoсabatлар муайян бола онгida ва хулқатворида бирлашади.

Мактабгача кичик ёшдаги бола санъатга, унинг бадий образларига ошно бўлиш, бадий фаолиятни эгаллаб олиш борасида кенг имкониятларга эгадир. У санъат образларини яхлит ва эмоционал қабул қилиши, уларнинг мазмунини оддий англаб етиши билан ажralиб туради. Чунончи, ёрқин ва ритмик марш мусиқасини тинглар экан, бола энг аввало, унинг кўтаринки кайфиятини қабул қиласи ва унинг муайян ҳаракат хусусияти билан алоқасини илғаб олади. Бадий қобилиятлар тизимида эмоционал мunoсabat билдириш ва сенсорлик қобилиятлари билан бир қаторда бадий фикрлаш ҳам қарор топади. У бадий образларни бир-бири билан таққослайди, уларни тегишли ҳаёт ҳодисалари билан қиёслайди ва ўзининг биринчи умумлаштиrmаларига келади.

Тўрт ёшга келиб болалар бадий матнни эмоционал ва яхлит қабул қилғанлари ҳолда уни тушунгандарларини нафақат нутқда (қайта ҳикоя қилиш, ёддан айтиб бериш, саволларга

жавоб бериш), балки предметли ва ўйинли вазиятларда ҳам ифодалайдилар. Улар икки-уч персонаж ёки ҳодисани ажратадилар, улар ўртасида алоқа ўрнатадилар ва шу тариқа асар сюжетини гавдалантирадилар. Тавсифлашни тақрорлаш кўпинча уларда кўпроқ қийинчилик туғдиради.

Бу ёшда адабий матнни қабул қилиш болаларнинг амалий ва ўйин фаолиятига яқин бўлган «ҳаракат»дан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий асар билан тўлақонли ҳамкорлик қилиш учун бола уни тинглаши, суратларни томоша қилиши, китобни қўллари билан ушлаб кўриши, ўйинчоклар билан ўйнаши, матннинг айрим қисмларини декламация қилиши ёки «бақириб айтиши», уларни муайян ҳаётий вазиятларда қўлланилишини аниқлаши лозим. Ушбу ёшда бадиий асарни қабул қилиш, ижрочилик ва ижодкорликни амалда чегаралаб бўлмайди.

Бола ҳаётининг бешинчى йилида бадиий матнни мазмун-моҳиятли ягоналик сифатида қабул қилиш механизмини шакллантириш бошланади. Болалар билан мулоқот жараёнида педагог энди бола ҳаракатлари ва фикрларининг қабул қилинган бадиий асарга қанчалик мос келиши ҳақида бевосита хуносалар чиқариши мумкин. Кўпчилик болалар матн мазмунини ёйиқ нутқий шаклларда баён қила олмайдилар, аммо уни суратлар, ўйинчоқлар билан ўйинли вазиятларда, катталар ва тенгдошлари билан диалогларда мос равища тушунишларини намойиш қиладилар.

Ушбу ёшда бошқача вазият ҳам юзага келиши мумкин – яъни, болалар тушунишда қийналган анча мураккаб матнни ёки унинг айрим қисмларини сўзлар билан айтиб берадилар.

Беш ёшларга келиб бадиий асарни эмоционал-яхлит қабул қилиш шунга олиб келадики, болалар сюжетнинг айрим образлари ва элементларини ажратганлари ҳолда улар билан «ўйнашни» бошлайдилар. Айни пайтда улар уни тўқиб тўлдирадилар, айрим лавҳаларни такомиллаштирадилар, ўз эртакларини, шу жумладан улар томонидан ажратилган адабий образларни тўқиидилар, бадиий асарлар асосида ўйин сюжетларини шакллантирадилар. Болалар нафақат у ёки бу адабий образларни ажратадилар, балки бадиий типажларни – ягона эмоционал-мазмун доминанти асосида умумлаштирма образларни яратганлари ҳолда уларни бирлаштирадилар.

Болалар адабий жанрларни фарқлай бошлайдилар: эртаклар, ҳикоялар, шеърлар; улар тилнинг ташбеҳлар,

таққослашлар, гипербода каби айрим ифода воситаларини күришга қодирдирлар; шеърий асар кайфиятни интонациялар ёрдамида ифодалаб беришлари мүмкін; юмор, лирика, тантана. Баёний матнларнинг анъанавий уч қисмли тузилмаси (кириш, ҳаракатнинг ривожланиши, якун) ва уларнинг стилистик воситалари (анъанавий кириш формуласи, эртак якуни, такрорлаш ва бошқ.) ҳақидаги тасаввурлар шаклдана бошлади.

Уч-тұрт ёшларда болалар адабий асарларни танлашға қодирдирлар: улар айрим адабий қаҳрамонларни биладилар ва севадилар, ўzlари учун муайян асарни ажратыб оладилар ва доимо уларни ўқиб бериш ёки айтиб беришни илтимос қиласылар; ўzlари ҳам ёқиб қолган шеърий матнларни күп марталаб такрорлайдылар. Беш ёшларға келиб айрим сюжетли ҳаракатлар ва персонажларни афзал күриш яққол сезила бошлади. Буларнинг барчаси беш ёшли боланинг анча бой адабий тажрибаси умумлаштирмалари хисобланади.

Мактабгача кичик ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобға олган ҳолда педагог уларни болалар бадий адабиёти билан таништиришда күйидаги ривожлантириш вазифаларини амалға ошириши лозим:

- Турли жанр ва мавзулардаги адабий асарларни – эртаклар, ҳикоялар, шеърларни, шеърий фольклорнинг кичик шаклларини тинглаш, уларнинг мазмунига эмоционал муносабат билдириш ва сюжетнинг ривожланишини кузатыб бориш қобилиятларини ривожлантириш;
- Болаларни айрим асарлар ва уларнинг айнан бир хил қаҳрамонлар билан бирлаштирилған цикллари билан таништириш;

• Тарбиячи билан биргаликда таниш асарларни ҳикоя қилиш, уларни түлиқ ёки қисман сақналаштиришга жалб қилиш;

• Болалар сұз ижодқорлығы, шеърий матнларнинг ўйинли ва юмористик вариациялари учун қулай шароит яратиши;

• Болаларнинг ўйин, тасвиrlаш фаолиятларини бадий образлар билан бойитиши;

• Китобга нисбатан эстетик маданият асари сиғатида асраб-авайлаш муносабатини шакллантириши. Иллюстрацияларни мустақил равишида ва такрор күриб чиқиши, айнан шу китобни такрор тинглаш истаги.

Мактабгача ёшдаги кичик болаларни болалар бадий адабиёти билан таништиришга доир ишларнинг мазмуни ва шарт-шароитлари масалаларини кўриб чиқамиз.

Ушбу ёшдаги болалар учун бадий адабиётнинг қуидаги жанрлари мақсадга мувофиқдир: фольорнинг кичик шакллари, прозаик ва шеърий эртаклар, ҳикоялар, шеърлар. Айни пайтда бола учун адабий образларнинг эмоционал жозибадорлиги қуидаги ҳоллардагина ортади: яни, агарда бадий мазмун унинг қабул қилиши учун имкон доирасида бўлса; бадий асар ёрқин ва ифодали тақдим этилса; бола бадий матн мазмунини ташқи ҳаракатларда ифодаласа; бадий асар асосида ўзи ҳам импровизация қилса.

Педогогик ишларни бир-бири билан узвий bogliq bülgan икки йўналишда олиб бориш лозим.

Биринчиси бадий асарни яхлит ва тугалланган эстетик обьект сифатида қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ. Болалар айнан бир асарга кўп марта дуч келадилар, тарбиячи уни такрор ўқииди, мазкур асарни саҳналаштиришни, диафильмлар ва видеофильмлар намойишини ташкил этади. Болалар шеърни ёддан ўқиидилар (яхлит ёки қисман), бунда улар ўқишининг ифодалилигини саҳналаштириш элементлари билан кучайтирадилар. Гуруҳда болаларга ёқиб қолган китобдан бемалол фойдаланиш мумкин бўлган шароитни яратиш зарур. Бунда тарбиячининг ўзига қандай китоблар ёқишини болаларга ҳаққоний билдириши жуда муҳимдир.

Иккинчи йўналиш айрим бадий образларни ўзгартириш ва бир нечта образларни синтез қилиш жараённида болаларда тасаввурни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратишни кўзда тутади. Бу асаларни ўхшашлик ёки қарама-қаршилик асосида гуруҳлаш, образларнинг улар фаолиятининг турли кўринишларида ривожлантириш туфайли амалга оширилиши мумкин.

Иллюстрация болага ҳаракат ривожини кузатиб бориш ва матнни тушуниш имконини берувчи асосий таянч воситалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан турли бадий усусларда ва техникаларда бажарилган юқори бадий аҳамиятли қизиқарли иллюстрациялардан фойдаланиш зарур. Бироқ, уч-тўрт ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли кўпинча шундай базият юзага келадики, бунда сурат

матнни безамайди, аксинча матн суратга жон бахш этади. Шунинг учун айрим асарлар боланинг тасаввурини, бадий нутқни тинглаш ва қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш учун албатта, кўриш таянчларисиз тақдим этилиши лозим. Айниқса, бу образлари юқори даражада ноаниқ бўлган ва образлари юқори даражада ифодали бўлган (фольклор шеърларининг кичик шакллари) асарларга тааллуқлидир.

Юқорида санаб ўтилган ривожлантириш вазифаларини амалга оширишда болаларда қуидаги қобилияtlар шакллантирилиши лозим:

Билиш қобилияти: катталарнинг китоб ўқиши ва ҳикоя қилишини диққатни жамлаган ҳолда тинглаш, чалғитмаслик, асарни охиригача эшитиш. Катталар ёрдамида матн мазмунини тушуниш, ундаги воқеалар тартибини белгилаш, қаҳрамонларнинг муаллиф сўзи билан яратилган энг ёрқин ҳатти-ҳаракатларини кўриш, уларни иллюстрациялардан таниб олиш.

Нутқий қобилият: ўқиган асардан олинган таассуротларини катталар ва тенгдошлари билан ўртоқлашиш. Таассуротлар, фикрлар, образларни сўзлар билан ифодалаш. Таниш эртакларни айтиб бериш, шеърларни ёддан айтиш, адабий сюжетларни саҳналаштиришда, саҳналаштирилган ўйинларда иштирок этиш.

Муносабат: болаларга ёрқин эмоционал муносабатлар, тасвиrlанган воқеалар ва қаҳрамонларга фаол қўмаклашиш ҳамда улар ҳақида қайгуриш хосдир. Болалар китоб, шеър ва ҳалқ қўшиқлари билан такроран учрашишга интиладилар. Улар доно фикр, ҳазил, қофиядош сўзлардан завқланадилар ва уларни эсда сақлаб қолишни ҳамда ўз нутқида қўллашни хоҳлайдилар.

Беш ёшга келиб бола:

- Ўзига ёққан нечта асарлар номларини айтиши; сенга қайси китоб ёқади? У нима ҳақида? Бу эртакда кимлар ҳақида ҳикоя қилинади? Бу эртакда яна кимлар бор? Улар нима қилдилар? Буларнинг барчаси қандай тугади? каби саволларга жавоб бера олиши мумкин;

- Суратларни ўзига таниш бўлган эртакдаги воқеалар ривожига қараб териб чиқиши мумкин. Агарда суратлар ичидан ортиқча персонажнинг сурати чиқса, бола уни четга олиб қўяди, бироқ педагог илтимосига кўра, агар ушбу

қаҳрамон ҳам эртакда иштироқ этса нима рўй берган бўлиши мумкинлигини ўйлаб топади;

- Ўзи хоҳлаган кичик шеър (овунмоқ) ёки ритмик ташкил этилган матнни (бўғирсоқ қўшифи, эртакнинг айрим лейтмотивлари) эмоционал тарзда айтиб бериши мумкин.

- Мустақил фаолиятда – ўйинда, расм чизишда ва бошқа кундалик вазиятларда адабий образлардан фойдаланади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш

Мактабгача катта ёшдаги болалар адабий асарларни қабул қилишларида ва тушунишларида уларга қўйидаги ҳолатлар хос бўлади:

- Қаҳрамонларга қайгуриш ва уларга ҳамдард бўлиш, шу туфайли бевосита ташқи ифодаланган эмоционалликнинг пасайиши;

- Воқеалар занжирини тиклаш ва асар ичида ҳамда асарлар ўртасида турли хил мазмунли алоқалар ўрнатиш қобилияти;

- Қаҳрамонларнинг ташқи ҳаракатларини кўриш ва қаҳрамонлар хулқ-авторидаги очиқ мотивларни тушуниш, уларнинг яшириш ниятлари маъносига ва ҳаракатларининг ноошкора мотивларига киришга уриниш;

- Ҳосил бўлган воқеа боланинг шахсий кундалик ҳаётидан ҳикоя эмас, балки кўпроқ эртакка ўхшаш бўлиши учун адабий вазиятни талқин қилиш ва ўзгартиришга уриниш;

- Жанр асоси (эртак, ҳикоя, шеър) ва мақбул мавзуларнинг (ҳайвонлар, сеҳргарлик кўринишлари, болалар ва бошқ.) пайдо бўлиши;

- Тилнинг айрим ифодали воситаларини пайқаш қобилиятининг пайдо бўлиши;

- Адабий асарларнинг характерли тузилмаси ва шакли ҳақидаги тасаввурларни ўз ижодида ифодалаш (композицияларнинг уч қисмлилиги, адабий қаҳрамонларнинг асосий ҳаракатлари ва бошқ.).

Беш-олти ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятлари – болаларнинг психологик ривожланишидаги иккита бир-бирига қарама-қарши тамойилларнинг бир-бирига зид бўлган

үйғунлигидан иборат. Бир томондан – болалар юқори ижодий салоҳияти билан ажралиб турадилар. Иккинчи томондан – беш-етти ёшли болаларнинг тақлидчиликка, меъёрийликка интилиши ҳаммага яхши маълум. Бола қоидаларни, ҳаракат усулларини ўзлаштиришга интилади ва у бунга қодирдир. Юқори баҳоланадиган натижаларга эришиш учун унда образли стереотиплар осон шаклланади ва улар болага адабий матнни талқин қилиш ҳамда уни тұғри тушуниш жараёнини осонлаштиради.

Бироқ, адабий қаҳрамонларни фақат «сўзда» тушуниш ва уларнинг ҳаракатини ахлоқ мөъёrlари нуқтаи-назаридан баҳолаш тасвирланаётган вазият маъносига кириб борилганликдан далолат бермайди. Бола «яшаб кўрадиган» зиддиятли вазиятларни гавдалантириш натижасидагина уларнинг бадиий образ ва муаллиф тоғасини тушуниши мумкин бўлади. Бу нафақат ахлоқий номувофиқликларга, балки универсал билиш муаммоларига ҳам тааллуклидир, зеро бадиий асарлар уларнинг кўп қиррали талқинларицир. Мактабгача ёшдаги болаларда бундай тушуниш кўпинча вербал эмас, балки образли ифодалангандир (танлов ҳаракатида, образли ҳаракатда, суратда, ўйин сюжетида, воқеаларни ўйлаб топишида ва бошқ.). Боланинг индивидуал хусусиятлари унинг фаолиятнинг репродуктив ёки ижодий турларини афзал кўришига ёрдам беради. Адабий асарлар мотивлари бўйича саҳналаштириш ўйинлари репродукция ва ижодкорликнинг эстетик имкониятларини ўзида бирлаштирган шакл ҳисобланади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш соҳасида педагоглар ва отоналар олдида қўйидаги вазифалар турибди:

- Болаларни юқори бадиий савиядаги адабиётларга ошно қилиш, уларда адабий-бадиий таассуротлар заҳирасини шакллантириш;
- Ифодали бадиий нутқни шакллантириш;
- Болаларга кичик прозаик матнлар мазмунини эмоционал ва ифодали тарзда етказиш ҳамда кичик шеърларни ёддан айтиб беришни ўргатиши. Маълум адабий асарларни саҳналаштиришда иштирок этиш.
- Болаларда адабий асарларнинг (хусусан, эртакларнинг) ўзига хос тузилмаси, типик персонажлар ва сюжетли-мавзули

бирликлари ҳамда уларни ижодий қўллаш усуллари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш;

- Асосини болаларнинг адабий образларни талқин қилиши ташкил қиласдиган тасаввур шаклларини ривожлантириш;

- Болаларда бадиий образнинг ривожланиши, ўзгариши, унинг кўп қирралилиги ва кўп томонлама боғлиқлиги ҳақидаги тезкор тасаввурларни шакллантириш;

- Болаларда адабиётларни индивидуал тарзда афзал қўришни ривожлантириш;

- Болаларнинг китобга нисбатан эстетик маданият асари сифатидаги муносабатини ривожлантириш, уларни қўлёзма китоблар ёзишга жалб қилиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этиш учун педагогик ишлар мазмуни ва шарт-шароитларини тўғри белгилаш зарур. Улар қандай бўлиши лозим?

Боланинг бадиий адабиёт билан ўзаро ҳамкорлиги унинг эстетик, билиш, ижтимоий ва нутқий ривожланиши имкониятларини амалга ошириш имконини беради. Бироқ шу билан бирга фаолиятнинг эстетик хусусиятлари бузилмаслиги лозим, болаларнинг имкониятлари эса схематизм ва тақлидчиликдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Ушбу мақсадда педагог куйидаги қатор усуллардан фойдаланиши лозим:

Болаларнинг дикқат-эътиборини алоҳида адабий асарнинг бадиий қимматига – шеърларнинг образли ифодалилигига, ҳикояда сюжетнинг кутилмаган ривожига қаратиш.

Боланинг адабий асарни ёки ўзи тўқиган асарини ижро этиши (гуруҳда қайта ҳикоя қилиш, якка тартибда ифодали ўқиш ва катталар билан диалогда ўқиш) учун эмоционал бойитилган ижро муҳитини яратиш. Бироқ, бадиий асар фақат сўз билан айтилмасдан, балки унинг айрим ёрқин жиҳатлари болалар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида саҳналаштирилиши, унга мусиқий ишлов берилиши, ҳаракатлар, суратлар, конструктив моделлар билан кўрсатилиши мумкин.

Педагог болаларга яхши маълум бўлган анъанавий (ҳайвонлар ва сеҳргарлар ҳақида) ҳалқ эртаклари ва ноанъанавий (болалар, табиат ҳодисалари, предметлар ҳақида)

замонавий муаллифлик эртаклари руҳида ўз эртакларини тўқишилари учун шароит яратиб бериши лозим; болаларни уларнинг ўз ҳаётларида юз берган қизиқарли воқеалар ҳақида ҳикоялар тузишга ундаш зарур.

Болаларнинг адабий асарларнинг ўзига хос тузилмаси ва типик персонажлари ҳақидаги тасаввурларидан фойдаланган ҳолда педагог ушбу элементлар асосида «Агарда бўлса, нима бўлар эди» тоифасидаги ижодий ўйинларни уюштириши лозим. Бундай ўйинларда типик қаҳрамонлар, сюжет элементлари эркин қўшилади, натижада гайриоддий ва кутилмаган бирималар вужудга келади.

Шунингдек, образга кутилмаган ва қарама-қарши йўналиш берувчи алоҳида сўзлар ва жаранглашлар билан ўтказиладиган ўйинлар ҳам муҳимдир. Педагог болаларнинг қоғия билан ўйинлари, сўз ижодкорлиги, шеърни давом эттириш ва шеър тўқиши, ташбеҳлар ва таққослашлар ўйлаб топишларига асосланган ўйинли ҳамда қулгили вазиятларини рағбатлантиради. Масалан, адабий асарлар персонажларининг характеристерини акс эттирувчи янги ифодали исмларни, ёки асарда образли тасвирланган нарсалар ва ҳодисалар учун янги номларни ўйлаб топиш.

Педагог болаларнинг нисбатан йирик ҳажмдаги адабий асарлар сюжетлари асосида ўйинли «хаёлотдаги оламни» яратишларига кўмаклашиши лозим. Масалан, йирик ҳажмдаги адабий асар (муаллифлик эртаги) билан таништиришда у гуруҳга ушбу эртакнинг «хаёлотдаги оламини» олиб кириши ва бир неча кун мобайнода (сайдра, ўйинларда) болалар билан биргаликда унинг ичидаги «яшаши» мумкин.

Эстетик қабул қилиш ва ижодкорликни ривожлантириш учун асарларни мавзусига қараб гуруҳлашдан фойдаланиш самаралидир. Бу болаларга турли асарларда тасвирланган образнинг вариативлигини ва унинг бир асар доирасида ривожланишини; айнан бир хил мавзу йўналишларини кўриб чиқишида контекстларни ўзgartириш, образли ифодалар турли шаклларининг ўзаро боғлиқлигини (сўз, ҳаракат, товуш, тасвир) намойиш қилиш имконини беради.

Шунингдек, қўйидаги шакллар ҳам мумкин: педагог болаларга асарлар гуруҳини таништиради ва улар асосида ишни болаларнинг очиқ турдаги универсал билиш муаммоларининг (тирик ва ўлик, яхшилик ва ёмонлик,

гўзалик ва хунуклик муаммолари) турлича образли ёчимларини қидиришларига йўналтиради. Равшанки, қидирув жараёнида муаммоларнинг ўзлари умумлаштирилган кўринишда шаклланмайди, балки фақат турли адабий образлар ва сюжетлар, шунингдек болаларнинг ўзлари томонидан вужудга келтириладиган вазиятларнинг биргаликдаги муҳокамаси рўй беради, холос.

Диалог – педагогик ишларнинг етакчи воситаси бўлиши лозим. Педагог болаларнинг адабий асар бўйича ижодий диалогда, муаммоли вазиятларни ҳал этишда иштирок этишлари учун шароит яратиши лозим. Болалар бирбирларини тўлдирганлари ҳолда адабий асар мазмунини биргаликда тасвирлайдилар, муҳокама жараёнига талқин элементлари ва таърифланган воқеаларни, адабий қаҳрамонларни ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларини баҳолашни олиб кирадилар. Диалогик муҳокама жараёнига педагог адабий мазмунни муаммолаштириш элементларини, яъни: талқинларнинг бир хил эмаслиги, очиқ турдаги саволларни қўйиш ва улар бўйича мулоҳаза юритишни (масалан, эртакни айтиб бўлгандан сўнг ундан нима қолади?) олиб кириши зарур.

Педагог ўз ишининг самарадорлигини нафақат болаларнинг машғулотларда ўзларини қандай тутишлари билан баҳолайди, балки у уларнинг эркин фаолиятдаги хулқатворини кузатади: адабий мавзудаги ўйин ва суратлар сюжетларини қайд этади, болаларнинг фикрларининг мазмунига, уларнинг мустақил сўз ижодкорлигига эътибор беради; болаларнинг китоблар билан ҳаракатларини – якка тартибда ёки биргаликда уни кўриб чиқишлиари, ўқишиларини рағбатлантиради. Педагог болалар саволларига жавоб беради ва уларга ёқиб қолган асарлар (дастурдаги ва дастурга киритилмаган) мазмuni бўйича улар билан якка тартибда сухбатлашади.

Педагог болаларнинг энг қизиқ фикрларини, уларнинг шахсий тажрибасига оид ҳикояларини, болалар томонидан ўйлаб топилган шеърлар ва эртакларни тўплаши лозим. Ушбу материаллар асосида болаларнинг ўзлари томонидан «китоб» яратиш ишларини уюштириш зарур. Бу болалар томонидан тўқилган эртаклар, шахсий тажрибага оид ҳикоялар, қўшиқлар, саноқ шеърларнинг болалар расмлари билан безатилган тўплами, қўлёзма журнали ва комикслари бўлиши мумкин.

Гурухда ўқиб чиқилган, болалар суратлари, вариантив сюжетлар, импровизациялар ва түқиб, охирига етказишдан иборат бўлган у ёки бу адабий асарлар мотивларига оид «китоблар» ҳам айнан шундай тарзда яратилиши мумкин.

Педагогнинг болаларга ўзининг қайси адабий асарларни ёқтиришини маълум қилиши, ўзининг бадиий таъби ва ақлий фаоллигини намойиш қилиши уларни ижодий ривожлантиришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Мактабгача катта ёшлаги болаларни бадиий адабиёт билан танишириш борасида тӯғри амалга оширилган ишлар натижасида етти ёшга келиб болада қўйидаги ривожланиш кўрсаткичлари шаклланиши лозим:

- Бола ўзига ёқсан бир нечта адабий асарлар номларини айтиши мумкин.

- Кичик шеър ёки шеърий асардан кичик парчани ифодали ўқиб бериши мумкин.

- Ўзи танлаган асарни мустақил равишда ёки педагог ёрдамида ҳикоя қилиб бериши ва қўйидаги саволларга жавоб бериши мумкин: у шунга ўхшаш бошқа асарларни ҳам биладими? Уларнинг ўхшашлиги нималардан иборат? (ўхшаш персонажлар, сюжет ҳаракатлари);

- Китобга қизиқиш пайдо бўлади: ўқилган китобларни мустақил равишда ва рақлаб чиқади, мазмунини айтиб ёки ўқиб беради, уйдан севимли китобларини келтиради.

- Эртак сюжетига мос тарзда қўшимча персонаж киритади, ушбу персонаж қўшиладиган вазиятларни түқиб, қўшиб қўяди.

- Яхлит эртак тўқиши мумкин, бунда у унинг эҳтимолий қаҳрамонларини тасвирлаш воситаларига таянади, айни пайтда эртакларга хос мазмун-мавзу бирлигидан, типик композициялар ва стилистик воситалар тўпламидан ҳам фойдаланади.

ХУЛОСАЛАР

- Бадиий адабиёт болаларни ҳар томонлама тарбия-лашнинг таъсирчан воситаси бўлиб, у улар нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан ҳисса қўшади.

• Бадиий адабиёт шеърий образлар орқали болага жамият, табиат ҳаёти, инсоний ҳис-туйгулар ва муносабатларни тушунишга ёрдам беради, эмоцияни бойигади.

• Бадиий адабиёт мактабгача ёшдаги болаларда инсонпарварлик ҳис-туйгуларини, ҳамдардлик, яхшилик, кичиклар, ота-оналар ва оиласнинг катта аъзоларига нисбатан ғамхўрлик кўрсатиш каби ҳиссиётларни шакллантиришга ёрдам беради.

• Болалар бадиий асарлардан эстетик ва ахлоқий тасаввур оладилар.

• Нозик юмор, саноқ шеърлар, ҳазил-хузулларни ўзида жамлаган ҳалқ асарлари дангасалик, қўрқоқлик, ўжарлик, инжиқлик, фақат ўзини ўйлаш (эгоизм) каби сифатларга нисбатан педагогик таъсир кўрсатишнинг объектив воситаси ҳисобланади.

• Болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништиришни уларнинг ёш имкониятлари, нутқий ривожланиши ва адабий асарларни қабул қила олиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш зарур.

• Илк ёшдаги болаларнинг (1-3 ёш) бадиий асарларни қабул қилишларининг асосини уларнинг бадиий асарларга нисбатан эмоционал муносабати, турли хил оҳангларни илгаб олиш, уларга муносабат билдириш, қаҳрамонларни таниш ва улар ҳақида қайгуриш қобилиятлари ташкил этади.

• Ушбу ёш босқичида мактабгача таълим муассасаси ва оиласнинг вазифаси – болаларни адабий ривожлантириш пойдеворини ҳозирлаш, уларни бўлажак ўқувчилар сифатида шакллантиришдан иборатdir.

• Катталарнинг (педагоглар, ота-оналар ва бошқ.) бадиий асарни ўқиш ёки ҳикоя қилиб бериш жараёнига эмоционал қўшилишлари илк ёшдаги болалар билан педагогик ишларни олиб боришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

• Илк ёшдаги болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш жараёнидаги уларда билиш ва нутқий қобилиятларни ҳамда унга нисбатан муносабатни ривожлантириш зарур.

• Мактабгача кичик ёшдаги бола (3-5 ёш) санъатга, унинг бадиий образларига ошно бўлиш, бадиий фаолиятни эгаллаш

борасида кенг имкониятларга эга бўлади. Бу ёшда эмоционал муносабат билдириш ва сенсор қобилияtlар билан бир қаторда бадий фикрлаш ҳам қарор топади.

• Беш ёшларга келиб бадий асарни эмоционал-яхлит қабул қилиш шунга олиб келадики, бола сюжетнинг айрим образлари ва элементларини ажратгани ҳолда улар билан «ўйнашни» бошлайди. Айни пайтда у уни тўқиб тўлдиради, айрим лавҳаларни такомиллаштиради, ўз эртакларини тўқииди, адабий жанрларни (эртак, ҳикоя, шеър) фарқлай бошлайди, тилнинг айрим ифодали воситаларини кўришга қодир.

• Мактабгача кичик ёшдаги болаларни болалар бадий адабиёти билан таниширишга оид педагогик ишларни икки йўналишда олиб бориш лозим. 1- бадий асарни яхлит ва тугалланган эстетик обьект сифатида қабул қилишни ташкил этиш билан. 2 – айрим бадий образларни ўзгартириш ва бир нечта образларни синтез қилиш жараёнида болаларда тасаввурни ривожлантериш учун зарур шароитлар яратиши.

• Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг (5-7 ёш) адабий асарларни қабул қилишларида ва тушунишларида уларда қаҳрамонларга қайгуриш ва ҳамдард бўлиш; воқеалар занжирини тиклаш ва асар ичидаги ҳамда асарлар ўртасида турли хил мазмунли алоқалар ўрнатиш; қаҳрамонлар хулқ-атворидаги очиқ мотивларни кўриш ва тушуниш қобилияtlари пайдо бўлади.

• Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг психологик ривожланишидаги икки қарама-қарши тамойилнинг зиддиятли бирикуви уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади: 1-юқори ижодий салоҳият, 2-тақлидчилик ва меъёрийликка интилиш.

• Мактабгача катта ёшдаги боланинг бадий асар билан ўзаро ҳамкорлиги унинг эстетик, билиш, ижтимоий ва нутқий ривожланиш потенциалини амалга ошириш имконини беради.

• Диалог – мактабгача катта ёшдаги болалар билан педагогик ишларнинг етакчи воситаси бўлиши лозим.

• Бадий адабиёт билан танишув нутқни ҳар томонлама ривожлантеришга, яъни: товуш маданиятига, грамматик тузилишига, луғатга, равон нутқга таъсир кўрсатади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- Болаларни ҳар томонлама тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?
 - Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда болалар бадиий адабиётнинг тутган ўрнини аниқ адабий мисоллар орқали тавсифлаб беринг.
 - Бир ёшгача бўлган болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш керакми? Нима учун шундай деб ўйлайсиз?
 - Болаларга жамият ва табиат ҳаёти, инсоний ҳистойгулар ва ўзаро муносабатлар оламини бадиий адабиётлар ёрдамида қандай қилиб тушунтириш мумкин?
 - Бадиий адабиёт асосида болаларда қандай ахлоқий сифатларни шакллантириш мумкин? Ўз жавобингизни болалар бадиий адабиётининг аниқ манбалари билан асосланг.
 - Илк ёшдаги болаларнинг болалар бадиий адабиётини қабул қилишининг ўзига хосликларини тавсифланг.
 - Мактабгача таълим муассасаси ва оила олдида илк ёшдаги болаларни адабий ривожлантириш соҳасида қандай асосий вазифалар турибди?
 - Илк ёшдаги болаларнинг болалар бадиий адабиётлари билан таништиришга доир педагогик ишлар мазмуни ва шартшароитларини тавсифлаб беринг.
 - Илк ёшдаги болаларда болалар бадиий адабиётига нисбатан қайси билиш ва нутқий қобилиятларини шакллантириш лозим?
 - Илк ёшдаги кичкентойнинг болаларни болалар бадиий адабиёти билан таништириш дастурини ўзлаштириш даражасини тавсифланг.
 - Бола ўз ҳаётининг учинчи йили охирига келиб адабий ривожланиш борасида қандай қўрсаткичларни қўлга киритади?
 - Мактабгача кичик ёшдаги болаларнинг ёш имкониятларини тавсифланг.
 - Мактабгача кичик ёшдаги болаларни адабий ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш учун мактабгача таълим муассасасида ва оилада қандай педагогик ишлар шароитини яратиш лозим?
 - Мактабгача кичик ёшдаги болаларни қайси асарлар билан таништириш тавсия этилади? Жанрлар: болалар фольклорининг

кичик шакллари, эртак (халқ ва муаллифлик эртаклари), шеърлар, ҳикоялар орқали тарбиялаш. «Учинчи мингийилликнинг боласи» таянч дастури асосида 3-5 ёшли болаларни ривожлантириш моҳиятини белгиланг.

- Бола 5 ёшга келиб адабий ривожланишнинг қандай кўрсаткичларига эга бўлади?
- Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг адабий асарларни қабул қилишлари ва улар бўйича мулоҳаза юритишларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
- Мактабгача ёшдаги катта болаларни адабий ривожлантириш вазифаларини сиз қандай тушунасиз, аниқ мисоллар орқали изоҳлаб беринг.
- Боланинг бадиий асар билан қачон, қаерда ва қандай ҳамкорлиги унга эстетик, билиш, ижтимоий ва нутқий ривожланиш борасидаги потенциалини амалга ошириш имконини беради?
- Мактабгача катта ёшдаги болаларни адабий ривожлантириш учун мактабгача таълим муассасасида ва оиласда қандай шароитлар яратиш зарур?
- Нима учун диалог мактабгача ёшдаги катта болалар билан педагогик иш олиб боришнинг етакчи воситаси бўлиши лозим?
- Педагогнинг болалар ижодий ривожланишига таъсирини тавсифлаб беринг.
- Мактабгача ёшдаги катта болаларнинг адабий ривожланиш кўрсаткичларини тавсифланг.

Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий ластури. Т., «Шарқ», 1997й.
2. Выготский Л.С. Мышление и речь. (Асарлар тұплами. З-жилд. М., 1982).
3. Гейзенберг В. Физика и философия. М., 1963.
4. Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. М., 1961.
5. Глинка Г.А. Развиваю мышление и речь. С-Петербург: Питер, 1998.
6. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. М., 1973.
7. Кадырова Р.М. Обучение детей дошкольного возраста русской разговорной речи в национальных детских садах Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 1992.
8. Кадырова Р.М. Обучение детей 5-6 лет диалогической речи на русском языке в детских садах Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 1992.
9. Кадырова Р.М. Формирования интернациональных и патриотических чувств у дошкольников и шестилеток-учащихся в процессе обучения им русской разговорной, речи. Номзодлик диссертацияси автореферати. Т., 1990.
10. Кадырова Ф.Р. Дидактические игры в обучении детей русской разговорной речи в узбекском детском саду. Номзодлик диссертацияси автореферати. Москва, 1988.
11. Кадырова Ф.Р. Дидактические игры для обучения детей русскому языку. Т., «Ўқитувчи», 1992.
12. Кальцова М.М. Двигательная активность и развитие функций мозга ребенка. Л., 1975.
13. Карпова С.Н. Осознание словесного состава речи детьми-дошкольниками. М., 1968.
14. Леонтьев А.А. Слова в речевой деятельности. М., 1965.
15. Негневицкая Е.И., Шахнорович А.М. Язык и дети. М., «Наука», 1985.
16. Никольская А.В. Обучение детей русской разговорной речи. Т., 1961.
17. Общение и речь: развитие речи у детей в общение со взрослыми (под редакцией М.И.Лисиной). М., «Педагогика», 1985.
18. Развитие речи детей дошкольного возраста (Ф.А.Сохин таҳрири остида). М., «Просвещение», 1984.
19. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. М., 1933.
20. Слобин Д. Психолингвистика. М., 1976.
21. Соловьева О.И. Методика развития речи и обучение родному языку в детском саду. М., «Просвещение», 1966.
22. Тихеева Е.И. Развитие речи детей. М., «Просвещение», 1981.
23. Усова А.П. Русское народное творчество в детском саду. З-чиқарилиш. М., 1972.

24. Флерина Е.А. Эстетическое воспитание дошкольников. М., 1961.
25. Чувашев И.В. Очерки по истории дошкольного воспитания в России. М., 1995.
26. Щерба Л.В. О троеком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкоизнании. Языковая система и речевая деятельность. М., 1974.
27. Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари. Сариоғоч, 1998.
28. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекча сўзлашишга ўргатиш. Т., «Ўқитувчи», 1997.
29. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўргатишнинг лингводидактик муаммолари. Ж., «Педагогик таълим», 2002, №2.
30. Қодирова Ф.Р, Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси. Т., «Сано-Стандарт» 2004.

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ МОҲИЯТИ, УНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ




Нутқни ривожлантириш методикаси – бошқа ҳар қандай педагогик фан каби ижтимоий фанлар сирасига киради. Тил ва фикрлаш ҳақидаги таълимот унинг методик асосини ташкил этади.

НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ



Нутқни ривожлантириши методикаси педагогик фан сифатида қуидагилар билан боғланган:



Лугат ишлари

Вазифалар

Лугатни бойитиш	Лугатни аниклаشتариш ва мустаҳкамлаш	Лугатни фаоллаشتариш
-----------------	---	----------------------

Методлар

Бевосита: - кузатиш - экспедиция - изучение из - кызыдан кечириши	Билвосита: - суратлар курсатиш - диафильмлар намойиш қилиш - ўқиш	- сұхбат - сураларни күріб чиқиш - диафильмларни намойиш қилиш - дидактика йүйнелар - ўқыш - балдий асарлар	- сюжетлы-ролли үйинелар - саңналаштыриш - маишият фольклоры - мемлекеттік нарсалар, үйин- чөктөр, үсімлік- тарни тасвифлаш якка тартыбыдағы сұхбатлар
---	--	---	---


Усуллар

- курсы, - номинальный айт, - саловат, - изохуташ, - тушилтириши, - топшымоктар, - шеълар, - қиеслаштар, - тарбиячи жақояси, - янги сұнни жүр бўлиб ва якка тартибда тақоридаш - сўзлар талқини - таснифлаш, - балдий асар ўқиш	- янги матдематиканы мәттүс қилиш, - күргазмали материаланы намойиш қилиш, - курсатма, - тарбиячининг умумлаштируви жақояси	- ўқиб чиқилганлар ҳақида сұхбатлашиш, - топшириклар, - сўзли дидактика йүйнелар, - үйин усуллари, - намуна
---	---	---


Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш

Нутқнинг товуш маданияти жаранглаётган нутқни тавсифловчи талаффуз сифатларини (товуш талаффузи, дикция ва ҳ.к.), нутқнинг товуш ифодалилиги элементларини (интонация, суръат ва бошқ), ифодалиликнинг у билан боғлиқ ҳаракат воситаларини (мимика, имо-ишоралар), нутқий мулоқот маданияти элементларини (сұхбат жараёнидаги оханг, қиёфа, имо-ишора), нутқнинг товуш маданиятининг таркибий компонентлари – нутқни тинглаш қобилияти ва нутқий нафас олишни ўз ичига олади.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир вазифалар



Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ишлар шакллари



Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ишлар тизими

I-босқич




2-босқың





Болаларда грамматик түгри нутқни шакллантиришга оид ишлар тизими

1-босқич



2-босқич





ОНА ТИЛИДАГИ БОҒЛАНИШЛИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ

Боғланишили нутқ – кишиларнинг ўзаро муроқоти ва бир-бирларини англашини таъминловчи маъноли кенгайтирилган муроҳаза

Боғланишили нутқ турлари

Диалог нутқ

Суҳбат – тикловчи,
Умумлаштирувчи
Айтиб бериш

Монологик нутқ

Айтиб бериш
Ҳикоя қилиш
Тўқишиш

Усуллар ва воситалар

Саволлар

Нутқий намуна
Нутқий мулоқот
топшириқли машқлар
Бадиий асарларни
саҳналаштириш
Ролли ўйинлар
Инсценировка – ўйин
Қўғирчоқ театри
Образлар номидан
сўзлаш

Таассуротлар асосида ҳикоя қилиниш

Ёддан айтиб бериш
Тасаввур асосида айтиб бериш
Тарбиячи бошлаган ҳикоянинг
болалар томонидан якунланиши
сюжет, вазият, ҳаракат
вариантларини айтиб бериш
Хатоларни тузатиш
Баҳолаш
Бадиий асарларни ўқишиш

Босмахонага 17.11.2006 й.да топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет усули.
21 босма табоқ. Адади 2000 нусха.

“Сано-Стандарт” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.